

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ  
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

**Муассислар:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот"  
жамғармаси

**Бош муҳаррир:**

**Собир ЎНАР**

**Бош муҳаррир муовинлари:**  
Абдукаюм ЙЎЛДОШЕВ  
Шодикул ҲАМРОЕВ

**Масъул котиб:**  
Турсун Бой МУҲАММАД

**Таҳрир хайъати:**  
Ҳотам АБДУРАИМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдул Фани ЖУМА  
Абдусайд КҮЧИМОВ  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Гоффор ҲОТАМОВ

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**  
Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Ҳамроқул АСҚАР  
Муҳаммад ИСМОИЛ  
Жамол КАМОЛ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Камол НОРҚОБИЛОВ  
Нурмат ОТАБЕКОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
ШУКРУЛЛО

**Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали**  
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририяти-  
нинг компютер марказида саҳифаланди.

**Саҳифаловчи:**  
Саодат ТўЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 1 (154) 1997 й.

**Муқоваларимизда:** 1-4-бетлар. Мусаввир  
Бахтиёр ТўРАЕВ асарларидан намуналар  
(Шу сондаги "Саҳнадаги камалак"  
мақоласига қаранг)  
3-бет. Гоффор ҲОТАМОВнинг  
"Янги ой чикан кеча" романига ишланган  
расм.

**МУНДАРИЖА:**

<b><u>ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁКАРАШ. ЁШЛАР.</u></b> Илҳом ТУРСУНОВ. Сўзингга харидор борми?..	3
<b><u>ҲОЗИРГИ ЁШЛАР</u></b> Улаш НУРМАНОВ. Янги дарсликлар керак...ми?	55
<b><u>НАСР</u></b> Гоффор ҲОТАМОВ. Янги ой чиққан кеча	6
<b><u>НАЗМ</u></b> Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА. Лоладай кетгайман қайғузорлардан	4
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД. Манзарани тинглаш мумкин бу ерда	16
Жумагул СУВОНОВА. Рухимда тирилдинг телбаи зорим...	39
Нормўмин ЭРКАБЕК. Осмонларга сиғмасман	47
Ҳамро БОНУ. Гул атридан макон ахтаринг	54
Илҳом АҲРОР. Йиғлама, ҳеч қачон йиғлама, гулим...	60
<b><u>ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР</u></b> ЧОРШАМЪ. Тўқсон икки бори ўзбек	40
<b><u>БИРИНЧИ УЧРАШУВ</u></b> Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА. Юракдаги илоҳий излар	
Фурқат МЕЛИ. Мен кимман онажон?..	
<b><u>АДАБИЙ САБОКЛАР</u></b> Нусратулло ЖУМАХЎЖА. Бир суруд бир эканким... Огаҳийда	4
<b><u>ЖАҲОН АДАБИЁТИ ХАЗИНАСИДАН</u></b> Хуан РУЛЬФО. Менинг отам. Ҳикоялар	44
<b><u>НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОХИБЛАРИ</u></b> Иосиф БРОДСКИЙ. "Ўлимгача севги устивор..."	49
<b><u>ИҲЧАМ ТУДКИКОТЛАР</u></b> Нишонбой ҲУСАНОВ. "...Одам ўғли бўл"	62
<b><u>ҚАЛБ МАНЗАРЛАРИ</u></b> Бахтиёр ТўРАЕВ. Саҳнадаги камалак	52
<b><u>КўНГИЛ ДАФТАРИ</u></b> Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ. Ютуқ ўзимизники, камчилик-чи?..	57
<b><u>САНЪАТ</u></b> Сунатулло АБДУРАСИЛОВ. Муштарак ёндошувлар	54
<b><u>МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ</u></b> ҲАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор	58

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл  
Неру, 1-уй Телефон: 33-40-83.

Босишга 20.01.97 рухсат берилди. Қоғоз формати  
60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2. Нашриёт  
ҳисоб тобоғи 12,0 Буюртма № 883

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан  
олинди деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа  
концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон  
кўчаси, 41-уй.

Илҳом ТУРСУНОВ



## СЎЗИНГГА ХАРИДОР БОРМИ?..

Бир замонлар донишманд бобомиз Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида ўғлига қарата: “Хар кишига сўз айтур бўлсанг қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил, йўқ эрса, ул сўзни кўйиб, шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин”.

Бу кўчирмани атайлаб келтиришимнинг боиси бор, албатта. Биз кейинги йилларда конституциямиз орқали эркинлиги мустақамлаб қўйилган матбуотимизда бўғик бир холни кўрамиз. Олий Мажлиснинг охириги икки сессиясидан муаллифлар ва журналистларга тааллуқли учта қонуннинг муҳокама бўлганини кўрдик. Сўз эгаларига эътибор шунчалик бўлар! Ахир ошқора сўз айтишга чуқур тахлилий шарҳларга эҳтиёж жуда кучайиб кетди-да. Газета-журналларимизда бир хиллик, айрича фикрлашдан холилик томир ота бошлади. Оқибатда шундай ҳолат юзага келдики, газеталардан фақат биттасини олсанг бўлди - қолган нашрлардан ҳам айнан шу бўлмаса-да, шунга ўхшаган расмий хабарларнинггина ўқишинг мумкин.

Хозирги замонда нима кўп - минбар кўп. Айтар сўзингни қай йўсиндадир, бемалол айтишинг мумкин, талаб битта: “сенинг сўзингга харидор бўлсин!” Бу нима дегани? Халқнинг дилидагини айт, дегани! Бизда эса, аксинча бўлаверди: ўқувчи зерикадимиз, сенинг ёзганингни ўқийдимиз, ўқишни хоҳлайдимиз-йўқми, бундан қатъи назар қуруқ таъкид, шаблончиликдан воз кечолмай қолдик.

Мустақилликка эришадиган кезларимиз, эсимда: айниқса, конституциямиз қабул қилинадиган вақтда унинг хар бир моддаси устида матбуотда қизгин баҳс юритиларди. Натижаси менингча жуда ижобий ҳал бўлди - ривожланган мамлакатларнинг ҳеч қайсисидан сира қолишмайдиган, етарли даражада мукамал сиёсий қомусимиз дунёга келди.

Мустақилликкача бўлган даврда ҳам мустақилликка бўлган эҳтиёж фикрни халқимиз онгига жонлантиришга улкан хисса қўшганлар ҳам журналистлар, шоиру ёзувчилар бўлдилар. Бу улкан хизматни баҳоламаслик асло мумкин эмас. Адабиёт ўз эрки, инон-ихтиёри билан иш тутади, яъни адабиёт бирор қонун, фармон ёхуд қарор билан ривожланиб ёки сустлашиб қолмайди. Журналистика эса - касб. Мазкур касбни ёзозлаш, унга садоқат шундан иборатки, виждон амри ила, фидойиларча қилинган ҳаракат натижасида ўз вақтида омманинг фикрига тез таъсир этадиган гапларни айта олиш зарур. Матбуот шундагина ўзини оқлайди.

Баъзан одам ҳайрон бўлиб қолсан: орада ўнлаб қонулар лойиҳалари матбуотда нашр этилаверадими-ю, на газетда, на телевидение, радиода унга муносабат, фикрни кўрмайсан.

Президентимиз бизда шарҳловчилар йўқми, деб кўп қуйинганини кўрдим. Ҳолбуки шарҳловчиларимиз оз эмас. Бирок улар минбарларда туриб айтаётган гаплар асосан фармон ва қарорларнинг тўғрилигини таъкидлашдан иборат бўлиб қолаётир. Бусиз ҳам барча билади: тўғри бўлмаса бундай фармон чиқарилмас эди.

Шу ўринда бизда соҳа мутахассис-журналистларига эҳтиёж жуда кучлилиги сезилиб қоляпти. Мен ўзим журна-

лист эмасман, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ходими-ман. Бирок кейинги 3-4 йил ичида биз кишлоқ хўжалиги ходимлари қанақа укубатлар эвазига ҳосил етиштирадиганимизни бир кўз олдингизга келтирсайдингиз. Ернинг мелиоратив ҳолати ишдан чиқаётгани, техника ва ўғитлар нархининг етиб бўлмас даражада қимматлашуви, сув муаммоси, энг ёмони - астойдил ишлаётган дехқонларга вақтида иш ҳақини беролмаётганимиз муаммолари - буларнинг ҳаммаси далада умид билан сарғайиб меҳнат қилаётган дехқонга қундек равшан. Бизда кишлоқ хўжалиги ва чорвачилик аграр соҳа бўлиб қолаверишига йўл қўймаслигимиз лозим. Яна бир юракни оғритадиган муаммо: нима учун бизда маҳсулотни етиштирадиганлар ва уни ўзлаштирадиганлар ўртасида улкан тафовут мавжуд. Нега дехқоннинг йил ўн икки ой қилган меҳнати эвазига унга ҳемири беришимиз керак-у маҳсулотни удалаб сотганлар қутурар даражада бойиб кетавериши керак. Бу ерда қатта адолатсизликлар бор. Тўғри, пахта заводлари билан боғлиқ жиноятлар кўп ўтмай очилиб қоляпти ва жиноятчи тўдалар тегишли жазоларга тортиляпти. Аммо хар ким ҳам бу ишлардан тезда хулоса чиқариб олаётгани йўқ. Ёки, айтайлик, журналистлардан бирортаси қузғи ёки баҳорги ғалла экиш жараёнида дала кезиб кузатгани? Трактор кабинасига ўтириб, хар гектарга неча кило уруғ тушяпти, уруғликка неча тонна тўпроқ ёхуд қум қўшилиб кетяпти, хуллас, ерга белгиланган миқдордаги уруғ тушяптими, йўқми - ушбуларни кузатиб туриб, ноҳақликларни дадил кўтариб чиққан мухбирни ҳали учратмадим. Ҳолбуки, баъзи жойларда раҳбарлар ерга тушиши, ёзда ҳосил бериши керак бўлган ғалланинг униб чиққунига қадар сабри чидамай, уруғликнинг ўзини сотиб, еб жиғилдондан ўтказиб юборишни ўзларига эп билмоқдалар. Бу ҳақда юртбошимиз халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгазининг сўнгги сессиясида жон койитиб сўзлаган эди. Ахир бу нонкўрлик эмасми? Ўз халқининг оч қолишига парво қилмайдиган раҳбаргина шу ишга йўл қўйиб бериши мумкин.

Мен матбуотни танқид қилиш майдони бўлиши керак демокчи эмасман. Гап шундаки, чиндан ҳам тўртинчи ҳокимият вазифасини бажариши мумкин бўлган матбуот энди фаолроқ, жасурроқ бўлмоғи керак. Бу жасорат халқнинг хоҳиш-иродасига кўра, яъни бирор ғаразли мақсад аралашмагандагина, ҳолис бўлгандагина омма унга “харидор” бўлади, кизиқиши ва обрўйи ҳам чандон ортади.

Журналистнинг ҳақ-қуқуқи чегараси ҳамда унинг хизмат доирасидаги қафолатлари ҳам ўта муҳимлигини таъкидлаш жоиз. Гап шундаки, танганинг икки томони бор: журналист ўз хизмат мавқеини суистеъмол қилмаслиги, ноҳақни ҳақ, ҳақни ноҳақ деб кўзбўямачиликка йўл қўймаслиги лозим ҳамда ўз навбатида мазкур холисондилло матбуот ҳуқмига бошқалар ҳам рози бўлсинлар, яъни журналистга осон тўхмат уюштириб унинг пайини қирқа олмасин.

Такрор айтаманки, муҳими танқид ёки танқидни кўтариш эмас, матбуотимизни янада жонлантириш, сийқа, қолигга тушган фикрларни такрорлайверишдан воз кечиш, халқнинг, обуначининг руҳини кўтариш, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан яшашга, фаол бўлишга ўргатиш.



Халима  
ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоири



## ЛОЛАДАЙ КЕЧИФАЙМАН КАЙЎЗОРЛАРДАН

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм!

### ИШОНМА

Кетар йўл бор. Теграсида ўт, гуллар  
Кетмасайдим. Минг йил ўй сураб эдим -  
Мен сабрнинг тошидирман. Минг йиллар  
Остонадан кетмай ўтирар эдим.  
Бир ой кутдим, сочларимга кўнди оқ  
Бир йил кутдим, дармон кетди тизимдан -  
Бесабрдир, гулдирайди қалдирак  
Бесабрлар сўраб ўғил-қизимдан.  
Мен сабрли. Мендан оғир тош йўқдир  
Кетмасайдим. Кечиксанг ҳам майлийди.  
Мана артдим. Кўзларимда ёш йўқдир  
Мана, яна сабр отлиғ тўн кийдим.  
Йў-ўк!  
Сабр отлиғ тўнлигимга ишонма  
Сабрда тошга тенглигимга ишонма  
Ишонмагил яшнаб турган гул, чимга  
Тагин...  
Тагин менинг мангулигимга!  
Тезроқ кел!  
Кетар йўл бор, теграсида ўт, гуллар...



### ДАРАХТ ФАРЁДИДАН БЕХАБАР...

Дарахт бардошидан қилса бўлар тож  
Кўргошин ўйларга чўмиб келган пайт.  
Қишнинг эшигига ўзи яланғоч  
Барглар, болаларин кўмиб келган пайт.

Борми бу дунёни кўролгувчи кўз  
Кузатиб қушларнинг галаларини.  
Сариқ ҳасрат бўлиб ёйиларкан куз  
Дарахт йўқлаганда болаларини!

Во дариг!  
Бу дарахт қандоғ ўлмайди  
Унсиз ўкириги еру-кўк бузар.  
Дарахт кўз ёшини кўз-кўз қилмайди  
Дарахт ўз ёшини ичга оқизар...

Аёл!  
Оллоҳга айт орзу-нолангни  
Майли бешон ва ё бесамар ўтгин.  
Фақат  
Куз олмасин бирор болангни,  
Дарахт фарёдидан беҳабар ўтгин!

### ПАҲЛАВОННИНГ ҲАР АЙТГАНИ...

“Дарё ит тегса ҳам ҳалол”. Маҳмуд ёзади.  
Паҳлавоннинг ҳар айтгани ганждир, тозадир.  
Лек водариг, гоҳи-гоҳи бу чархи Дунда  
Дарё - ит теккач, оқмайди, ўзин осади.  
Тизимдан дармоним кетиб, ўтираман лол,  
Итлар гоҳо ғингшир, гоҳо қилиб турар даф.  
Мен не дейин гоҳ арслонни қилган-у поймон  
Дардларини талагувчи рўёга қараб.

### ЭНДИ КЕТ...

Энди кет!  
Кутдирдинг, ёмон кутдирдинг  
Хижрон захарини шавқ-ла ютдирдинг  
Йиқилдим! Бошимда устувор турдинг!  
Энди кет!  
Хижрон йўлларида сочилди зарим  
Кутдим ишқим ярим, умидим ярим  
Бир-бир синиб битди қобирғаларим  
Энди кет!  
Энди кет, шавкату-шон ортиқчадир  
Чанқаб қулагач, уммон ортиқчадир  
Тиланиб тўкилгач, нон ортиқчадир  
Энди кет!  
Энди кет, бошқага дилингни ёргин  
Алвидо, кўнглимда на гина, на кин,  
Энди кимга борсанг, вақтида боргин,  
Энди... Кет!

## БАЙРОҚЛАР

Разолат дунёни  
Тугаётир ўкка  
Хўлни-ю-курукни  
кўймаётир ёкмай.  
Болажон, кўллагай  
Хали куш, ўтлар  
Мени ер ютмаса,  
Сени ютмаса  
Дунёдан хали кўп  
Гўзал ишлар ўтгай  
Қабоҳат ўқлари  
Биздан ўтмаса.  
Мангу қалқонликка  
Ичсам-да мен қасам  
Бу йўл шундай. Юки  
Кўлма-кўл, бу йўл.  
Мабодо туролмасам  
Тиклан, у ўқларга  
Ўзинг қалқон бўл!  
Фақат Сен кўркмагин  
Ховучламагин жон.  
Йўлинг тўсиб чикса  
Тўнка-ю тоғлар.  
Қонингни киздирсин  
Ҳақ йўлида қурбон  
Илма-тешик бўлиб  
Ўтган байроқлар!

## ТУРКИЙ СЎЗЛАР ЖОЙЛАРИДАН КЎЗҒОЛАР...

Мен оҳ урсам... пайдо бўлар бир тонгтоҳ  
Учкур ўқлар ёйларидан кўзғолар.

Дала-тузда ўзин уриб, излаб роҳ  
Қушлар қиру-сойларидан кўзғолар.

Мен оҳ урсам, фарёд солар кўкда моҳ  
Ғам ғам чекиб тойларидан кўзғолар.

Фитна чоҳига тушганлар узар чоҳ  
Оёкдаги лойларидан кўзғолар.

Мен оҳ урсам, ҳозир бўлар бир арвоҳ  
У - онам. Тинч ўйлардан кўзғолар.

Мен оҳ урсам онам билан уриб оҳ  
Туркий сўзлар жойларидан кўзғолар...

## ОНАНГ КЕТМОҚДА...

Майса қайта кўклар,  
Йўллар қайта ўрлар.  
Дарахт қайта гуллар  
Кўклам, кўк пайти  
Биргина одамлар  
Пешонаси шўрлар  
Кетганча кетади  
Келмайди қайтиб.  
Атрофда осойиш  
Сокиндир тўрт ёнинг



Сен шошил, онангинг  
Оёқларин ўп.  
Сочлари оқариб  
Жим ўтирган онанг  
Қайтмас йўлда кетиб  
Бормокда шип-шип.  
Сени ўпаётиб,  
Устинг ёпаётиб  
Ширин таъмлар тотиб  
Онанг кетмоқда  
Тунда тошдан қаттиқ  
Боши ёстиғига,  
Болишига ботиб  
Онанг кетмоқда.  
Огоҳ бўл! Қачон-ки  
Биз ундан толамиз  
У қушдай беозор,  
Учиб кетар жон.  
Учарки, учганин  
Сезмай қоламиз.  
Қувиб етолмаймиз  
Кейин ҳеч қачон!

## МАЖБУРИЯТ


Она, менга не берсангиз  
Барин ўтказдим  
Аждодларнинг бор шамойил  
Шеваларини.

Менам Сиздай тинмай  
Сабр дарахти ўтказдим  
Тоқат билан тердим  
Тоқат меваларини.

Барин бердим, нима бердим  
Эслолмаяпман...  
Таажжуб-ки, ҳеч вақом йўк,  
Шип-шийдам, Хурмен.  
Сиздан мерос. Баланд бўйни  
Озғин қоматни  
Қизимга беришга мажбурмен.

## СЕН ЎЛМА, ФАҚАТ!

Чида, тўкилмагин, оз қолди йўлим  
Бу ёзганим, балки, Сенга сўнгги хат -  
Сени мен топаман, топмайди ўлим  
Сен ўлма, фақат!  
Гарчанд қуш, чечаклар кетди терс томон,  
Бизнинг шаън боғларда қўпди қиёмат.  
Биз қиёматдан-да чиққаймиз омон  
Сен ўлма фақат!  
Гарчанд юрагим ўт, билагим бардам  
Ғамнинг тойларини тахладим қат-қат.  
Лоладай кетгайман қайғузорлардан  
Сен ўлма фақат!  
Ўтдай тик йўлларни қарс бурганимда  
Ўқ томир дарз кетар, оғриқ билмас ҳад!  
Фақат,  
Сени топай мен борганимда  
Сен ўлма, фақат!





Гаффор  
ХОТАМ



Истеъдодли ёзувчи Гаффор Хотамнинг номини сиз, азиз журналхонларга таништириб ўтиришига ҳожат бўлмаса керак.

У етмишинчи йилларда ўзбек адабиётига кириб келган катта авлоднинг нешқадим вакилларидан биридир.

Сўз қудратига бўлган ишонч, унинг масъулиятини чуқур ҳис этиши ва инсон руҳиятини ўзгача оҳангда таҳлил қилиши - Гаффор ХОТАМ ижоднинг асосий хусусиятларидан саналади.

Ёзувчининг - "Хат ташувчи бола"

— "Қайтмиш"

— "Қудуқ тепасидаги ой"

— "Қутлуғмишининг қулмаган бахти"

— "Кеча ва бугуннинг сабоқлари"

— "Биринчи музаббат қиссаси" каби китоблари аллақачон мухлислари қўнғилидан муқим жой олган.

"Янги ой чиққан кеча" — ёзувчининг биринчи романидир.

# Янги

# Ой чиққан

# Кеча

Куйшининг интиҳоси кулга дўнмакдир,  
Муҳаббатда менинг такрор кулим куйди.

Усмон Қўқор

## Биринчи фасл

Ўша боғ эди бу, уни - мактаб ҳовлисига киприкдай тизилган гилослару тақир йўлакни ва унинг икки четида - ариқ рошида барқ урган гўжгон гулларни, мана, ҳозир ҳам, гарчи орадан шунча йил ўтиб кетган бўлса-да, агар сен ишонсанг, бамисоли сувратдагидай аниқ кўриб турибман мен, лекин шу кеча...

Йўк, мактаб биноси,бус-бутун ҳолича кўриниш бергани йўк, манзарани бу тахлит кинолардагина кўриш мумкиндир эҳтимол, гарчи фильм сени домига тортиб, моддий оламдан тамомила узиб қўйса-да, эътибор берсанг агар, аслида воқеалар силсиласига доир ҳолатлар сувратигина мунчоқдай тизилиб, секин-аста кўз олдиндан ўтаверади.

Ғира-шира йўлакда - хиёл нарида тахта кўприкча ва ундан нарида супа - бир ўзим турар эдим, бу йўлак мактабга кириладиган эшикка туташ, афтидан, ҳозир асфальт тўшалган унга, эҳтимол менга шундай туюлгандир, хар қалай, ёруғликда, чанг ўтирган асфальтни босиб турганим аниқ, яна шу ёдимдаки, ўша - мен турган жойга қайдандир бир тилим ёруғлик тушар ва шунинг нуқси уриб, мактаб пештоқи ёришиб турар эди. Сен ҳеч қутилмаганда дов-дарактлар орасидан - зимистон қаъридан шундай чиқиб келдингки, дафъатан кўзларимга ишонмадим мен. Йигирма йил аввал ҳам сенга кўзим тушса агар, юрагим шундай орзикар эди, Феруза! Ва лекин бугун ўзга одамман - эътибор топган шоир ва олим, ҳам бунинг устига олис шаҳардан йўл босиб келганман, вақтида ўтказган жойинг бор, шунга қайтаргим: пича беписанд, пича осмонда туриб сен билан сўзлашгим, бу фоний дунёда кеча сенинг, бугун менинг кўлим баланд эканлигини афлатим, ўзини кўрсатгим келар эди. Нимадир дедим, хар нечук, бу гапим ёқимсиз эмас, интиқиб турганим боис, сен аввалгидек - ўша кибр, ўша беписандлик билан ўтиб, ўз йўлингга кетавергач, кадр истабми, дедимки, ўтда куйдирмағил! Сен эса, ўша - ўн саккиз яшар пайтингдаги каби мужмал назар солдинг, умидимни узай десам, эътибор эди бу, умидимни узмай десам, нописанд эдинг, индамай ўтиб кетдинг, Феруза.

Топталган туйғулар бирдан бош кўтарди, худди шу пайт сенга соядай эргашиб чиққан ўспирин тўхтаб менга юзланди ва лабларини жийриб, таадди қилди, шунда қаёқдаги кимарса сенинг ҳимоячинг бўлиб юзимга заҳар сочиши - ким ҳуқуқ берган унга? - суяк-суягимдан ўтиб кетди ва беихтиёр чинкириб юбордим: - Шунча йўлдан шуни деб келдим-ку, ахир! Кўнгил сўрашга ҳақким борми менинг ва ёки йўқми?!

Биламан, ҳеч ким эмас у сенга, ҳатто шунинг ҳам бир сўз айтишга имкон бермай, тўралик қилиши жонимни ўртаб юборган эди-да менинг, Феруза. Нечундир бу гал сенга аччиқ қилмай, сендан юз ўғирмай, жоникқан кўйи соядай илашдим, нимадир ундар эди шунга. Шундай қилишга ҳақким бордек сезардим ўзимни.

Сен кирган хона ўша - ўзимиз ўқиган синф, лекин аввалгига сира ўхшамас, фавқулодда шинам, ёруғ ва озода парта ўрнида сарғиш ёғоч ўриндик, ўртада - интиқча йўлак, йўлакнинг икки тарафида эса қандайдир жужукфелъ кишилар, улар қалдирғочдай тизилиб ўтирар, хонанинг пойга тарафи ярим қулочча қуйи ва бу тарафни эгшига мактаб кийимини илган қизлар ишғол этишган эди; гарчи эшик очилиб-ёпилган, жой истаб биз хонада изғиб юрган бўлсак-да, нечундир улар киё ҳам боқмас, икки кўзлари тўрт бўлиб кўрғазмага тикилган, кўрғазмага эса, қуёш туркумига мансуб ва абдиёт қонунига биноан тоабат унинг теграсида айланажак жамики сайёра аксини топган эди. Бунинг барчасини - сенинг бориб ўнг қанотдаги биринчи қаторга - азалий жойингга ўтирганингни ҳам, бутун бошли синфда сендан бўлак бирга таълим олган бирдан-бир синфдош йўқлигини ҳам, қуёш абдиёти ҳақида сўзлаётган ўша - савдойи муаллим хонанинг нариги бурчагида зинкийиб турганлигини ҳам - барча-барчасини бир қарашда илғадим, эҳтимол, хона ичига диққат билан разм солмагандирман, эҳтимол, ҳозир менга шундай бўлиб туюлаётган чиқар, лекин нима бўлганда ҳам, шу аниқки, улар етти ёт бегона ва яна шуни идрок этдимки, барчасиям бир нимадан жуда чўчиб, юрак ҳовучлаб туришар, афтидан, ҳеч қутилмаганда, муаллим шунга, яъни хар бирининг хаёлида мавжуд бўлган, ўзининг мавжудлиги билан беозор дилларга кўрқинч солаётган шу беор нарсанинг - гарчи ҳеч ким истамаса-да - кўққисдан айтиб юборишидан жуда-жуда тахликада эдилар улар, гарчи шунинг тамомила акси ҳусусида муҳоҳаса этилаётган бўлса-да! Зеро, қуёш ва унинг салтанати абдиёти ҳақидаги таскинбахш сўз қайта ва қайта айтилар экан, кўнгилда бу қандайдир ишончсизлик туғдириши ва шунинг акси бўлган таълимот беихтиёр

ёдга тушиши, умиднинг узилиб, ваҳму харосат кўзгаши табиийдир, қуёш бор экан, умри боқий экан, шу билан баробар аксил таълимот ҳам яшайверади, албатта, мен бу ҳақда ҳозир ўйлаётганим йўк, "Небуляр назарияси" ҳусусида эшитишни ҳам, ҳатто шундай қараш мавжуд эканлигини билишни ҳам истамайдиган бағоят нозиктаб, хаётни жон-дилидан севгувчи шундай бир тоифа мавжуд; бироқ истайсаним, йўқми, бундан қатъий назар, азалдан бу хаёт заковат ё қудрат, хийла ё макрдан қон эмиб яшайди аслида, агар шу сифатнинг бирон-бири сенда бўлмаса, хар қанча унга кўнгил боғлама, бекфойда, шафқат қилмайди у, уммондай чайқалиб оқибат сени бир четга итқитиб ташлайди. Шунда-да, насибангни юлғич илиб кетса-да, хиёнат, зулм, ноҳақлик эзиб ташласа-да, бари бир, ғарибона ўжарлик билан ўз майлингча яшайверсан, шунда-да, ноумид бўлмайсан. Бу гўшага шу кун бошига тушган ва ёки тушиши муқаррар заифу нотавон йиғилган эди, шунинг учун ҳам табиатан улар ёт эдилар менга ва ёдимда: ичкарига кирган заҳотим аввал бошда дераза равоқидаги гултувақларга кўзим тушди, унда бинафшаранг мужмалинг чекарлар очилиб турар, парта устига ҳам гулқоғозу бежирим гулдон ва унга солиб қоғоз гуллар қўйилган, қайдандир фаранги атир таралар, илмлик ҳовур келиб киши юзига урилар эди, азъойи баданимни ёқимсиз тер қолади, бунинг барчаси ёриш туюлса-да, гарчи ғашимни кўзгаса-да, нега, нечун шу ҳолга тушдим, бу ҳақда ўйлаб кўрмабман, аксинча, бош кийимимни қўлимда ғижимлаганча - шилпа эмас эди у, хар қалай - сўл тарафдаги охириги ўриндикка - одатдаги ўз жойимга омонатгина чўқдим, бироқ ўтиришга сабрим чидмай, юрагим хаприкқанча ўрнимдан турдим ва бориб тараққуд ичра сенинг тепангда туриб қолдим, ўша лаҳзада ҳам қўлимда нимадир бор эди, мен ҳадеб уни ғижимлар, бундай туриш одобага хилоф бўлганлиги учун мен ҳам тараққуд ичра атрофга аланглар, кўз учида ўтиргуллик жой ахтарар эди, баногоҳ бир пайтлар бирга ишлаган, ҳатто ўликни кўрса бир йил ўзига келмай юрадиган, азбаройи хокитуроблигиндан даярли кун кўрмаган Ошиқ Ғарибни илғаб қолдим, қандайдир тахдидан у дахшатга тушган, ўриндик рошини маҳкам сиқиб, тош қотиб ўтирар, юзлари мумдай сарғайган эди. Ниҳоят, у хиёл бошини буриб, саросима ичра менга тикилди. - Ахир, сен ўлган эмасмидинг, Ошиқ Ғариб? - Шубҳасиз, у менинг кўзларимдаги сўровни уқди, лаблари бир ёнга тортилиб кетди, сўнг сурат янглиғ хира тортиб кўздан йўқолди.

Бориб, унинг жойига ўтирдим, - ғарибларнинг шоҳсултонини, - дея ўйладим, - бечора-эй! - унга ачиниш эмас бу, уни кўргач, дилда ноҳушлик туйилган, шунинг асорати аримаётган эди; шўрлик майхонада "майдалаб" ўтиришни хуш кўрар, ғарибларнинг шоҳсултонини, десанг агар, шу-шу, дея аянчли жилмайиб кўйрди. - Тақдирнинг иши шу экан-да, - секин бошимни кўтардим, гарангсиб, нечун бу хонада ўтирганимни ҳам буткул унутган эдим. Шу чоғ муаллимнинг палагда овози қулоғимга чалинди:

- Ер совуб боради, ўтган қуёшлар ҳам мавжуд, деган қарашлар нотўғри.

Дилжам бўлиб, кўз учида энди сени ахтара бошладим, тун каби қуюлган сочингга кўзим тушдию шикаста кўнглим ўртаниб кетди. Юракка тўкилган дунёни, йиллар чарчоғи, зиклик ситами - барча-барчасини унутгим, биратўла халос бўлгим - сенинг қошинга боргим, тиз чўкиб этакларинингни кўзимга суртгим, кўзёшидаги тўкилиб сенинг оғушинга сингиб кетгим келар эди, Феруза!

Ширин бир титроқ жисму жонимни ўртаб юборди.

Кўзларимга ҳеч вако кўринмас, сен, ёлғиз сенинг тун каби қуюлган сочларинг, сенинг ёноқларинг...

"Сени яхши кўраман, Феруза!..."

Сутдайн тошиб келаётган интиқликни жиловлашга ортиқ тоқатим қолмади, секин ўрнимдан турдим...

...каравот оғир ғичирлади. - Ким бўлиши мумкин у? - Шу ўй хаёлимдан кечганча мен унинг бир четига ўтирдим ва ўша - сенга соядай эргашиб юрган йиғит ҳусусида ўйлай-ўйлай, ғира-шира хона ичдаги жиҳозларни кўздан кечира бошладим; парда четидан ойнанинг бир бўлак шувъласи ичкарига сирғалиб тушар ва унинг ёруғида кечқурун пиёлада қолиб кетган чой қалайдий товланар, стол чирғоғи эса, бесуннақай тарзда кўзга ташланар эди, бироқ ўша синф, нафаси ичига ютиб ўтирган бежо ўқувчилар, сен, сенинг сочларинг, соядай сенга эргашиб юрган жиккақина ўспирин сурат каби кўз олдимдан кетмас эди сира. - Ким бўлиши мумкин у? Қарсда кўрганман аввал? Чехраси жуда таниш? - Шу ўй тинчлик бермас эди менга.

Сираям ўзгармаган эдинг сен, Феруза, йигирма йил аввал қандай бўлган бўлсанг, ҳамон ўша-ўша - хонанинг бир четида менга орқа ўғриб, йўлдошлари ичра ловулаб турган қуёшдан кўзларингни узмай ўй ўйлаб ўтирар эдинг, бориб қифтларингдан қучгим ва сени бағримга босгим келди жуда, беихтиёр ўрнимдан турдим-да, бир-икки одим юрдим ва... кўққисдан юрагим увишиб кетди, ишонсанг, Феруза, бу на мактаб ва на синф хонаси, балки ўз уйим эди!

Туш кўрган эканман-да? - Шу ўй хаёлимдан кечди-ю, халигина



мени қуршат турган хилкат бамисоли саробдай изсиз йўқолди. Нохуш бир кайфият юрагимни анордай ситиб юборди.

Боз устига, хона жуда сокин, шундай бир ўлик сукунат дераза ортида ҳам тушалиб ётар, олам алланечук ваҳимали эди.

Сен йўқ эдинг бу гўшада, Феруза, шунинг учун ҳам файсиз ва рутубатли, одатдагидан минг чандон гариб эди у, сен жудаюм олисда - фавкулотда аломат бир синфда кўнгли кўнгли, бечорахол кишилар даврасида қилт этмай ўтирар, мен эса, сенга банди бўлган кўйи ўрта йўлда турар эдим.

Баногоҳ ярим кеча эканлиги ёдимга тушди, уларга хиёнат қилгандек, йўқ, йўқ, улардан ажралиб қолаётгандек аянчли ҳавотир туйдим мен, юрагим зиркираб кетди. оламни сув босиб, чўкиб борар эдим-у, аслида мени кутқарувлик бирон киши йўқ эди гўё, бу мен кўнликмаган, қачондир ҳис этган, бироқ қайта бошдан кечирини истамайдиган шундай бир шафқатсиз тўйғу эдики, тезроқ ундан халос бўлиш учун ҳам шоша-пиша ётоқ бўлмага кирдим, бориб, ширин уйқуда ётган болаларнинг қабатыга чўзилдим, лекин Феруза, агар сен ишонсанг, юрагим шунчалар орзиқар, шунчалар ўзимга кела олмас эдимки, зулмат босган тубсиз қаьрга кулаб тушаётган каби жоним увишар, бу балодан халос бўлай десам, ҳеч бир нажот кўринмас эди. Ҳаммасидан чўқар эканман, ич-ичимдан тошиб келган бир фарёд бўғзимга мосуво - аросатда - шол бўлиб, борган сари зимистон қаьрига тикилди. дод солгим, оламни буғим, туннинг ўлик салтанатини тилка-пора қилиб, барчани ғафлатдан уйғотгим, шунингдек, бу ваҳму аросат чангалидан жонимни халос этгим келар эди.

Беихтиёр ўгирилиб уни турткиладим, гурбатда шерик топгим, гарчи тушимни айтиб бўлмасам-да, бўлак бир нимарсани сўзлашгим, хаёлимни чағнитгим келди, лекин у кўз очмади, зеро, эл қатори тинч ва хотиржам - ўлик уйқуда; ахир, йиғирма йил аввалги пинҳоний муҳаббат туфайли тинчини йўқотган, ярим кечаси телбадек ўртанган кимсанинг худ-бехуд қовурилишлари билан бировнинг қанчалик иши бор?!

Ажал қисиб келаётгандек, бесабр, тагин ўрнимдан турдим, бориб, чироқни ёқдим-да, пишиллаб ухлаётган яқинларимга бамисоли видолашаётган кишидай юрагим ачишиб узок термулдим. Чиндан ҳам уларни сўнг бор кўриб тургандай эдим, сира дийдорларига тўя олмасдим, Феруза! Ўпкам тўлиб кўзларимга гилтиллаб ёш чикди, - ахир, бор-йўғи туш кўрдинг-ку сен, туш! - дея ўзимга уқтирган бўлдим, бироқ иблис дилимга кутку соларди: - Ха-а, охири марта кўриб турибсан уларни, охири марта!

Тақдирга тан берган кишидек бўшашганча чироқни ўчирдим-да, судралиб хонага чикдим, ҳароратли бу ҳолатдан халос бўлиш қийин эди, шунга кўзим етди десанг, баъзан шундай бўлади-ку ахир, ўзинг сезмаган ҳолда қандайдир ҳатога йўл қўясан, жонинг ачийдиган кишидан ажралиб қоласан, шуни англаб етган заҳотинг юрагинг ҳапқириб кетади - бежо - сира ўзингга кела олмайсан, қилмишинг кечириб бўлмас эканлигини идрок этганинг сари сени ваҳм босаверади, назарингда, шу дамга довр сени тутиб турган ришталар чирт узилган, сен ишонган дунё остин-устин бўлиб кетган; нима қиларимни билмай бўшашганча курсига чўқдим, йўқ, ўтирмадим, гўё курси-пурси, хона-пона билан қўшилиб яна ўша - адоқсиз зулумот қаьрига чўка бошладим, юрагим баттар орқага тортиб кетди, менга туюлдики, бежиз эмас - бир кори-хол юз беради, бу - муқаррар, қутилиш маҳол, шунинг таҳликаси бу, ҳусусан, бошқа биров эмас, айнан ўзим шунга гирифтор бўлман, кўнглим ҳадик сезиб турар эди.

Бундан тунгилажак кўркинчи ҳатто хаёлинга ҳам келтира олмайсан сен, Феруза!

Ҳеч қутилимаганда ўн тўққизинчи сентябрь, яъни куни кеча шом пайти юз берган фалокат менинг ёдимга тушди - сенга бир бошдан айтгай десам, ҳозир мавриди эмас, юрагимга қил ҳам сизмайди, Феруза, кези келганида ётиги билан нақл қиларман балки - ҳуллас, беҳаловат, жуда безовта, катта йўлни ошиғич кесиб ўтаётган эдим, агар сен ишонсанг, бир кори-хол содир бўлишини кўнглим сезиб турган эди ўзи, шу пайт фавкулотда асабий "шийк" иллаш жонимни сугуриб олди гўё, шунинг баробарида чўкиб кетган кимсанинг беозоргина оқ чеккани, йўлнинг нариги тарафида турганининг жони бўғизга тикилиб чинкиргани, кескин бурилган машина тормози, бетон симиёғочга тумшуги бориб урилган чоғ енгиллиги "тарс" иллаш, уқаланган бетоннинг шовуллаб ерга тўкилгани қулоққа чалинди. Дафъатан бу йўл жуда ҳам серкатнов эканлиги, бир вақтлар қабристон бўлган бу ерда худонинг берган ҳафтаси кимдир ҳалоқатга учраши, ҳозир уни кесиб ўтишдан аввал хаёл билан бўлиб ҳатто ўнги-сўлимга қарамаганим шууримга етиб борди, гарчи шу сония йўлнинг қоқ ўртасида серрайиб турган бўлсам-да, сира хаёлимга бу келмас, нима қиларимни ҳам билмас эдим, фақат бошига қудфат ёғилган киши каби чорасизлигиминга ҳис ётар, ҳа, ҳа, машина бошқа бировни эмас, ўзимни уриб кетган каби нотавон бир кўйга тушган эдим, сўнг бесўнақай гилдирак остида ётган одамни кўргач,

шунчалар аянчли аҳволда қолдимки, кўрқиш балойи жон беихтиёр тисарилиб қоча бошладим, қани энди юришим ўрса, нақ бошига оғоч тушган киши каби талмовсирай-талмовсирай йўлнинг четига ҳам чикдим, кейин гарчи ўзим истамасам-да, тагин қарадим, англаб етган эдим: Бу - ўша, азбаройи ҳаяжон боис кўз олдимни туман тўсиб қўйган, шу тикилмай, ҳеч вако кўринмас эди, ниҳоят илғамди: бир гала одам, улар гилдирак остида қолган йигитни сугуриб олишган, машина симиёғочга урилган чоғи кабинадан учиб чикиб кетган шофёр эса қора қонга беланиб йўлакда ётар эди. Кўз юмиб-очгунча бўлган бу фалокат даҳшатидан баттар сескандим, - ишқилиб, у бўлмасин-да, - қани энди ўзимга кела олсам. - Ишқилиб, у бўлмасин-да! Худога таволла қилар, бироқ ўгирилиб орқамга қараган маҳалиёқ бу ҳалоқат, бари-барчаси мен туфайли, менинг телбаваш қочишим, менинг касофатим туфайли содир бўлганини ҳис этган эдим, шофёр мени уриб кетишдан машинани олиб қочган-у, бориб уни туртиб юборган; ҳозир у ҳам, одамлар ҳам ўзларининг ёғига ўзлари қовурилиб ётибди, лекин ҳадемай хаёлларини йиғиб олишади, асосий гуноҳқорни ахтара бошлашади ва барча бирдан шаҳодат бармоғини нуқиб: - ана у! - дея мени кўрсатади. Юрагим увишиб кетди. Тамоғим қуруқшаб, тиззаларим дағ-дағ қалтирар эди, ютундим, сўнг жонимни кутқариш умидида секин бурилиб кўздан пана - хиёбоннинг овлоқ қунжаги сари умтилдим. Ўзимни олиб қочганим сайин ич-ичимдан шунга иқроор бўлардимки, менинг касримга қолди у! Беҳосият сарқашлигим нобуд этди уни!

Нахотки у?..

Хилватдаги биринчи ўриндикка ўзимни ташладим. Силлам қуриб жоним чикиб кетгандай эди гўё. Кўзларимни юмиб, пича тин олмоқ истадим, бироқ тагин илк дафъа ялт ўгирилган пайтим кўзим тушган шамойил - гилдирак остида қилт этмай ётган пажмурда, унинг қирмизи қуйлаги кўз олдимни тўсиб тураверди, доқадай оқарган, ҳаёт шарпасидан асар ҳам қолмаган пешона, қон силққан лаблар...

Беихтиёр чинқириб юбордим.

Бу - ўша Феруза, ўликни кўрса бир йил ўзига келмай юрадиган, кун кўрмай қуйиб ўтган шўрлик Ошиқ Ғариб эди.

- Қаёқдаги қаланғи-қасанғини қутқараман деб...

- Ғирт мас эди шекилли ўша ифлос?

- Ха-а, уни итариб юборди-ю, ўзи тагда қолди-да...

Икки қадам нарида, йўлакда муҳокама бошланган, қилт этмай, юрак ҳовучлаб аёлларни тинглар, жоним сидирилиб товонимга тушиб бораётган эди.

Улар айтишдики, шумоёқ - мен, хиёнатқор, пасткаш ва тубан, аждаҳо домидан у мени қутқарди, бироқ қочиб қолдим... Таҳқирлашди. Топташди. Қарғашди.

Ниҳоят, қулоғим тинди.

Ва мен ўзимга кела олмай, алламаҳалга довр хилват қунжайда қолиб кетдим. Ўқтин-ўқтин қандайдир машина устимга ёпирилиб келаётгандек бўлар, ваҳм босиб нафасим бўғзимга тикилар, кўз олдим тиниб кетар эди. Мана, ҳозир ҳам шўрлик Ошиқ Ғариб каби автонинг беомон гилдирақлари остига тушиб қолаётгандек ҳис этаётирман ўзимни.

Феруза, қани энди менинг юрагимда нима шар билгани билсанг эди сен. Ҳозир тун яримдан ошган, олам сув босгандай жим-жит, ҳатто хонага ҳам ўлик сукунат чўққан, киши тириклайин лаҳадга тушиб қолгандай ҳис этади ўзини, бироқ агар сен ишонсанг, шу тақиб ҳалиям вуҷудимни тарқ этгани йўқ, - наҳот яратган эгамнинг ўзи дилимга солган бўлса? Нахотки, қуни битган бўлса? - Бир пайтлар кимдир айтган, аллақачон нутилган даволар даҳлдорлик қасб этиб, тагин хаёлдан кечади, юракка қутку солади: "Ажалинг етса, аввал ўзи белги беради!" Нахотки...

Болалар. У...

Бир замонлар хиёл у кўринмаса, ўзимни қўярга жой топа олмай қолар эдим. Ҳозир эса...

Юрагимга қил ҳам сизмас, қолаверса, кўнглим ҳам муздай, бир маҳалги оташ хислар, табиийки, сўниб битишган эди.

Кўз олдимни тўсиб қўйган хира туман хиёл тарқалди, қизғиш ажи-бужи хаёлимни банд этди. - Нима экан бу? - деб уйладим мен ва унга тикилиб қарадим, оқ қоғоз юзидаги ёзув секин-аста равшан торта бошлади: "Номзодлик ҳимояси! Борнш керак!" Қизил қаламда битилган қайд! Ҳа, дарвоқе, эртага шерьриятда сўз қўллаш санъати мавзуида номзодлик иши ҳимоя қилинади, бўлажак номзод келиб айтганки, иши фақат каминанинг ижоди мисолида, қатнашилмас хафа бўлади; бир ҳафта бурун - шерьрият кечасида мени гулга кўмиб ташлаган қиз ҳам ҳимояга келиши керак, бу ҳали ўтмишга айланмаган, эҳтимол, фавкулотда ғаройиб тарзда кечадиган эртанги кун, хаёлий, бироқ шу ҳам кўнглида рағбат қўзғамас эди; шундай кечинмалар тоабат йўлдош бўлмаслигини, бир кун келиб инкирозга ўз тутишини, ҳайхотдай бу оламда тагин билан ўзим бўлиб қолишимни гарчи билсам-да, одатда шундай ўйлар хаёлимда кечса, ҳар қалай, дилим орзиқар, гарчи ўн саккиз яшар малак билан боғда сайр этиш, муҳаббатнинг оний ва

ёки абдианият хуусида беозоргина тортишув, нов-ниҳолнинг хуснига бино кўйиб, гапини икки қила олмаслигини сезиб чиқарган ҳукму хулосаларини тинглаш, ва ахийри, ўзингни ҳам жуда ерга уриб юбормаслик учун ҳамсуҳбатининг кузатишларига озорсиз ислох киритиш - сенинг назарингда, менинг ёшимдаги киши учун бориб турган беъманилик бўлиб туюлса эҳтимол, бироқ мен, Феруза, сен ишон, ҳаётнинг бу тансиқ инъомларини бағоят қадрлайман. Тиланчининг бағрига босган сиқимини кўрганмисан ҳеч, кўлида қора қунига ярайдиган сўнги қақаси бўлади унинг, худди шу каби тотли бу дамларни ва унинг ширин, жонни озрактиривчи таасуротларини чиндан ҳам тўтиё биламан. Сен қулма, йўқ, сен қулма, Феруза зинҳор ва зинҳор телбалик эмас бу, мен ҳеч маҳал у қизнинг қўлларидан тутмайман, гарчи шундай қилиш мумкин бўлса-да, гарчи шунга у майл билдирса-да, ақиқ лабларига талпинмайман, Феруза, ахир мен биламан-ку бу саъий ҳаракат охириқабат қандай аянчли яқун топишини! Дилимни сархуш этишга қодир хилқат уфқларига кўзим тушишини сира-сира истамайман, ахир мен биламан-ку, Феруза, тоат-ибодатимни, умтилишимни, рўй-рост айтганда, мени буткул абгор қилади бу. Гарчи шу умтилишининг ўзи-да худкомлик, шунда-да умрни узайтириш умиди яширин, бироқ тобора муз қотаётган юрагимни унинг оташ туйғуларига пича илтиб олсам, бунинг нимаси ёмон? Ва шунда, агар мен ишонсанг, ҳали жисму жоним қулга айланиб улгурмаганлигини, ҳали ҳаммаси адоий тамом бўлмаганлигини, яъники кўзим тирик эканлигини юрак-юракдан ҳис этаман, Феруза.

## II ЎН ТЎҚКИЗИНЧИ АВГУСТ ВОҚЕАСИ

Баъзан шундай воқеалар бўладики, ҳатто ақлимга ҳам сиғдирма олмайман уни.

Энг нохуши - Профессорнинг даъватига итоатан бу йиғинга борган, ҳайъатда ҳам у билан ёнма-ён ўтирган эдим.

У - озгин, йиғирма-йиғирма икки яшар рангпаргина йиғит, афтидан толиб, йиғинни яқунлаш арафасида сўз олди ва гарчи бугунги баҳсга ҳеч бир алоқаси бўлмаса-да, исму шарифини тилга олиб, айтдики, шеърятини қадрлаган ҳолда ҳаётини ақидасини рад этиш керак!

Кесакдан ўт чикқандек бўлди гўё. Йиғилганларнинг нафаси ичига тушиб кетган эди. Мен, албатта, истеҳзоли табассум билан бурилиб воизга разм солдим: у бағоят ҳаяжонланар, юзидан баттар қон қочиб, манглайини тер босган, кўйи лаби тираётган эди.

- Номзодлик ишида миллатларнинг яхлитлашуви муқаррар деган ғояни илгари суради...

Кифтидан босиб тушаётган ҳаяжон юки шу қадар оғир эдики, ўпкам оғзимга тикилиб қолгандай бўлар, зўрга ўзимни босиб, нафас олишга, туйиброк нафас олишга уринар эдим.

- Бу ғайритаълимот эканлигини англаб етмаганлигига мен ишонмайман. Ақсилхалқчи фан номзодининг халқчил шоир бўлиши...

Воиздан кўз уздим-да, устудла сочилиб ётган қоғозларга кўз югурган бўлдим. У Амрико очаетгани йўқ. Профессорнинг қийин-қистови билан шу ишни ёзаётган пайтдаёқ буни ҳис этган, неча бор кўлим ишга бормай, ташлаб қўйганман ҳам, бироқ у киши, болачақани боқишга бир соғим сизир керакми? Номзодлик ҳужжати шу сизир бўлади, ука. Сиз қилмаган билан бошқалар қилади шу ишни. Мен кўрдим: тузатиб бўлмайдиган бу ҳаётни, дея шаштимни сиңдиргач, давом эттирганман.

- Илмий ҳиёнат - тирикчиликнинг номақбул йўли бу. Наҳот шу йўсида зурриёд боқиш жоиз бўлса? Муайян нуктаи назарга эга бўлмаган бундай файласуфлар санамларнинг ошиқ лабларига суқланиб боққанча, - Ман андин бир сўрагим бор, - дейишдан нарига ўтмайдилар...

Бу энди ҳаддидан ошиш эди. Гарчи Профессор вазмин бўлинг деган ишорада оёқларини босиб турган бўлса-да, шу ерга келган-да, иситма туриб, бирдан ховури миямга урди.

- Ука, - дедим ҳаммага эшитиларли қилиб: - Бир шоирдан умринида ҳеч ёлгон сўзлаганмисиз, деб сўрашган. Шунда у нима деганини биласизми?

Табиийки, у тилдан қолди, нечундир менга эмас, мен тарафга юзланганча йўқ деган маъно аглаптиб бош чайқади.

- Унда эшитинг, - дедим мен гапимда давом этиб, - бу дунёда шундай маҳобатли ёлгонлар мавжудки, уларнинг қошида меники зигирчаём бўлмай қолади, ҳатто ёлгон айтганман дейишгаём уяласан киши.

Кимдир қулиб юборди, завқи келибми, аксарият чапак чалди, у эса, табиийки, ўзини йўқотди, минбар зарҳидан тутган қўли асабий титрай бошлади.

- Сиз ҳақсиз, лекин бандан ғофилга маълум гапларни айтяпсиз, холос! Мадомики минбарга чиқдингизми, ким даъват этганидан қатъий назар, сиз шундай ҳақиқатларни айтингки, токи мен уларни уларни

англаб етмаган бўлай!

У дув қизарди, сўнг меиан юз ўтирди, ва худди шу лаҳзада, агар янглишмасам, гап орасида ўтиб кетган, сиз бировларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб, менга маломат қилаётирсиз, деган қочиримим келиб унинг бўғзига қадади, ва ранги докадек оқариб, ёноғи пир-пир учди. У залнинг гира-шира бурчагига кўз тикиди ва энг сўнги қаторда ҳалигина бутун вужуди билан олдинга талпиниб ўтирган киши ер ёрилиб, ернинг қаърига кириб кетгандек бўлди. Ниҳоят воиз жантоҳда нажотсиз қолганини ҳис этди ва айб иш қилиб қўйгандек синик овозда чайқала-чайқала изоҳ бердики, ҳеч ким уни бундай чиқишга даъват етмаган. Ўз ихтиёри билан сўз олган ва ҳоказо.

У ўзини оқлагани сайин шовқин қучаяр, демакки, ишончсизлик ортиб борар эди. Шундай бўлиб чиқишини аввал бошда истамаган. У мурғак ва жуда ҳам занф эди ҳали, бироқ гарчи чайқалса-да, аввалги изоҳларига ўхшамаган бир гап билан сўзини яқунлади:

-...Мен сизни илмнинг ўғай олими, наинки илмнинг, балки миллатнинг ўғай боласи деб атагим келади!

Мен ўрнимдан туриб олдимда сочилиб ётган қоғозларни йиғиштирар эканман, жўрттага: - Сиз қоҳалпоқ, мен бир чала ўзбек бўлсам, - дедим. - Сиз билан менга қолипими, ким миллатнинг ўғай, ким ноўғай фарзанди эканини аниқлаш?!

Қулги, ғала-ғувур босилмай туриб, вазмин одимлаганча зални ташлаб чиқиб кетдим. Ўтирганлар шубҳасиз, менга ён босган, мени ёқлар, ёш воизни улар қоралар, лекин аслида у ҳақ эди. Кўнглим сезиб турар, бу унинг ўзидан чиққан фикр эмас, моҳият-эътибори билан бунинг аҳамияти ҳам йўқ, тан олиш жоиз бўлса унга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлган эдим. Чиндан ҳам, ўша илмий ш заминсиз гаплардан ташкил толган бўлиб, давру даврон сураётган қатта ёлгонга чаплашиб кетган кичик бир ёлгон эди.

Шу қилишим сувайдодек дилимда турар, бироқ бир қун келиб, юзимга солинар деб ўйламаган эдим, ўзимни кечира олмас эдим сира, йўлни кесиб ўтдим-да, хиёбон оралаб кетишга жазм қилдим. Шу чоғ майхона олдида - курсида ўтирган Ошиқ Ғарибга кўзим тушиб қолди.

Неча йиллардан бери у илмий ишини ҳимоя қилмай, савдойиманд қишилар тили билан айтганда, ўзини хор қилиб юрар, ёшларгина унинг теваратини олиб, мана шу майхонада майни майдалаб, дунёнинг ишларини муҳокама қилишгани-қилишгани эди.

Биз бир-биримизнинг қимлигимизни билар, шунинг учун ҳам яқинлашмас, афтидан, уни айбашга менда ҳеч бир асос йўқ, бироқ у менга бир неча бандан иборат айб оқлар, шулардан бери илмий ишининг ташвиқотга хизмат қилиши ва унга Профессорнинг раҳбар бўлганлиги, иккинчиси...

Сизни ҳурмат қилишга, шунинг учун ҳам салом беришга мажбуримиз, деган каби у кишини таҳқирловчи истеҳзо билан мийиғида илжайди ва таъзим бажо этиб салом берган бўлди.

Мен тўхтадим, ҳаёти жожеадан иборат бу кимсани ич-ичимдан бари бир ҳурмат қилар эдим.

- Миллатнинг ўғай боласи, - деди у, - ғарибона дастурхонимизга марҳамат қилинг, бошимиз қўлга етди.

У билан бақамти ўтиргим, ундан ҳам муҳими, ичгим, эзлиштим келаётган эди. Бордим.

- От айланб қозини топар асли!

- Ҳа, - дедим мен юзимдаги пардани олиб ташлаб, - айланб-айланб охири яқсон бўлаётган ползнинг илма-тешиқ байроғини келтириб оёғингиз остига ташлайман.

У истеҳзо билан аянчли жилмайди.

- Бутун менинг туғилган куним, - деди у қадахларга май қуяр экан, тақдирга тан берган қудратли кишининг аламзада овозида. - Қизил профессорнинг шогирди бўлсанг ҳам ажойиб шоирсан, шундайини қунда юз кўришганимиздан, рости, хурсандман.

Мен чуқур хўрсиндим, унинг олдида зигирча гуноҳим йўқлигини, ўша Профессорни жинимдан баттар ёмон кўришимни айтгим келар эди. Бироқ ҳеч қутилмаган гап тилимга кўчди:

- Бутун, ҳар қалай, бир шогирдингиз яхшигина чақиб олди мени.

Унинг кўзида аломатли бир учқун чакнади-да, шу лаҳза сўнди. Изоҳ талаб қилмади. Шундай гап бўлишини билганидан эмас, балки бунга табиий деб қараганидан, бундай ғаламисликдан устун турганидан. Мендан, умуман, ҳеч қимдан чўчимас эди у.

Мен қадахни қўлга олдим, сўз айтгим, шубҳа-ғумонларни дилидан қувгим, унга ёққим, юрагимни очиб кўрсатгим, қаранг, унинг бирон-бир қунжагида сизга ғараз ё, ортиқча бир даъво йўқ, дегим келар эди. Унга маъқул тушуғлик бир сўз ахтарар эдим.

- Бу дунё қаб бўлса, биз барчамиз ҳахта келган одамлармиз, - дедим мен. У эса шу қадар лоқайд, кўзларида шундай бир истеҳзо билан кузатар эдики мени, сўз айтганимга ўзим пушаймон бўлдим. Шунни сизди шекилли, - давом этинг, - деди у. - Яхши бошладингиз.



- ... Лекин энёрат қилиш ўрнига қаёқдаги қаланғи-қасанги юмушларга ўралашиб қолганми. Ёлғиз сизгина...

- Мени кўйинг, - деди у, - қани, қайтмас бўлиб кетаётган ман шу кун учун ичайлик. Ҳаёт шунчалар шафқатсизки... - Мен унинг кўзларидан сизиб чиқиб, милқларидан айланаётган ёшни кўрдим. Беихтиёр ўн йиллар ортида ётган, гарчи бугун кўпчиликнинг ҳаёлидан кўтарилган бўлса-да, вақтида сизиб чиқаётган газ каби бутун муҳитни ишғол этган тафсилот бирдан ҳаёлимни банд этди.

Ўшанда у зинапоядан тўртинчи қаватга чиқиб, эшик олдида пича нафас ростламоқчи бўлган, шу чоғ ичкаридан ингроқми, фарёдни қулогига қалинган, жон ҳаллида кўнгирак тугмачасини босган, пичадан сўнг эшик очилганда, ҳаром терга ботган Профессор чиқиб келган ва у индамай кўйига тушиб кетган.

Гарчи нима бўлганини ҳамон аниқ билмаси-да, ўшанда Ошиқ Ғариб ёниб битган чўпдай бўлиб қолгани ёдимда. Кимдир Профессор Ошиқ Ғарибни сиңдириш учун атай бир макр ишлатган деса, бошқа биров, на рўзгор, на илм билан иши йўқ, ўзим адоён тамом бўлган-да, дея Ошиқ Ғарибни куткилар эди.

Профессор айтганки: - Одам боласи бу ёруғ оламга бир марта келади. Модомики, шундай экан, дунёнинг жамики тансиқ нематларидан у тотиб кўриши, қандай йўл билан бўлмасин, қарчигадай човут солиб бўлса-да, ризку насибасини ҳаётда юлиб ола билиши керак!..

Шу-шу Ошиқ Ғариб ўйидан бош олиб чиқиб кетди.

Бир маҳаллар неча йил бу у билан бир хонаданда яшаганмиз. Ёдимда, худонинг берган шанбаси у кишлоққа отланар, "намунча энди?.." десам, менинг йўлимга кўз тикиб ўтирган кишим бор, шоир, дерди гўё осмон қадар юксалиб.

Кейин-кейин бўлак бир мутойиба чиқарган, ё ўтган сафар кишлоқда қаламни қолиб кетибди, дея ҳазиллашар ёки ковурилган картошкани оғзига олиб бориб, бирдан қошиқни қайтариб ликопчага ташлар, хомуш бир алпозда, оғим кўзимга кўриниб кетди, овқат ҳам томоқдан ўтмайпти, дер, дардини билганим учун ҳам жиддий тарзда: - Бориб холларидан хабар олинг унда, дердим. Шунда у қушдай енгил тортиб, апил-тапил нарсаларини йиғиштирарди-да, тинчлик-омонлик бўлса эртага етиб келаман деб, қийшайиб йўлга тушар эди. Орадан бир кун ўтгач, тило топан одамдай ўзига сиғмай эшикдан кириб келар, - эҳ, дўстим, - дерди сўнг ифтихорини яшира олмай. - Шундай борсам, кишлоқнинг йўлида кўзлари тўрт бўлиб ўтирибди. Онгим кетиб, туриб қолдим, сўнг томоқларим курукшаб овоз бердим: - Шоҳсанам!

Севинчдан юраги ёрилгудай бўлиб, интик, интизор овозда исминни тутди: - Ошиқ Ғариб!

Сўнг икки томчи кўз ёшидай бир-биримизга сингишиб кетдик!

Ўша гап-сўздан кейин орадан бир йил ўтгач, итдан кўрккан мушукдай олазарак бир алпозда Шоҳсанам эшиқни хиёл қия очиб ичкарига назар солди, ёнимда бошқа биров йўқлигини кўргач, аллақандай ҳадик-хавотир билан ичкарига кирди. У озиб-тўзиб кетган, ранги бир аҳволда, ҳаёли ҳам жойида эмасга ўхшар эди.

Келиб у менинг ёнимга ўтирди-да, аллақандай кўркув-саросима ичра ментга бир қараб олди, сўнг бармоқларини қарсиллатиб сиңдириди. У ўпкаси тўлиб келаётган кишига ўхшар, ўзини босиш учунми, орасира хўрсиниб чуқур нафас олар, энтикиб кўяр эди.

- Сиз... сизни у жуда ҳурмат қилар эди. Илтмос, унга айтинг: мени кечирсин. Унинг олдидаям, ота-онамининг, худонинг олдидаям гуноҳкор эмасман!

Гарчи бу қарз гап бўлса-да, вақтида Ошиқ Ғарибга айтишга ҳаддим бўлган эмас. Ҳали-ҳали - қабристонга бақамти йўлдан эрталаб ишхонага ўтар эканман, Шоҳсанамнинг қабри устида турган бир дона гулга кўзим тушади, бу гул қаёқдак келаётми? Ким кўяётми уни? - Шуни билмаганим учун ҳам у ҳақда Ошиқ Ғарибга сўз очиб қийинчилик туғдиради.

Ошиқ Ғариб кўздаги ёшини яшириш учунми, тескари ўтирилди ва мен унинг елкаси оша қараб, кўрдимки, йўлнинг нариги тарафидаги қабристоннинг энг четидаги қабртош устида чўгдай ёниб бир кучоғ атиргул турибди. Шундагина мен, Ошиқ Ғариб эҳтимол унинг қабрини кўриб туриш учун ҳам атай шу майхонани доимий макон этгандир, деган ҳаёлга бордим.

Ошиқ Ғариб тагин менга юзланди, у ҳаёли бўлак бир дунёда кезиб юрган кишига ўхшар эди. Мени аввал ҳам қайдадир учратган, бироқ ҳозир кўрган кишига ўхшатаёлмаётган каби тўсвол билан узоқ тикилиб турди. Шу тобда унинг оғзидан таъбимни хира қилгулик бир гап чиқиб кетишини истамас эдим.

У чап тирсагини устулга қўйиб, қафтига манглайини босди ва ички бир оғрик билан маҳзун ингранди. Кейин устулнинг бир четида турган шишага узалди.

- Ошиқ Ғариб деб дунёга келдигу лекин Ошиқ Ғарибдай яшай олмадик. - У қуйди.

- Ичдик. - Ошиқ Ғарибнинг иродасига итоатан қадахларни

ҳавога тўқиштирган бўлдик. У ҳатто тафтбосди ҳам қилмас эди. - Шуним икки бўлиб қўя қолай?

- Йўқ, нега энди? Мен... ҳозир...

Майхонага кириб, буфетидан яна бир шиша ароқ олиб чиқдим. Дилдаги ғашлик эзилиб борар, ўзимни унутар даражада тўйиб ичгим келар эди. Ароқнинг қалпоғини олиб ташладим-да, қадахларга чилпиллатиб ичимлик қуйдим. Қандайдир хато қилиб жондан азиз кишингни ранжитган, орадан бир мунча вақт ўтгач, тақдирнинг инъоми билан яна унинг дастурхонига, унинг меҳрли даврасига қайтган каби юрагим тошиб борар, тезроқ сархуш бўлишни, юрагимдаги муз тезроқ эриб битишини истар эдим. Қадахни чўқиштириш ниятида қўлга олганимда Ошиқ Ғариб норозилигини яширмай, бундай ичманг, деган маънода бош чайқади.

Мен қулган бўлдим.

- Бугун сизнинг туғилган кунингиз. Мен қандай хоҳласам шундай ичман.

- Ичкиликка берилиб кетдик. Буям сиёсат, буям умумий фожеа, - деди у.

- Янглиш кўчага кириб кетсанг, ҳатто шунга кўникма ҳосил қилсанг, баъзан шуни англаб қолганимга аламингдан ичсан-да киши.

У индамади. Менинг эса кўз олдимдан бундай жойларга икки дунёдаям қадам босмайдиган, ичмайдиган, чекмайдиган, ўзини парварши қиладиган сипо Профессор сира нари кетмас эди. Уни ёқасидан бўғиб судраб келиб Ошиқ Ғарибнинг оёқлари остига ташлагим келарди.

Биз узоқ ўтирдик. У нима деди, мен-чи? Ёдимда қолмаган. Кейин ўзимдан гижиниб шу оқшомни ёдга олганда, хотирамда тикланган узун-юлуқ тафсилотлар шу: у айтдики, туш кўрибди. Тушида у. Ҳа, Ошиқ Ғариб айнан шундай деди, унинг номини тилга олмади. Икки кишилик ётоққарават эмиш. Ёлғизликда қийналиб кетдим. Келақолинг энди, дея ёнига чорлармиш!

Кейин унинг қатта йўлга яқин қолганда, нарироқда қабристонга тикилиб туриб қолгани, сўнг: - Шаҳсанам! - дея талпингани ёдимда. Шунда айтиб берган туши ҳаёлимдан кечди ва ҳозир бир кори ҳол содир бўлади, деб ўйладим, олижаноб туйғулар шу қадар дилимда жўш урган эдики, унинг учун ўлиб кетишга ҳам ҳозир эдим шу тобда. Назаримда, чап тарафда машина елдек ўчиб келаётгандек туюлди. Мен бирдан олдинга талпиндим ва ҳалоқат ёқасида турган Ошиқ Ғарибнинг ўмизидан тутиб зарб билан орқага силтадим. Ўша лаҳзадаёқ кўнглим сездики, у фалокатдан халос бўлди, эҳтимол йўлнинг четига учиб кетгандир. Лекин ўзимни тутиб қола олмадим, ҳозир, мана, ҳозир келиб машина туртиб юборади, лекин буни, ўлимни писанд этганим йўқ, ўзимдан рози эдим, қахрамонлик қилган кишидай телбавор илжайди, ва ҳалоқатдан қочиб эмас, табиий суратда бир-икки қадам босдим...

Феруза, ўйлаб ҳамон ўйимнинг адоғига ета олмаيمان: қандай содир бўлди бу? Нега? Бало-қазодай устимга ёпирилиб келаётган машина қандай қилиб бориб симёғочга урилди ва кўндаланг туриб қолди? Қандай қилиб у ғилдирак остига тушди? Ақл бовар қилмайди сира.

Ўшанда мен ортимга ўтирилиб, уни ғилдирак остида кўргач, гарчи кайфим тарқаб кетган бўлса-да, ўзимни идора қиладиган аҳволда эмас эдим. Аввалига бир неча сония илгари юрагимга қувват бахш этган сурурдан асар ҳам қолмади, мени ваҳм босиб, Ошиқ Ғарибнинг ўлими бир умр ўзим ҳақимдаги тасаввуримни қонга булғагучи, шаънимга иснод келтирувчи, истаган пайтда шумқадан деб айбашларига имкон туғдирувчи воситага айланганининг ҳали идрок этмаган бўлсам-да, беихтиёр ўзимни четга олдим, кўздан пана-овлоқ хиёбонда нанкин уни олиб кетишгунча, ҳатто ундан кейин ҳам, то ярим кечагача қолиб кетдим. Бу қасофат даставвал ўша воизнинг гаги дилини хира қилганидан, бунга сабаб эса, Профессор, қачондир унинг ҳиммат кўргузиб раҳнамолик қилганлиги ва унинг измига кирганидан бошланганини, кейин Ошиқ Ғарибнинг, бугун менинг туғилган куним, дея қайта ва қайта айтгани, сўнг кўрган тушини айтиб бергани такрор ва такрор ҳаёлимдан кечди. Кўргулик унинг кўзларидан белги бериб турар эди. Вақтида шуни англамаганимга пушаймон, шу майхонага бурилмай ўтиб кетганимда балки шу ҳодиса рўй бермасмиди, дея надомат чекар эдим. Баногоҳ, шундай ўйлар билан бир четда ўзимни қалғитиб ўтирганимни идрок этдим, аслида унинг ортидан бориш, нима бўлди? Ҳали ўзи тирикми? Ва ё... - шуни билиш, дўсти ёрларга хабар қилиш лозим. Шунда менинг бир ўзим гўё юзга бўлиниб, юз киши бу масалани муҳокама қила бошлади. Бир жуда аҳиёткорлик билан: - Агар унинг ўлимига номинг боғланса, душманларинг нималар демайди. Яхшиси, ҳеч вақо билмаган бўлиб уйга кетавер, - деса, бошқа бири: - Таниш-билишлардан бирон-бири кўрган бўлса-чи? Ўзингни четга олсанг, нима деган одам бўласан эртага? - дея наҳаёт қилар: - Умуман, шундай нохуш ҳодисалардан четроқда юриш керак. Ҳозир уни ахтариб касалхонага борсанг, милиция сени ахтараётган бўлса, тутиб олса...

Ёхуд куни битган бўлса, ўлигини олиб кетинлар деса...

Бундай бадбахтлиқни қариндош-уруғларига етказиб бориш ҳам...

Нихоят, ўрнимдан турдим, алламахал бўлиб қолган эди. Хиёбон четдаги крандан куйилиб турган муздай сувга юзларимни чайдим, фақат тегирмон тошидай бир бало кўкрагимни эзар, рухим жуда оғир эди. Бошимни бир лаҳза сувга тутиб турдим-да, сўнг бўйинларимга довр чайиндим, кейин шаҳарнинг кунботар тарафига қараб ясланиб ётган йўлга чиқдим, айнан шу йўл тез ёрдам клиникасига элтар эди...

III

Сентябрнинг аввал бошлари эди, гарчи профессорнинг энсаси қотса, рўйхушлик бермаса-да, унинг учун шу жой азиз эди, дея институтда Ошиқ Ғарибнинг хотира кечасини ўтказдик. Зеро, шунга бурчли эдим мен.

Кеча адоғига етгач, бирон жойда ўтириб дардлашайлик деб гарчи шериклар даъват этса-да, расмиятчилик юзасидан уларнинг ҳар бирига ташаккур айтиб хайрлашдим ва илдам юриб йўлакка чиқдим, азбаройи чарчок ва ўша хотиралар боис, тезроқ кишилардан узулиб кетгим ва ёлғиз қолгим келар эди.

Мискин кайфиятда кетар эканман, ўй ўйламас, не хатолик ўтди, нелар бой берилди, шундоқ англаб турар, ҳеч кимни учратмай ёлғиз бир ўзим ғариб ва афтода номозшом қўйинида эзгин сайр этгим келар эди.

Тақдирнинг қурилишида мантиқ ва моҳият кўрмас эдим, ҳаёт эмас эди бу. Тугилсан. Оила курасан. Нимангдир қандайдир зўравонга хуш ёқади ва шунга у чанг солади. Бағри қон ўтиб кетасан...

Мен унга хайрихоҳ, астойдил ачинар, бироқ унинг фожеаси замирида гарчи, шароитни билиб, вазиятни англаб турса-да, ҳеч бир ён бермай яшаш, гарчи кишилар туртиб ўтса-да, гарчи ҳақини юлиб кетса-да, индамаслик зоҳирона қаноат яширин эди, деб ўйлар, ҳаётий оқимдан четда қолган ёт бир киши бўлиб туюлар эди у. Бошқалар каби яшашга қобилияти йўқмиди унинг? - деб ўйладим. - Хэ-э, йўқ, шубҳасиз у катта иқтидор эди, бундайлар агар интилса, осмондаги ойни олиши мумкин. Нега энди у...

Бошига ўша мусибат тушгач, синдимикин? Ундай десак агар... - Менинг кўз олдимдан унинг тахлам-тахлам қўлёмалари ўтди. - Нахот шу йўлни макбул топган бўлса? - Хар ҳолда мен уни ёқламас, модомики инсон бир марта яшар экан, соҳиб иқтидор бўла туриб, бунчалар ўзини хор қилмаслиги керак, деб ҳисоблар эдим.

Ҳаёлимнинг бир бурчагида аллақандай оғрик белги берди, уни бир йилча аввал қимандир эшитган ва бугун хотира кечасида шунга ҳамоҳанг, шунга тасдиқловчи бўлак бир гап айтилгандай эди гўё, мен уларни илғаб олишга тутиндим, улар аллақандай тилсимни очиб юборадиган каби умтилиш қўзғаган эди кўнгида; бир нуқтага тикилганча тўхтаб ҳаёлимни жам этдим ва Ошиқ Ғарибга боғлиқ ўша мулоҳазани эслашга тутина бошладим, шу чоғ аллақим исминни тутиб овоз бергандек туюлди, ҳаёлим чалиб беихтиёр ортимга ўтирилдим, кечага йиғилганлар секин-аста тарқалаётган бўлиб, автолар ўнғай бўлганлиги учун ҳам улар кунботар тарафга - катта йўлга қараб юришар, изимда зог ҳам кўринмас, йўлакнинг икки тарафи хиёбон бўлиб, у мен каби фаромуш, кўнглимдай хувиллаб ётар эди.

Баногоҳ чекким келаётганини ҳис этдим, эҳтимол ҳумор қилгач, шундан безовта бўлгандирман, деб ўйладим ва чўнтагимни пайпаслаб сигарет олдим-да, тутатиб, паршонҳол одамдай кета бошладим. Қарғиш теккан уша оқшомдан беён гарчи бир ой ўтган бўлса-да, ҳатто туғиб - унинг хотира кечасида ҳам ўша оқшом у билан бир устудла ўтириб, бирга ичишганимизни, бошига шу кўргулик тушишидан аввал унинг айтган гапларини, кори ҳол тафсилотини бирон-бир кимсага айтмаган, ортиқча гап-сўз, турлича тусомларга сабаб бўлмасин дея юракда асраётган сир эса диққатимни зиёда этиб, кўргошиндай кўнглимга чўкаётган эди. Хали-ханузгача бирон-бир киши шунга ишора қилмаган бўлса-да, бир кун келиб шу гап барибир юзага чиқишини ва ҳатто пинҳон тутганим учун ҳам мени айбдор қилиши мумкинлигини кўнглим сезар, дилжам бўлишга сира имкон қолдирмас эди. Шу чоқ нимадир шитирлади, бу тахдид куткусида юрагим увишганча шарт ортимга ўтирилдим ва кўрдимки, икки одимча нарида - ҳеч вако бўлмагандай жуда хотиржам, бошини солинтирганча ўй ўйлаб у келаётди. Жуда яқин қолганда, афтидан, булутдай бўлиб йўлини тўсиб турганлигим учунми, тўхтади, оёғимдан бошимга довр назар солар экан, норозилигини яширмай чигирилганча киприкларини кўтарди ва сўнг чарос кўзларини менга тикканча хайратини яширмай дедик: - И-я. Бу - Сизми?

- Ҳа. Бу - мен!

Бу - ўша, хотира кечасининг аввал бошидаёқ сўз олиб сўз айтган, сўнг садпора хижратда қулоб шамдай сўнаётган ҳилол, унинг ҳажрида бағри қон шамсу камарнинг қулоб-ёниши, уларни айри солган Қора Ният ҳақиди шешр ўқиган, у ўқир экан, илоҳий таъсир руҳимни аллалаб, ҳаёлимни оханграбодай домига тортан, сирли бир оламга

етақлаб кетган эди, бир неча одим бериди унга соме, шамдай қотиб турар эканман, дилимда маҳзун туйғулар кўзгаб Ошиқ Ғариб ва уни интиқ бўлиб қабатига чорлаётган Шохсанам... кўз олдимда кўриниш бериб тураберган. Ва, ниҳоят, менинг шууримга шу етиб келганки, на зулмат, на Қора Ният ҳилолнинг юзига соя сола олмайди, Шамсу камарнинг ҳам...

Ҳозир шу ёдимга тушгач, беихтиёр бирдан бир йил аввал афтодаҳол Шохсанамнинг ҳузуримга кириб келгани ва Ошиқ Ғарибнинг қошида она сугдай тоза эканлигини айтгани ёдимга тушди. Беихтиёр бундан бир неча сония муқаддам уйғун шу даволарни ёд эта олмай қийналганимни англадим. Кечада шу сўзни айтган чоғи қандай бўлса, худди шундай ички бир хайрат билан бошимни кўтариб, қўлларимни катта-катта очганча унга тикилдим. Гўё шу юзлар, шу кўзларда сирли бир ҳикмат яширинки, уни уқиб олишни жуда-жуда истар эдим. Бироқ зум ўтмай илоҳий бир жоду яширин кўзлари, унинг хусну малохати менинг ҳаёлимни чалғита бошлади. - Нега шундай деди у? Сўраш керак! - деган ўй ўжарлик билан кўнгида оёқ тираб турса-да, секин-аста бўлак бир кайфият алладек элтиб домига торта бошлади мени ва беихтиёр, агар сен ишонсанг, Феруза, қун сайин, соат сайин ёшим ўтиб бораётганлигини, бу дунёда соядай ўралишиб юрганлигимни, кўзбойлагичдан ҳеч фарқим қолмай, қилар ишим аллақачон маъносини йўқотганлигини юрак-юракдан тагин ҳис этдим, алам ва ўқинчдан тагин жоним қовурила бошлади. - Бир пайтлар ўзим ҳам шундай бир илоҳий куч сезар эдим-ку? - деб ўйладим мен. Нега энди асл нарсаларга, дейлик тиллога, ёки пичокнинг сопидаги дандопга кўзим тушса, Ошиқ Ғариб кўзларимга кўринади? Нега энди ўзим йўқламайдиган қисмат мангудек ҳаёлимни ўғирлайди менинг?! Гарчи шу тобда қоним оловлана бошлаган бўлса-да, бари бир, ноумидлик юракдан чикмас, руҳимни синдириб ташлаган юкни итқиттулик бир куч сезмас эдим мен.

Айтишларича, чақмоқ чакқанида ерга тушган яшин гоҳо қора шар мисоли думалаб кетар, йўл-йўлақай бориб агар негати урилса, шуну кўйдириб юборар экан, бамисоли шунинг ўзгинаси эди бу қиз.

- Ҳаёлингизни қувиб, сизни тинчсизлангирдим? - Ийганишини ҳам йиғиштириб қўйиб, азалдан танишдай у яйраб қулди, сўнг хиёл чимирлиб, хиёл истиғно билан - жоду қилиш ниятида у атай чимирлар ва бу менинг дилим илимаганлиги учунми, шундоқ билиниб турар эди, эҳтимол, аслида менга туйилгандай эмасдир, эҳтимол, бу унинг кўзга яқин бўла бошлаган пайти хавосини олган ва шу-шу одат бўлиб қолган, ҳатто ўзи ҳам сезмаган ҳолда қиладиган ишвасидир - менга тикилиб қаради у. Ва секин-аста унинг юзидидаги ҳаяжон ёлқини сўна бошлади. Зеро, у англаган: қаршисида бирга учиб кетишга орзуманд ҳаёлпараст эмас, бундай ташрифларга бадғумонлик билан қаровчи, тамомила бўлак кайфиятдаги дийдаси тош қотган бир кимса турар эди. Юзлари синикиб, совуқ қотган каби у хиёл кўнишиди. Қачонки озор еган кўнгли ноласи нигоҳига силқиб чикқач, идрок элдимки, мурувват - нима, билмай, ошқора хушламай, совуқ назар ташлаб турган эканман унга.

Бирдан кўзларимни олиб қочдим.

У пушаймон бўлган, шунчалар пушаймон бўлган эдики, шунни сезиб, мен ўзимдан хафа бўлиб кетдим.

- Кечиринг! - деди у, шикаста овози йиғидан бўғилиб чиқди. - Кечиринг! Мен... Мен ўйлабманки...

Афсуски, надоматми - ичимдаги ҳовур сизиб бошимга кўтарилди. Кўз олдим тиниб кетди. Дафъатан мислсиз бир чарчок туйдим, одатда, қутилган фалокат содир бўлмаса киши шундай кўйга тушади.

- Менинг ўрнимда бўлсангиз, ўзингизиям қапалагингиз учиб кетарди, - дедим унинг дилидаги ранжни қувиш учун атай мутойиба қилиб. - Ҳеч қутилмаганда томдан тушгандай... Худо бераман деса ҳеч гап эмас экан-да ўзи!

Бунга жавобан у майин қилмайди, бироқ хуррак қарашларидан хали ҳадик аримаган эди.

Шешр ўқийтуриб, боя терга ботган, шу тобда эса, енгим тирсақларимга чиппа ёпишиб турар, жуда нохуш эди бу.

- Исмнингиз?.. - дедим мен икки орадаги хижилликдан тезроқ халос бўлиш учун.

- Шахризода. - Зимдан тагин у авзойимга қараб олди.

Шунда мен жилмайган ва одоб юзасидан, танишганимдан хурсандман, деган маъно англадиб тавозе қилган бўлдим. Бу эса бир маҳаллар ўзим рўбарў бўлган - ўликниқидек ифодасиз юзларни, зарурат юзасидан уларнинг расман чимирлиши ва ёки расман табассум қилиши, расман захарханда тусга қиришини ёдимга солди. Жуда алам қилар экан-да - наҳотки ўзинг сезмаган ҳолда шу кўйга тушиб қолсанг киши. - Шу чоғ, афтидан, у менинг нигоҳимдаги сўнгсиз бир умидсизликни илғаб қолди, хиёл ўнғайсизланиб дедик: - Агар сизга халал берган бўлсам?..

- Йўқ. Нега энди? Ахир... Биласизми... Баъзан мен кишиларнинг



юзига қараб, уларнинг ўлиб бораётганлигини илғаб қоламан. Тасаввур килинг сиз: метрода, дейлик, қандайдир жувоннинг қаршисига ўтирибсиз, боринги, у йигирма беш, ана ўттиз ёшда, лекин ангори шунчалар совуқки, зигирча меҳрдан ва ёки қаҳрдан, ё тавба, асар йўк! Бамисоли тош қотган. Аллақачон ўлиб бўлган у. Вужудингизда илон ўрмалагандай бўлади. Дод солиб бир ёқларга учиб кетгингиз келадди, бирдан ваҳм босади: мен-чи? Ўзим-чи? Келиб тошойнага рўбарў бўласиз - ўзингиз билан юзма-юз. Чаккаларингиз мрамардек тарошланган, қарашларингиз шунчалар шафқатсизки, ё олло...

- Чарчабсиз, - деди у. - Ҳаддан зиёд чарчабсиз.

Бирдан енгил тортидим, тамомла эмас, албатта. Йўл бошлар эканман, шикаста табассум лабларимга қалқиб чиққан бўлса эҳтимол. Шу чоғ унинг боя ўзига чексиз бир ишонч билан саҳнага чиқиб келгани ва гул тақдим этар экан, бошини хиёл кўтариб, чарос кўзларини катта-катта очганча тикилиб қарагани ёдимга тушди. - Нега айтдим бу гапларни унга? - деб ўйладим мен ички бир надомат билан. - Тавба-а.

Шундай кизлар бўлади ўзи: таникли кишиларга талпиниб юрадилар, уларнинг назарига тушишни истадилар, уларга яқин бўлишдан, шуни дугоналарига сездиришдан хузур ва ҳаловат топадилар. Бироқ у бундайлар сирасига кирмас, буни ҳали - унинг кўзларига кўзим тушган чоғдаёқ хис этган, зимдан унга назар ташлар эканман, ҳозир ҳам шунга иқрор бўлар, шунинг учун ҳам ниёти нима, не муродда бу тахлит менинг йўлимга кўз тикди, деган ўй сира ҳаддан чиқмас эди.

- Ҳа, чарчабсиз, - деди у ўзига ўзи сўзланган каби жуда хотиржам ва ачинган оҳангда, - шунчалар қаттиқ чарчабсизки, наинки у юргингизга тўкилган, ҳатто манглайингизга ҳам чўкиб қолипти.

Ички бир ҳайрат билан унга юзландим, меҳрибончилиги туфайли эҳтимол, дийдам эриб, аломат бу кизга нисбатан алланечук меҳр ва эҳтиром туйдим, айни пайт у ишора қилган толғинлик бошимни эзиб тушаётгандек, манглайим эса тиришиб, тош қотиб қолгандек эди гўё.

- Ширин жонингизни қийнаб юрибсиз. Ҳар нечук, анчайин чарчоқ эмас бу?! - Унинг маънос боқаётган кўзларида менга ачинишни, ҳамдарликми, нима бўлганда ҳам, жуда самимий қуюниш ҳиссини кўрдим, шунда англадимки, турмуш ташвишларига кўмилиб қолиб, кўнгилетарларга мурувват ва меҳрибончиликни аллақачон унутган; бегона, бироқ фавкулотда гўзал бу кизнинг шунчалар ўзини яқин олиб, тагин назокат ва ички бир оғриқ билан айтган гаплари эса, дилимни вайрон қилган эди, боши силанган етимдай ўқсинишми, алланима келиб бўғзимга тикилиди, қароқларим хиёл намланди. Шунча йил бир ёстиққа бош қўйган кишим шунча йил бадалида бирон марта келиб, менинг юзимга тикилмагани, ундаги ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолмагани, чарчоқ асоратини кўриб қайғурмагани, дардни олғувчи бирон оғиз ширин гапини айтмагани ҳуусида оғриниб ўйладим ва ортиқ ундан ётсирмай қўйдим. Ҳатто бизнинг орамиздаги тўсиқ ҳам кўздан ўча бошлаган эди, ҳадемай у буткул йўқолади, кўнглим шуни сезар, зеро, унга кўнгил ёришни жуда-жуда истаётган эдим. Бироқ, гарчи ўзим шуни истамасам-да, аллақачаноқ қонимга сиғиб кетган - бир гап айтиб, эртага қулги бўлиб қолмайин тагин, деган эҳтиёркорлик боисми, ҳар қалай, дилимдагини ниҳон тутиб, атай лутф қилдим:

- Сиз жудаям аломат киз экансиз,

- Йўк, топа олмадингиз! - деди у ўқсик оҳангда, қулимсираб, унинг хиёл ярашқисиз қулгусида ҳам тўма қиликни йўқотишга бўлган уриниш чага қолганлигини илғаш қийин эмас эди. - Узоқ йиллар кўзгу қаршисига ўтириб ўзини роса қузатган: қай бир қилиғи ўзига ярашади, қай бири йўқ, эҳтимол, шундай қулишга бора-бора қуниқиб кетгандир, - деб ўйладим мен, сўнг унинг қилқиларидаги танतिकликни кўриб, - эрка ўсган шекилли, - деган ҳаёлга бордим. Нечукдир ҳолатдан чиқиб кетган эдим, шунинг учун бўлса керак, унга ёқдим, унинг дилини эркаловчи бир сўз айтдим келар эди.

- Бу дунё ҳар қанча ғариб бўлмасин, вақти-вақти билан худойим бизни сийлаб туради, - дедим мен ўзимга ярашмаган гапни айтаётгандек, дилда пича малол туйиб, - сиздай кизларни яратиб...

- Йўк, сиз тагин адашдингиз, - деди у, мен кўрдимки, лаблари устида истеҳзоли бир қулги жилва қилаётди.

- Адашдимми, йўқми, буни билмадим, лекин шунга имоним қомилки, йигитман деган изингдан соядек эргашиб...

- Йўк, - у бирдан маънос тортиди, ҳасрат тўла кўзларини менга тикканча, йўк, деган маъно англади сезилар-сезилмас бош чайқайди. - Улар мени кўра олмайди.

- Сиз айтганча бўлмаса керак, - дея эътироз билдирдим унинг гапини тўғри маънода тушуниб, кўрдимки, ўқсинган қизалоқ каби Шахризоданинг лаблари бурилиб кетди, демак, мен эҳтиётсизлик қилган, ниманидир назардан қочирган, хатойим эса, унинг кўнглига теккан эди, ортиқ бир сўз айтишга ҳаддим сиймай жимиб қолдим.

- Мен... Сиз ўйлагандай эмас. - Кимгадир ғазаб қилган каби унинг лаблари қимтиди. - Шошмай туришин ҳали...

Феруза, шунда ҳаёлимга нималар келмади дейсан: - Биронтаси буни йўлдан оздиргандир? Яқинлари шуни билар, ўзларини ундан олиб қочишар? Паст назар билан қарашар балки? - у эса ўйлаётган ўйларимни уқиб тургандек, жуда ёмон назар билан қараб қўйди менга. Тагин: - Сиз мени хафа қилдингиз, Исмсиз, - деди азият чекканлигини сира ҳам яширмай, табиийки, жуда шошиб қолдим. - Нега? - дедим гапимни ямлаб; нимадир хиёлимга ўқдай сингиб кетган, шуни эслагим, нима эканлигин уққим келар, лекин қувваи ҳофизам етмас эди бунга. Мен ахтараётган нарсам битиб қўйилгандек унинг юзларига тикилиб қарадим, у жажжи қизалоқ каби астойдил аччиқланган, йиғламоқдан бери бўлиб лаблари бурилиб турар эди.

- Кўйинг, хафа бўлманг, - дедим чиндан унга жоним ачиб, сўнг яна ўз ўйларимга ўралашиб қолдим. - Сиз... сиз бир нима дегандай бўлдингиз?

- Сиз мени хафа қилдингиз, дедим.

Мен қанчалар ажабланганимни билсанг эди, Феруза. Ҳақиқатан ҳам, у айнан шундай деган, лекин мен истаган сўровга жавоб бунда йўқ эди. Мужабат бир қайфиятда: - Қулингизга нимадир бўлган ўзи, - дедим беихтиёр.

- Рост, - деди у, гап оҳангидан чандон жажли чиққанлиги сезилиб турар эди.

- Нима рост? - дея сўрадим баттар ажабланиб.

- Сизга нимадир бўлган! Аммо-лекин...

- Нима лекин?

- Дуч келган кизларнинг эмас, оллонинг қулисиз сиз!

Мен кулиб юбордим.

- Ҳаммасига ўша айбдор - қуриб кетгур!

- Ким у - ўша?!

- Жодугар-да.

- Қанақа жодугар? - Жуда қулғули эди бу гап - сенга жужук эртақ сўзлаётгандай.

- Профессор-чи.

- Қанақа профессор?

- Профессор...

- Ким у? Бу гапга нима дахли бор унинг?

- Агар у шундай қилмаганида...

- Ўлай агар - бирон гапингизга тушунган бўлсам. Ё тавба. Ким эди у? Нима қилди сизга?

Гинаҳонлик билан у бир қараб олди, шундагина қалаванинг учини буткул йўқотганлигини, ниманидир у атай яширганлигини, шунинг учун ҳам уни тинглашдан бўлак чорам қолмаганлигини идрок этдим.

- Биласизми, у ўқув йилининг биринчи қуниёқ сабоқхонага кириб келди-да, - ўлғудек такаббур десангиз, ҳатто ўзини тутишидаям, кизлар мени кўрса адоий тамом бўлади, деган қалтабин ишонч шундоқ сезилиб туради, - ҳар биримизни алоҳида-алоҳида назардан ўтказди. Тоза шу ишнинг ҳавосини олган экан: шошмайди ҳам, эринмайди ҳам, тилломагазинга кириб, узук танлаётган бойваччанинг ўзгинаси. Навбат менга келганида мана бундай қилиб, - у хиёл димоғини кўтариб турмулча беписанд, калондимоғлик билан кўзларини сузди-да, юқоридан тикилиди менга, - қаради, сўнг шу аллозда сўз бошлади: - Бобур Мирзо...

Унинг назарига тушсам деб ўлиб бораётган кизлар шуни эътибордан қочиради дейсизми? Гарчи шунга фаҳмим етса-да, бари бир, билганимдан қолмадим, шунақаман-да, ўзи. Дарсни ақунлар экан, нечундир ҳеч қимдан тап торتماй, ошуфта ҳол кўз сузиб у менга тикилди: - Лабинг бағримни қон қилди, Кўзимдан қон равон қилди, Нега ҳолим ёмон қилди, Ман андин бир сўрорим бор. - Сўнг: - Шоҳ Бобур нима демоқчи? - дея гапида давом этди. - Байт неча маъно ташиётди?

Ўсмоқчилаётган эди у, буни балодай тушуниб турардим, қуредошларим эса шошиб қолишди, ҳаммаям ўзини кўрсатсам дер эди. Кимдир шеригига маслаҳат солди, шоирнинг қочиримини англаганлар сўз сўраб одоб юзасидан қўл кўтаришди, улар бу хонада нелар содир бўлаётганлигидан ҳали беҳабар, ўзлари аллақачон диққат марказидан четда қолишган - буни сезишмас, зеро, профессор шоҳ Бобур воситасида мурожаат қилиб, шунинг менга таъсирини, менинг муносабатимни, демакки, қимлигимни билишни истар, мен эса атай ўзимни у тусанган каби тутар эдим: бемалол, ўтирган жойимда тумшугимни чўзиб, - шундай эркаликка ҳаддим сийгар, шаштимни у қайтара олмасди, бунга кўзим етиб турар эди, - ғазал тағдир маънога ҳам эга, - дедим, сўнг жўртгага енгилтақ қизларга ўхшаб сезилар-сезилмас қошларимни учирдим.

- Ҳўш, ҳўш? - деди у кун бўйи ахтарган нарсасини топиб олган каби ички бир орзиқиш билан, сўнг мийинида илжайди. - Қани айтинг, эшитайлик?

Ҳамма ўгирилиб менга қаради - кимнингдир ҳаваси келган, кимнингдир энаси қотган, уларнинг баттар қитқитлигига текким келди, ҳаёлимни жамлаб ололмаётган каби хийла вақт бир нуқтага тикилиб қолдим.

- Кулогим сизда! - деди ниҳоят сабри чидамай профессор. - Кани?..

- Биринчиси, - мен ўрнимдан турмай, буни гўё фаромушликка йўйиб паришон чимирилганча жавоб қилдим: - Биринчиси - шох Бобур маъшуқасига савол айтдики, нега сенинг дудоқларинг жонинг офати, бунчалар кўнгилни ўртагувчидир? Асрори не? Иккинчиси...

- Ташаккур! - деди профессор шоша-пиша, ички бир қоникши билан, қочирим унга ҳам, менга ҳам аён, қолаверса, ўзи хоҳлагандек - кўзи очилган фаросатли қизларга хос жавоб олган, шундан мамнун, фақат сирдан ўзгалар оғох бўлишини сира-сира истамас эди у, лекин мен тинч турардим, ахир, айтишни истаганим ҳам - индалло эмас, балки аслида шу - иккинчи маъно эди, жудаям шунга ошкор эгтим келар, айтмасан, ичимда қолса, ичимни қуйдириб юборадигандек эди.

- Иккинчиси, - дедим мен худди шунинг барчаси битиб қуйилгану шунга ўқиб бераётган каби дерза оша ҳовлига кўз тикиб, шунда гулзорни пайхон қилиб юрган кўчкорни кўриб қолдим. - Қоровулники бўлса керак - деб ўйладим жуда бемалол ўтлаб юришга қараб. - Шох Бобур... маъшуқасининг ақиқ деймизи, гўнча лабларига муштоқ термулганча деймизи...

- Сиз дейман?!

- ... ниёти қиладики...

Сўзлашга қўймади у мени, бироқ шу асно нечундир маъшуқа юбка кийган - оёқлари йўғон - танноз шамойилда кўриниш берди менга ва ҳатто унинг чуччайган лабларидан кинолардаги ошиқлар каби ютоқиб ўпаётган шохона либосдаги шоирни ҳам аниқ-тиниқ кўз олдими келтирдим, ўтмишни бугунга чоғиштирганда фавқулодда фаройиб, кулгингни қистовчи манзара намоён бўлади, шунга жуда-жуда айтгим келди, чунки буни унинг ўзи истаган, шундай қилсам ўзи таъзирини ер эди.

- Хуллас, - дедим ўжарлигимни қўймай, лекин у менинг гапимни бўлиб: - Бас, етар - деди, - ҳадеб ҳақдингиздан ошаверманг-да энди, ўртоқ... - Менинг исму шарифимни у билмас эди, аввалига бир лаҳза тараддуллиб қолди, сўнг хозиржавоблик билан ёқимли мутуйиба қилди: - ўртоқ бобуршунот!

- Ҳа, майли, - дедим мен, жилмайдим, жудаям тантиқлим тутиб кетган эди шу тобда. - Қизи-ик, шунга билишдан шунчалар чўчир экансиз, аввал бошда нима қилар эдингиз ўзингиз шунга сўраб? Тавба-а!

Профессор бунчаликка боришимни кутмаган экан шекилли, бир қиё боқиб деса, бира-тўла мен ечиниб қўя қолгандек жуда ўйғайсиз ахволда қолди, назаримда, пича қизаринди ҳам. Лекин унинг мўйлаби учи хиёл бурилиб, кўзларидан шундай бир учкун чакнадики, мендан бўлак бирон киши буни пайқамасди ҳам, ҳадидман ошишим барчанинг гашини кўзгаган, улар менга қараб ижирганиб туришар, ёлғиз угина, ерга урса, кўкка сапчир экансиз-да, ҳа, майли, нозингизни кўтармай илож қанча деган каби чидам билан сукут сақлаб турар эди. Муроди ҳосил бўлишига кўзи етган сурбетгина бундай пайтда, соқовнинг охирини эшитай-чи, дея оғрига чидаб, оғрига чидаб, жилмайиб тураверади. Гарчи шунга сезаман-да, бунинг оқибати, яъни негаки юқори курсида таълим олаётган қизлар ҳам икки гапининг бирида сирли ўртаниш билан номини тилга оладиган шадот бу одам чок-чокидан сўкилган кўғирчоқдай қилвирабгина турар эди қаршимда.

Кейинги сафар у дарога кирган заҳоти кўз учиди аллакимни ахтарди ва менга назари тушган заҳоти қарашларида шох Бобур дилидаги армон акс этди: - Лабиндан бир сўрорим бор! - Беор шу ифодани уққан ҳамоно аламин кўзиб аввалгидан беш баттар ахволга солгим келди уни. - Вой калтабин-э! Сен нима деб ўйлаёсан? Пойимда тиз чўқасан! Оёқларимни кўзинга суртасан! Шошмай тур ҳали! Бошинга шундай қулларни солайки, тутилганларинга пушаймон бўл! - дея дилимга тугдим. Қўйиб бераман - ўзи боғланиб қолгунча, келиб, сенсиз менга бу дунё қоронғи, деб оёқларимга бош ургач, хонавайрон бўлгач, орамизда гўё ҳеч вақо бўлмаган каби - ўзимни гўлликка солиб - ҳатто ажабланиб, шундай бир фозил, кизи мен тенги одам шу ахволга тушишига сира-сира ишонмагандай, ундан икки дунёда ҳам бундай саъйи ҳаракатни кутмагандай муомала қиламан. - Ойлангиздан ажралдингиз? - Нега энди? Менсиз яшай олмайсиз? Вой, шўрим, уялмайсизми, ахир, отам тенги одамсиз, қандай тилингиз борди, а, шундай дейишга! Гёте ҳам набираси қатори кизни севиб қолган? Хўш, нима қилти, ахир сиз Гёте эмассиз-ку, профессор! Мен ҳам набيرانгиз тенги эмасман, бор-йўғи қизингиз қаториман, холос. Ўлдирсам ҳам кетмайсиз? Нега энди, профессор? Профессор демая? Нега? Ахир, сиз профессорсиз-ку, ҳурматли профессор. Пачаки гаплардан фойда қанча, қўйинг, юмшингизга боринг. Қилинадиган ишлар кўп ҳали: қанча кўлэмалар чанг босиб йўлимга кўз тикиб ётипти, афсуски, вақт етншмайди, деган, нолинган эдингиз, боринг, савобдан қолманг! Нима-а? Хўп десам?... Профессор, менинг кўнгил қўйган кишим бор, агар, шу гапдан у хабар топса борми, нақ ўлдирди. Кетинг! Кетинг профессор! - Ситтаб, синдириб ташлайман уни. -

Кетинг! Нима-а? Гапингиз жиддий? Бошингизда кўтариб юрасиз? - Аввал қарс уриб, ётоқхонани бошимга кўтариб телбаларча куламан, сўнг нафрат билан унга тикилиб, илондай қачиб оламан: - Шунга зормидим мен? Топган гапларини-чи бу кишимнинг: бошларига кўтариб юрар эмишлар. Аввал ўзингизга бундай бир қаранг, кимга ўхшайсиз! Яна... Э-э, худо, мунча мени хўрламансан? - Бирдан ўпкам тўлиб кетади, ўзимни таққирланган хис этаман, аламиндан бўғилиб, кўзларимдан жовуллаб ёш қуйилади. - Наҳот сиз мени шунақа қиз деб ўйлаган бўлсангиз, профессор? Э-э, худо-о! - Соқларимни қилиб йиғлай бошламан. - Наҳот мен эрсираб қолганга ўхшасам?! - дейман қон бўлиб. Табиийки, у баттар эсанқираб қолади, мени опатишга уринади, мен эса атай нолаю фиғонни осмонга чиқараман, у эса менинг йиғимни бўлсангиз эшитиб қолишдан чўчиб, ялина бошлайди: - Ўзингизни босинг, Шаҳризода! Мен сизни... синаш учун... - Нима? - дейман мен. - Синаш учун? Нима, мен сизнинг синглингиз ё қизингизимдими, синаб кўрсангиз?! - Шу чоғ қимдир эшикни тақиллатади, мен нола қилган сайин эшикнинг тақиллаши асабий тус олади ва у, шолғоми қичиб, муштдайгина бўлиб қолади, ҳадеб шляпасини гижимлаганча менинг номимни айтиб чайнатади, эълитборимни тортмоқчи, овутомқчи бўлади. - Худо хайрингизни берсин, ўзингизни босинг, синглим! Йўқ, йўқ, эшикни очманг, оча кўрманг, Шаҳризода нима деб ўйлашади ахир?! - Нима-а! Ҳали сингил ҳам бўлиб қолдикми сизга? - Иддао қиламан-да, атай бориб эшикни очаман, дугоналарим - хайрон - кириб келишади, бир менга, бир ер ёрилмаган, ерга кириб кетмаган профессорга қарашади, - тинчликми? - дея ташвишланиб сўрашади, айнан шуларнинг кўз ўнгиди уни итдан баттар хор қиламан: - Чикинг! - дейман қакшаб эшикни кўрсатганча. - Йўқолинг! Қайтиб қорангизни кўрмайин мен! - Чўчиб кетган эмасми у, беихтиёр эшик сари бир-икки одим ташлайди, сўнг бу гап ҳозирнинг ўзида бутун институтга тарқалишини, шармандаю шармисор бўлишнинг ҳисоба олиб, бўлғайди, шляпасини гижимлаганча қизларга юзланади: - Мен шунчаки кирган эдим, - дейди жовдираб ва ўзича машаққатга изох беради: - Қарасам, йиғилапти. Юпатаман десам... - Ўзича уларни қалғитиб бўлгач, масалага сиёсий тус бериш учун мен ўзимни тўшакка ташлаб бирдан ҳўнграб юбораман. Боёқшнинг баттар қалаги учиб кетади, тутилганларига пушаймон бўлади. Қўлимдан келади шу. Агар, шундай қилмасам...

- Нега энди? Нима азоб сизга - ёш жонингизни шунчалар қийнаб?

У энгил хўрсинди.

- Бир кун айтарман сабабини.

- Шунақа денг?

- Ҳа, шунақа, - деди у ва алланечук хўрсиниб қўйди.

Ҳалигина терак учлари қон сачрагандак қирмизи тусда товланиб турган эди, шафақ сўниб, кўчалар буткул фойзини йўқотган, толгин шаҳар узди оқиш гўбор тўман янглик қуюклашиб борар эди. - Тавба-э, - деб кўзим ичимда, бирдан ҳеч вақонинг қизиги қолмади менга, дунё бор либосини ечиб ташлагану ҳаммаси ўзим ўйлагандек - яланғоч ҳолида кўриниш бериб турар, гўё ҳеч бир синаот қолмаган эди.

Биз анҳор бўйидаги оромгоҳга довурагисига йўл олдик, йўл-йўлақай, эҳтимол, ўй ўйлаб бораётгандек бўлиб кўрингандирман унга, лекин аслида руҳимдаги толгун соқилликка банди бўлиб қолган эдим. Шундай бўлади-ку, баъзан: ҳеч вақони ўйламайсан, қарчагансан, ўз қўйингга қетаверсан, зеро, шунинг ўзида аллақандай ҳаловат яширин. Албатта, мен унинг ҳамроҳ эканлигидан, ҳалал бермайин итоат билан унсизгина келаётганлигидан ич-ичимда миннадор эдим. Ниҳоят, биз майинггина қуй таралаётган, ёш-яланглар гулоб ичиб ўтирган оромгоҳга етиб қелдик, ғира-шира, қилватгина жойини банд этгач, гулоб ва музаймоқ буюрдик.

Анҳорнинг салқини келиб юзга-урилар, гарчи ора-сиратина шабада эсса-да, сув жуда соқин, илондай сирғилиб оққани оққан эди.

Мен унинг юзларига тикилдим, банди бўлиб қолгандек сира кўз узмай мавжларга термулиб ўтирар эди у. Туриши баминоси чексиз бир армонга айланган, мунис ва ўйчан. Менга туолдики, худди шу аллозда аввал ҳам уни қайдадир кўрганман, нанки кўрганман, балки напормон кеча қайдадир бирга ўтирганман. Унинг жимперини билагига ташлаб қўйиши ҳам, мана бу оғоч курсилар ҳам, угада будутлар тўзгиб ётган мана шу бир парча осмон ҳам, агар сен ишонсанг Феруза, жуда-жуда таниш эдилар менга. Баногоҳ унинг ҳали гул тақдим этатуриб, қарос кўзларини қатта-қатта очиб тикилиб қарагани ёдимга тушди ва менга туолдики, аввал ҳам шу кўзлар қачондир, айнан шу тахлит менга тикилган. Бу оқшом, шу учрашув қачондир балки тушимга кирганидир, деган тасаввур туғилди менда, лекин ҳадемай ҳозирги ўтиришимизнинг ўзи туш бўлиб тўйила бошлади. - Ҳозир у бошини кўтаради, кейин менга кўз остидан назар таштайди, - деб ўйладим мен ва у чиндан ҳам хиёл бошини кўтарди ва айнан мен хаёл қилган каби зимдан тикилди. - Жилмайди. - Чиндан ҳам у илтифот кўрғизиб мендек ғарибга ширин бир-табассум ҳали эди.

- Йўлингиздан қолдирдим сизни?

- Нега энди, ахир...



- Чарчадингиз, а?  
- Шахризода! - Бу ўтинч юрагимнинг туб-тубларидан инграниб чикди, биргина сўз шунча маъно англашти, тагин уларда самимият шунчалар силкиб туриши мумкинлигини илк дафъа хис этдим. - Агар, сиз билсангиз эди...

- Нимани? - деди у қаймоқранг атиргулдай чиройи очилиб.  
- Сиздан қанчалар миннатдорлигини, - дедим соф китобий тилда, нечундир жайдари тилда сўзлаш жуда ўйгайсиз туйилар эди. - Сиз шунчалар ажойиб қизсиз-ку!..

У менга синовчан тикилиб қолди, афтидан, астойдил айтдимми шунга ва ёки йўқми - буни англашдан кўра яна нимадир кутаётганга ўхшар эди.

- Сиз жудаям мурувватлисиз, шунчалар мурувватлисизки...  
Очилиб қолди у, фавкулотда қатъият изи қарашларида бари бир сакланиб қолди, эҳтимол шунинг учундир, унинг оёқлари остида тиз чўкиб туражак профессор, профессорга зигирча шафқат қилмай унга эшикни кўрсатиши ва, кўзимдан йўқолинг, дея ўдагайлаши тасаввуримда яққол намоён бўлди, шу олимнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрдим ва беихтиёр кулиб юбордим.

- Нега қуляпсиз? - деди у хиёл тарадуд билан, шикаста оҳанг белги бердики, аслида мендан қуляпсизми?, дейишга чоғланган, фақат шунга айтишга тили бормаган, холос, унинг кўзларида чакнаётган юлдузлар бирдан сўндирилди, кўнгли оғриги юзларига норозилик бўлиб соя ташлади.

Табийки, бирдан хушёр тортиди ва хиёл ўмганими кўтарганча унга сари энгашдим.

- Мениям ўша олимнинг қўйига солиб тавбамга таянтираемизми, агар?!

Кечки салқинда тани яйраган номозшомгулдай очилиб кетди у, кўзларини олиб қочди.

- Айтнинг!  
- Сиз ундай одам эмассиз!  
- Сиз қаёқдан биласиз - менинг юрагимда нималар борини!  
У ер чизиб қолди.

- Шўр пешонамини пойингизга уриб турсам-у, аслида худо қаргаган кун бўлса ва сиз...

Мени қалғитиш учун бирон восита излади чоғи, хиёл бошини кўтариб анҳор тарафга юзланди, сув юзида ой ёғдуси нуқрадек ўйнар эди.

- Сиз... - деди у ҳеч қутилмаганда бошини кўтариб ва менга ачингандек, ишонмагандек, синовчан тикилиб қолди. - Сиз астойдил истайсизми - ўтда ёнишни?

- Ха, - дедим мен, - умримда бир марта - бугун - шу тобда шунга жуда-жуда истаётман. - Мен бу гапни астойдил айтган, шу тобда жиддий масалалар, дейлик, бу ёшдан ўтганлигим бу гапнинг ярашмаслиги ва ҳоказо ва ҳоказо ҳусусида ўйлашни ҳам истамас эдим, шу сабаб ҳаракатда дилини яшартирувчи синаот яширин, хаёлимни банди этган, шунга берилгим, жон-дилдан соме бўлгим келарди.

- Қаранг! - деди у хаёлимни бўлиб, сўнг ўзи ҳам кўкка юзланди.  
- Янги ой чиқибди!

Унинг мени қалғитиш учун боя бир қувлик ахтаргани хаёлимдан кечди, сув сепгандек кўнглим совиди ва барчаси омонат, аслида ўйин эканлигини хис этдим.

- Кимда ким агар, - деди алоҳол таъкидлаб, - янги чиққан ойни биринчи бўлиб кўрса... - у эҳтирсиз йўғрилган сирли овозда сўзлар ва шу менга ҳам юқа бошлаган эди, беихтиёр фалакка юзландим, чиндан ҳам у вада булутлар четида тилла сиргадай бўлиб ой илиниб турар эди. Унинг ёнимда ўтириши гарчи диққатини бўлиб турса-да, мунис хотиралар дилимини титратиб ўтдилар. Бир маҳаллар - ҳамалининг оидин кечалари томда чалканча ётганча, агар сен ишонсанг, юлдузлар чаман бўлиб ётган фалакка термулиб, мен ўзимнинг, ҳам сенинг юлдузингни ахтарар эдим, Феруза, гоҳо сенинг юзингни шу ойда қиёс этар ва уни тамоман ўзимники қилиб олган эдим, билсанг! - Биз улардан шунчалар узоклашиб кетдикми, а? - деб ўйлади армон билан, - лекин ой ҳам, юлдузлар ҳам ҳамон ўша-ўша!

- Кимда ким агар янги чиққан ойни биринчи бўлиб кўрса... - деди у тагин жуда сирли ва таъсирчан овозда, мен бўлак бир дунёга кириб, ундан ажралиб қолгандек шоша-пиша хаёлимни йиғиб олдим ва унга саволчан тикилдим. - ... ва неки тилак тиласа, тилаги ижобат бўлади, дилида неки армони бўлса, ушалади!

Ҳадеганда у нимага ишора қилаётганлигига фаҳим етмади, зеро, янги ойнинг биринчи бўлиб ўзи кўрган, муроди нима - шунга билиш умидида ўсмоқчиладим:

- Қандай тилак қилдингиз?  
- Меними? - деди у чўчиб кетгандек, сўнг ийманиб жилмайди.  
- мен тилак қилмадим...  
- Нега энди?  
- Тилак тиладим.

- Қандай тилак?  
- Иноятдан сизни-да бенасиб этмасин, илоё кўнгли кўзидан нафратни ҳайдасин...

Дилим алланечук орзикди. Ўзимча қулган бўлдим.  
- Ахир сиз ҳам қачондир, кимнидир севган бўлишингиз мумкин-ку, - деди у.

- Ҳўш, нима бўпти шунга?  
- Ўша муҳаббатингиз тирилсин.  
- У-ху, бу жуда мушқил иш. Менинг дийдам тош қотиб бўлган.

- Эҳтимол. Бироқ, мана, кўрасиз, тилак ижобат бўлади, - деди у эрқаланиб майин жилмаганча. Унинг олдинга узатилган қўли у стол устида турар, зоҳиран, ҳозир сенинг силаб-сийпалашингни, эрқалашингни сезган, шундан тани бўшашиб кетган қабурга жуда-жуда ўхшаб кетар эди у. Узун этакни зўрга йиғиб олган каби ундан кўзимни уздим-да, мўъжиза истаб фалакка юзландим, фалак аллақачон қуюқ наформон тусга беланган, фавкулотда сирли ва фараҳбахш эди бу оқшом. Ва мен булутлар орасидан сирғалиб чиқиб келаётган ўн беш қувлик ойни кўрдим, яқин-яқинларда ҳам бағоят толгин кўринувчи, қастюмдаги тугмадай мен кўникиб кетган, ҳатто эътибор ҳам қилмайдиган бу сайёра бу кеча аввалгиларга ўхшамас, нов-ниҳол, тиник, ҳилол деса дегулик эди. Унинг ёғдуси сирли ва илоҳий, назаримда, юзларимни юваётгандек, кўзларимга, юрагимга қуюлиб қираётгандек, жону жаҳонимни нурга белаб ташлаётгандек эди.

## Иккинчи фасл

Феруза, кечмиш таасуротларни бир-бир титкилар экансан, кечинмалар ёди ҳозирги ҳолатингга уйғун бўлсагина қайфият уйғотиши мумкин эканлигига иқрор бўласан кимси. Шу тобда бу гаплар - барча-барчаси жиддий кишининг ёшига ярашмаган чучмал қилиги каби жуда нохуш қайфият қўйғатади менда. Беҳуда кетган шунча умрим ҳаққи ўзимни, тақдир рўбарў қилган ўша кизни ҳам кўргани кўзим йўқ эди, ишонсанг, барчасини тезроқ нуқсам дердим. Бироқ дераза равоқида турган сигаретга қўл чўзган ҳамони у киз билан юз йилча муқаддам айнан ўша жойда - анҳор бўйида, айнан шу аллозда - профессорни гийбат қилиб ўтиргандек, ўшанда ҳам у айнан шу аллозда профессорни гийбат қилиб ўтиргандек, ўшанда ҳам у айнан шу сўзларни айтгандек ва мен ойда термулган қўйингиз илтижо қилгандек бўлиб туюлди, лекин бу таасурот шу дамнинг ўзидаёқ йўқлик қаърига сингип кетди.

Сигаретни эзгилаганча хона ўртасида хийда туриб қолдим, хаёлимни йиғиб олишга сира қурбим етмас эди. Унг тарафда - иш усталим зийида - китоблар қалашган ва унинг устида мўъжаз муҳитга суқилиб қирган рўзнонинг бир саҳифаси ёзиқлигича ётар, унинг аксар қисмини ишғол этган қорамтир суратларга неча марта кўзим тушган, улар қисматимга дахлдор ва ёки бир кун муқаррар бошимга тушажак фожиа шаҳодати эмас, балки ҳар кун, ҳар лаҳза дунёнинг жаҳолатга тўлиқ бурчақларида рўй бераётган - ўзларига ҳақ-ҳуқуқ ва адолат истаб қурашаётган кишилар кўргулиги ифодасидай бўлиб туюлар, шунинг учун ҳам ўзимга олмас, ҳуллас, улар тинчгина юрганлигим учун ҳам фалоқат мени четлаб ўтаётганлигини эслатиб турар эди, холос. Ҳозир жонсиз суратларга ётсираб тикилар эканман, қора қонига беланиб ётган шахидлар ҳам, мотам маросимига йиғилган адоқсиз оломон ҳам эмас, йўқ, кўргулик ваҳмидан ҳатто худониям унутган, ҳимоясиз ва муштипар эканлигини, бунинг жамики дахшатини идрок этган, ситам ва мусибат иродасини синдириб ташлаган жабрдийда аёллар суврати бирдан кенгайиб кетгандек бўлди ва мен қора қийган, қора рўмол ўраган, дахшатдан юраклари ёрилиб, эси оғиб бўтадай бўзлаётган бева-бечоралар ичида қолиб кетдим гўё. Хусусан, талатўнда сиқилиб-сурилиб, шундай рўпарамга келиб туриб қолган, ўзини тута олмай ўкраб юборган аламзада аёл, унинг аянчиқ бурилиб кетган лаблари, қон бўлиб, дарё бўлиб оқаётган кўзёши... шуурида муҳрланиб қолган, ёвузлик эзиб ташлаган бу мотамсаро одам боласининг сўнги чораси - нолаю афронга айланиб кетган эди гўё. Баногоҳ мен унинг юзидаги ғум-ғуссани тўсиб турган ҳасратни - шафқатсизлик туғдирган ўлмас-нитмас кўрқинчи илғаб қолдим, афтидан, унинг дардини тўкиб солгиси келар, бироқ бунга журъат етмас, шунинг учун ҳам кўз учиди зимдан қўйига ишора қилар эди. Мен ундан кўзимни уздим-да, хиёл қўйидаги суратга назар солдим: кўриниши жудаям дахшатли бўлган танк ўнг қанотдаги занжирли оёғи билан "Жигули"ни тошбақадай янчиб турарди. Дафъатан, мен жуда хира, бир қарашда сезиш маҳол бўлган қайдовчи эриб олинган пайтда, афтидан, оёқлари янчилиб кетган ҳайдовчи жон тавласида ўмганини кўтариб, қўлларини фалакка чўзган... ва шу тахлит қотиб қолган эди у. Танк занжири тирноқлари орасидан сизиб чиқаётган қон эса асфальт йўлга ёпилиб борарди.

Кандайдир бехосият аломатлар эди булар. - Наҳот эртага менинг бошимга ҳам шу кун тушса? - деб ўйладим мен. - Йўқ, йўқ, ҳеч маҳал тангга қарши чиқмайман. Мени жуда эҳтиёткор қилиб қўйган бу ҳаёт. - Шунда оқшом телевизор орқали намойиш этилган парламент йиғилиши ҳаёлимдан кечди, тил ҳақидаги ҳужжатнинг ҳар бир банди мустабида ён беришдан иборат бўлиб, уни қабул қилишда соддадил депутатларни ёш боладай алдашган, шунга фаҳми етса-да, зиёлилар сукут сақлашган, ҳатто айримлари сўз олиб: - оламшумул ҳодиса бу! - дейишгача бориб етган; шу хиёнат, баттаринлик, оч-юпун халқнинг ризкига шерик бўлиб, унинг кўзига чўп ташлаш, унинг қўлу оёғини ипсиз боғлаб бериш дилимда шунчалар нафрат кўзгаган эдики, ўзимни кўярга жой топа олмайд қолдим. Лаблари даҳшатдан бурилиб кетган, қон йиғлаётган суратдаги аёл қайта ва қайта ҳаёлимда жонланди, синглимга ўхшар эди у, "Жигули" эса амакимникининг ўзгинаси... - Ҳаётнинг ҳамма кўчалари бир жойга олиб боради, - деган ўй ҳаёлимдан ўтди, - лекин... нима бу ўзи? - деб ўйладим мен суратдаги аёлнинг жикка ёш кўзларига тикилганча. - Жазоми? Қайси гуноҳи учун? Чеккан заҳматига яраша ҳақ-ҳуқуқ истагани учун шунча ситамми? Бундай қора кунга нега улар гирифтор бўлиши? Нега энди худо эмас, бандалари бандаларини жазолаётми, нега шунча қон тўкилаётми? Халқнинг ишонганлари нега жим? Нимадан чўчишди улар? Ҳа, дарвоқе, мен... мен... нега бунча безовтаман, ахир... нима ҳақда ўйлаётган эдим? Нега хона ўртасида зинқийиб турибман - ярим кечаси? Ётиш керак! Ҳадемай тонг отади. Ётиш керак!

Худди шу пайт кимдир баногоҳ секин елкамдан тургандек бўлди, аланечук сесканиб ортимга ўгирилдим, эшик ёпиқлигича турар, фақат қайдадир, кимдир фарёд чекаётгандек эди гўё, ниҳоят, бу анчайин фарёд эмас, балки кўнғирок садоси эканлигини, унинг чўзиқ жаранги ўлик салтанатнинг метин деворларига урилиб, ваҳимали аксу садо таратаётганлигини идрок этдим. У кўшни хонадан - ҳайҳотдек муҳмон хонадан таралаётган эди, телевизор устида турган телефон... Шундай бемаҳалда кимга зарил бўлиб қолди экан сим қоқиш? - Бирдан, - қишлоқдагилар тинч-омонмикан, ишқилиб? - деган тахлика туман каби кўнглимга ёпирилиб кирди. - Ҳа, бир гап бўлган, бир фалокат рўй берган! Йўқса, ярим кечаси... Отамнинг хийла вақтдан буён бетоблиги ҳаёлимдан кечди. - Бориб, бир ҳолидан хабар ҳам олмадим. Наҳотки!.. Акам сим қоқаётган чиқар-да? - Силлам қуриб, тиззаларим қалтирай бошлади, аранг оёкка турган кўнакасалдай судралиб бориб телефон кўндоғини кўтардим, иситма каби тепчиган ҳаяжон туфайли лабларим қуруқшаган, овоз берай десам сира товушим чикмас эди.

- Ўзингизмисиз? - телефон кўндоғини қулоғимга босиб, юрак ҳовучлаб турганлигимни билган каби сен дона-дона қилиб, рост, бир оз ийманиб, ҳадиқ ичра савол бердинг, Феруза, ҳеч кутмаган эдим мен, шунинг учун ҳам сассиз-садосиз, агар, сен ишонсанг суратдай қотиб турабердим.

- Бир ўтинчим бор эди сиздан! Шундай бир Сўз айтингки, эшитиб, юракларим қон бўлсин менинг!

- Бу - сен эдинг, Феруза, сен ҳеч маҳал бу қадар яқинда туриб, биров эшитиб қолмасин учун бунчалар шивирлаб сирли тарзда илтижо қилмаган эдинг менга, ҳаяжон боисми, овозинг ел теккан япроқдай титраб кетди, сўнг ҳозиргина йиғлаган қизалоқдай энгил хўрсиниб қўйдинг, лаҳза бурун чийрилган асаблар ҳам, юрагимни сирқиратиб турган тахлика ва ҳаяжон ҳам - ҳамма-ҳаммаси кунпожун бўлиб кетгандек эди. Бирдан бўшашиб кетдим, иситма ҳовури ва унга қўшилиб руҳий толғинлик вужудимни тарқ этган гўё. - Ёлғиз қолган бўлса, уйда ўтириб ўша дамларни, мени эслаган, кўнгли кетиб сими қокқан чиқар, - деб ўйладим, айнан йинига ўхшаш бир нима келиб менинг ҳам бўғзимга қадалди, наҳот бу армонли тилак яраланган қушдай шунчалар олдидан ҳеч бир адашмай менинг шууримга учиб-етиб келган бўлса?

Мен ҳамон телефон кўндоғини қулоғимга босиб турар, бироқ у сассиз, сўнги сўзини айтган заҳоти кўз юмган дардан каби тош қотган эди, юрагим увишиб кетди: назаримда, аввал ҳам, яъни сен овоз бергунингча ҳам айнан шу аллозда эди у, демак, мен янглишганман, менга шундай бўлиб туюлган, ундай десам, телефон қалдирик солиб жаранглади-ку, ахир?! Ғайриоддий бу ҳолат саросимага солиб қўйганлиги учун ҳам шоша-пиша кийиндим-да, юрагим ҳаприққанча зик уйдан ташқарига чиқдим. Кун бўйи оёқ остида эзилган кўча супуриб-сидирилмаган, пажмурда ва эзилиб ётар эди. Уйдан узоклашган сари қандайдир исқанжадан ҳалос бўлаётгандай энгил тортар, ичгим, биратўла барчасини нуруттим келар эди, ниҳоят, хиёбонга ҳам қириб бордим, шунда баногоҳ, - телефон кўндоғини жойига қўйдимми ўзи?, - деган шубҳа ҳаёлимни чулғаб олди, кўндокни кўтарганим - аниқ ёдимда, бироқ уни жойига қўйдимми ва ёки йўқми - хотирамдан ўчган эди бу. Мана шунинг ўзи шу қадар мени ташвишлантира бошладики, бир ҳаёл изимга қайтмоқчи, бориб уйдан хабар олмақчи бўлдим, бироқ шу ёққа нечундир сира оёғим тортмас эди. Ахийри, ўгирилиб ортимга қарадим,

тўрт қаватли бино дарахтлар орасида қорайиб турар, биронбир деразада милт этган чироқ кўринмас эди.

- Ҳ, назаримда, ўпкаси тўлиб кетган есирга ўхшар, ҳозир бир қори-қол рўй бериб портлайдику кунпож-кун бўлади; қайтиб мен уни ҳеч қачон кўрмайман. У билан худди вилолашаётган каби жоним ўртанганча термулиб қолдим, йўқ, қайтишга сабрим етмади, юрагим безиллар, биратўла узилиб кетиш ҳам оғир эди, албатта. Хийла вақт суратдек қотиб турдим, сўнг бурилдим-да, бошим оққан томонга қараб кета бошладим. Шу аллозда дунёнинг нариги четига борсам-да, чигилим ёзилмас, на дардга даво, на ҳаловат топишим маҳол, кўнглим шуни сезиб турар эди, бироқ...

Бир маҳал қарасам, ўт босган сўмқок бўйлаб шитоб билан кетиб бораётган, ажриқ ва шамақлар белга ураман дейди, нуқул оёкка ўралашгани-ўралашган. Ва мен ҳиёл бошимни кўтариб, қунботар тарафдаги оқжангалларга назар ташладим, таниш эди барчаси: оқжангаллар, туғ, қабристон. Сесканиб кетдим: гарчи бу қишлоққа қираверишдаги қабристоннинг ўзгинаси бўлса-да, туғлар мени ҳайратга солган, негаки улар олтишинчи йилларнинг бошидаёқ эскилик саркити сифатида олиб ташланган эди. - Кўзимга кўринди шекилли?! - деб ўйладим мен атай, ўзимни қалғитиш учун, лекин шу чоғ аён кўрдимки, дўппайиб турган қабр устида аллақандай шарпа пайдо бўлди ва у секин-аста туғ сари кела бошлади. Ваҳм босиб, дод деб юбораёзим, бироқ чинқирик бўғзимга қадалди-қолди. Бесару сонон унинг ҳаракатларини кузата бошладим: бориб, у ният қилган чоғи, туғга латта боғлади. Ундан кўз узмай, яъни уни кўздан қочирмай секин юра бошладим.

Ўт-ўланни босиб-янчиб, тобора шошқалоқлаб борар эканман, болалиқдаги каби қалима қайтариш нечундир сира ҳаёлимга келмади, ўзим ҳам ҳайронман, Феруза.

Ниҳоят яланглик бошланди. - Нега бу ерларда тентираб юрибман ўзи? - деб ўйладим мен, лекин қайтишга юрак бетламас эди, пича юрғач, тагин аллақандай қўланқалар уфқни тўсиб қўйди, шунда тўхтаб, юрак ютиб рўбарамга зингил солиб қарадим, кўрдимки, қабрдек дўппайган - уйлар, қўкка бўй чўзган - теракар экан.

Қишлоқ жуда сокин, ора-сирга қанот қоқиб қўядиган паррандалар ҳам тош қотиб ётгандек эди бу кеча, ҳатто итлар улимас, тумшугини панжаларига босиб, узаниб тин олишар, ойдан сочилган шўъла ҳам япроқлар қулоғида сирғадек илиниб турар эди, шу ёшга қириб, ўлак сукунат оламини бунчалар чирмаб, бунчалар жоду этшини илк дафъа кўришим, шунинг учун ҳам аллақандай деразадан зимистон қаърига тигдек санчилаётган ёғдуни кўриб, дафъатан ажабландим, сўнг бу сенинг уйинга қўйиб қўйгандек ўхшаш эканлигини англадим, Феруза, саргимтир ёғдулар сенинг деразангдан қаюлиб турар эди. Менинг оёқларим қалишиб кетди ва беихтиёр тўхтаб қолдим: мени чўлғаб олган ғайришуурий ҳолат бу чироқ шўъласида узвийлик қасб этган ва қандайдир маъно англаётган эди. Бунинг тағига тезроқ етиш учун ҳам ариқчани илдам ҳатлаб ўтдим-да, пастқамгина деразага яқинлашдим. Бу - сен эдинг, Феруза, эҳтимол шундай туюлгандир менга, ҳар қалай, сочларинг тун қоқиллари каби қуюлиб, деразага қапишганча турган сен эдинг, сенинг оққушниқидай чўзилган бўйинингга, ақиқ лабларингга чарос кўзларингга ҳайрона термулдим, тасаввуримда ўрнашиб қолган таниш сиймони кўришни истадим унда, бироқ топа олмадим, қандайдир бегона эдинг сен, Феруза.

- Шундай бир Сўз айтингки, эшитиб, юракларим қон бўлсин менинг!

Беихтиёр овоз келган тарафга қарадим ва чинқириб юборарёзим, ўлик зулумот бамисоли кўзуга айланган унда сенинг ва менинг сувратим акс этар эди. Мени ҳайратга солган, билсанг шу бўлдики, сувратдагилар бениҳоя ёш, ўн саккиз ёшингда қандай бўлган бўлсанг, қиз ҳам шундай, ҳатто эғнидаги олчагулли қўйлак ҳам ўша-ўша, ўспирин ҳам озгингина...

Лаблари титраган қўй илтижо қилган ўша қиз оққушдай бўйини чўзганча ўсмирга талпинди ва унинг қўлларидан тутди, сўнг деразадан сугурилиб унинг ёнига чиқди. Инсу жинс эмас эди улар, арвоҳ ҳам. - Фарштамикин? - деб ўйладим мен. - Наҳотки фаришта инсон шамойилига қира олса?! Ё раббий! - Этим увишганча секин-аста изимга чекина бошладим. Шу пайт қаёқдан ҳам, кимнингдир: - Киши руҳи гоҳо танидан ажралиб, фалақда учиб юради, - дея уқдиргани ёдимга тушди.

Ортимга тисарилган сари икки орага қат-қат нафармон пардаларини ташлаб, сенинг деразангдан сугдай оқиб турган ёруғни тун қўмиб ташлади. Ва мен ўйладимки, нима ўзи бу? Қароматми? Жин қалдимми ё? Қайси гўрдан келиб қолдим бу ерга? Ё тавба-а! Ўзи нимадир бўлаётми, ахир?

Феруза, туш кўрганмисан сира? Бу сенинг иродангдан ташқарида содир бўладиган жараён. Истайсанми, йўқми, унда бевосита иштирок этасан, бироқ биронбир ҳодиса сенинг хоҳишинга бўйсунмайди, бу ҳолатда сен ожиз, нотавонсан. Ишонсанг, худди шу ахволда эдим мен.

(Давоми 18-бетда)





Баҳром  
РЎЗИМУХАММАД



МАНЗАРАНИ  
ТИНГЛАШИ  
МУМКИН БУ ЕРДА

\*\*\*

Ўша тоғ ортида  
қоғоз тоғ ортида яшадим  
чирилдоқ саси кўшимдир менинг  
сархуш ўтказаман ҳар бир лаҳзани  
сим қоқаман алло япроқ шивири  
булбул чулдирайди тудок ўрнида  
тонгта уландими телефон сими.

Ўша тоғ ортида  
қоғоз тоғ ортида яшадим  
мен дўст тутиндим харсанглар билан  
ҳар баҳорда бийрон сўзлайди тошлар  
антиқа шодликдир бунақа шодлик.  
Ўша тоғ ортида қоғоз тоғ ортида яшадим  
яшадим мен шамолга ўхшаб  
дув дув тўкиларкан қадимий битик  
ўзимга бекиндим ўзимдан қочиб.

Ўша тоғ ортида  
қоғоз тоғ ортида яшадим  
бу мен эмасдирман шафак кўрсангиз  
менинг интиҳомни билдирад ёмғир  
ёғдуга илашиб қайгадир кетсам  
зимистон тун бўлиб қайтиб келаман.

\*\*\*

Килт этмай турибди Маъно такаббур  
жазавага тушар дамодам дарвеш  
бўғзидан қон каби отилади Сўз  
шафқат қил дунё шафқат қил.

Ип боғланган коптоқдир қуёш  
ўйнаб билолмассиз дунёни минбаъд  
кесакни ушлайсан қўйвормайди ер  
қўл ушлашиб турар қаршингда Борлик.

Нафас олиб бўлмас не бўлди ўзи  
ҳаммаси уники бари уники  
кўзга кўрингани кўзгудир фақат  
товушда акси бор сукутда акси.

Бўлакка бўлинмас ҳеч қас ҳеч нарса  
тенглашади яна жарлик ва чўкки  
узиб олар қуёшни шунда бемалол  
Борликнинг ичида маст бўлган Мансур.

Қўллари илондек биланглаб ётар  
оёқлари сапчир бир ғаройиб

янгигина тўкилган кўз ёш устига  
думалаб тушади кўзлари.

Қалтирайди овоз: қайтингми Мансур  
ўзингни тут ва томоша қил  
уммондан ажралиб синар бир тўлқин  
нақадар рангсиздир нақадар рангсиз.

“Сен шафқат кутдингми эй гумроҳ  
вафо истадингми эй авом банда  
мендан қочдингми сен мендан қочдингми  
кутулганинг ростдир бошқаси ёлғон”.

Килт этмай турибди Маъно такаббур  
ичимда аланга олади учқун  
дорни соғинади менинг-да бошим  
мендан кўрқиб дағ-дағ титрайди Кўркув.

\*\*\*

Манзарани тинглаш мумкин бу ерда  
дарахт чайқалади оқиб кетгудек  
сувни ҳурмат билан силайман  
бошим қаро менинг  
қаро ер.

Булбул ноласидан  
ўчирғич ясаб  
ўчириб ташлайман  
чинор баргини.

\*\*\*

Сенга қарарканман  
озодлигимга соя тушганини кўрдим  
руҳимда кезинади ёқимли шарпа

сочингни силайман  
нафис бармоқлар титрар оҳиста  
бир оғрик бир оғрик жимирлар

кўзлар маҳлиё бўлмоққа лойик  
жаннат неъматидек тотлиғ баданинг  
сен менга ўзингни инъом қиласан

ола була озодлик етим  
илма тешиқ умр кенгликлариди  
йиглаб биланглайди бу юввош илон

борган сари тезкор буралади у  
сўнг ўзин отади қон қакшаб  
бир шарча қоп қаро яловга



хўрсиник озодлик ороли  
сояни сидириб қарайман гоҳо  
мен ўшал оролга сендан яширин.

\* \* \*

Ҳечкиси йўқ Шунчаки тоғлар  
товушга айланиб кетди тўсатдан  
бинафшаранг хоҳа билан  
қоқиб  
туширдилар хурмони  
ҳамма ёқ туман эди хурмо гизланди.

Ҳечкиси йўқ Шунчаки осмон  
кудукнинг тубига қилди тажовуз  
қурбақалар райҳонга ўхшаб  
яшриндилар ҳид таратдилар  
сув муздек эди Ҳечкиси йўқ.

Бу шивир-шивирнинг ижодкори ким  
шитир-шитирларнинг соҳибаси-чи  
Шамол  
руҳимдаги гулни кўзғатма  
кўзғатдингми энди Ҳечкиси йўқ.

Йўқ ҳеч нарса содир бўлмади  
бизнинг борлигимизни билди шунчаки  
ҳали яралмаган Махлук бир дафъа.

\* \* \*

Хуррак тортган каби  
жаранг журунг қилар тўсатдан  
музикани тинглаяписизми  
илоҳий музикани

чолғу асбоби кўринар фақат  
кашкул кўринар танга ташласангиз  
илоҳий мусика юракни бир айланиб  
чил чил синдиради кашкулни

графин тубида булут қолдиғи  
шумшайиб турибди саф саф қадахлар  
кеча рақсга тушганди жинлар бу ерда  
изларини кўринг ола була

баданимдан қалқиб чиқмоқчи битта кўз  
қалқиб чиқмоқчи руҳимдаги жароҳат  
тинглаяписизми илоҳий музикани  
арзирмиканмиз ўшал музикага

хуррак тортган каби  
жаранг журунг қилар  
бори йўғи битта қорачик.

\* \* \*

Ўз думини тишламоқда илон  
хаёлимда гир гир айланар фалак  
жазава тушаётган афтода дарвешман  
ҳар тарафга сачрар кўзимдан уйку.

Ўз думини тишламоқда илон  
элас элас янграр қадимий бир куй  
туманга яшринар чарақлаган кундуз  
тарс ёрилиб куёш икки ёққа ботар.

Ўз думини тишламоқда илон  
суякларим уваланиб кетар ичимда  
юзтубан йиқиламан бир қоп гўшт бўлиб  
ўрмаламоқ саодати мени тарк этар.

Ўз думини тишламоқда илон  
ниҳоят яқинлашар совуқ билагузук

сеҳрғар қўлига тақар-да уни  
менга кўрсатади осмонни имлаб  
узилган жойига уланади куй.

\* \* \*

Жимлик гиламида бўртади бугдой  
гуруч кулгуси ўрик гулидек  
лаблари қовжироқ оқ соқоли ҳўл  
эчкисини соғар Робинзон

ҳам товуш ҳам сўздир эчки саси  
ўз қавмидан деб билар махлук уни  
оқизар елиндан суюқ хаёлни  
эчкисини соғар Робинзон

ёлғизлик келмайди қошига унинг  
у борар ёлғизлик қулбасин топиб  
таклид қилар экан Одам Атога  
эчкисини соғар Робинзон

у ҳолдан тояди ниҳоят бир кун  
йиқилар айлана бошлар ер шарни  
ёпишар  
думалар  
ўмбалоқ ошар  
у қолар нарига кетар экан ер

ЕР ЙЎҚ сувга чўккан харсангдек  
ҳавода яшайди энди сўшпайиб  
ва пастга қарайди чумоли каби  
ёлғизликни кўрар элас ва элас.

ундан сал нарида соч толасидек  
бир махлук жар солар чинқириб  
гир атрофи оппоқ гир атрофи оппоқ  
қарайди сўнги бор Робинзон

байроқдек хилпирар у махлук  
Робинзон Руҳининг Қўлида.

\* \* \*

Кўзим фақат қора рангни кўради  
кўзларингни кўрмоқдан фақат  
шамолда ёйилган сочларингни ҳам

кимки дуоибад қилса эшитаман мен  
сувни тун қорайтирса ичаман  
тун қорайтирса таомни ёйман

юлдузлардан сал пастроқда учадиган  
қора кабутарни кўраман доим  
учади қўналға топа билмас у

жин боласи митти қошиғини  
музикага ботирганда бамайлихотир  
мен кўриб қоламан уни дафъатан

ҳайқаллар мум каби эриб бошланганда  
фасллар бир бири ила алмашганида  
кўриниб туришар кўзимга

вақт тўхтаганида бир кўрсат  
чигирткага ўхшаш жуссасин кўраман  
дарров кўзғолар Вақт пича дам олиб

баъзида ўша сеҳрли кабутар  
оқ рангда кўриниб кетар бир дафъа  
ҳавога қўнади шу онда демак

ҳеч нарсани кўрмай қоламан шу чоғ.

Бундан анча  
йиллар илгари бир  
ёзувчи “ёзганларингни  
ўқиб одамлар юм-юм  
ийгласа” деган эди.  
Адабиётнинг, сўзнинг  
моҳиятини шундай  
идрок қилган ёзувчи  
албатта, ўзича ҳақ.  
Қолаверса, ўша  
даврларда адабиётга  
ижтимоий қурол  
сифатида қаралар, у  
ўзида халқнинг  
дардларини, ҳаётдаги  
турли камчиликларни  
қамраб олиши зарур,  
деб тушуниларди.  
Гарчи бугун ҳам бундай  
қарашлар мавжуд эрса-  
да, адабиётга, сўзга  
умуман бошқа  
томондан қарашга  
уринаётган, ўта  
“худбин” шоир ва  
ёзувчилар пайдо бўлди.

Адабиётнинг  
мақсади нима? Сўзнинг  
қудрати нимада?  
Сўзнинг қудрати  
“илонни унидан  
чиқариш” билан  
муқоясаланмаскан.  
Кейинги йиллар бизга  
шуларни ўргатди.

80-йиллар бизга  
“Тушунуксиз” шеърлар  
“галати” шоирларни  
берганлиги билан  
қадрли. “Манзарани  
тинглаш”, “Тоғнинг  
товушга айланиши”ни  
идрок этиш одамдан  
катта руҳий тарбияни  
талаб этади. 70 йил  
давомида тўр қафасда  
шаклланган биздаги  
тарбиясиз тарбиянинг  
бунга кўникишига ҳали  
анча бор.

Баҳром  
РЎЗИМУҲАММАД биз  
шора қилаётган авлод  
вакилидан бири.

Баҳром ака шеър  
маданияти ва  
техникасини яхши  
эгаллаган. Сўзнинг  
кучини, вазнини билади.  
Бир ўқишда ҳеч қандай  
т а а с с у р о т  
қолдирмайдигандай  
туюладиган шеърлар  
қабрида катта маъно  
муҳассам. Бундан ўқиб,  
ундан лаззатланиш  
Сизнинг бадиий  
тарбиянгизга боғлиқ

Ўрол СОДИК



## ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

(Давоми. Боши 6-бетда)

Бамисоли нурдан пайдо бўлган, айнан нооддийлиги учун ҳам юрагимда кўркинч тугдирган ўша аломат шамойилларни тезроқ унутиш, бинобарин, тезроқ ваҳмдан ҳалос бўлаш учун ҳам, бундай бўлиши мумкин эмас, мумкин эмас! Ахир, руҳларнинг сўзлашуви ҳақида бирон-бир мавбада ёзилмаган-ку, қолаверса, руҳнинг ўзи ҳам йўқ нарса, жуда чарчаганман, бир балолар кўзимга кўринди шекилли, ҳа, шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас, азбаройи чарчашдан, чарчашдан бу! - дея овоз чиқариб ўзимча муҳокама юрота бошладим.

Билкиллаган тупроққа оёқларим ботиб-ботиб кетар, лекин мен на чанга беланаётганим, гарчи кўнглим сезиб турган бўлса-да, на изма-из келаётган қандайдир шарпалар, қандайдир шивир-шивирлар хусусида ўйламас, буни билишни ҳам истамас, ҳаёлимни бир нуктага жамлаб, ҳаддан зиёд толиққанимни ўзимга ўзим уқдирар, фикру зикрим тезроқ уйга етиб олиш, тезроқ бу асорат чангалидан ҳалос бўлиш эса-да, босинқираяпманми? Савдойи дўлиб қолдимми э? Наҳот?... - деган бадгумон ўй кўнглимнинг бир четиде турар эди. Тушимми бу, ўнгимми - шунга билиш илнжиде гўё биров сезиб қолмасин учун - оҳиста бармоғимни тишладим. Гарчи оғриқни сезсам-да, - ҳа, тушим, туш кўрайман чоғи, - деб кўйдим ўзимча. - Кани энди узала тушиб, тошдай қотиб ухласанг! Мириқи-иб ухласанг! - Бирдан ҳаддан ташқари ҳолдан тойганлигимни, оёқларим зил-замбил бўлиб кетганлигини, зўрга судралиб келаётганлигимни ҳис этдим. Худди шу пайт қулоқларим остиде қиз боланинг шивирлаган овози эшитилди: -... Ҳали у шундай қилишдан ҳам қайтмайди чоғи? - Мен бирдан хушёр тордим, табиийки, илдам юра бошладим. Худди шу чоғ унга жавобан ўсимиринг! - Сен уни ким деб ўйлаяпсан? - дегани эшитилди. Ишонсанг, сесканиб кетдим, Феруза, бу овоз жуда таниш, ҳатто уни эшитмаган, балки шууримдан кечиргандек таасурот қолган эди. - Уни қаердадир эшитганман, лекин қаерда? Ҳа-я, ахир... ахир бу менинг, ўзимнинг овозим-ку!

- Уни бу йўлдан қайтариш керак! - Мени эшитмасин дедими, киз жуда паст овозда ўтинди.

- Икки дунёдаим ўз билганидан қолмайди у! - Тушқун оҳангдаги бу овоз... беихтиёр мен туриб қолдим. Ҳа, ҳа, бу - ўша, шеър ўқисам, агар ёзиб олишса, кейин хиёл дардчил, хиёл майин оҳангда эшитиладиган овознинг ўзгинаси.

- Тўхтади! Нима бўлгандаям қайтариш керак уни!

- Унга яқинлашсам борми, музлаб кетаётгирман, Феруза!

Шунда ўзим ҳам тарашадай қотиб, қўлларимнинг учига довур музлаб кетгандай бўлди. - Ё қудратингдан, эгам!

- Сен уни чўлаб ол! - дея илтижо қилиш киз.

- Айтишга осон, - деди ўсмир тушқун кайфиятда, - юраги музлаб ётибди унинг. Вужуди нақ қаҳратон.

- Ахир, ўзининг тилаган тилаги ҳам шу эди-ку, Исмсиз?!

Жонимдан тўйиб кетдим, ҳеч маҳал бу қаҳар ночор аҳволда қолмаган эдим. Дод солиб юборгим келди, гўё шундай қилсам юрагимни босиб тушаётган даҳшатли тоқдан ҳалос бўладиғандай эдим, кани энди товушим чиқса экан! Телбаваш бир қадам илгари юрдим, шунда оёғим билкиллаб ётган тупроққа ботиб кетди.

- Ахир, бу йўлга тош ташланган эди-ку?! - Адоксиз ҳайратдан беихтиёр чинқириб юбордим, овозим ўлик салтанат деворларига урилиб, хиёла вақтгача акс-садо таратиб турди. Уни тинглаб эканман, хиёл бўлса-да, ҳаёлим чалғиганлигини идрок этдим, шунинг учун ҳам кўнглимга неки келса, деярли шангилаб айта бошладим: - Ахир, оёқоғида фикрлаб ётган чағир тошлар ёдимда аниқ сақланиб қолган, шу боис комил ишонч билан: - Ҳа-а, чағиртошли йўл эди бу! - дея таъкидлади гўё биров, ундай эмас, дея тортишаётган каби асабий оҳангда, тилда тоиб олган тентақдай шунга хурсанд эдим ҳам, ок-оппоқ, булутдай кўпчи ётган уюмни оёқ учиде титкилаб унинг чиндан-да тупроқ эканлигига амин бўлгач, умримда биринчи марта ўзимдан ўзим телбагазак, хаҳолаб қулиб юбордим: - Ё рабби-ий! Ахир, бу йўлга чағиртош тўшлаган эди-ку, а? - Ва мен кўрдимки, боя ҳатто кўзга ташланмаган нимгагина ҳилол қиялаб, тобора улкан тортиб, бизга сари яқинлашиб келаётгир. Кўкқисдан шу кунларда бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетган учар ликопчалар, ўзга сайёраликларнинг дилда кўркинч тугдирувчи ғайриоддий ташрифиде менинг ҳаёлимдан кечди. Ёрқа михлаб ташлангандек оживилдим, маҳкумлигим ҳис этдим, кўнглим ағдарилиб кетди. Гарчи қайтиб фалакка назар солмаган бўлсам-да, учар ликопча шундоқ бош устимга келиб, туриб қолгандек туюлди. Менинг ихтиёримдан ташқарида бўлган, менинг тинчлигимни бузган ва ҳоли-жонимга қўймаётган САЪИЙ ҲАРАКАТ асабимни чийиришга, туйғуларимни, гуруримни топташга, таҳқирлаш ва мени КУЧ олдиде ожизу нотавон эдим мен. Тақдирга тан бериб, тиз чўкиб ялиниш-ёлворишга ҳам тайёр эдим, шу пайт аллақандай таҳдид сездим ва ғайри шуурий тарзда қоча бошладим,

шундагина аллақачон шундай қилиш лозим эканлигини англаб етдим ва жуда узок - на оёғим лойга ботганини, на оқжангал илашганини писанд этмай, жуда узок, жон ҳалпиде югурдим. - Омон-эсон унга етиб олсам бўлгани! - дея ўзимни овулар, ўзимга далда берар эдим йўл-йўлақай. - ундан уёғи... - дер эдим-у, аслида ундан уёғи нима бўлишини ҳаёлимгаям келтира олмасдим.

Ниҳоят, келиб, ўпкам оғзимга тикилган қора дермантин қопланган эшикка суяндим, қалит қайси чўнтагимда - билмас эдим, лекин шу чоғ эшикнинг ўзи ланг очилди, бу энди ҳаммасидан ошиб тушган эди, онгим кетиб даҳлизга кирдим, - эшик очган ким бўлди? - кўз қирим билан уни ахтарар эдим, чирокни ёқиб, жонсарак, атрофга алаңладим, ҳеч ким йўқ, - э-э... Ҳали қулф солишни унутган эканман-да, - кўзларимни ююиб, бир зум тин олдим, сўнг дабдирай-дабдирай хонага кирдим-да, ҳаттоки сечинмай, юзтубан ўзимни тўшакка ташладим. Олам сув босгандек, ўлик салтанатни жонҳалак юрагимнинг гусуригина хиёл бузаётгандек эди, ҳолос.

11

Ёстикдан бош кўтарганимда хона ичи ёришиб кетган, тўкилиб турган сарғиш пардалар янада оқарган, демакки, қуёш аллақачон кунботар томонга оға бошлаган эди. Таъбим хира, туни билан мижажа қокмагандек миям сирқираб оғрирди. Туриб ўтирдим, шу заҳоти кечаги босинқираш, алмойи-жалмойи тафсилотлар бирдан ҳаёлимни банд этди ва мен чанг ўтирган гижими чиқиб кетган, почасига жангал илашиб қолган шимимга қарай туриб, туш эмас, хулё ҳам эмас, аслида шунга бошимдан кечирганимга ич-ичимдан иқдор бўлдим. Ўзимни чалғитиш учун атай: - Ишнимни худо олипги-ку, - деб ўйладим. - Тезроқ бориш, жилла курса, бир кўриниш бериш керак!

Кўча фовқулудде сокин, йўловчи деярли йўлиқмас, учраганлар ҳам ўз таъбиши билан овора, мен билан, менинг дарду ҳасратларим билан биронбири кишининг иши йўқ, гўё улар шуни билса-да, билмаганга олиб кетишар эди. Идорага кираверишда эшиккога умрида биринчи марта кўраётгандек менга ажабланиб қаради, сўнг: - Анча бўласизми, ука? - деб сўради, энсам қотганлиги учун ҳам индамай ўтиб кетдим. Иккичи қаватга кўтарилгач, йўлак хувиллаб ётганлигини, наннки хоналар, ҳаттоки қабулхона ҳам така-так ёпик эканлигини кўриб, рости, жуда ҳайрон қолдим. - Нималар бўляпти ўзи? Ё тавба-а. Ҳа, айтгандай, қатта залда чиқар улар? - дея таҳмин қилдим ўзимча, сўнг эшикни очдим-да, ичкари кирдим, хонадим десанг, кеча ўбдон чеккан эмасманми, тамаки ҳиди ўтириб қолган, у қогоз чангига қоришиб, нафасни бўғар эди, бесаёр бориб пардани икки четга сурдим-да, дефоза табақаларини ланг очиб юбордим. - Мажлис бормиди? Йиғин бўлади деб... айтишмаган эди шекилли? Бирон арбоб қелган бўлса, кенгаш ўтказишаётган чиқар-да? Кирсаммикан? Ҳэ, йў-йў... - Бориб, курсига ўтирдим ва, хомуш, дераза оша кунботар тарафга назар ташладим. Феруза, шафак қонгалашиб борар эди, худди менинг юрагимдай, қуёш эса шойр айтганининг ўзгинаси - шарт кесилган бошга ўхшаб ўзилиб тушаётган эди. - Ҳадемай офтоб ботади, - деган фикр ҳаёлимдан кечди ва мотамсаро дилғирлик вужудимни чўлаб олди. Сигарет тутатдим-да, бошига ташвиш тушган чорасиз кишидай маънос ва ноумид, бир нуктага тикилиб қолдим. Мени қомига торган нажотсизлик қоиғот, қадар чексиз эдикки, сира адоғи кўринмас эди унинг. Дўлим ғаш, ҳатто шу кўйга солган яратгандан ҳафа бўлиб кетган, ўнсизгина, юрак-юрақдан сиктар эдим. Шу чоғ биров уйқудан уйғотмоқчи каби оҳиста овоз бергандек бўлди, шу таъбир шууримга етиб келгач, хиёл сергақ тордим, дафъатан шунга илғадимки, эшик жуда назоқат билан оҳиста чертилаётгир, қадам товушлари эшитилмаган, шунга ғафлатда қолган эдим мен; ажабланиб йўлакка юзландим. - Ё раббий! Наҳотки у кўзларимга қўринаётган бўлса? Шу етишмай турган эди ўзи? - Мушукнинг чангалига тушган мусича каби ноилоҳ, нима қиларимни билмай, бир лаҳза унга ишонқирай тикилиб турдим. - Ҳа, ўша. Қелган пайтини қаранг. Қаёқдан била қолди экан - менинг шу ерда ишлашимни? Суриштириб аниқлаган чиқар-да, зарил иши бўлса?..

Мулозим жилмайганча у остонада турар, безовта қилганингидан хиёлатлиги ҳам, ичкари киришга изн сўраётганлиги ҳам эзгин қарашларида акс этган эди.

- Хуш кўрмасангиз, шундоқ қарашингиздан сезилиб туради-я.

- Нега энди? Келинг! - дедим мен ички бир малол билан, кейин дилёғар киши топилиб қолганимга, хиёл кўнглим илди.

У кириб, махрамона бамайлихотирлик билан рўбарўдаги курсига секин ўтирди, сўнг алланечук сирли назар ташлади-да, ҳазин оҳангда: - Билар эдим сизнинг шу ерда эканлигингизни, - деди.

Бунинг нимасини писанда қилиш мумкин экан? - деб ўйладим мен, ва беихтиёр силқиниб қулдим.

- Нега қуласиз?

- Худонинг берган куни кулингиз шу ерда. Бу масалада сира янглишмагансиз.

- Ҳатто байрам кунлариям денг?

Шундагина унинг кўз учида ўйнаётган шаддод бир кулгини илғаб қолдим, назаримда, келганидан буён у менинг ташвишимга шерикдай ачиниб қараб турган эди.

Кишилар кўчиб кетгандек кўчаларнинг хувиллаб ётиши, камсуқим эшиқоғанинг дабдурустдан берган саволи, ишонанинг така-так берклиги бир-бир хаёлимдан кечдио ҳаҳолаб кулиб юбордим. Бирдан алланечук енгил тортган, ҳатто Шахризоданинг ўз оёғи билан кириб келганию аввал бошда юракка сиғмаган бу учрашув энди кўнгилга ўтириша бошлаган эди.

- Профессор омонни ишқилиб, профессор? - дея тегишим унга димоғи чоғ кишига хос дилкашлик билан. - Адабини бериб қўймадингизми шўрликнинг?

Унинг кўзлари тубида чарқоқ аралаш чексиз бир мунг ва ҳазин кулги акс этди.

- Худога шўқр, юрипти. Аввал мени кафедрасига чақирди, узун кечалар кўзимга уйқу келмайди, деди, зорланди, кейин...

- Сиз-чи, сиз?

- Бердисини айтмасидан, нега у гапни айлантираётганини кўнглим сезди, атай ғашига тегиш учун, сизнинг ёшингизда одам куш уйқу бўлиб қолади ўзи, дедим.

- У-чи? - дедим завқим келиб, унинг сўзамоллиги дилимни яйратиб юборган эди.

- У ранжиган, ўйга төлган бўлди, аслида калаванинг учини йўқотиб қўйган эди, кейин чайналди-чайналди, дунёи кўтиринг ноқислигидан ҳасрат қилди. Шу десангиз, биз билмас, у бир шовиртабиат киши экан, хотини эса ҳафтафаҳм, уни тушунмас экан. Хор бўлипти. Қаёқдан ҳам шунга уйланган экан, мана энди қаттиқ пушаймон. Ҳаммасидан ҳам алам қиладигани, шундай кишининг юрагида нималар борлиги билан бировнинг зигирча иши йўқ экан. Инсонга эса дунёдан тўйиб кетган, безган онлари дардига малҳам бўлгучи бир ҳамрози надим, бир дилдош шунчалар зарур эканки, шунчалар зарур эканки, гоҳо шунга зор бўлиб, дунёга сиғмай кетар экан. Ношўқрлик бўлмасин, яқинда шундай бирига йўлиқипти, аниқроғи, учратгандай бўлипти, лекин... - Нима лекин? - Нима лекин? - дея сўрадим астойдил унга ҳамдардик билан, ёлғизлик ҳасрати кимни эзмаган дейсиз, самимиятига шубҳа қилмай унга ачина бошлаган эдим; профессор эса, менинг ҳасратимда қўяётган ўн саккиз яшар ўспириндай бошини этганча ер чизиб қолди, десангиз.

- Кейин-чи, кейин?

- Кейин... профессорни шайтон йўлдан урди. Ҳамётоқ қизлар ҳар куни сахарда майдончага чиқиб югурагимиз десангиз. Унинг ўйи майдончанинг нариги тарафида. Уч-тўрт кундан буён ошиқи бекарор ҳам бизга қўшилиб югурадиган одаг чикарди.

- Ҳўш, бунинг нимаси ёмон экан?

- Кечадан бери... ҳафтафаҳм хотинлариям... шу десангиз, спортчилар кийимини кийиб олиб, ҳаллослаб...

- Югуришга тушдилар денг ҳали?

- Ҳа-да. Ҳамма бало шунда-ки, қизи мен тенги аёл... - У ҳафтафаҳмнинг қомати нечоғлик келишимсиз эканлигини қўли билан чизиб кўрсатди.

- Гуноҳга ботибсиз унда, - дедим, - хоним афандим.

- Нима қилай? Ахир... - У янада маъюс тортиди ва бошини қўйи солиптирди. - Ҳамёстиклари менга шундай қарайдиларки, шундай қарайдиларки, қани энди қўлига тушсаму нимта-нимта қилсалар.

- Ёмон эмас!

- Болалиғидаям ўлғудай худком эди ўзи бу.

- Ким? Профессорми?

- Ҳа-да.

- Ҳали муштдалигидан бери биласизми уни?

- Ҳа.

- Қўйсангиз-чи! Дабдурустдан қаёқдаги гапларни айтасиз, а, Шахризода?

- Рост, - деди у ҳорғин овозда, чўзиб.

- Ё менинг ҳам эсимни оғдирмоқчимисиз, а?

- Худо ҳақки, - деди у қатъий қилиб, эътирозга ҳеч бир ўрин қолдирмай. - Сиз ишонинг. Мен уни беш қўлдай биламан.

Ҳарфимга хардамхаёлик билан тикилиб қолдим, ҳарнечук, у ҳақда ёмон хаёлга бориб бўлмас, фавқулодда чиройи изн бермас эди бунга. Лекин унинг ғаройиб даввоси ўйлантириб қўйган эди мени.

- Ҳа? - деди у хушёрликка ундагандай, - нега ҳайрон бўласиз?

Тушунмадим, дегандай лабимни буриб, кифтимни қисдим.

- Ро-ос-ст! - деди у янада чўзиб. - Ишонсангиз, ёшлиғида ҳам қизлар уни кўрдик дегунча ўзларини қўярга жой топа олмай қолишар эди.

- Профессорни-я?

- Унда профессор эмас, кеккайган шўртумшўқ эди, шунчалар кеккайган эдики, қачон қараманг, осмонда юрарди. Биронтани назарига илмасди. Кеча эса, қарантки, дарсдан сўнг у менинг йўлимни пойлаб турган экан, анча жойгача соядай илакишиб келди. Айтишича, тамомила ҳаловатдан айрилган эмиш... - Ҳаётимдаги ададсиз бўшлиқни ёлғиз сизгина тўлдиришингиз мумкин, Шахризод! Мен... мен... - дейди, у ростдан ҳаяжондан бўғилаётирми ва ёки мунофиқлик қилаётирми, шунга била олмадим сира. Аслида бунинг нима аҳамияти бор. - Сизга даҳшатли эҳтиёж сезаман, Шахризод! Сиз-чи? Сиз ҳеч бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Жилла қурса, шу ёшга кириб, бирон марта шундай ҳолатни бошингиздан кечирганмисиз? Ахир, бусиз ҳаёт жудаям ғариб, нечоғлик янғичи...

Унинг бўлак бирон гапи қулоғимга кирмади менинг. Юракларим сел бўлиб кетган, йиғлар, кўз ёшимни у кўрмасин дея югурар, шундан ўч оламан деб ширин жонимни қийнаётганимга пушаймон бўлар, тириклик дунёсининг бу ситам, бу кўргулигига сира жоним чидаш бермас эди. Бино бўлипманки, руҳи-жоним ҳеч бунчалар ларзага келмаган.

Кейинги кун ҳатто унинг юзига қарамдим; тагин у йўлда менга илакишти, тагин инсоний эҳтиёждан гап очди, тагин...

- Эҳтиёж дегани нима у? - дедим ишда билан, тезроқ ундан узилиб кетишни истар эдим.

- Инсон туйғулари билан ўйнашманг сиз, Шахризод! - деди у жиддий, ҳатто қандайдир хатардан оғоҳ этгучи оҳангда.

- Сизнинг исмингиз Инсонми?

У тўхтади ва ўша ерда - ярим йўлда қолиб кетди. Биласизми аслида у менинг туйғуларим билан ўйнашаётган, ҳатто ўша - қолиб кетишидаям муайян маъно бор эди. Ўн саккиз яшар қизларга бу давво, тағдор оҳангда айрилган сирли бу гаплар қандай таъсир этишини у яхши билди.

- Шахризод, - дедим мен унинг гапини бўлиб, - балки у сизни астойдил севар?

- Пича бор ҳали.

Унинг нияти қатъий - профессорни абор қилмоқчи, сезилиб турар эди бу.

Шу ёшида ўн саккиз яшар қизнинг муҳаббатига сазовар бўлишдан умидворми, демак, профессорнинг ўзи ҳам ғирт телба экан, - деб ўйладим мен, - шубҳасиз, у Шахризодани енгил-елпи деб ўйлаган, шунинг учун ҳам унинг атрофида айланаиша бошлаган.

Шахризода ўрнидан турди-да, дераза қошига борди. Кўёш армон билан жон таслим қилаётган кишига ўхшар, унинг сўнгги ёлқинлари фалакни ҳасратга беллаган эди. Доғу ҳасратда ботиб бораётган қўёшга у алам билан узоқ термулиб турди, сўнг ўзига ўзи сўзлаётган каби жуда ҳам сўник, маҳзун овозда: - Узидан бўлак бирон кишини ҳеч қачон севмаган, севмайди ҳам! - деди қатъий. - Лекин сиз... - У менга юзланди: - Сиз-чи? Сиз бировга эҳтиёж сезганмисиз сира?

Йўқ дейишга тилим бормади менинг. Шу бир оғиз сўз гўё тақдирини хал қиладигандек, у жуда ҳам безовта, жиддий ва саволчан тикилиб турар эди менга. Индамай ўрнимдан турдим-да, бориб дераза тавақаларини ёпдим.

- Қани, юринг. Эшиқоғаси тушмагур, булар нима номаъқулчилик қилишаётган экан, деб бадғумон бўлиб ўтирмасин тагин.

Айтган гапим қандай таъсир этганлигини билиш учун ҳам зимдан юзига кўз қирмини ташладим, қочиримга у ҳатто эътибор қилмаган, қандайдир бесарамжом ўйлар исканжасида қолган эди. Гарчи шундай бўлса-да, менинг назаримни у пайқади ва одоб билан юздан мулозамат қилган-ширингина жилмайиб қўйган бўлди, демак, ҳали иззатимдан айрилмапман. - У менинг ниманимни қадрлар экан? - деб ўйладим сиқилганча кечаги тафсилотлар, итдай хор бўлиб санқиганларим сира хаёлимни тарқ этмас эди, ўзимнинг унинг тирноғигаям арзимайдиган ва ҳатто ўша профессордан ҳам баттарин, умрида ювинмаган кишидай ҳис этдим. - Яхшиям одам боласи бир-бирининг ичидагини кўра олмайди, номинг, башанг қийиминг, кибру ҳавонг, ташки қиёфанг - сен ҳақингдаги тасаввур барча-барчаси яшириб туради. Акс ҳолда... - Совуқ ялтираётган мрамар зиналарни бир-бир босганча фойега тушдик ва ундан кўчага чиқдик. Кош қорая бошлаган, кўча аввалгидан баттар - хувиллаган файзсиз шаҳар юракни зиклантириб юборар эди.

Кўнглинг бир нимани тусайди, бироқ нима шу - билмайсан. Шу тобда у билан тонг отгунга қадар тентирашга, тонг отгунга қадар унсизгина сайр этишга рози эдим; бўлак ҳеч кимни кўрмасам, қуймасам. Албатта, қачондир у мени ташлаб кетади - буни билар, қачондир яна ўзим билан ўзим қоламан - кўнглим шунга сезар, аммо шу сонияга қадар ундан айрилгим, ёлғиз қолгим келмас эди.

Шунинг учун ҳам мен уни кинога таклиф этдим, ўзим хиндча, чумалгина фильм экан. Феруза, ёдингдами, синфимизда Исматулла деган қорачадан келган бола бўлар эди, етим. Кинода ҳам шунга ўхшаш



етимча бўлади десанг, ўгай она боёқишни хўрлагани-хўрлаган, қиладиган бўлак юмуши йўк. Шунча ситам етмагандек, кўшни бойнинг қизчасини етимча яхши кўради, қизалоқ тушмагур ҳам қачон қарама, унга ҳомий ва меҳрибон. Бир кун шу бола - ўзи етим - қизчага бамбук олиб бераман деб минг машаққат билан дархатнинг шохига чиқади, бамбукка энди кўл чўзган пайти кўкқисдан оёғи туйиб кетади ва қулаб тушади. Фурсат ўтиб бормоқда, у эса қулаб тушаётир, тушаётир. Катта-катта очилган кўркинч тўла кўзлар.

Ваҳм босган мурғак қиёфа. Ва оламини тутиб кетган аянчли фарёд. Кўшни кизнинг кўзёшлари... Сўнг, одатдагидек, фалакка муножоот ва ҳазин унларга қоришиб ғамбода кўшиқ таралади...

Боланинг ҳоли не кечди? - Биламан, Феруза, сенинг кўнглингни ҳам шу ўй безовта қилаётир. Шошилма. Аввалига менинг ёнимда ўтирган томошани ўқис хўрсинди, ўпқаси тўлиб кетган қиз эса ҳеч ўзини тутат олмай йиғлаб юборди. Жуда аянчли, юракда алам кўзгайдиган манзара, аслида эса қулғили эди бунинг барчаси. Харфимнинг кўзларида ҳам шундай бир ифода кўрарманми деб унга юзландим, - қачонгача шу чумал туйғурлардан ҳалос бўла олмайдилар бу халк? Шу ҳасратда ўғил кетадими ё? - дегим бор эди, бироқ унинг кинрикларига илашиб турган ёшни кўриб, бу фикрдан қайтдим, юрагим баттар эзилди десанг, шу пайт кўлига қизил латта боғлаган навбатчи аёл залга чиқиб келди ва ҳамон йиғлаётган қизга - албатта, биратўла барчага эшитиларли қилиб - қулончаклик билан тушунтира кетди: - Бола бечорага ҳеч нима қилгани йўк, қизим! Тўрт мучали соғ! Майсанинг устига қулаб тушган! Хали шу қизга ўйланадими, ҳм-м-м-...

Дийдаси юмшаган қиз - эҳтимол қувончдан - тўлиб-тўлиб йиғлай бошлади яна. Шунда ичимдан бир заҳар тошиб келди, гижиниб: - Ўзбекчилик курсин-да, ўзбекчилик, - дедим. - Кино бўлса бу, ахир?..

- Юринг, кетамиз, - деди Шаҳризода бесабрлик билан. Шусиз ҳам томоша татимай, элга ботишмай ўтирганлигини аллақачон сезган эдим, секин ўрнимдан турдим-да, унинг изидан юрдим, фойега чиқаётгандагина: - Нима, унга ёқмадими бу фильм? Агар ёққан бўлса, нега унда кетамиз, деди?

Кўзёшларини у сидириб ташлаган эди. Шуни илғагач, - бир нимадан дили озор чеккан шекилли, - деган фикр кечди кўнглимдан, чароғон фойеда боратуриб, у хиёл нафрат аралаш таъна билан тикилди менга ва аввал берган саволини яна такрорлади: - Умрингизда ҳеч бировга эҳтиёж сезганмисиз ўзи?

- Адабиёт оламида Базаров деган бир қаҳрамон ўтган, Одинова дегани уни шунчалар қадрлаганки, таърифга тил ожиз. Базаров дарди ҳаринга гирифторм бўлгач, ой-кунни битгач, шу Одинова у билан қандай видолашганини биласизми? - дедим унга жавобан, ҳар қалай, бегисанд ва кесатикли оҳангда. - Одинова азиз кишиси қошидаги инсоний бурчини ўташ учун сўнгги дамда аввал унинг пешонасига мана бундай қилиб, - Одиновага таассубан Шаҳризоданинг манглайига кафтимни босдим, - қўлини қўйган, кейин назокат билан унинг бармоқларини ўпган.

У бир зум шошиб қолди. Сўнг аччиғи чиққанини яширмай зарда қилди: - Кейин ҳавоси аяниган хонадан чиқиб, юм-юм йиғлаган, юраги бўшагач, қўлини атирсову билан юмиб ташлаган бўлса керак? - У ёғи ёдимда йўк. Шундай қилиши табиий. Базаровнинг касали юқумли эди.

- Сиздан шуни кутмаган эдим. Демак, ҳеч вақога ишонмайсиз? Демак...

- Шундай деса ҳам бўлаверади, - дедим мен гарчи хиёл зада бўлган эсам-да, хотиржам оҳангда, зеро, ёлгон сўзлаётган эмасдим.

- Мўъжизага ҳам?  
- Менинг ёшимда мўъжиза кутиш - телбалик эмасми?  
- Рухга, ҳатто худогайм, а?

Бундан уч ой муқаддам рўзнома муҳаррирларидан бири амалини суистеъмол қилиб, ҳокимият учун курашаётган икки тўданинг бирини қаноти остига олгани, кураш кескинлашиб, охир-оқибат шу ишга сафарбар қилинган ходимнинг исзис йўқотилиши, муҳаррир балонинг барчасини билатуриб, айбни ходимнинг ўзига тўнкаб сувдан курук чиққани хаёлимдан кечди.

- Инсоннинг қабиҳлиги ер юзидаги жамики мавжудодниқига нисбатан мудҳиш ва тубандир, шундай махлуқни қандай қилиб, у маймундан таркамаган, дейиш мумкин, ахир? Қандай қилиб унинг нурдан пайдо бўлганлигига ишониб мумкин?

- Ҳатто унинг муҳаббатига?.. муҳаббатнинг абадийлигига ҳам ишонмайсиз, шундайми?

- Ҳа.  
- Йўк, сиз ёлгон айтасиз. Журъат йўк сизда. Ҳаётингиз издан чиқиб кетишидан чўчийсиз. Шундай эмасми, ахир?!

Унинг бидирлаб айтганлари, ачинишми, қуянишми, ҳар қалай, дард силкган бу сўзлар, ростки, менга эриш туюлди, ўша оқшом жиндай майла берилганлигим, кўнглим кўнглидан сув ичганлиги ҳақки бугун эҳтиёж ва муҳаббат талаб қилаётгандек эди гўё. Қилнишимдан гижина бошладим. Ўзимга нисбатан дилимда нафрат кўзгаганлиги учун ҳам

уни ёқтирмай қўйдим; итаришаётган, бир-бирини камситишга интилаётган кишиларга хос такаббурлик ва кибр билан тепадан ижирганиб қарадим унга.

- Муҳаббатнинг абадийлиги дейсизми?  
У индамади.  
- Абдий нарсанинг ўзи йўк бу моддий оламда. Ҳаммаси ўткинчи, ҳатто сизу биз учун на аввал, на охири йўқдай туюлгучи ҳаётнинг ўзи ҳам. Шунинг олдида сиз айтган муҳаббат аталмиш оний кечинма нима бўлипти ахир, хоним афандим!

- Менинг ўз исми бор - Шаҳризода!  
- Нима аҳамияти бор, барчаси ўткинчи бўлганидан кейин, хоним... Шарифим бор? Ҳатто исми ҳам бордир? Ҳа, бор? Мен маннундан ундан шу қадар. Ўлим олиб кетар - бир кун бари бир. Иسمу шарифидан не фойда бўлар? Исм ҳам, шариф ҳам эрур дуд-симон. - Эдуардас Межелейтес.

Гарчи кўзларида ғазаб учқунлари чакнаб турса-да, у менинг фикримни бўлмасдан эшитди, кейин: - Сиз хато қиласиз! - деди у ишда билан, шубҳасиз, қаҳри келган, буни ҳатто яширишни ҳам истамас эди. - У бор! Неки бино бўлганида бор эса, у абадийдир. Хали иқдор бўласиз бунга! - У шундай деди-да, менга жаҳл қилгандек, тез-тез юриб, ташқарига чиқди. Ортиқ эътибор қилмадим унга.

Шаҳар аллақачон туннинг нафармон сиёҳига беланган, шивалабгина ёмғир ёғар ва чирок ёруғида у инжудай товланиб кетар эди.

У тўхтади, ялт этиб қайрилиб қаради менга, шунда вужудим жимирлаб кетди. Бу назар азалдан танишдай эди. Уни тўхтатгим, аввал қачон кўришганмиз - сўраб-суриштиргим, ким ўзи у? Нега мунча зарда қилади менга - шуни билгим келиб кетди, бироқ журъатим етмади. - Исмсиз-з! - дея шивирлади у айбимни юзимга солгандек заҳаролуд боқиб, сўнг гижиниб лабларини бурди-да, қайрилиб тез-тез юрганча зимистоннинг қуюқ қатламлари ичига сингиб кетди. - Қузатиб қўйиш керакмиди? - деб ўйладим, лекин шунга зарурат сезмай юқодай уни ютиб юборган зулумот қаърига паришон тикилиб қолдим. Хийла вақт ўтгач, сўнг бор унинг қайрилиб қарагани хаёлимда жонланди. - Исмсиз! Исмсиз! Исмсиз! - Кўршапалақдай шууримда чарх ураётган бу сўз, бу таънага аввал унча эътибор қилмадим, баногоҳ у ўзининг асл маъносини қасб этди ва бирдан вужудим ларзага келди. - Нима-а? - дея беихтиёр чинкириб юбордим. Бу ҳатто мен унутиб юборган, ўн етти ёшимда дилимни яралаган тигиданги сўз эди. Тошдек қотиб қолдим. Ҳатто шу пайтда ҳам тобора узоқлашиб бораётган қадам товушлари аниқ эшитилиб турар эди. Кўкқисдан аввал ҳам у аччиқланган кўзлар мени шундай деб атагани ёдимга тушди. Дилимни ҳайрат қўлгаб олди. - Ахир... қаёқдан билди у? - Орадан шунча йил ўтиб кетган ва бу сўз ўлик тил каби аллақачон унутилган, ҳеч қутилмаганда, бегона бир кизнинг оғзидан шуни эшитиш ақлга сиғмас эди сира. - Ким ўзи бу? Қаёқдан билди, ахир? - Юрагим хаприкчанча жон-жаҳдм билан унинг изидан югурдим, йўк, асфальт йўлақда тик этган қадам товуши эшитилмас, қилт этган шарпа кўзга чалинмас эди, кўкка учиб кетганми у ва ё ер ёрилиб ерга кириб кетганми - номаълум, ҳатто асар қолмаган эди ундан. Мен уни ахтариб шаҳарнинг кунботиш тарафига қараб юрдим...

### III

#### ШАҲРИЗОДАНИНГ БИРИНЧИ НАҚЛИ

- Салом бўлсин сенга эй, саодатманд йигит! - Қачонки шу нафас садо берди, мени чўлгаб келган олам тамоми хира тортиди, кўзларимни банди этган харир парда тўсини йўқотиб шу пайтга доғур борлигини аңлатмаган сирли бир хилқат яшилликни кўришни берди. Ва мен кўрдимки, кўк тоқига юксалган, туман ўпаётган кўк-яшил зумрад зиналар аввалида, буёрун, деган каби сирли бир тавози билан нозик бармоқларини мен сари узатиб турибди. Ва мен қачонки йўл бошловчимнинг қўлидан тутдим, унга соме, харир либосининг этакларидай кўк сари юксалдим.

Туман чулғаган афсонавий даралар, ёллари кўнглига кўркинч солгучи уммондан, тоғлардан ошиб, ниҳоят, шундай бир маҳобатли яшил ёқут қасрга оёқ босдикки, унинг зийнати, туман чўкиб ётган гулшанининг малохати, ариқда оқар сувининг зилоллиги кўнгли кўзига ҳайрат солар эди, ҳалос.

Ҳамон у менинг қўлимдан тутиб, улуғворлиги ақлни шоширгучи қасрнинг ичкарасига бошлади, бирдан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ўтиб, шундай бир хосхонага келдикки, унинг девори зумраддан ишланган бўлиб, зумрад шамдонларда минглаб шамлар чарақлаб, дилини ўртагучи ажиб бир яшиллик таратиб турар эди. Унинг шуъласида ҳатто оёқ остидаги гиламлар ҳам яшил-йашил майсалар каби соғнаётгандай. Хонанинг муборак тўрида, исми-иш чечаклар билан зийнатланган деворда олтин ҳал билан битилган ёзув шундай нафас қилиб турар эди: "Насиб қадамнингни бул масканга етказдим, бас, хор

эдинг, азиз бўлгайсан”.

Шунда у айтди: - Эй саодатманд йигит. Сен тилак тиладинг, у қабул ўлди. Уни қабул этмакка ўзинг ҳозирмисан?

Сездирдимки, ҳозирман.

У айтди: - Аҳдингда тура биласанми?

Мен айтдимки, ҳа.

Яна у айтди: - Акс ҳолда ўзингни ҳам, мени ҳам ҳалок қилурсан.

Ошиқ Ғариб мусибати бошингда тушар, унутма.

Мен унга хайрат кўзи ила тикилдим.

## ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

- Эй саодатманд йигит, вақтики замонида беш йил йўл юриб, ердаги ҳудудидан кўздаги ҳудудига етиш маҳол бўлган шу хилқатда Шохизамон отлик бир шаҳаншоҳ ўтган. Шунинг Шохсанам исмлики бир кизи бўлганки, кечалари хаёл билан дераза олдига бориб қолса агар, унинг камолу ҳуснига кўзи тушиб ўн тўрт кунлик ойнинг чиройи ҳам хира тортган, узилиб юзини булутлар панасига олган.

Шохсанам ўн уч ёшга тўлганида малика дардга чалинди, ҳарнеки табиблар даъволамасин, шифо топмади. У оламдан ўтгач, шаҳаншоҳ бир йил мотам тутди, бир йилдан сўнг чигилини ёзиш учун навкарларини олиб ов овлашга чиқиб кетди. Қушлар чақчахлаб ётган бир манзилга етганида унинг кўзига бир оху кўринди, охуки, олам бино бўлганидан буён биронбир кишига бундай сулув охуни кўриш насиб этмаган.

- Ё раббано, - деди Шохизамон. - Жонивор ҳам шунчалар сулув бўлурми?

- Эй шохларнинг улуг шоҳи, - деди вазир хайрат денгизига чўмиб, - сен кўрганни кўриш нечук бизга насиб этмаётир?

Шу чоғ ер қаридан садо келдики, насиб этган кимгаки насиб этса, анга кўринур!

Овозига маҳоббатли тус бериб шундай нидо қилган Иблис алайҳилаъна эди, лекин буни улар билмадилар. Ва Шохизамон ортиқча бир рағбат билан охунинг изидан тушди. Оху кўздан ўчгулик жойга бориб, унинг дилидаги гужурни кўзгамоқ истабми, чиройли бошини буриб унга кўз солиб турар, Шохизамон эндики туйғун учрай деганида оху бурилиб, елдай учиб шоҳни тўзонда қолдириб кетар эди. Улар, ниҳоят, шу тахлит бир манзилга етдилар. Манзилки, чечаклар поёндоз бўлиб, шамшодлар фалакка буйи чўзиб ётар эди. Оху шу ерга етганда шамшодлар панасига ўзини олиб, кўздан йўқолди. Шохизамон гарчи ундан кўнгил уза олмас-да, шоми ғарибон бўлиб қолган эдики, умид узди ва отнинг бошини буратуриб, кўрдикки, жилла нарида ариқдан зилол сув жиқдираб оқиб ўтаётир, сув бўйида қомати шамшодни-да хижолатга кўйгулик, юзи ойдан-да, кундан-да тўзал, хулласки, ҳар қанча мадх таърифига етгулик бўлмаган бир киз паришон ўлтирур. Шунча йил яшаб, шунча юрт кўриб, Шохизамон бундай малакни учратмаган экан, унинг камолу ҳуснига термулиб туриб, шохлигини ҳам, бор дунёни унуттиди ва секин отдан тушиб, кизнинг хузурига борибди, ортиқча бир сўз айтишга ҳадди бўлмай, дебдики:

- Эй сайидам, агар малол келмаса айтинг, бир оху ўтмадими шу ердан?

Киз хиёл бошини кўтариб, охуниқидан-да маънос кўзларини унга тикибди ва майин овозда афеус ила дебдики: - Хайф сенга эй яратган!

Шохизамон шундай сўлим, кўриниши бағоят беозор санамнинг фавкулотда бу шаккоклиги асосини билмаганлиги учун ҳам хайрон бўлибди, шунда киз изоҳ берибдики, мен бир савдогарнинг нуридийдаси эдим, карвон билан кетатуриб, бир манзилда нафас ростладик, баногоҳ дара лабида турган охуга кўзим тушди, уни қувсам тутиб оладигандай эдим, отамнинг ай-ҳайлашига қарамай унинг изидан тушдим, шунинг макрига учиб шу ерларга келиб қолдим, хайф сенга эй оху дейишимнинг маъноси шуки, неча йилдан бери бир қутқарувчига зор бўлиб йўлингизга кўз тикдим, лекин келиб сиз ҳам охунинг дарагини сўзладдингиз.

Шохизамон қизни эргаштириб саройга қайтибди. Гарчи вақт бемаҳал бўлса-да, вазир аъёнлар йўлга кўз тикиб ўтиришган экан. Негаки шох қизга йўликкан лаҳза қуёш тутилган, тўфон қўпиб, не-не асрий чинорларни тағ-томири билан кўпориб кетган, сел тошиб не-не қишлоқларни юқиб кетган, тағин бўлак хосиятсиз аломатлар зоҳир бўлган экан.

Шохизамон уларнинг назарида ўзгариб қолгандек, алланедан жуда масрурдек туюлибди. Шунинг учун ҳам шу киз шумқадам бўлмаса-да, деган иштибоҳ доно вазирнинг кўнглидан кечса-да, бундан шоҳни оғоҳ этишнинг мавриди эмас ҳозир, деган ўйга борибди.

Шохизамон саройга киргач, киз билан ёлғиз қолишни кўнгли тусабди. Ақли ўғирлаб тилсим қилинган каби хаёли жойида эмас, кизнинг ишки дилида ўт ёқар экан.

Ноз-неъматлардан тановул қилишгач, шох олтин қадахларни

май билан тўйинтирибди. Энди бу неъматдан тотингач, кизнинг ҳусни тенгсиз бир малоҳат касб этибди, ёноқлари нақш олмадай қизарибди, мастона сузилган жоду кўзларидаги ишваю ноз Шохизамон жисму жонини куйдириб юборибди.

- Эй ҳуснлар шоханшоҳи, - дебди Шохизамон. - Жисминни шунчалар ўтда ёқдингки, дунё дунё бўлганидан буён бирон-бир ошиқ бундай ўт нелгини билмаган.

Кизнинг дудоклари жонни олғувчи бир тус касб этибди, лекин ўзи фироқ ила сузилган кўзларини уялган бўлиб олиб қочибди ва ерга тикилиб қолибди. Шунда Шохизамон яна жонон қадахларига май куйибди, у ва кизнинг юзларида жилва қилаётган сеҳрли жоду қонини янада оловлантириб юборибди.

- Маликалар маликаси, - дебди Шохизамон, - сенинг кокилларингдан шундай бир мушки анбар таралаётирки, шу кунга довур бундай анбардан, унинг сен каби соҳиби жамолидан бенасиб ўтганимга пушаймонман.

Ва у кизнинг ҳарир либоси сириб турган нозик белига кўл юборибди. Бир нимадан чўчиган каби киз ўзини хиёл четга олибди.

- Шоханшоҳим, - дебди жонни олувчи илтижо билан. - Чўрингизга раҳм қилинг, азиз эдим, хор бўлмай.

Шохизамон унинг гулдай юзига юзини босибди, сўнг нозик белларидан қучиб пича ўзига тортибди-да, ўн саккиз яшар ошиқдан ҳам юз чандон зиёд эҳтирос билан шивирлабди: - Сенга дуч келмагунча дунёда шундай бир неъмат борлигини, у шунчалар сархуш, бахтиёр қилишини билмай ўтаётган эдим. Сени топиб кўнгил уйим хушвақтликка тўлди, бор дунёни унутдим. Дунё бу - сен, сен бу - мен. Сени учратмагунча интиқлик нима билмаган эдим, бу ғамдан халос қил, кел, май каби руҳи жонимга синг, сўнг истасанг, жонимни ол...

У кизни қучиб бағрига тортибди, кўллари юзларини мастона кўзига суртибди, сўнг ол дудогига лабини босибди ва сархушлиги зиёда бўлиб ҳуши бошидан учибди. Худди шу лаҳза қиз эҳтиётлик билан сирғалиб унинг оғушидан чиқибди-да, хиёл четга тисарилиб туриб ўтирибди.

Шоҳнинг кўзларига дунё қоронғи бўлибди. Дарду оҳ чекиб, қадим ошиқ айтган, дилдан дилга кўчиб келаётган муножотни нола қилибди:

Сен кетдинг орқандан руҳим эргашиб,

Менга қок суякни қолдириб кетди.

- Эй шохларнинг шоҳи, эй ошиқларнинг султони, - дебди қиз шунда. - Бежиз оҳ чекаётирсан, шу ноланг ҳаққи ҳурмати тоабд остонангни сочим билан супуришга тайёрман. Ва лекин ишқ ҳам май қабидур. Унинг сархушлиги ҳам оний. Кейин сен давлат ишларига машғул бўлиб, мени унутасан. Шундан қўрқаман. Мен жоним тоабд ишқ гулханида ёнишини истайман.

- Менинг кўнглим ҳам шундан ўзгани тиламас, - дебди Шохизамон ва онт ичибди.

Қиз лаҳза чўгдай бўлиб унинг бағрига ўзини отибди, ширин сўзлар айтиб ёрини сүйибди.

Кеча кўнгилхушлик билан ўтибди.

Тонг-ла Шохизамон ўрнидан турса, боши зил-замбил эмиш, худди шуни билгандек киз ундан кўнгил сўрабди, сўнг қадахга май сўниб узатибди.

Қушлар шундай ўтаверибди.

Шохизамон мамлакатни идора эитш лозимлигини ҳам, Шохсанамни ҳам унуттибди.

Мамлакатни идора қилиш эса, табиийки, Малика десак ҳам бўлаверадиган ўша санамнинг қўлига ўтибди, аввал бошда у доно вазирга суикасд уюштирибди, сўнг эса, унинг душманлари - Шохизамоннинг душманлари деб эълон қилибди, душманларга қирон келтириш баҳонасида юртнинг жамики фозилларини қиличдан ўтказибди.

Майни дарё қилиб оқизиб қўйибди. Адоқсиз далаларга наша экишни жорий этибди. Айни пайтда сарой аъёнларини Шохизамон билан дилхушлик қилишга имкон яратибди, улар бўкиб ичишар, сўнг қанизақларни чақириб, маишат қилишар, қосағул Маликанинг ўзи бўлар экан. Шу тариха шарм-ҳаё орадан кўтарилибди, дастурхон бир, тўшак бир, хотин бир, бу одат тусига қирибди ва саройдан ташқарига чиқиб, салтанатнинг овлоқ қишлоқларига довур ёйилиб кетибди.

Ҳадемай кишилар танбал тортиб, ишни буткул йиғиштириб ичиш, чекишга ружу қўйибди. Ва мамлакат ҳаёти издан чика бошлабди.

Маликанинг муроди ҳам шу экан, асли у дев бўлиб, Азозилнинг йўриғига биноан оху шамойилида шоханшоҳнинг йўлини кесиб ўтган, кейин ўша шамшод дарахти барқ урган жойда моҳитобон шамойилида унга кўриниш бериб, ақлини ўғирлаган экан.

Бирварақайига учта ўғил туғибди у.

Улус шохини, шох халқини унуттибди. Бу орада кун сайин, соат сайин ўлғайган шахзодалар вояга етибди. Шохизамон сархуш



пайтида Малика уни авраб, фатвога имзо чектирибди ва ўгли ибн Ланнга тож кийдирибди. Ва Азозил салтанатини бино қилмоққа киришибди.

Муҳаббат инсонун фарибнинг бошига шундай кулфатлар ҳам келтириши мумкин, - деди Шаҳризода нақлини яқунлаб.

### ШАХРИЗОДАНИНГ ИККИНЧИ НАҚЛИ

- Эй саодатманд йигит, - деди Шаҳризода, - аввал бошда Азозил, агар ани мандан азиз қилса, ҳаргиз анга тобе бўлмасман, дея қасам ичган эди, аҳдига эришти ва шундай қаҳқаҳа урдик, рўйи замин титраб кетди. Шунда унинг оёқлари остидаги замин оғриниб ингранди ва мамолат билан айтдики, Эй матбун, сенинг қувончингни ҳам синдирувчи бордир.

Азозил алайҳи ланна газабга минди, шундайлар бино бўлур эса, ман анинг етти пуштини куйдириб ташлай, деб фол очди, фоида унга аён бўлдики, заминда мохтобли қабртош бордир. Жаҳонгиннинг қабри устида турар. Шу жаҳонгиннинг руҳи мадади ила ўғлон бино бўлур. Унинг она томони Шоҳизамонга, ота томони унинг донишманд вазирига бориб такалур.

Азозил алайҳи ланна ер муштлаб қарганди, шу қаргангандан юз йил шумлик ўйлади, ва, ахйири, бир тадбир топди: у зумрад хилқатга юзланиб, Малика шамойилидаги дажжолга айтди:

- Эй бадбахт, икки ўғлингни зумрад хилқат неъматлари ила ерга туширгил.

Улар бир барқашдаги наша ва бир барқашда шароб ва зино уругидан кўтарганча Ланнинг хузурига тушиб келдилар.

У ўртанча ўғлига айтди:

- Дунёнинг кун чиқари сен тан.

Кичик шаҳзодага дедик:

- Дунёнинг кунботари сен тан. Сизлардан ўзга шох, ўзга худо йўқ.

Ва у яна айтди:

- Онангиз қилганини қилингиз. Ва қайси бирингиз тасарруфингизда мохтоб қабртош бўлса, уни зудлик билан зумрад хилқатга жўнатингиз, қабрни кунпожун қилингиз.

Ва у зумрад хилқатга юзланиб, дажжолга айтдики:

- Эй бадбахт, Шоҳизамондан қолмиш қиз бўлмишни, вазирдан қолмиш ўғил бўлмишни махв эт!

Қора кун бошланиб келар эди. Бирдан довул турди ва ер юзини чаң-тўзон қоплади, қуон фалакка ўрлади ва қоп-қора булутлар қора ният янглиғ офтоб юзини түсиб қўйди, Азозил барқашдаги матоҳларни олиб, минг бир уругга тарикдай тиркиради, қуон баробарида у фалакка юксалди ва булутларнинг қон-қонига синиб кетди, кейин йил мобайнида тинимсиз қуйган жала баробарида, у руйи заминга ёғилди. Ва гарчи жала тинди, бироқ кўк юзи норози тумтайган булутлардан аримади, ва гарчи баҳор келди, бироқ қуёш булутлар ортига бекинмоқда ва ер намхуш тортиб ётмоқда давом этдики, минг бир уруг нам тортиб чиримокка юз турди. Шунда Азозил алайҳи ланна шундай ҳасрат чекиди, унинг дарду охи кичик шаҳзоданинг қулониға етиб борди ва улда қуондай изғиб, ниҳоят, муқаддас тўқ яшил мохтобни топдилар ва жаҳонгир қабрини топтай-топтай қабртошни кўтардилар-да, зумрад хилқат сари ўрлаб кетдилар. Шу асно булутлар лашкарбошисидан жудо бўлган қўшиндай беҳол чекиндилар, шу асно қуёш доғи ҳасратда ловуллаб кетди ва замин тақдирга тан берган каби мунғайиб қолди ва қуфри неъмат униб чиқмоққа бошлади. Қуфри неъмат шамолда солланиб чайқалар, чайқалганида шовуллаган овоз таралар ва у Малика шамойилидаги дажжол йўлини тутган иблислар саройига довул етиб борар эди. "Кишиларни ичкиликка, чекишга ружу қўйишига йўл очиб беринг".

### ШАХРИЗОДАНИНГ УЧИНЧИ НАҚЛИ

- Эй саодатманд йигит, - дея давом этди Шаҳризода, - Шоҳсанам онадан етим қолгач, Шоҳизамон унга атаб бир қасри олий бино эттирган эканки, ҳеч бир дунёда тенги йўқ экан унинг: тўрт тарафида боғи эрамдан минг чандон кўркли боғ-чаман, сандувочлар чаҳчаҳлаб, канизаклар шохбонунинг теваргани олиб, номозшомдан сўнг минглаб шамлар чарақлаб, уларнинг ёдуси қандил биллурларига, олтин ҳал билан гул солинган мовий гумбазларга, ундан ариқда жилдираб оқаётган сувга урилиб, камалақдан чандон зиёда жиллолар таратиб турар экан. Шунинг учун ҳам, Шоҳсанам бу ёруғ оламда не ходисалар содир бўлаётганлигидан буткул беҳабар экан.

Қуёшнинг тафти қайтиб, япроқлар сарғая бошлабди ва секин-аста улар ошининг васлига ета олмаган навинҳол қизлардай заъфарон тортиб, оҳ чекиб бандидан узилдилар ва тўлғона-тўлғона оёқ остига тўкилиб тушибдилар. Сарву шамшодлар ҳарир либосини бери еллар олиб қолган паривашлардай хижолатлик бўлиб дилдираб қолишибди.

Уларнинг ҳолига ачинаб, хайф сенга эй табиат, шундай чиройни ўзинг яратиб, бу кун уни ҳазон қилурсан, дилларга малол чўктиурсан, муруватинг қани сенинг, деб Шоҳсанам сокин оҳ чекиб боғда юрганида, кўрибдики, хиёбон адоғида кимдир икки бурқайиб ўтирибди. Яқин бориб қараса, бояқиш энагаси унсизгина оҳ чекаётган экан.

- Бошингизга не мусибат тушди менинг меҳрибоним? - дея унинг кифтидан охиста қучиб, кўнгил сўрабди Шоҳсанам. Шунда энаганинг кўзёшлари дарё бўлиб оқипти.

- Бир жоначир кишим бор эди, шу қазо қилипти, - дебти энага.

- Мендан сиз бир сирни пинҳон тутурсиз, - дебди Шоҳсанам хиёл эркаланиб, - қўпдан буён сизни кулфат дарёсига чўмган ҳолда кўрардим.

- Эй маликам, - дебди у чексиз бир афеус-надомат билан бошини тубан солиб, - қошки кўр бўлмай эрдим, шу кўнларни кўрмасдим, қошки қар бўлмай эрдим, шу гапларни эшитмасдим.

- Невчун кўнлимга кўркинг солурсиз? - дея савол сўрабди Шоҳсанам.

- Маликам, - дебди энага оғир хўрсиниб, сўнг дилининг туб-тубларига чўкиб ётган ғамни тилига олиб чиқибди. - Юртга ўлат тарқатди, маликам. Шундай ўлатки бу, ҳеч бир даввоси йўқ.

- Шаҳоншоҳимизнинг ҳам иродалари ожизму?

Энага чексиз бир алам билан ўқраб йиғлаб юборибди, кўз ёшлари дарё-дарё қонга айланибди. Қачонки у жодуҳаш Малика ва унинг кирдикори, юртнинг бошига тушган ўлатдан баттар мусибат ҳақида айтибди, Шоҳсанам чандон паришонҳол бўлиб, ғам дарёсига ботибди. Ва сўнг дили нолага келиб, ўзини энагаси бағрига отибди ва не йўрқи берурсиз, деган каби сўнгсиз илтижо билан ёшли кўзларини тикибди.

- Эй маликам, кўпдан-кўп хатарли бўлса-да, бошини тутиш бўлган бирдан-бир йўл бор, у ҳам бўлса, тонгла йўлга тушиб, тўғри шаҳаншоҳнинг хузурига кириб борамиз, зора сизни кўриб, ўзига келса у!

Тонгла улар саройга кириб боришса, гўёки шундан хабари борки, Малика эшик олдида қўл қовуштириб кутиб турган экан, у кўп тавозелар қилибди ва Шаҳсанамни ичкарига бошлабди. Саҳндаги фаввора лабиди, чинни пиёлада сув турган экан. Малика бир дуо ўқиб нафас урса, сув қайнаб тошибди. Шунда у пиёлани қўлига олибди-да, тошга айлансин деб суғни Шоҳсанамга қарата сочибди. Шу дамнинг ўзидаёқ у кўп кўрқлик зумрад тошга айланибди.

Малика уни олибди-да, кўзга ташланиб турмасин, шу ёқларда тупроққа қоришиб қўмилиб кетсин, дея қўшиннинг боғига иргитибди.

Энагани эса, саройга элтинлар, канизакларига жинларни қўшинлар, айши тороб не эканлигини у кўрсин, ўзини ҳам шунга ўргатинлар, токи бу заминда бизнинг сиёсатдан норози киши қолмасин, дебди у.

Шу пайт қўшни боғда донишманд вазирнинг ўғли Ошиқ Ғариб мискин хаёлларга банди бўлиб паришонҳол кезиниб юрган экан; Чечаклар ичра таралган рангин ва шаффоф шуъла келиб кўзларига урилибди ва унинг хаёлига каманд ташлабди, узалиб майсалар ичра шабнамдай титраб турган дури ноёбни қўлига олибди, у шунчалар аёл, шунчалар шаффоф феруза эканки, беҳтиёр Ошиқ Ғарибнинг ёдига Шоҳсанамни солибди, хижрон азобида дили пора бўлиб, унсиз дарду оҳ чекибди: "Эй Шоҳсанам, қошки эди сени кўрмаган, кўнгил қўймаган бўлсам, бунча кулфатлар чекиб, рангим сомондай сарғаймас эди. Висолингга етар йўллар шунчалар чигал ва зимистонки, кўрқаман, васлингга ета олмай ҳасрат ва армон билан ўтиб кетаманми деб!"

Шунда қўлидаги феруза узра Шоҳсанам шамойили намоён бўлгандек туюлибди ва тошдан бир қатра ёш сизиб чиқиб Ошиқ Ғарибнинг қафтига томибди.

Ошиқ Ғариб алланечук бўлиб кетибди, ва ёрини ёдига солиб, соғинчини чандон зиёда қилган ферузани кўзларига сурибди.

Шу-шу руҳни ўлдиргучи ўлат тарқалган дунёнинг шоми ғарибонида у хиёбоннинг хилват кунжағига бориб, барқўтга ўраб асрагучи ферузасини қафтига олиб, суйган санамини кўргандай бўлар ва хаёлан у билан сўхбатлашар экан:

"Эй саидам, шундай қаро кўнларга ташлаб кетган саидам, наҳотки сенда муруватдан асар қолмаган бўлса, фироқингда қуйиб қулга айланаётган ғарибинг хаёли сира дилингни банд этмаса?"

"Ғарибим! Менинг ҳолим йиғламақдан ўзгага етмас, сенинчун ҳам ич-ичимдан бўзлагайдирман".

Кўк сари учиб бораётган фаришталар бу хилқатдаги бадбинликдан бўғилиб, пича нафас ростлаш умидида хушхаво шу боққа келиб тушибди ва икки кўнгил дардухони эшитиб кўнгиллари бузилибди. Бири дебдики, шундай сохибжамол йигит, қара, тагин юзларидан нур ёнлиб турибди, у ким, нечун бунча ҳасрат чекаётир?

Иккинчиси айтибдики, у Ошиқ Ғариб, беҳиштнинг хуру гулмонлари нима, улардан-да минг чандон бир сулув бор, шунинг доғида қуяётир.

- Насиб шунчалар ўтлик муҳаббатга уни мубтало этибдими, бунда бир ҳикмат бор, кўнгли тилаганининг васлига мушарраф этгулик экан, - дебди биринчи фаришта. Иккинчиси айтибдики, - Эй саховандманд, буниг ҳеч бир иложи йўқ-ку!

- Сабаб - ноумид сўз айтдинг?

- Жодугар у кизни жоду ила ферузага айлантирган. Ошиқ Фарибнинг қўлидаги шу!

- Унда бу чамани кўйдирувчи унинг оҳини эшитиб турмоқликда маъни йўқ. Боғни тарк этайлик, кўкка чиқиб, сирлашайлик, бу тилсимни ечгувчи топилар?

Иккинчи фаришта бошини солиштириб маҳзун оҳ урибди.

- Эҳ, сен билсанг эди, токи фалақдан кайтганингга қадар бу ерда не кори-ҳол содир бўлишини... Кеч. Улар қасри олийга яқинлашиб қолишди жуда.

- Ким удар ва уларнинг бу гапга нима даҳли бор?

- Улар деганим улуг жаҳонгир қабрига қўйилган муқаддас моҳтоб тошни жойидан кўчирган ва Азозилнинг ҳукмига кўра ердан қасри олийга кўтариб келаётган бадқирдорлар. Ва улар Шаҳаншоҳга етказадиган ҳукмига кўра шомо ғарибонга қолмай Ошиқ Фарибнинг боши танидан жудо этилади.

Биринчи фаришта оҳ чекиб юборибди, ферузани кўзига суртганча бағрини захга бериб ётган Ошиқ Фарибга кўзи тушиб, ғами чандон зиёда бўлибди. Шу маҳал кўча тарафда шовқин кўтарилибди, улар сезибдики, ғаним Ошиқ Фарибни маҳв этмок муродида шу ён келаётир.

Фаришталар уни азот кўтаришибди-да, кўк сари учишибди. Бўлак илож қолмаган экан-да.

Фаришталар икки орада неча юз йиллик масофа тўшалиб ётган бўлса-да, кўз юмиб очгунча рўйи заминга етиб келишибди. Кела-кела бир жойга етганда Ошиқ Фарибнинг қўлидан феруза тушиб кетганлигини илғаб қолишибди. Энди уни топмок кўп мушкул экан. Улар кўп хафа бўлишибди, Ошиқ Фарибни жуда кўркам бир гулшанга олиб келишибди-да, заминга қўйиб ўзлари қайтиб учиб кетишибди.

Бундан хабар топган Азозил ўша лаҳза ерга тушиб келибди ва токи соя солмоқдан ўзга ярамасин деб жодунинг кучи билан уни чинорга айлантириб ташлабди.

- Ахир, бу йўлга қағиртош ташланган эмасдими?! - кимдир айнан шундай деди, азбаройи хайратланганидан чинкириб юборди шекилли, эҳтимол шу, эҳтимол, миямининг қайси бир ҳужайрасида ўрнашиб қолган уйғун фикр таъсири боис, кўкқисдан уйқум ўчди, кўрпага ўзим тоза ўраниб олган эканман, қора терга ботиб кетибман, кўзим ярқ этиб очилган заҳоти дафъатан, ким чинқирди экан? - деб ўйладим, сўнг ўзимни ташвишлантиргувчи тафсилотларни қайта эслашни истамай, таниш бу хайратни қачон туйганлигини хотирлашга тутиндим, аини шу пайтда бўлак бир таъсири сезиб, тагин хаёлим чалғий бошлади, кўрпани хиёл туширдим-у, унинг нима эканлигини аён илғадим: жуда заиф, қандайдир қулолаётган саргимтир шўъла эди бу. Шунда барчаси бирдан хотирамда тикланди: кеча кўрган тушим ҳам, тун бўйи (тинимсиз) санқанганим ҳам, гарчи байрам бўлса-да, ишга борганим, Шаҳризода ва унинг тун қўйнига сингиб кетишидан аввал таъна-маломати аралаш сирли қараш ҳам - ҳамма-ҳаммаси, ётгач, кечаги тафсилотлар бот-бот ёдимга тушган, сира тинчлик бермагач, бир хаёл барча синоатнинг тағига етиш учун ҳам қабристон тарафга ўтгим, бориб кечаги жойларни ўз кўзим билан кўриб қайтгим келган, бироқ юрагим дов бермаган эди. Кейин кўрган-билганларим вос-вос кутқуси бўлиб тоъла бошлади, зеро, бизнинг кишлоқ йўлига чиндан ҳам қағиртош тўшалган эди. Азбаройи шу таҳликали ўйлар тоза юрагимга тўкилгач, гафлат босиб кечагидай ўлик салтанат исканжасида қолиб кетишни истамай, стол чирокни атай ўчирмаган эдим, ҳозир у шамолда липиллаётган шам каби хира тортиб, сўниб бораётгандай эди гўё. Жайдари лампа эмас-ку у, нега бундай бўлаётир? Тагин юрагим орзика бошлади, жонни эғовловчи шу қайфият тоза бездирган, шунинг учун ҳам бемаҳалда уйқум ўчганидан шунчалар хафа бўлиб кетган эдимки, у ёқ-бўёги йўқ, тинчлик ҳам керак-ку одамга, ахир, бунақада жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Кимдир маънос ҳўрсинди, кейин атлас қўйлакнинг майин шитирлаши аниқ қулоғимга чалинди, айнан шундай сасни бундан роппа-роса йигирма йил аввал - мактаб синфхонасида эшитган эдим, гўё кимдир ўша пайтда қулоқларим остида қайта бошдан қўяётгандек, сира инкор этиб бўлмас эди буни, кечаги телефон кўнгируги ва ўтинч, тунги изгишлар ва шивир-шивирлар - барча-барчаси бирдан менинг тасаввуримга ёпирилиб келдилар, ўша шарпалар нотагонлигимдан хузур қилиб, менинг тепамага чиқиб тантана қила бошлашди гўё. Қўлимдан ҳеч вақо келмас эди, шуни ич-ичимда идрок этган сари хўрлигим келар, алам ва изтиробдан сўнгақларимга довр

сирқирар эди. Ахйир, тақдирга тан бериб товуш келган тарафга юз бурдим, кўнглим сезган эди ўзи, сен, Феруза зулмат салтанати кишиб келиб, чироқ шўъласи билан кесишган нуктада турар, ўн саккиз яшар ўспирин эса, поёғак тарафда, столга суюнчи ўтирар эди. - Ё раббий! - дедим мен, беихтиёр ёкамни ушлаб. - Ё раббий. Бунча мени хўрламасан? Нима гуноҳ қилиб эдим сенга, худойим?! Йўқ, мен туш кўрпман. Босинқирайман. Эртага бир ис чиқариб юбориш керак. Буёғига парво қилмаган маъкул. Рўё! Туш бу!

Барча сайёралар ўзларининг магнит қутблари билан қуёшнинг тўртта магнит қутбига боғлангандир, қуёш уларни ўз ўқлари ва ўзи атрофида - ўзи айланаётган тарафга қараб айлантиради! - сен, Феруза унинг оғзига термулганча ўша - савдойи муаллим йигирма йил бурун айтган гапларни қайта бошдан эшитар, аламли жилмайганча дилинг орзиқкан кезде кимтиниб кўяр эдинг. У эса ҳаяжон юққан овозда - ҳатто сенга эътибор ҳам қилмай, фикри-ёдини банд этган ва шу тобда тўқиб-солишни жуда-жуда истаётган гапларни айтишда давом этар эди: - Ёдингда бўлса, ўша муаллим қуёш туркуми хуеусида сўзлар экан, тушунарли бўлсин учун жайдари қилиб, дейлик, Феруза - Мехр, яъни Қуёш деган ва бизнинг қолган ҳар биримизни ҳам номлаб чиққан, худонинг ўзи кўнглига солганим дейман, ишқилиб, кимки сенга парвона бўлса, тутган мавқенга яраша Саъди Акбар, яъни Муштарий, Баҳром, Зухал ё Уторид... дея ном олган, гарчи мен ҳам шулар қатори сенинг ҳасратингда қуйсам-да, ўзимни кўрсатишга ортиқ уринмас, бир четда, энг кейинги қатрда ўтирар, ўлгудай хаёлпараст эдим, эҳтимол фаромуш кечган дамларда бирда-ярим муаллимга салом бермагандирман, эҳтимол манглайим шўрдир ўзи, ишқилиб, нима бўлганда ҳам улардан ажралиб Исмсиз қолдим. Бугун - орадан шунча йиллар ўтгач, ўша лаҳзани гўё қафимга олиб ўбдон кўздан кечирар эканман, шунга иккор бўлдимки, улусга ҳокимлик қилган ҳар қандай одам, кимлигидан қатъий назар, шахсий муносабатидан келиб чиқиб, анчайин хайрихоҳлик ва ёки арзimas гина оқибатида сенинг қисматинга таъсир қилиши, тақдирингни ҳатто издан қайтариб юбориши ҳеч гап эмас экан. Бурунининг учига довр тук қоплаган ўша савдойи ўзининг таъбидан, нуктаи назари ва ғарибона дунёқарашидан келиб чиқиб, ҳар биримизнинг ҳаётдаги ўрнимизни ўзича белгилаган, ҳеч ким унинг иродасига қарши чиқмаган, чуқи сенинг хоҳишинг шунга мувофиқ бўлган, ёлғиз ментина - назардан қолган, атай камситилган Исмсиз қай деворга бошимни уришни билмай, аламга қовурилиб қолган эдим. Агар сен ишонсанг, ҳар қанча камсуқум, ҳокитуроб бўлиб кўринмай, аслида сендан бўлак бирон кишини сариқ чақача кўрмас эдим. Эҳтимол, ўша савдойи савқатбаийи тарзда буни сезган, ёмон кўриб қолган мени? Зеро, унинг ғарибона мурожаат қилишлари, судралиб юришлари, мулоҳазаларига ортиқча баҳо бериб, бир гапни айтгач, хийла сукут сақлаши, шунинг замирида яширин бўлган ўзини авлиё сифатлаш менинг дилимда янв ва нафрат кўзгар эди, ҳолое. Эҳтимол, шунинг учундир, чўчибгина у "Небуляр назарияси"ни инкор этганида ана шу ҳадик замирида ётган синоатни англаб етгим келди, қайси гўрдан бориб Кантинг яқиндагина чоп этилган сайланмасини топдим, бу таълимот билан танишгач, гарчи ўша пайт чиндан ҳам у ғайритабийи қарашдек туюлган бўлса-да, бари бир, кейинги дарсда жўрттага бир кун келиб қуёш ҳам сўнади, дея Кантни ёқлаб чиқдим. Шунда у дафъатан шошиб қолди, дўрдоқ лаблари титраб кетди, кейин ёш боладай киприқлари пирпираб, хайрат ва таажжуб ичра менга тикилди, табийиқи, сизлар, энди нима бўлар экан? - деган таҳликада нафасингизни ичингизга ютиб, қилт этмай ўтирар эдингизлар, фавқулода бу жимлик баттар уни сескантириб юборди шекилли, бирдан хушёр тортиди, алланимани эслашга ҳарақат қилгандек манглайини тириштирди, сўнг кўрқинч ва норозилик қоришган ялнчқок овозда: - Ноинсоний қараш-ку бу?! - дея зорланди. Шу билан у чекланса ҳам бўлар эди, савдойи ўзига ишонмас, шуни мен сезган, унинг гап оҳангидаги адоқсиз мўнг эса, шаштимни синдирган, бу қарашнинг мохият-эътибори билан қандайлиги хуеусида дээрли ўйлаб кўрмай, уни шошириш, ўч олиш ниятида шундай қилганлигимдан, ёши бир жойга бориб қолган муаллимимни шу қуйга солганлигимдан энди пуйшаймон бўлган эдим, лекин нечундир у саросимадан қутила олмади сира, бутун дарс мобайнида доврдай-доврдай аввал Кантни, кейин унга қўшиб мени ҳам шафқатсизликда, инсон қисматиға лоқайдликда, енгилтақликда айблай кетди. Бир маҳал, ёдингда бўлса агар, азбаройи жаҳли чиқиб, - сен ўзинг ким бўпсан? - деб қолди менга, - марксизм-ленинизмға қарши чиқишни ким қўйибди сенга?! - Шу қалар туюқдики у, тутила-тутила ҳатто гапини йўқотиб қўйди ҳам. Кейин дили қаттиқ озор чеккан болага ўхшаб, нуқул гинахонлик қила бошлади. Айтишича, асли у Ибн Синодан кейин етишиб чиққан фозили якто, узоқ йиллар Фанлар Академиясининг йирик илмий-тадқиқот институтида заҳмат чеккан, қуёш абадияти бўйича озмунча илмий кашфиётлар яратмаган, бироқ жоҳиллар йўл беришмаган, кўришда олмаган уни, охир-оқибат, майли, шу болаларни одам қилайин деб шу кишлоққа келган, шу мактабда таълим бераётир.



аммо-лекин шу пайтга қадар мендайин шаккокни сира учратмаган. Унинг айтишича, марксизм-ленинизмга тамомила ёд бу қараш, умуман олганда, ўзи-ку ёшни яшаб бўлган-а, лекин набиралари... наҳот бир кун келиб қуёш сўнса, наҳот ер юзида қиёмат-қойим бўлса? Наҳот шунга ишонши мумкин? Хуллас, у мендан хафа, жуда норози эди. Гарчи ўзини авлиё чоғлашни ёқтирса-да у, шундай ички бир даъво билан яшаса-да, ақли кўтоҳлиги оқибатида кўп шапатланган эган, шу боис қалтак еявериб юраколди бўлиб қолган мушукдай ҳамиша хадиксираб турар; бироқ ҳозир дилига ваҳм солган на бу ва на ўзига ишончсизлик, балки Кантнинг бир оғиз гапи билан қуёшнинг сўниб қолиши ва бирдан оламини зулмат босиб, ҳаётни тутаб битиши эди.

- Биз маймундан тарқалганмиз, - деди у оғир сўлиш олиб, - меҳнат туфайлигина шу маркомга етишганмиз! - Ниҳоят у толгин ва зада оҳангда гапирар, сўз оҳангиде эса, ўзгалар туфайли шу кўйга тушганиниги писанда сезилиб турар эди, шунда нечундир уни жисму жонини тук босган ва ўрмонда тўрт оёқлаб юрган маймун ҳолида тасаввур қилдим. Эмаклай-эмаклай унинг оёкка тургани, сўнг шалвираб тўкилган мана бу кастюм-шимни кийиб, асо тутган кўйи Фанлар Академиясига кириб келгани ва илмий ишга ўтиргани ҳаёлимда жонланди. - Чарлз Дарвин инсоний бу таълимотни яратганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ! Биз ордун қилган ҳаёт тетапоё боладай эндигина оёкка туриб келаётимиз! Бадниятлик қилмаслик керак!

Чарлз Дарвин, марксизм-ленинизм деган ва ҳали биз учун ўзга сайёралар янглир сирли ва мубҳам тафаккур дунёси ўшанда мени тонг қолдириб, бурчакка сиқиб қўйган эди. Сизларнинг қонингизда у ер билан битта қилиб, эзиб ташлагани майли, фақат унинг жуда нотавон аллоҳда, дили оғриб, ўқсиниб гапиргани, таъна-маълумоти оғир ботган, худого шак келтирган одамнинг кейин тавба-затаррусидек кўрқинч ва надомат чулганган эди дилимни. - Энди сенинг юзини қандай қарайман? Анавилар ҳам тоза бошимга чиқиб олишса керак? - Шу дарс тутагач, қандай вазият юзга келишини сира ақлим бовар қилмас эди, шу чоғ Муштарий хиёл ўмганини олдинга ташлаб: - Муаллим! Бу масалани ўзил-кесил ҳал қилайлик? Нукта қўйлик шунга? - деди жони оғриган кишидек фиғон қилиб, сўнг сезилар-сезилмас илжайган кўйи елкаси оша менга қаради. Алланечук хатарни сезиб, юрагим увишди, хиёл серкак тортиб унга тикилдим, кўрдимки, кўзларидан қўв учкунни чакнаётир, тагин у хузур қилиб сўнши олди, қалайсан энди дегандек: - Ана, Қуёшжон, ўзлари айтсинлар! Ўзлари ҳақамлик қилсинлар! Унинг фикрига Исмсиз ҳам монелик қилмас керак?

Исмсиз! - Минг йил қовлаштириб, атторнинг қутисидай топа олмайсан бунин, лекин одамзод ҳасад-хусумат туфайли неларни ўйлаб топмайди дейсан.

Мен сўнги қаторда, шусиз ҳам юрагим зада, шусиз ҳам сизлардан ётсираб, юрак ҳовучлаб ўтирар эдим, ахир бу синфда тутиб тургувчи, сендан бўлак яқин кишим йўқ эди-да, Феруза, шунинг учун ҳам жамкии укувсизлар каби бу таклиф замирига бадгумонлик билан назар солаётган, тагин панд еб қолмасмикан, дея тайсаллаётган, бурнининг учига дову терлаб кетган савдойининг юзидеги ўзгаршини синчидек қузатар эдим, нима бўлганда ҳам бир тўхтамга кела олмади у, ва ёш боладай наҳот истаб мўлтайиб Муштарийга қаради, ҳар қанча овсар бўлмасин, савдойи унинг ёниб турган кўзларидеги қизгин даъватни, бари бир, илғади: - Шундай қиламизми? - деди ҳамон ўзида журыат сезмай, сўнг бошини кўтариб, ҳадик-хавотир билан ўтирганларга бир-бир қараб чиқди, ва афтидан, ҳар бир ўкувчи юзиде шунга оташин рағбат кўрди.

- Қуёшжон! - у сенинг исмингни шунчалар чайнаб айтдики, кўрқинчдан юрагим сидирилиб кетди, сўнги мадорини тўплаб зўрға сени йўқлагандек, ҳозир гурс этиб полга қўлаб тушадигандек эди, зеро, зорланиш, имдод тилаш ҳам хавотир ва ўтинч ҳам ялинчоқлик гап оҳангиде силкиб турарди. - Сизда қолди гап.

Ҳозир мўъжаз муҳитимизда мисли қўрилмаган ҳодиса рўй берар, масаланинг ечими эса, биргина сенинг ироданга боғлиқ бўлиб қолган, жон олгувчи ҳам, жон бергувчи ҳам, ҳукми ҳозик ҳам ўзинг, бунин хис этар, ададсиз ҳаяжондан юзларинг гул-гул яшнаб, ёноқларинг гулгун тусга кирган эди, Феруза. Илк дафъа ҳаётингда шундай ҳодиса рўй бераётгани, балан мақом ва, хусусан, ҳукм чиқариш ҳали олдинда эканлиги учун ҳам беҳад ҳаяжонлар эдинг сен. Наинки мен, наинки йўдошларинг, наинки ақли синф, ҳатто барчамизни фавқуллода шу кўйга солган савдойи муаллимнинг ўзи нафасини ичига ютиб, наҳот истаб термулар эди сенга, барча айтар сўзини маҳтал, барча сенинг оғзинга тикилиб қолган, ич-ичингдан сен шунини сезар, шундан қувват олиб руҳинг юксалар эди. Агар, ростини айтсам, ҳеч маҳал бунчалар сулув, бунчалар кўзга яқин бўлмагансан, Феруза!

Ҳалигина ҳаёлан сендан имдод тилаётган, ҳимоя истаб тавалло қилаётган мендек гариб ҳам бор дунёни унутиб, ҳайрат билан жамолинга термулиб қолдим. Мен бу лаҳзалар асрлар қадар чўзилишини истар эдим, Феруза!

- Айтсанг-чи, Феруз! - деди ниҳоят сабри чидамаган Муштарий.

- Нимани? - дея ажабланиб, сўнг хижолат бўлиб жилмайдиг, шунда барча бирдек сенинг тасирингда бегараз жилмайди; йўқ, ўшанда менга жонинг ачиб шундай қилмадинг, балки эсанкираб қолган, не боис бу шарафга ноил бўлганингни ҳам унутиб юборган эдинг аслида.

- Қуёш ҳам сўнашимми? - деди Муштарий, у гимирлаб қолган, ичини ит тимдалаётган каби нотинч, масаланинг тезроқ бир ёкли бўлишини жуда-жуда истар эди. Ахийри, тоқати тоқ бўлиб, - Қуёш ҳам сўншини мумкинми ахир? - дея тўнғиллади, кейин норози бўлиб кўз остидан тўмтайиб қаради. Шунда ҳам сендан садо чиқмагач, фиғони фалакка чиқди: - Масалан, сен... Масалан, ўзинг!..

Нохуш бир таъкибдан таъбинг хира тортиб, арши аълода учиб юрган руҳинг бир газ паства қулаганини шундоқ чеҳрангда кўрдим, Феруза. Мен шунинг учун ҳам сени азиз билар, бундай пайтда, у ким бўлишидан қатъий назар, агар ҳақ бўлса уни ҳимоя қилар, ташлаб қўймас эдинг. Ўшанда қийнадинг, анчага дову таратдуд ичра қолдинг, иккиландинг, шу пайт савдойига кўзинг тушиб, кўзларингни олиб қочдинг; унинг афти хунук буришиб кетди, пича ўйлиниб тургач, ўзингдан ўзинг жилмайдиг, сенга қўшилиб беихтиёр мен ҳам жилмайдим, менинг дарди оҳим қулоғинга етиб борган, деб ўйладим, лекин баногоҳ...

... биринчи бўлишни истовчи барча худкомлар каби сен ҳам аввал муаллимга, сўнг ўзингни қўллаши лозим бўлган Кучга бир-бир назар соддин ва уқдинги, уларнинг хоҳиш-иродаси мени синдириб ташлашдан иборат, шунинг учун бўлса керак, ҳеч қутилмаганда, жуда ҳам оддий нарса устидан ҳукм чиқараётгандек, дона-дона қилиб: - Икки қарра икки тўрт бўлади, - дединг, - худди шундай равшан гап-ку, ахир, бу ёруғ оламда Қуёш ҳам сўншини мумкинми сира? - Сўнг атай кўз учиде менга назар ташлашдан ва сезилар-сезилмас лабингни жийирдинг. Ў-ў, Феруза! Ўйлай-ўйлай, кейинчалик шунини англаб етдимки, қуёш ҳам сўнади, деган даъво эҳтимол сенинг дилингни оғритган чикар, бироқ ўзинг эътибор қил, қара, нима ҳал қилади баъзан қисматни!

- Ўзинг атай менга тегибми...

- Э-э, қўйсанг-чи, Феруза!

- Бир кун келиб, ҳатто қуёш ҳам сўнади, деб жўртгага айтгандай бўлиб туюлдинг. Шунинг учун... кечир...

- Анавиларнинг олдида мени ер билан битта қилдинг!

- Кечир дедим-ку, ахир! Кечира қол энди! - дея ёлворди қиз хиёл эркаланиб, лекин ўсмирдан садо чиқмагач, қўли билан у юзини тўсганча ўкраб йиғлаб юборди: - Мунча мени қийнамасанг?! Атай қилди дейсан-да, а? Оқибати шундай бўлишини билганимда эди!.. билганимда эди! Эй, Исмсиз, Исмсиз! Ўзимдан ўтганини ўзим биламан, Сен... қўй энди, кўп ўқинма, юр, кетайлик! - титроқ тўла овоз билан илтижо қилди қиз. - Кетайлик бу ердан, юрагим сиқилиб кетди менинг, Исмсиз! Рутубатни қара! Минг йилдан бери биров оёқ босмагандир...

Сизлар ўрнингиздан силжиган заҳоти кўздан ўчдингиз, бироқ зум ўтмай қулфнинг "ширк" этганини аниқ эшитилди, сўнг эшик ланг очилди ва хонатласнинг майин шитири қулоғинга чалинди: - Демак, улар бу хонани тарк этишмоқчи, кетишмоқчи! Эшикни шундай ёпиш керакки, қайтиб юз йилда ҳам қира олмасин. - Мен хали худого шуқур қилиб туришга улурмаёқ, ич-ичиндан бир нима тошиб келди-да, юрагим гумириб кетди. Апил-тапил қийиниб, гарчи ўзим зинҳор ва зинҳор истамасам-да, шоша-пиша кўчага чикдим. Шундай бўладики, баъзан: бир ёқларга улоқиб кетгинг келади, бир ёқларда оҳанграбодек нимадир сени домига тортади, шу ёқда гўё сенинг тақдиринг ҳал бўлаётир. Шундай бўлиб туюлаверади сенга ва гарчи зигирча рағбат туймасанг-да, хоҳиш ироданга қарши бориб, шу ёққа йўл оласан. Ана шундай бўлаётган эди ҳозир: ётиш, дам олиш, бу балодан ҳалос бўлиш кераклигини гарчи англаб турсам-да, бари бир, кўнгил қурғил шу ёқларга талпингани-талпинган эди.

Неон чироқларининг сутдек тўкилаётган шуъласи остиде янада аниқ кўриниш беришди, нечундир уларга етиб олгим, уларни сира кўздан қочирмагим келар эди. Шунинг учун ҳам илдам-илдам юришга ҳаракат қилардим. Бироқ, қадамим уммас эди. - Чарчаганман, - деб ўйладим мен, - уйқусизлик азоби ҳам силламни қуришти юборди, - чиндан ҳам, бошим зирқираб оғрир, қарақт эдим, шунини туйган заҳоти алланечук енгил тортидим. Чарчоқдан ҳам, қарахликдан ҳам асар қолмади гўё.

Кўққисдан уларга суришиб кетаёздим, ўсмир бир нуктага тикилиб қолган, маънос йўлган эди у. Ҳадик-хавотир билан қиз унинг юзларига термулганча титраб турар эди. Ниҳоят, ўсмир хиёл бошини кўтарди ва бир нимадан қаттиқ хафа бўлиб, ишончсизлик билан кўзларини қизга тикди.

- Биламан, сен мендан хафасан! - қиз япроқдан титраб кетди, сўнг юзини тесқари буриб, кишини сескантирувчи - алам тўла қатъиятли овозда айтдики, - рост, сендан яширдим, шунин билмай қўяқолсин у, деб ўйловдим.

- Нега энди?

- Майли айтаколай. Исмсиз, баъзан ўзимга ўзим тушунолмай қоламан. Эришимнинг кадр бўлмайди, кўл етмас нарсани кўнгил тусай бошлайди. Шунга ўхшаб, мен учун жонингдан кечсан ҳам, бари бир, мурувват қилмас эди. Бир сени деб шунча кишидан кеча олмасдим-ку, Исмсиз. Иродам етмас эди. Уларнинг теварагимни олиб юриши менга ёқар эди. Бир умр шу давранинг қуёши бўлиб ўтадигандай эдим. Ҳатойим шу менинг, Исмсиз. Шунинг учун бош ур десанг, оёғингга бош урай. Қўлингдан келса, кечир! Кечиримлисан-ку ахир, Исмсиз?!

Ўсмирнинг кўзларида меҳр жилва қилганлигини кўрдим, у индамай қизнинг билагидан тутди, қиз ҳам шу заҳоти номозшомгудай унга термулди: - Нима бўлганда ҳам, ўша савдойи муаллимнинг гаплари жуда аломат эди-я? Ҳар қайси сайёра ўз ҳолича тенг сайёра билан магнит кутби орқали боғланади, ва ўз жуфти билан ҳаракат қилаверади! Шу йўсин олам ядроси пайдо бўлади ва олам сайёраси билан тўлишади...

Улар магнит кутби орқали боғландилар ва жуфт ҳолича ҳаракат қила бошладилар, шунинг баробарида, мен ҳам гўё уқлар булутга айланиб борар, шароф ичган каби руҳим самода юксалиб кетган эди. Кеча кечкурун ойнаи жаҳонда юзлари ял-ял ёниб дилда муштоклик кўзгаган хонанда ҳаёлимда жонланди. - Тириклик дунёсининг тансиқ меваси эди. Бунинг барчаси - унинг тўғроқ тўла овозда қилган хонини-мунгли илтижо, бирдан шу тобда бу оламни мушки амбардек тутиб кетди; ихтиёрсиз равишда унга эш бўлгим, нола чекким келар эди: - Сенинг дийдорингдан бўлмайин жудо, Сен мени ишонтир, сен мени ишонтир, сен мени ишонтир муҳаббатингга!

Гарчи кўкда басма-бас учаётган бўлсак-да, улар бу навои ё эшитмас ва ёки атай парво қилишмас эди.

Оламнинг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган рангин жилolari мени банди этган, юракка тўкилган баттарин муҳитдан ситилиб чиқиб кетганим, нурдан бино бўлган хилқатга сингиб бораётганим, ҳуш кайфият, ҳушбахтлик ато этган эди. Гиламдай тўшалган майсалар, бағри қонгалаш қизғалдоқ, уфқка сингиб бораётган қарвон... Шу қадаш шаффоф, шу қадаш ҳаёлий эдики, кўрган-бокқанингга кўзинг иноммас, қарвон кўнғирогининг илохий саслари эса, ҳайратингни зиёда қилар эди. У бир маромда, алланечук сокин, киши руҳини аллаловчи сирли ва оромбахш садо таратар, у олис ўтмишдан ажодларинг ёдини олиб келаётгандек туюлар эди. Хилол ёдуси минг тусда товланар, майин ипак толасидай эшиллар ва унга чўмилсанг бўлар эди ҳатто. Шу пайт қаёқдан ҳам Шаҳризода ва унинг: - У бор! Неки бино бўлганда бор эса, у абадийдир! - дегани ёдимга тушди. - Наҳотки бу менинг иқромим бўлса? - Ҳаётнинг шундай бир нозли сирларга тўлик хилқатлари мавжудлигидан, гулга-чечакка бурканган бу хилқатда шундай пари-пайқаллар сайр этиб юришидан, шуларнинг борлигидан, менга рўбарў келганлигидан, очиги, ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Бекор ранжидим уни, дея ўйладим юрагим энди; сўнг гўё шунга ҳаққим бордек, ажиб бир соғинч туйдим, қани энди шу тобда у ёнингга бўлса, қани энди унинг қўлларидан тутганча юксакларга парвоз қилсанг!..

Шаҳар аллақачон оёқ остида қолган, кўчадаги Неон лампаларининг оқ-оппоқ шуъласи деразалардан қуюлаётган гарибона, қизғинтир нурлардан фавқулодда ажралиб турар эди. Баногоҳ аллақандай жарлик тубидан бир нидо учиб чиқди ва у қон силққан юракнинг лахта-лахтасидек сирғалиб ёнимдан ўтиб кетди: - Шах! ри! зо! да! - қуйига тикилиб, қарадим, кўрдимки, қандайдир осмонўпар бино пойида, чимтол ерда туриб, аллақим тепага термулган кўйи бўтадек бўлар эди: - Шах! ри! зо! да!

Профессор шу бўлса керак, - деб ўйладим мен, фалакда учиб юрган иблис каби қалақомуз тиржайганча, - жазо муддати этиб келган чиқар-да?! - Шу пайт ўсмирнинг: - Ким у? - дея савол айтгани, унга қизнинг жавоб айтгани қулоғимга чалинди: - Жинояткор! Кўряпанми, унинг нидоси қон силққан юрак парчаларидан иборат! Жазо бу! У шунга мустаҳик, у шунга маҳкум!

Бошимни кўтариб, шундай қаршимда бу ер нурдан бино этилгандек бир алпозда учиб бораётган сенга - Феруза ва сенинг ёнингга бақамти учаётган унга кўзим тушди менинг, назаримда, беҳиш дегани шу эди, ҳатто булутлар ҳам руҳини аллаловчи ажиб наво таратарди, дилим шунчалар форинг, шунчалар нурафшон эдики, баногоҳ ойнинг энтиқиб нафас олаётганини, минг қокил юлдузлар эса, қанисаклар каби оҳиста шивир-шивир қилаётганини эшитиб қолдим, сирли ва фараҳбахш, шуқуҳлик эди бу хилқат! Ҳеч қутилмаганда, ўша тупроқ йўл кўзимга чалинди, совуқ шубҳа ва гумон дилимга оралаб, беихтиёр: - Нималар бўлапти ўзи? - дея қичқирдим: - Ахир, бундай бўлиши мумкин эмас-ку?! Рўё-ку бу?! Кўзимга шундай бўлиб кўринаптими-а? Ҳаёлим жойида эмас, шекилли. Бир қасофат айлантириб юрибди ўзи! Э! Э, йў-уқ, ё тавба-а! - Бирдан бошим сирқираб тагин оғриб бошлади, суякларим оғирлашиб кетди. Фақлат боғандек кўзимга ҳеч вақо кўринмас эди.

- Нима бўлди, Исмсиз? Биз ахир?!

Исмсиз қизга жавобан ҳеч нима демеди, у оғир ўйга толган, қиз қўлидан тутганча бир оғиз сўзига илҳақ бўлиб турганини, у тугул

ҳатто борки оламни унутган; ерда, ҳа, ҳа, ўша - чорраҳанинг қок ўртасида тош қотиб турар эди у. Худди у каби мен ҳам таажжуб ичра теварақ-атрофга алангладим, у каби мен ҳам жуда ҳайрон бўлиб, дедим: - Ё раббий! Ахир, бу йўлга чағиртош тўшалган эди-ку?!

Қиз тагин қўллари билан юзини тўсди ва ҳеч қутилмаганда, бир сикимгина бўлиб қолди, ишонсанг, мен унинг юраги қон бўлиб, ич-ичдан ўқраб йиллаётганини кифтининг тинимсиз учишидан пайқаб турар эдим, Феруза.

- Сенга нима бўлди ўзи, Исмсиз? Ахир, бунақада...

- Сен мана бу ерда турган эдинг, - деди Исмсиз хиёл илгарига ишора қилган бўлиб, мана бу ерда Муштарий, бу ёнда Зуҳал, унинг ортида Баҳром... Мен ҳатто Уториддин ҳам орқароқда, бир четда қисиниб, қимтиниб, бу даврага буткул бегона эканлигимни юрак-юракдан ҳис этиб турар эдим. У - Қоработир бамисоли қуюндай ҳовлиқиб, нақ сенинг йўлингни тўсиб чиқди ва айтдики, агар бундан бўён манави чурвақалар яна сенинг атрофингда айланиб юрганини кўрса борми, худо урди деявер, бир бошидан барини сихга тизади, агар сен шулардан бирортасига илтифот кўрсатсанг, шундан у мабодо хабар топса борми, бас, билангки, кунинг битади...

Феруза, орадан йиллар ўтиб мучаллар нақли баён этилган китобча ногоҳ менинг қўлимга тушиб қолди ва уни мутолаа қилатуриб шуни англадимки, йўлбарс мучалли одамнинг - менинг турган-битганим ҳаёлламоқ, эҳтирослар қуюни ичра ўртаниб яшамок экан, рост, ўша кезлар кечалар гоҳо ўйлар эдимки, Барчинойи мисоли адоғис мусибат чангалига тушиб қолсанг ва Алпомишдек бориб балодан ўзим ҳалос этсам!

Ўшанда, худонинг ғазоби йўлингни тўсиб қўйганида ўзимизни кўрсатишга қулай имкон тугилган, бошқаларни билмайману, лекин мен, ишонсанг, сира журъат сезмас эдим бунга. Ростини айтар бўлсам, то шу дамба довуз Қароботирнинг кўзига тик қарамаган, қарашга ҳадим сиғмаган, ҳозир ҳам, бир балони бошламасин ишқилиб, деб юрак ҳовучлаб турар эдим. Эҳтимол шунинг учундир сенга ва аनावиларга эргашиб шу ерга келиб, шу чигал, бу дунёнинг зўравонлари бир ёкли қиладиган шу ноҳуш кўргуликка аралашиб қолганим учун ич-ичимдан афеус, надомат чекар, ўзимнинг нечоғлик ожиз эканлими ҳис этиб, ўқсиниб, ҳурлик ва таҳқирлик зугумидан қаро ер билан битта бўлиб борар эдим. Худди шуни сезган каби сен ҳам менга эмас, - бизни назарга илармидингиз, - йўлдошларингга юзландинг, Феруза! Ва шунда қандаш кибр ила боқувчи устивор нигоҳинг аянчи ифода зуҳур эди. Феруза, мен унда имдога илҳақлик кўрдим, кўрдиму, ишонсанг, кўзингдан панада турганлигим учун шукурлар қилдим. Феруза, бу чиндан ноқулай вазият эди, жуда ноҳуш, кўнғилсиз, жуда аламли, йўлдошларингга эса... Мен ҳайрон қолганман, Феруза, улар ипакдай мулоийм тортишган, сенинг атрофингда айланиб юрган йигитларга сира ўхшамас, сен билан зиғирча ишлари йўқ каби, Қоработирнинг ўдағайлашини ҳам эшитмаган каби, умуман, бу ерда ортиқча гап-сўз бўлгани йўқ каби гўё поезд ўтаётганлиги сабабли йўл берку шунинг очилишини қуттишайтир, ҳалос. Азбаройи бекорчиликдан зериқшган, бир-бирига қараб, ўтган-кетганининг ғийбатини қилишайтир, хиринлашайтир. У-ў, Феруза, Феруза, шунинг барчасини ўз кўзинг билан кўрмаганинга эди!.. Сени шу қўйда кўргунча кўзларим ситилиб тушса бўлмасмиди, Феруза?!. Аламинг келдини шунда? Хиёл бошингни кўтардинг ва ҳатто менга ҳам эшитиларли овозда, жуда кескин оҳангда дединг: - Қоч, йўлимни тўсма!

Қоработир Қоработир-да, сенга жавобан бамайлихотир ишшайди, ҳалос, ўзини ер юзидаги Қоработирларнинг ботири чоғлаб, у ҳам димоғ кўтарди ва қунига ишонган, шу ишонч туйфайли анча-мунча зулм ўтказган барча золимлар каби беписанд, таҳқиромуз тиржайди, сўнг жаҳолат тўла овозда: - Ҳали шунуқа де? - деди.

Феруза, ўспирин шуни эслатган заҳоти бундан йигирма йил аввал сен неки аҳволга тушган бўлсанг, ҳозир бу қиз ҳам худди шундай - ноҳақ бир зулм дастидан қақшаб, титраблар кетди.

Эҳтимол, ёдингдир, ўшанда дўқондан бир нима харид қилиб қайтаётган суқир кампир йўл четига чиқиб, ариқ рошига ҳассасини нуқиганча галмовсираб туриб қолган.

Дафъатан Муштарий эйтибор қилди унга ва ўша такаббур, ожизларни масҳара қилгуччи бойвачча биринчи бўлиб юғуриб кампирнинг ёнига борди, унинг қўлтигидан олганча йўл бошлади, буни кўриб бўлак йўлдошларинг ҳам йўлдан адашган божиқша мурувват кўрсатиш, яъни савобга қолиш учун ошиқдилар; қаҳр-ғазабга минган Қоработирнинг рўбарўсида япроқдай титраб яна сен, қиз бола бошинг билан ёлғиз ўзинг қолиб кетдинг. Агар, сен билсанг, ортингда нақ соядай қотиб, ўзинг қўлла, илоҳим, деб турар эдим, Феруза. На бир нима дейишни, на эпчил тўдага илақишиб кетишни эпни қила олмасдим. Зеро, сен ихлос қўйган савдойи муаллим яна шундай деган эди-ку: олам ядросида сайёраларнинг ўрин алмашуви жараёнида кичик сайёралар жуфтлари қатта сайёралар тасирига бардош бера олмай, жуфти орасидаги боғланиш узилди...

Наҳотки сен шуни ҳам унутдинг, Феруза?!



- Гап шу, - деди Қароботир узил-кесил, майда-чўйда гапларга ўзича нукта қўйиб, сўнг шошлмай ёнидан ханжар чикарди ва унинг олмос тигини офтобда товлаб, атай сенинг кўзинга қуёш аксини туширди, кейин кўрғошиндай оғир, ўлик оҳангда илова қилдики: - Билиб қўй: йўқса, конингни ичаман!

Ханжарни у тортиб юбориши ўнғай бўлсин учун, шуни ўзинг истаган каби чиройли бўйинингни хиёл қўзиб, янада ҳасратли овозда айтдинг: - Бир бошда бир ўлим!

Еру кўкни ларзага солиб гүмбурлаган овозни, сўнг кўк тоқининг бир четиди қумушдай товланиб олиб бораётган тайёрани, унинг изида ҳосил бўлган йўғон оқиш чизиқни ва шу чизиқ секин-аста палағда-палағда булутларга айланиб, муаллақ туриб қолишини ким кўрмаган, ким қузатмаган? Сенинг жавобинг худди шундай бўлиб туюлди менга. Аввалига шу гапни ва уни айман сен айтганингни шўрмига сиғдира олмадим, менинг тасаввуримда оқ-оппоқ булутлар кўчкиси янглиғ муаллақ туриб қолган. Сенинг овозинг... аслида ненидир парчинлаб ташлади, ненидир қайтадан бино этди, ниҳоятда таъсирланиб кетганлигим боис кўзларимда ёш айланди, юрагим алланечук орзиди, кейин темирдай қизиб, руҳим ундан ҳалос бўлди ва шукр ила юксалди. Шунда мен сени бир чеккага суриб қўйдим-да, Қароботирни ҳам писанд қилмай секин ўртага чиқиб бордим.

- Қани, қоч йўлдан, Қорача!

- Ним-ма, ним-ма-а?

- Йўқо-о-л-л!

- Жа-а кўрқитиб юбордиз-ку? - деди у таҳқирланган каби тажанг ва аламзада овозда, сўнг оламини бошига кўтариб ҳаҳолади, бора-бора кулиғи шу қадар асабий тус олдики, мияларим қакшаб кетди, тишлари шундайин гижирладики, бамисоли шиша синиқларини бир-бирига ишқалагандай ортиқ сабрим қолмади менинг, шу десанг, қандай унга қўл кўтарганимни ўзим ҳа билмайман, Феруза.

Тутқанок касалига гирифтор бўлганларни кўрганмикан ҳеч? Дард тутганда шу қўйга тушади шўрликлар: дафъатан тошиб келган ҳаяжон тўлғоғида ўзларини, демакки, бор оламини унутиб юборишади, ҳаёлан кўкка сакрашади, кейин - учиб тушгач, ҳийла вақтдан сўнг даҳшатли укубат ичра қолишади. Шундай кўргилик содир бўлган: қандайдир зарб таъсирида учиб кетган эдим, нега, нима учун, бу зарб қаёқдан келиб тушди, агар сен ишонсанг, билмайман ўзим, ҳатто қиғтим шилиниб, тирсақларим қонаб кетганини ҳам сезмаганман. Орадан қанча вақт ўтган, менга қоронғу, дарди ариган дардманд каби ўзимга келиб кўзимни очдим, нима бўлганлигини идрок эта олмас эдим сира, дастлаб кўзим тушгани дахтак-лахтак қон бўлди, кейин англадимки, оёқоқтида тўзиган ва шафақда қовурилаётган тўзон экан, бу тўзон ўша - гурас-гурас бўлиб югуриб бораётган сенинг йўлдошларинг изида қолаётганлигини ва уларнинг аввал бошида эса сен, ҳа, ҳа, сенинг ўзинг - хиёл қаддингни эгтанча қўлинг билан юзингни тўсиб, югуриб кетаётганлигини кўргач, боғи ҳаяжон, боғи тасаввур, ҳамма-ҳаммаси кўз ёшидай сидирилиб ерга тушдилар, руҳим ортиқ кўкда учмас, оёқ остида ер билан битта бўлиб ётган нотавагондан бўлак ҳеч ким эмас мен; хўрликнинг, таҳқирликнинг бундан-да зиёд алами борлигини, бундан-да зиёд ситам жондан ўтиши мумкин билмайман, Феруза!

Сен...

Шамол тортқилаётган сенинг сочларинг...

Юракдан ситилиб чиққан нолаи зор янглиғ кетиб боришинг...

... ҳали-ҳозиргача кўз ўнгимда менинг, Феруза. Агар сен ишонсанг, ҳозир ҳам худди ўша дамдаги каби дилимни аянч қўлгаб олди, бу кечингани кафтимга олиб бир-бир кўздан кечиргим, таъмини тоғим, рангу тусини кўргим келди. Феруза.

Дафъатан сенга сомелиқдан ҳалос бўлганлигимни ҳис этдим, зеро, ҳалигина худонинг газабидан зигирча ҳайикмай, бир бошда бир ўлим, деган ва, менинг назаримда, осмон қадар юксалган малак - яъни сен, сенинг илохий сиймонг бирдан қулаб тушиб ер билан битта бўлган, зеро, мушкулотдан қутулиш учун ҳалигина ўзингга хиёнат қилган бетайинлар қатори мени - ҳалоскорингни буткул унутиб, байоли азимнинг домида қолдириб кетиб борар эдинг, бу эса дилимда нафрат аралаш сенга ачининиши, ҳар қалай, шунга ўхшаш бир туйғу кўзгаган, қилмишингни муҳокама этишга изн берган; Қороботир тепаида зинкийиб тургани ҳам ёдимда, шунинг учун ҳам сенга қўнғил қўйиб шундай аянчли қўйга тушганим жуда алам қилаётган эди. Ахир мен сени парилар сингари оқила, фаришта сингари ҳалол деб билганман-ку, сен ҳам бошқаларга ўхшаш оддийгина қиз, ҳатто улардан-да ғариб, алардан-да носубут эканлигинг етти ухлаб тушимга кирмаган, шунинг учун ҳам қаттиқ ўқиндим, алданганимни англаб қўнғил синди шекилли?!

Имиллаб-симиллаб ўрнимдан турдим-да, пойчамдаги чанглари кока бошладим, шу чоғ Қороботир ёнгинамда турганлиги ҳаёлимга келди, - нега у индамапти: - деб ўйладим мен, боя нега ханжарни тортиб юбормади? Нега тегинмади унга? Ҳеч балодан қайтмас эди-ку у? Бошқа биров мендай хезланса Қороботир унинг терисини шилиб

олар эди, нима бўлди унга? - лекин энди бари бир, уриб ўлдирса ҳам индамас, шунга рози эдим. Кейин гап шу бугуноқ кишлокка, эртага бутун мактабга тарқалади, деган ҳаёлга бордим, ориятим қўзиб, қилмишимдан ўзим гижиндим. - Феруза сариқ қақага-олмайди-ю, сен тентак... - дея ҳамма устимдан кулади, масҳара қилади. Нима зарил эди шу менга, э, худо?!

Шу чоғ Қороботир қўйин чўнтагига қўл суқди-да, қандайдир сувратни олди ва нимта-нимта қилиб, улуктириб юборди, нимталар кўкка учиб, лайлаккор янглиғ ҳавода ўйнай-ўйнай оёқоқтига сочилдилар, сочилдилар; лайлаккор каби мени кўмиб, ҳамон тўкилиб келадилар...

Ўшанда эса, ич-ичимдан шуни ҳис этдимки, у сен эдинг, Феруза, сенинг аълочилар тахтасидан йўқолган сувратинг эди у. Шу сувратингни неча бор мен ҳам кўз остига босиб қўйганман, бироқ илиб кетишга журъатим етмаган, аммо ҳозир агар унинг ўрнида бўлсам, мукаррар мен ҳам шундай қилган бўлар эдим.

II

Менинг назаримда, ҳамон, ҳатто ҳозир ҳам осмону фалак оқ-оппоқ губорга кўмилиб, паға-паға лайлаккор сокингина ёғаётгандек, унинг захрини тўйиб сен дилдираётгандек, сенинг ёнингда турган ўсмирни, ҳа, ҳа, сени эмас, йўқ, нечундир ўша боқийши оқ-оппоқ қор қўчки янглиғ секин-аста кўмиб юбораётгандек, Феруза. Сизларга, агар сен ишонсанг, туз сепгандай ҳам юрагим ачишар, ҳам энсам қотар, сизлар туфайли телбавор шу қўйга тушганим, рости, алам қилар эди.

Турардим дўзахда бесару сарсон...

Баногоҳ Дантенинг ҳорин руҳи кезинган шу сатр ҳаёлимдан кечди. Шоир ўша пайт не алпозда бўлган, менга қоронғи, лекин ўзим гарчи жиним суймасам-да, охиригача чидашга, тишини тишига босиб ўтиришга мажбур бўлган расмий маросим иштирокчиси аҳолида эдим. Қани энди, бунинг барчасидан тезроқ ҳалос бўлиб енгил тортсанг, ўз ихтиёрингча иш қилсанг, бундан ортиқ саодатнинг ўзи йўқ бу оламда, бироқ ҳали бунга пича бор, ҳали-ҳозирча кимнингдир иродасига сомесан, истайсанми ва ёки йўқми, бундан қатъи назар шунга маҳкуман, бу балодан ўзингни ҳалос этишга, тақдир измидан чиқиб кетишга ожизсан. Мен шўрлик юрагимга тўкила бошлаган ноиложликдан қандай қутулиш мумкинлиги ҳақида сира ўйламас, балки бунинг барчаси қачон ниҳоясига етар экан деб тоқатим тоқ бўлар эди, бу гурбат бир кун келиб адо бўлишига, бир кун келиб кечалари аввалигдай тинч ва хотиржам ором олашим мумкин эканлигига, қандайдир руҳлар ва арвоқлар таъйикдан тамомила қутулишимга, шундай қунар келишига, шундай қунар насиб этишига сира-сира кўзим етмас эди, қутқулар ваҳмини юрагим кўтара олмай, охир-оқибат ваҳму аросат чангалда сил бўлиб ўлиб кетадигандай эдим. Шунга маҳкум этилган эдим гўё. Қайси гуноҳим учун? Профессор-ку шунга мустаҳик экан, лекин мен...

Ниҳоят, ўсмирнинг гўрдан келаётгандай жуда ҳам оғир, таъна-маломатга кўмилиб кетган сўзларини эшитдим:

- Биласанми, ўзимга етгунча ўжар эдим, Феруз, ўшанда, қайтиб энди юзинга қарамайман, дея қасам ичдим, эртаси кун, ёдингда бўлса агар, мактабга ҳам бормадим, қўнғилм шуни сездики, қайтиб бу гўшага оёқ босмайман. Ва лекин яна қандайдир умид дилимни хирагина бўлса-да, ёритиб турар, худди сен ҳозир эшиқдан кириб келадигандек, бир қошиқ қонимдан кеч менинг, Исмсиз, қийналиблар кетдим-ку ахир, қилмишимдан пушаймонман, нима, анавиларнинг қилмигини билмайди, деб ўйлаётганим, биламан, тирноғингизга арзинмайди улар, энди-и бир синфда ўқигандан кейин қийин экан-да, Исмсиз, дейдигандек, холи-жонимга қўймай мени мактабга сурғалайдигандек бўлиб туюлар эдинг, шу илинж боис кечга доғур тик этса эшик қараб ўтирдим, бироқ дарак бўлмади сандан, ниҳоят, шом тушди, хуфтон бўлган қўнғил уйимни зулмат қоплади, Феруза, шунда-да умидимни узишим қийин бўлди: қиз бола-да, келишга уялган чикар, нимаям деб келсин ахир, дея эртаси кун ҳам кўзим тўрт бўлди, бироқ сен келмадинг! Жилла қурса, икки энлик нома битиб юбормадинг, Феруза. Шунчалар қадрим йўқмиди менинг - қандайдир Муштарий-ча, а? Мени - юрағида юлдуз чакнаётган ўсмирни мунча камситмасанг, мунчалар пастга урмасанг? Менга алам қилар эди сенинг лоқайдлигинг, сенинг ким қаёқдаги пастаринларга тенглашиб кетганинг. Шуни айтгим, юрак ёрғим келар эди, кимга бориб дод дейишни билмас эдим. Сандан юз ўтиргим, ноҳақ бу дунёни қунпожун қилгим келар эди, тагин ҳаёлимда қарашларинг акс этиб, журъатимни олар эди, Феруза. Шу алам, шу оғриқни ортиқ кўтариб юришга тоқатим қолмади ва мен: - Эҳ, бошқалар, нечун сени севадир, Севма сен, одаммас улар ахир, уларда дард ва изтироб не қилар, Улар фақат кишлаб юрган йилқилар... - дея айтишга, сенинг ва ўша йўлдошларингнинг қилмигини юзларига солишга, модомики барҳам топар экан, барчасини биратўла ўзим пайҳон қилишга, ҳеч қачон

ёдингдан чиқара олмай, гарчи, қарғаб бўлса-да, тоабад унутолмай, кўйнайиб яшашнинг учун атай шунга - сўнг бор тантана қилишга азм этдим, сен билмайсан: жондан азиз нарсадан атай воз кечиб нечоғлик оғир кечишини, нечоғлик бу алам кўзгагини хаёлингга ҳам келтира олмайсан, Феруза.

- Нега ундай десан ахир, Исмсиз?

- Шоширма мени, тушун, маломат эмас бу, таъна ҳам эмас, ўшанда сендан эмас, аслида сенга боғланган қолган туйғулардан, сенинг сувратингда ўзим кўришни истаган хаёлий санаму дилимдан жой олган тасаввурдан айрилиш жуда оғир кечган. Ҳа, дарвоқе, ўшанда юзларингга захримни сочаман деб бораётиб, хаёбондан чиққан заҳоти кўрдимки, сен гулзор четида - йўлдошларинг даврасида, юзларинг ял-ял ёниб бир нимани сўзлаб турар, бу оламда ўзларингдан бўлак яна бир кишининг - ҳажрингда адоий тамом бўлган нотавоннинг борлиғи икки кун кўкрагини захга бериб, у йўлнинг кўз тикиб ётганлиги ҳатто сенинг хаёлингга ҳам келмаган эди, ёлғиз ўзинггагина ярашиши мумкин бўлган киёр ва хиёл навозиш билан сўзлашинг, тенгсиз бир маломат касб этган, табассумдан ёришган чиройинг - гарчи хушламай қарасам-да, шу қадар самовий эдики, қаҳру ғазабни ҳам унутиб, махлиё бўлганча термулиб қолдим. Агар сен ишонсанг, икки кун интизор қилганингни ҳам, ундан аввалги кун хоинларга эргашиб хоинона ташлаб кетганингни ҳам, кўкайимдаги гина-қудратни, наинки гина-қудрат, адоватни - барча-барчасини тамомла унутиб юборган, илтифот кўргузиб бир киё боксанг агар, иродангга шоме, тагин умрбод садокатли қулинга айлангудек аҳволда эдим. Худди шу пайт Муштарий, шох саройида нега ивирсиб юрибди бу?, деган каби паст назар билан, манглайини тириштириб тикилди менга, ўзича хайрон бўлди, кейин гўё мени унутди ва сенга юзланиб, ошқора мулозамат қилди: - Бутун чандон очилиб кетибсиз, Шахризода!

Ё раббий, не ҳақки бор унинг шундай дейишга?

Сен ранжиган каби иддао билан унга юзландинг, аслида кинриқларинг билан унинг юзларини мулоимгина силаб-сийлаб кўйдинг, эҳтимол шунинг учундир, у янада бемалол, янада викор билан: - Ғазаб қилманг менга, Шахризода! - дея ўтинган бўлди, - юрагим кўтара олмайди, ахир! - Сўнг у лицейни битирув кечаси шеър ўқиган Александр Пушкин сингари даврани ёриб ўртага чикди ва ўнг қўлини ҳавода ўйнатиб, қироат билан айтдики: майли, ўлсам ўлай шу мухаббатда, бир бошда бир ўлим!

Пиёланнинг жарангидек майингина қулги таралди. Шундан ҳам билиш мумкин эдики, неча бор шу лутф кўргузилган, ҳар гал шу қалон айтилганида мамуният ихвор этилиши лозим бўлган, одатга биноан бу сафар бедодлик ҳам умумий мутойибага айланди. Ҳа, атрофингда йўлдошларинг - сенинг дунёнинг эди бу, бу дунё қайдадир Қоработирнинг ва ёки бошқа бировнинг ҳам шундай дунёси мавжудлигини, улар ўзларинг устидан қулиши ва ёки ерга уриши мумкинлигини хаёлга ҳам келтирмай, писанд ҳам этмай, ўз кўйича хандон-хушон яшаб келар эди ва мен - кадр истаб, кадр топа олманг Исмсиз ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ кадр топганларга, гарчи хиёнат қилса-да, бари бир, сенинг эътиборингда турганларга аламинг келиб, рашк ўтида қовурилиб, ўзим билан ўзим бўлиб қолган эдим, Феруза. Қани энди, сен бир чечак бўлсангу шартга бориб юлиб олсам, қани энди сен бир ханжар бўлсангу шартга олиб кўксимга санчсам...

Муштарийга илтифот ила назар ташлаётган чоғинг баногоҳ менга кўзинг тушди, юзларингда жилва қилиб турган табассум бирдан исиз йўқолди ва таъбинг алпанечук хира бўлиб, иддаоли киёр билан, йўқ, сен нега ажабланасан, ахир худди шундай бўлган, Феруза, хуснига бино кўйган қизларга ҳос - шу ҳам сенга ярашар эди аслида - устивор назар ташладинг, ўша кунги кўргилик - Қоработир қошида ожиз қолганинг, теварагингни олиб турганлар хиёвати, химоячингни ташлаб қочганинг ёдингга тушди, бир нимадан азият чеккандай қулгичларинг тош қотди, қовоқларинг солиниб, юзингга изтироб ташлади, дилинг оғригандай кимгиниб синиқ жилмайдинг, сўнг фавқулодда шафқатсизлик билан бошингни баланд кўтардинг: - Ҳа, Исмсиз? Қуёш сўнармикан? Йўқ! У тугилмайди ҳам! Бунга имонинг қомил бўлган чиқар?

- Наҳот шундай деган бўлсам?

- Кейин...

- Сенга шундай дегунча тилларим қирқилса бўлмасмиди?

- Гапимни бўлмай тур, Феруза!

- Бунча зўғум қилмасанг менга?

- Нега ундай дейсан?

- Ахир?..

- Чиндан ҳам сен қуёш эдинг, сен оламга олов сочар ва майсаю қизғалдоқ, нов-нихолу адирларни қовжиратиб қуйдирар, шундан ҳузур топар эдинг; аввал юзларинг қуя бошлади менинг, кейин сўнгақларимга довор чатнаб кетди, Феруза.

Мендан кўзингни узмай - нигоҳингда кек, хусумат, ижирганиш қоришиб ётарди - алпанечук писанда билан келиб ёнгинамдан ўтдинг-

да, нари кетдинг, нега шундай қилганинг аён менга, кеча химоя қилганим учун менинг олдимда ўзингни қардор сезар ва бу сира ёқмас эди сенга, чунки сен эмас, ўзгалар сенга муте бўлиши керак, сен шундай деб ҳисоблар ва бу ақида қон-қонингга сингиб кетган эди, билсанг. Изм берганлигинг учун ҳам сенга эргашган тўда беписанд, мен уларнинг кўзида ғарзли севиноч уқунларини кўрдим - бемалол мени топтаб, мазах қилиб, адоий тамом бўлган гуруримни босиб-янчиб ўтишди ва сен сари кетишди, улар сенинг қаҳринг сачраб қуйиб қулга айланганимдан жуда-жуда хурсанд эдилар, Феруза!

- Бор гап шу! - дея асабий чинкириб юбордим, ўсмирнинг ҳасрати шу ерга етганда, ҳамон мен уларнинг ортида - ўша тупрок йўлда титраб-қакшаб турар, тоқатсизлик жон-жонимдан ўтиб кетган эди. - Сени яхши кўраман деб бир оғиз айтилмаган бўлса? Яна нима исталади бундан? - Ўсмирни бўғиб ташлагим келар, бироқ на у ва на киз менинг овозимни эшитмас, афтидан, мени кўрмас, эътибор ҳам қилмас эди.

- Хиёбонда бир ўзим қолдим, - дея ҳикоясини давом эттирди у ҳазин, толиққан овозда - бу ёруғ оламда шунча гуллар, шунча дарёлар, шунча юлдузлар бўла туриб, шунча ҳалойиқ ичида киши бу қадар ёлғизланиб қолиши мумкинлигини илк дафъа ўшанда ҳис этдим. Юрагимни суғуриб олиб кетгандек эдинг сен, на бир ҳавас, на раҳбат бор дилимда, бош олиб, юрт ошиб улоқиб кетгим келар эди. Бир маҳал қарасам, қирда юрибман. Майсалар ям-яшил гиламдай тўшалган, қизғалдоқлар уфққа тиралиб, чаман бўлиб ётар эди. Бирдан юрагим тошиб келию, уларнинг бағрига ўзимни ташладим. Ўқсиниб-ўқсиниб, қон қакшаб йилгадим. Кўнглим пича бўшагач, фалакка термулиб тавалло қилдим: - Э, худо! Шунча ҳам ноҳақлик бўладими, а? Ўзинг энди имкон бер, ўзинг қўлла мени, қимлигини кўрсатиб қўяй уларга!

Осмон шунчалар мусаффо, шунчалар бепоеён, шунчалар муаззам, сокин ва улғвор эдики, ўзининг илохий салоҳити билан юракка ҳаросат соларди. Аллақандай хотиржамлик дилимни чулғаб олди, кўкрагимни эзиб ётган дард муздай эриб, секин-аста тошар ва кўзларимдан ёш бўлиб оқа бошлади, шунда мен бу анчайин кўзёш эмаслигини, ҳасратларим ҳазин уларга айланиб, муайян шамоил касб этаётганлигини идрок этдим.

Йироқларга бошлайди ҳавас, бу йўлларда кетарман дилтанг. Юрагимда нелар бор, билсанг ўшал дамлар бўлдилар абас.

Мени унда нелар қутади, қисматим ҳам мубҳам бир диёр. Йўлларимда, о, бормикан зор? Қай париваш қўлим тутайди.

Боғлар ичра юрибман танҳо, на дилда ишқ, на ғамда тўлин. Ёлғиз кима қайдадир йўлин ахтарадур зор қакшаб бутун атрофида қутирган маъво...

Шу кайфият таъсирида ўрнимдан туриб - дилимда қатъият кишлоқ сари кета бошладим. Ҳаммаси тугагач, кўнглим совиб бўлган эди, пича юргач, қаёқдан ҳам кўзим бағри фон, зарғалдоқ долага тушди, қаёқдан ҳам сенинг шунга ишқинг баландлиги ҳаёлимдан кечди, нечундир уни тергим, бир қучоқ қилиб пойингга сочтим, кейин бир сўз демай ўз йўлимга кетгим келди.

Нимадир сенинг дилинггаям армон бўлиб қолиши керак эди-ку, ахир? - Ким ўзи бу? Нега ундай қилади? - дея ўйлашнинг, кечалари тинчннгандан айрилиб, - нечун ташлаб кетди мени? Ҳозир қаерда? Кимларнинг пойига гуллар сочаётир? - дея ўртанишид, оёғинг гулларга беланишини истаб, унсизгина оқ чекишинг, тўлғонини керак эди-ку!

Бир қучоқ қирмизи лола кўтариб йўлингдан чиқдим ҳам, Феруза! Дарсдан қайтаётган экансан, гуллар ўзингга аталганини сезиб чиройинг шунчалар очилиб кетдики, асти қўявер, Муштарийнинг қулгоғига бир нима деб шивирладинг, сўнг умрингда биринчи мартаба илтифот кўрсатдинг - хиёл жилмайиб, нозу адо билан қараган бўлдинг. Нега шундай қилганинг ҳам менга аён эди: ўзим эмас, балки қўлимдаги гуллар сенга азиз эди, нима қилиб бўлмасин, шунга қўлга киритишинг керак, жилмайсанг жилмайибсан-да, бир нима ўзгариб қолармиди шунда? Агар мен жуда ҳадимдан ошсам, эртага жеркиб ташлашинг мумкин, шу билан ҳаммаси аввалги изига тушади.

Муштарий саланглаб менинг олдимга келди, нечундир у менинг кўзимга эмас, қаншаримга тикилганча: - Ижозатингиз билан гулларни Шахризодага топширсак! - деди. Ва беор қўлларини долага узатди. Табиийки, мен гулларни четга олдим, сўнг уни қалака қилгандек илжайиб: - Қанақа Шахризода? - дедим. - Бу гуллар Ферузга аталгани ўзи? - деди у ҳам қўли қайтгани, ҳам таҳқиромуз саволимдан жаҳди чиқиб, шу лаҳзанинг ўзидаёқ кўнглидан бир қувлик кечди чоғи, шайтонга ўхшаб ишшайди. - Қанақа Феруза? - дедим жўртгага хайрон бўлиб, ҳатто ғашим келганлигини ҳам яширмай. - Бу гуллар... бошқага аталган! Арзимайди у!..

Аваллига аламинг келиб қимирлидинг, сўнг худди кеча бўлгани каби юзларинингни қўлларинг билан тўсганча йилгай-йилгай юғуриб кетдинг сен, Феруза.



- Аммо боқладин! - деди Муштарий деярли шивирлаб, сўнг ортига ўгирилиб, сени узоклашганига ишонч ҳосил қилгач, айтдики: - Жа ҳадидан ошиб кетди бу қушча. Кўнглимдагидек иш қилдинг. Мен сен томонда! - шундай дея туриб, сумкасини у елкасига осди-да, саланглаб сенинг ортингдан югурди.

Кўнглим бўшашиб, гуллар оёқостига сочилган, тупроққа беланиб қолган эдилар улар.

Ишонсанг, ярим кечага довр ўша ерда тентираб юрдим, кўнгил узиб сира кетгим келмас эди, мактабдан сен ва сенинг йўдошларинг туфайли ажралиш, ҳа, сенинг мавжудлигинг, қаёқдаги қаланғи-қасангиларга қўшилиб юришинг алам қиларди менга, билсанг, дунёдаги энг дасти узун киши эмаслигим ҳам, ишонсанг, ҳеч вақо бўлмагандай тонгнинг отиши, қўшнинг ботиши ҳам менинг ҳасратларим, менинг дардларим билан зиғирча ҳисоблашмай юлдузларнинг жимирлаши, менинг ўртанишларимга сира парво қилмай фалакда ойнинг бемалол сузиб юриши ҳам алам қилар эди менга. Нега энди у сени, йўдошларингни, ҳатто ўша савдои муаллимни ҳам - барча-барчамизни тенг кўради, тилларанг кокиллари ни барчамизга тенг улашади, нега?

Совуқ ўтибми, хиёл ўзимга келдим, қарасам мактаб ҳовлисидаги ажрик устиде ўтирибман, деразалар сенинг йўдошларингнинг вайрона боқувчи кўзларига ўхшаб йилтирар, ичкари эса, гўё шивир-шивиру қаҳ-қаҳага тўлиб кетган, ҳатто ўлик деворлар ҳам мени масҳара қилишга шай тургандек туюлар эди. Сакраб ўрнимдан турдим ортик сабрим чидамай тошга узалдим...

Дераза ойналари чил-чил синиб, юрагимдай тўкилиб тушгани сайин аламин зиёда бўлар эди.

Кимдир билагимдан сиқиб ушлади.

- ХМ-м?

Бу ўша - сенга ханжарини намоиш қилган, шунда-да гапи ерда қолгач, аламдан сувратингни нимта-нимта қилган, кейин лайлаккордай ёғилган шу нимтадор билан кўмиб ташлаган Қоработир эди. Билсанг, аввалига кўзларимга ишонмадим, сўнг, ити адашганими, нега энди ярим кечаси сандироклаб юрибди бу, деган ўйга бордим. Шу чоғда у ҳам ўзимга ўхшаган аламзада эканлиги, дунёга сиғмай улоқиб юрганлиги, баногоҳ хаёлимга келдию, беихтиёр қулиб юбордим, йўқ, қули деб ҳам бўлмас эди буни, Феруза. Азбаройи нима қиларимни билмай, аламдан чиқиш учун деразани синдираётганимни у билар, ожиз томонимни илғаб қолган, шунга ич-ичимдан тошиб келган ҳаққирликми, йиғими, ғайирликми, ҳар қалай, шунга ўхшаш изҳори дил эди бу.

- Эсинг жойидами ўзи? - деди у хиёл ташвишланиб, қоровул сезиб қолса нима бўлади?

Унинг ҳамдордона муносабати юрагимни ситиб юборди, қулгудан тўхтадим, аввалии шаштим пича кайтган, зеро, осмон узила тушмаган, шуни англаб турар, шунинг учун ҳам одатий нарсалар ҳақида хотиржам фикр юрита бошлаган эдим, рост, бу мактаб-ку ахир, шу кирдикор жоизмиди мендан, ҳозир қоровул тутиб олиши, сенинг, йўдошларингни қувончига қувонч қўшиб шармандаю шармисор қилиши, эртага бу гап бутун музофотта дoston бўлиши мумкин-ку, ахир?!

- Қани, кетдик, - деди у, - бургага аччиқ қилиб кўрпа қуйдирмади йигит деган. Биласанми, шунча қуйишга арзимади у!

Қоработир ажабтовур ҳўрсинди, шундагина мен унинг ҳам юраги тошдан эмаслигига иқроор бўлдим, унинг, шунча қуйишга арзимади у, деган қаршии шууримга синган, ўзимни беҳуда қойинган, беҳуда азият чеккандек ҳис этар, мен ўзим шу пайтга довр қашкирдан чўчигандай чўчиган оданнинг бунчалар самимий ва дардақш, бунчалар яқин бўлиб қолганлигидан ич-ичимда хурсанд эдим. - Хосияти йўқ унинг, - деди Қоработир ўзига-ўзи сўзлаётгандек, паст овозда, - кимки шаштини синдирса, шунга илақчишиб кетади. Ковуннинг сарасини ит ейди одатда. Ит - Муштарий. Унга Феруза эмас, унинг амакиси керак, анави каттазанг бор-ку, ўша! Тушундингми?

Ўшанда мен унга жавобан: - Ҳа, тушундим, - деган, лекин аслида сен эмас, нега энди амакинг Муштарийга керак бўлиб қолганига сира ақлим етмаган эди. - Омон бўлсак, кўрамыз ҳали, - деган эди Қоработир, - мени айтди дерсан, бахти қулмайди бу қизнинг, лекин сен ўқинма, фақат ўзингни эмас, ўзгани ҳам севиш - бу бахт, бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди!

Орадан йиллар ўтиб, чиндан бошқа бировга эмас, айнан ўша найновга турмушга қикдинг. Амакинг ўша кезлар бутун бошлик вазираликни сўраб турган эди. Баликмўйлаб эринг кўз юмиб очунча ҳазилакам нарсаларга эришмади, Феруза, бироқ амакингнинг оёғи тийиб кетган қуниёқ, у хибсга олинган заҳоти бўйинидаги болани олдириб ташлатди, кейин ўзингни қўйиб юборди. Шунда англадимки, Қоработир ҳақ, наинки ҳақ, сену мендан фаросатли ҳам, Муштарий ҳаттоки ўсишига ҳалал бериши мумкин бўлган фалончининг қуёви деган тўсиқчани ҳам жуда усталик билан маҳв этган, тагин элга ёмон кўринмайни деб ортингдан бир дунё фиску фасот таркатган эди: нима эмиш, суюкоёқ эмиш! Нима эмиш, фалончи билан ётганида устидан чиқиб қолган эмиш!

Шунақа гаплар-да, Феруза!

- Шуни юзимга солиш эдими муродинг? - деди қиз, унинг овози шунчалар синик, шунчалар шикаста, ўпка-гинага шунчалар тўла эдики, тош юракни ҳам вайрон қилар эди. Сўнг боши қуйи солинди, аввал лаблари пирпирари, кейин оламини дарзага солиб хўнграб йиғлаб юборди. - Ахир... ўзим ҳам билар эдим-ку буни! Нега, нега энди сен мени қийнасан, Исмсиз? Шунчалар аламинг қаттиқмиди ё?

Ўсмир оғир хаёллари чангалидан ҳалос бўлгандек, бирдан сергак тортиди ва бошини кўтариб, қизга қаради, сўнг жон ҳолатда унинг кўлидан тутди. - Сенга нима бўлди, Феруза?

Худди шу пайт яқин орада ҳўроз чўзилиб қичқирди, сўнг унинг эриниб қанот қоққани қулоққа чалинди.

Уфқ бўзариб кела бошлаган, атроф-жавони ёришган сари улар ипак толаридан бино бўлгандек, яққол кўзга ташланар, мезондай учиб секин-аста ҳавога сингиб боришар эди. Адоксиз бир чарчок эзиб ташлаган эса-да, аллақандай исқанжадан қутилаётгандек руҳим енгил тортиб борди. Кўрдимки, тераклар қилт этишмайди, кўрдимки, уйлар ҳам тошдайин қотган, кўрдимки, тупроқ йўл ўлик уйкуда.

Туш эмас эди бу! Ортик ўзимни алдашгаям ҳолим қолмаган эди.

Арвоҳдай судралиб изимга қайтдим. Йўл-йўлақай, қаёқдан ҳам, фол очирши керак, деган фикр хаёлимда ўрнашиб қолди, биламан, икки дунёда ҳам фолдан ҳожат тиламас, табиатимга зид бу, бироқ шу тобда таъсир доирасидан чиқиб кетиш маҳол бўлган ғойибона куч ҳадеб мени шу ерга бошлар, тоқайгача чидаш мумкин? Бунақада эсим оғиб қолади-ку, ахир? Эскичасига ҳам бир уриниб кўриш керак-да, - дея ўйлар, шунда дилимда хоҳиш туяр, шундан наҳот истар эдим.

Қишлоқ этагида - умрим бино бўлиб, бу зарангда шундай гўша борлигини билмаган эканман, жуда муҳташам, хаворанг дарвозаси ланг очик иморат қад ростлаб турар, оёғим шу ёққа тортар, назаримда, қандайдир фолбин шу уйда истикомат қиладигандек, унга йўлиқсам агар, мушқулим осон бўладигандек, ихтиёрсиз суратда шу уйга қайрилдим. Ойнабанд пешайвондан ўтиб даҳлизга кирдим, кўрдимки, меҳмонхона эшиги ланг очик, гўё у қўпдан буён йўлимга мунтазир, овоз беришгаям зарра ҳожат йўқ. Ичкарига кириб борганим сари йўлим шу қадар равшан тортар эдикки, буни тасаввур этиш, ишонини қийин. Ва ногоҳ меҳмонхона ўртасида - фавқуллода шуълалар ғужгон ўйнаётган жойда менга кўз тикиб ўтирган фолбин аёлни кўрдим. Чиндан қўшнинг, хилолнинг, балки юлдузнинг жамики ёғдуси унинг боши устига йиғилиб келгандек эди гўё, у ёққа қараб бўлмас, ёруда товланган деворлар, чарақлаб турган оёқости ҳам кўзни қамаштирар эди. Атиги унинг хаворанга мойил этақларинигина илғадим, ҳалос, менга туюлдики, бу этақда қандайдир қунлар акс этди, кезиб юрган тустовуқлар кўзимга кўринди; унинг юзига тикилишга ҳатто журбат қилолмадим. Шу ўринда унинг назари ўткир, қатта-қатта очилган кўзлари акс этди, кейин у кўлларини хиёл олдинга чўзиб, хаёлан юзларимни, кўлларимни силаб-сийпаётгандек вазмин ҳаракат қилди. Унинг жодули ишорасига итоатан менинг вужудим шамолда чайқалаётган ҳусндайин майин тўлганар эди.

- Шубҳа гумонларни дилингиздан қувингиз! - бу шундай бир сўз эдики, айтилмайди, балки алла қабиле фараҳ билан шууримга қуйилиб келди, шунда чарқокдан хийла фориг бўлдим ва менга туюлдики, дилимдагини у қиб турибди. - Ғойибга ишонинг. Шубҳасиз; олло ҳар нарсанга қодирдир, - деди у сўзида давом этиб. Баайни шу лаҳза кечмиш умр, ақидалар янглиш эканлигини, шу дамба давр инқор этилган Илоҳ қарамии ила инқорни инқор этаётганлигини - барча-барчасини сўз билан изохлаш маҳол даражада идрок этдимки, ҳали мен билмаган мунаввар олам кўз ўнгимда намоён бўлди. Ҳеч маҳал кўнгил уйим бунчалар равшан тортмаган. Зеро: - Оллоҳнинг ранги ила рангинмиз - деди у, - Оллоҳдан ҳам кўзалроқ ранг берувчи борми?!

"Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?!" - дедим мен жуда оддий ҳақиқатни инкишоф этиб ва дилим, руҳи жоним камалак зиёсига айланиб кетди гўё.

- Уйларга эшиқларидан қирингиз!

"Уйларга эшиқларидан қирингиз! Уйларга эшиқларидан қирингиз! Уйларга эшиқларидан қирингиз!" - Қайта қа қайта шу қалимани такрорлар, чанқоғини босиш учун ютоқиб сув симираётган хоргин йўловчидай ҳузур қилар эдим.

Агар, сен ишонсанг, Феруза, ишхонага қандай кириб бордим, шунча йўлни қандай босиб ўтдим, қайси кўча, қай хиёбон ичра юрдим, йўлда қимларга рўбарў келдим, қай маҳал эди ўзи - билмайман. Ичкарига киргач, димикқан хонани шамоллатиш наятга деразаларни ланг очиб юбордим, қайфиятим аъло - бамисоли ондан қайта тугилгандай; дераза ортида бепаён шаҳар ястаниб ётар, фалакка найзадек санчилган тераклар сокин шовуллар, япроқлар учиде офтоб шуъласи майин жиља қилар эди. Яшиллик уфқларга тутатиб кетган ва бепаён денгиз қабиле чайқалар, алланечук вазмин ва хотиржам, руҳни эрқаловчи, алланечук улуввор, кўркам эди у. Осмон ҳар қачонгидан баланд, алланечук шафқов ва илохий. Одатда, сермашаққат юмушни кўнгилдагидек яқунласанг,

шундай ёқимли кайфият - ўз-ўзиндан қониқишми-эй - дилингни чулғаб олади. Шундай таскинбахш ҳаловат туйиб, юрак-юракдан шуни ҳис этдимки, барчаси ортда қолди, барчасидан фориг бўлдим!..

Шу билан барчаси барҳам топиши мумкин эди эҳтимол, зеро, шу тобда бирон-бир нимани муҳокама қилишга, қоғоз қоралашга ва ёки китоб титкилашга зигирча на майл ва на рағбат туймас, жонимдан ўтиб кетган чарчоқ азобини чиқаргим, ўзимни қўйиб юборгим келар, нима бўлганда ҳам, бир амаллаб кунни кеч қилишдан бўлак хоҳиш йўқ эди. Бироқ пича ташқарига - гугурт қутисидек қалашиб ётган осмонўпар бинолару чанг ўтирган асрий чинорларга тикилиб тургач, ўзим кўниккан одагга кўра иш столини айланиб ўтдим-да, бориб курсига ўтирдим ва беихтиёр ғаладонни очиб, сигаретга қўл узатдим, худди шу чоғ ҳеч қутилмаганда, стол устида ётган, яъни нашрга тайёр қўлёзмага кўзим тушди:

"10. Уларнинг дилларида мараз бор эди, бас, Оллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир.

11. Уларга: "Ер юзида бузғунчилик қилманглар", дейилса, "Биз ислоҳ қилувчилармиз", дейдилар. 12. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузғунчилардир..."

Ва инсон бино бўлганидан буён тафаккурда, шунингдек, ҳаётда у қилган ислоҳлар, яратган эгамга қарата исёну йнқилоб ва унинг то бу кунги натижасига қадар неники эшитган, неники ўқиган, неники кўрган-билган бўлсам, шунинг барчаси бирдан гала қушлар янглиг менинг шууримда қанот ёздилар. Инсоннинг ҳудого тенглашиш майли, шу боис у билан баҳсга киришиб, ундан нуқсон кидириши, уни инкор ва оёқости қилиши, одамзод дилидан худо билан баробар қўрқинч ва умиднинг, имону эътиқоднинг, аъмолниги сидириб ташланиши, бироқ шунинг ўрнини босишга арзулулик солих ва ноғоар ақиданинг инъом этилмаслиги - азалий мувозанатнинг бузилиш, охир-оқибат риядон жаҳолат туғилиши ва жаҳолат салтанатининг барпо бўлиши - ҳамма-ҳаммаси кундай равшан эди менга. Лекин яратган эгам аввал Жаброил алайҳис-саломни, сўнг Меккойил, ундан кейин Исрофил алайҳис-саломни тупрокка рўбарў этганлиги, улар ундан-да ожизроқ нимарса кўрмай унга раҳм этганларига, алаҳхусус, Азроил алайҳис-салом рўйи заминдин бир чангал тупрок олганига, шуни даргоҳи Илоҳийга келтирганига, ҳазрат Ҳақ субҳона ва таъоло қудрат қўли билан ҳазрат Одам алайҳис-саломни бино этганлигига сира ишонгим келмас, зеро, эсимни таниган кундан бошлаб аслида бундай эмаслиги, жаннат ҳам, дўзах ҳам, шайтон ҳам, раҳмон ҳам ҳалқни эзиш, қўллик асоратига уни осон тутиб туриш учун тузумдорлар томонидан ўйлаб чиқилган, ҳеч маҳал фалақдан ваҳий келмагани, илоҳ бўлмагани, илмий нуқтаи назардан қаралса, одамзод аслида маймундан тарқгани, тош асри, ўрта тош асри, янги тош асри, мис-тош асри... бот-бот шуурига қуйилган, нанки менинг, нанки биргина авлоднинг, балки неча-неча наслларнинг тарбиясига шу қараш синдирилган, худо ҳақидаги қандайдир мавҳум тушунчага нисбатан дарелик саҳифасида одамнинг ҳайвондан бўлганлигига келтирилган далиллар: горилла, шимпанзе, орангутаннинг кўзи, тиши бизникига ўхшашлиги, энг муҳими, думи йўқлиги, шунинг учун ҳам одамсимонлиги, бизникидек қон турлари уларда ҳам мавжудлиги, ҳатто боғча болалари сингари уларнинг бошига ҳам бит тутиши; қолаверса, тоққа ўрмалаб чиқаётган маймун суврати, унинг қўлига асо олиши ва бора-бора одам шамойилига кириши инкор этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатдек мурғак тасаввурда муҳрланиб қолган эди. Йўқ, шаккок эмасман, нетайки шу таълимот қон-қонимга сингиб кетган, шу руҳда ўнганман, ўсганман, бугун нанки у таълимот дейишга ярайди, балки одамзодни аросатда қолдирган, инсоний тақомилни, тафаккурни синдириб ташлаган, ёвуз ниятларга хизмат қилувчи манбаидир, холос, буни англаш, фожиангнни ҳис этиш мумкин, бироқ уни тузатиш маҳол, қурбинг етмайди бунга, қодир эмассан. Дўзахий макрнинг қурбони бўлганингни англайсан, яна миллион-миллион ғофиллар шунга алданаётганлигини, бироқ шуни англашга қобил эмаслигини кўриб турасан, лекин огоҳ эълмайсан уларни. Зеро, аллақачон у даҳшатли механизмга айланганки, жамикни воситалар унинг иродасига бўйсунди, осмондан жала қўйгани каби ўз таълимотини ёғдиради у.

Қийишқ кўзгудан эса, бу ғариб дунё ҳам кўзингга қийишқ бўлиб кўринади.

Биз танлаган йўл эмас бу, биз шу ақидалар салтанатида дунёга келдик ва унинг аввалдан-охир мавжуд бўлган, муайян шаклга солувчи метин қолиплари ичра улғайдик. Агарки шимпанзе ё орангутандан бехроқ, аждоқимиз шу деб ҳайвонга, илоҳимиз шу деб жаллодга сингар эканмиз, йиллар мобайнида неча наслнинг шу кўйга тушишига нега У бефарқ қаради? У яратгучи, "ҳамма нарсани билгучи"-ку!

Бандасининг охи самони тутиб, офтоб юзини тўсиб қўйганингни У кўрмаганини ё? Бино этгач, бино этганлари дафъатан шак келтириб Исо алайҳис-саломни чормих қилишига нега энди изн берди? Рост, чормих қилинган Исо алайҳис-салом сувратидаги Юдо эди. Бироқ шу ҳолнинг ўзи ҳам ақсариятни шошириб қўйди-ку?!

Фридрих Ницше арши аълодаги олий манзилдан бир амаллаб қулатилган худони оёқлари остига олиб беаёв мажақлар экан, нечоғлик инсоний лаззат туйганлигини мен борича тасаввур қиламан, ҳар биримизнинг феъли-хуйимизда мавжуд бўлган, илму аъмолга, иктидорга, танланган йўлга бино қўйганда, худпарастлик туфайли юзага чиқажак ожизлик бу - инсоннинг тантана қилиши, ўзича худого айланиши! Бироқ унинг қарашлари ақидага, муайян тузум ақидасига айланса борми, агар?!

- Худо кўрсатмасин!

Ғойибдан овоз келгандек жуда хайрон, гарангсиз бошимни кўтардим ва туш кўраётган пайтда уйғониб кетган каби - воқе бўлаётган ҳодисани идрокимга сиздир олмай, бир зум паришон туриб қолдим. Овоз берган ўша - Шаҳризода, у менинг иш столидан хиёл қуйида турган курсилардан бирида ўтирар, қарашлари фавқулодда теран, дилимдагидан уқайтгандай қадалиб қараб турар эди менга. Ҳам ажабландим, ҳам энсам қотди. Табиийки, шу тобда ўзим билан ўзим қолишни истар, нанки у, ҳатто яратган эгам ҳам ҳалал бермаса, ўйлаган ўйимнинг адоғига етсам - биргина хоҳишим шу эди.

- Шу маҳаллага йўлим тушувди, кўриб ўтай дедим сизни.

Ҳали ҳаёлимни йиғиб олманган, тагин унинг жуда бемалол, дабдурустдан бостириб қелиши, умуман, изиндан тушгандай муттасил илашиб юриши, у билан боғлиқ аввалги ноҳуш таассуротлар кўнгилда ғашлик ва малол кўзгаган эди. - Ўтган сафар дили сиёҳ бўлиб, маломат қилиб кетган эди-ку, - деб ўйладим мен, - модомки, шундан кейин яна келиптими, орадан ҳеч гап ўтмагандай тутаптими ўзини, демек, бир балоси бор бунинг. Гап-да у - маҳаллага йўли тушгани, кўргиси келгани!

Ёқтирмадим уни, ёқтирмаганимни яширмадим ҳам.

Шаҳризода ўнғайсизланди, курсида жуда омонат ўтиргандек ҳис эта бошлади ўзини. Кўнглим сезиб турар эди буни, нечундир унинг қарашлари ҳам ҳаёлимда ўрнашиб қолган, дилимда совуқ бир шубҳа ғамирлар, узлуксиз мени таъкиб этаётган ҳам айнан шу назар, шунинг ўзгинаси эди гўё. Кеча ҳам, бугун ҳам унга шубҳасиз, қайдадир рўбарў келган; шунга дахлдор, шуни тасдиқловчи яна бир хотира дилимда ётар, ҳадеганда ёдимга тушмаётган эди ҳозир.

- Нега энди менга бунча ғалати тикиляпсиз?

- Нима? - дедим онгим кетиб, шууримга унинг саволи етиб келмаганлиги учун ҳам.

- Худи мен отангизни ўлдиргандай?..

- Кечирасиз, - дедим беихтиёр хушёр тортиб. - Кечирасиз, - кўзларини олиб қочдим ва деворда осонлик сувратга - чормих қилинган, чормих-пормихи билан билиқсиз ётган заминдан узилиб тобора ҳаволаб бораётган Исо алайҳис-саломнинг қони қочган юзларига тикилганча. - Жудаям таниш назар. Қачон, қаерда учратдим уни? - Тўсидан ўша фолбин меннинг ҳаёлимга келди ва шууримда чакмоқ чаккандек бўлди. - Унинг қарашлари... Наҳотки?.. - Менга туюлдики, оловдай бўлиб таралаётган ёғду уммони ичра худди шу назар бир кўриниш бериб ўтган эди. Худди шу лаҳза қимдир имлаётгандек, қимдир унсизгина даъват этаётгандек бўлиб туюлди ва мен ҳаёлимни жамлашга уриндим, баногоҳ кўрдимки, масиҳ кўрагига осилиб тушган бошини кўтариб, гўё меннинг шубҳа-ғумонларимни тасдиқлар эди.

- У - сиз эдингиз! - дедим мен таҳқирланган кишига ҳос таъна маломат билан, кўз остидан унга тикилганча.

- Ким? - Шаҳризода, тушунмадим, деган каби кўзларини пирпиратди, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ айбланаётган боладай бечораваш қулимсиради. Унинг саъий-ҳаракати шу қадар самимий эдики, беихтиёр сергақ тортиб, масиҳга қарадим, унинг боши аввалгидек кўкрагига осилиб турар, аввалгидек юзлари қонсиз, ҳатто сувратнинг букилган жойларига сезилар-сезилмас чанг ўтириб қолган эди. Шаҳризода ҳам сувратга юзланганида ўзимдан хижолат бўлиб кетдим. Қулгим келар эди. - Ахир, шундай бўлмаслиги ҳам мумкин-ку! Умуман, мен бугун ҳеч қандай фолбинга рўбарў келмаган, қандайдир ўсимрлар, руҳлар мутлақо безовта қилмаган, эҳтимол, бу - касаллик ва ё хулё, ҳатто шундай туюлаётган бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир?! Бадғумонлик силламини қуритган бўлса-чи?

Ётоқхонада истикомат қилаётган шоиранинг кечаги арзи-доди ёдимга тушди шунда: - Ҳар чорак соатда нимадир тикирлайди. Юрак ҳовучлаб ётаман. Кеча болдиримдан тишлаб олди. Фол очирсам, асли азиз жой бўлган экан бу ер-кўзимга кўриниб турибди, - дейди фолбин, - шаҳид у. Оппоқ кафанда. Кафаннинг этаги қонга беланган. Қон сўраётир! - Ҳозир ўша хонани танбалаб ташлашди. Лекин ҳамон аллақандай шарпа ичкарида кезинади, ҳамон нимадир асабий тақирлайди...

Қимдир, қачондир, ўлиб кетган қизимнинг руҳини қиқариб, сўзлашаман деган эди, шу ёдимга тушди ҳозир. - Наҳот шу гаплар рост бўлса? Шу чоғ қандайдир туман ичра ўзимга тикилиб турган



шамойил кўзимга чалинди ва секин-аста унинг киефаси тиниклаша бошлади. - Шахризода? - Ички бир ингрок билан юзимни кафтларим орасига олдим. Каёқдан ҳам унинг: - Профессорни беш қўлда биланман, - деган даввоси ёдимга тушди, ортик эътибор бергим келмади бунга, пича тин олгим, шу ўйлардан кутилгим келар эди, шунда бобомнинг ўша авзойи, сўнги сўзини айтгач, нечундир: - Бор, кетавер энди, - дегани, имлаб укамни каватига чақиргани ёдимга тушди. Афтидан, ўшанда уйда зикланиб кетганлигини у сезган.

Елкамдан тоғ қулагандек, енгил тортиб ташқарига чикдим. Шу пайт укам муштадай бўлиб қолган мўсафидни даст қўтарганча аввал супага, сўнг ҳаётга қикиб борди. Бобомнинг ўнг қўли синган шохдек осилиб тушган, қачондир ўзи эккан ниҳолларга, феруза осмонга, саратоннинг жимитина қуёшига у кўзлари тўймай армон билан термулар эди. Ичим ачиб зимдан уни кузатар эканман, - шунча яшасам бу дунёга тўймас экан-да одам, - деб ўйлаганман, шу лаҳза дардман ҳам, унинг тилагини бажо келтираётган укам ҳам бирдан узоклашиб, етти ёт бегонадек, бу юришлари эса чучмаддек, бечоравашлик аломатидек бўлиб туюлган. Ҳаста сўнгги васиятини менга эмас, укамга айтганидан, уни ёш боладай кўтариб юрган мен эмас, укам эканлигидан ич-ичимдан суюнганман. Бундай юмушдан хазар қиламан десам бўлмас, аммо уҳдасидан чиқа олмасдим. Чунки унинг баданидан, оғзидан келаётган ноҳуш ҳидни, шу ҳид хонани тутиб кетганини, шуни яшириш учун исериқ тутатилганлигини, булар қоришиб, уйнинг ҳавоси жуда оғирлашиб кетганлигини боя пайқаган, бу ерда менинг қиладиган ишим йўқ деб билган, бироқ мажбурият юзасидан қариндош-уруғлар қаторида турган эдим. Шуни, дилимдагини, худқомлигини бобом ҳам сезган, буни мен ҳозир англадим. - Наҳот шулар ҳақки жазо бўлса бу? - Баногоҳ ойимнинг нақли ёдимга тушди. Унинг айтишича, бобом, яъни тоғаси худо назар солган кишининг фарзанди бўлган. Айби шуки, катта бир эшоннинг қизига кўнгил қўйган. Қизнинг эса, белгиси берилган. Тўй яқинлашиб қолганда у қизни олиб қочган. Буни пайқагач, қизнинг онаси сочини юлиб масжидга борган.

- Юзимиз шувит бўлди. Қизингизни олиб қочди фалончи!

Шом номози оёқлаётган пайт бўлган.

Эшон қилт этмаган, номозни ўқиб бўлгач, жамоага эшитиларли овозда: - Қизим дема! Менинги юзимга оёқ қўйиптими, демак, ундай қизим йўқ! Илоё тирнокка зор бўлиб ўтсин! - деган ва қўлининг тескари томони билан юзига фотиҳа тортган.

Вассалом.

Қачон қарамай, чолу кампир супада бир-бирига ғамгин термулганча ўтиргани-ўтирган эди. Тақдирдан нолиганини сира эслай олмайман. Бир-бирига астойдил кўнгил қўйишгани учун шундай шафқатсиз жазога грифтор бўлишганди улар. - Нега аввал шу ҳақда ўйлаб кўрмаганман?

- Нима дейсиз?

Мен бошимни кўтариб, овоз келган тарафга юзландим ва босинқираб уйонган кишининг ҳолатига тушдим. Кейин, Шахризодани кўргач, унинг кўзига кўзим тушгач, бегонанинг қошида ечингандай ноқулайлик туйдим. Бўлак чора йўқлиги учун ҳам зўрга илжайган бўлдим. Беихтиёр ҳасратлашгиси келаётган кишидай: - Сизгайм шундай бўлиб туюладими баъзан? - деб сўзлар астойдил ундан. - Қандайдир руҳлар холи-жонимга қўймаётгандай, тавба-тазарру қилишга ундаётгандай, ёки бир кўрган кишининг аввал бошқа жойда дейлик, ўн йиллар бурун, бўлак шамойилда учратгандай?..

У менинг шаштими синдириб ташлашни истаган каби, йўқ, деган маънода қатъий бош чайқайди, кўзларида эса, нега сўрапсиз? Бирон нима сизни безовта қилиптими?, деган ташвишли ифода экс этди. Бироқ мен унинг мийинида қув бир кулги хиёл жилва қилганини илғаб қолдим. Йўқ, аслида менга шундай бўлиб туюлди ва ёки, у менинг устимдан кулаётир, деган гумон ҳаёлимдан кечди, табиийки, дилим оғриди, одатда, ўзингга нисбатан гўлроқ кишини калака қилаётганинда лабларингда шундай кулги акс этиши мумкин. Синчков назар билан унинг юзларига тикилиб қарадим ва меҳр силкиб турган сокин бу чехрада боя ўша ифода жилва қилганига азбаройи ишончим бирдан йўқолди. Бағдумонлик ва тахликадан ўзимни халос қилмоқчи каби бошимни асабий чайқадим, сўнг қавокларимни кериб, ҳаёлимни йиғиб олиш учун бир нуқтага тикилиб қолдим: "Дилларингиздаги нарсани хоҳ яширинг, хоҳ ошқора қилинг, Оллоҳ билур".

- Шундай!

Таъкид маъносидан у айтган гапни аниқ эшитдим, шу боис бир дунё шубҳа ва ҳайрат бирдан дилимни қўлгаб олди, беихтиёр ялт этиб унинг юзларига қарадим, Феруза, у жуда ҳам маънос, оёқунча тикланганча бир нимани ўйлар, шу тобда сира ҳам сўзлаган кишига ўхшамас эди. Баногоҳ мен боядан бери устимдан кулаётгандек, туюлган иккинчи бир шамойилни аниқ кўрдим, мазах қилаётгандек у ошқора қулиб қараб турар эди, кейин мен ўша кўзлардаги кулги сўнганини ва унинг ўрнида ҳадик-хавотир акс этганини, сўнг шамойил Шахризода сувратига сингиб секин-аста кўздан йўқолганини илғадим.

Ё раббий! - Иттифоқо силкиниб қулдим: - Нималар бўляпти ўзи? - дедим овоз чиқариб; тагин кўзларимни юмдим, Нималар бўляпти ўзи, а? - Бошимни орқага ташладим. - Имҳ-х. Бу не синоат бўлди: Не қароматинг бу сенинг Илоҳим? Наҳот дарга чалинган бўлсам? Наҳот бир балога йўлиқсам? Дам олиш керак. Эсингнинг борида... ҳаёлни йиғиб олиш керак. - Қатъий шу тўхтамага келгач, ириб ўрнимдан турдим-да: - Айбга буюрмайсиз мени, Шахризода! - дедим ва гарчи ҳеч зарурат бўлмаса-да, стол устида сочилиб ётган қоғозларни йиғиштира бошладим.

- Сизга нима бўлди ўзи? - деди у қўркув, ташвиш ва ачиниш тўла овозда, чарос кўзларини катта-катта очиб. - Бунчалар бежо аҳволда ҳеч кўрмаган эдим.

Ўзим билан ўзим бўлиб қолган, ортик унга эътибор бергим йўқ эди.

- Чарчаганман! - дедим ҳасрат қилгандек бир алпозда. - Жудаим чарчаганман. Ишонсангиз, ҳаёлим жойида эмас. Бир нима тегирмон тошидай айланиб юрагимни эзиб ташляпти. Ё тавба-а! Ахир... Имконият биз томонимиздан танланмаган-ку, - дедим Къбергориинг кўнгилдан кечган, яъни ўзинг танлаган йўл қийматига эга, деган фикрини инкор этиб, - шунинг учун ҳам у ҳеч қандай қийматга эга эмас, ҳаёт ҳам.

- Нега? - деди у бағоят ажабланиб; менга туюлдики, дилимдан неки кечган бўлса, баридан Шахризода вокиф, унинг чимирилиб туриши шундан далолат берад, ошқор айтган фикримдан норози эканлиги аллақачон юзларига силкиб чиққан эди.

- Чунки у бой берилган! - дедим худди унга ҳисоб беришга бурчлидек қисиниб, тақдирга тан берган кишига хос ноумид оҳангда. - Уни турлича талқин этиш, турлича изоҳлаш, ундан бир маъно мумкиндир, бироқ бу савий ҳаракатда ҳеч қандай қиймат бўлмайди. Чунки у бой берилган. Худонинг улугъ неъматини - умр унинг иродасига итотаган эмас, қаёқдаги савдоий ва худқомлар чибиб кетган қизикча банди бўлиб қолган. Пуч у, энг даҳшатли томони шунда-ки... - Бирдан хушёр тортидим, нега энди унга бу гапларни айтаётирман, деб ўйладим ва сирини олдирган кишидайин аламзадалик туйдим, ким ўзи бу? Ёқтирмай нописанд у ҳақда ўйлар эканман, чиндан ҳам, ким ўзи бу?, деган ҳаёл бирдан дилимни банд этди, шуни билишни истаган каби шубҳа ва гумон билан тагин унинг юзларига синчков разм солдим, ровийлар нақл этган пари-пайкаллардай сулув эди у, ойдаи чехрасида кезинаётган безовталиқ шарпасигина ҳаёлни қалғитур, вужудини ёндириб турар, майин чакнаётган чарос кўзларининг туб-тубларида куйинишим, армонми ва ёки ўзи ҳақ деб билган нимарсага сенинг дилинггайм ишонч тугдириш иштиёқими, ҳар нечук, шунга ўхшаш бир ифода силқибгина турар эди. Ҳеч қутилмаганда у нурдан бино бўлгандек шаффоф торга бошлади ва ҳатто унинг ортидан деворда илғилик турган сурат ҳам аниқ-тиниқ кўзга ташланди. Малойика ва ёки санам, авлиё ё ёнбиё, ҳуллас, илоҳ назарига рўбарў келгандек бирдан сомелик туйдим, унинг оёқлари остига ўзимни ташлагим, топингим, ҳасрат қилиб ичимда тош қотиб ётган зардобни чиқариб ташлагим келди, шуни сезган, шунга изн берган каби унинг сирли чехрасида ажиб бир илоҳий муруват, меҳру шафқат таважжу қилди. Шундай қилиш жуда-жуда мумкиндай эди, бироқ - мен умр бўйи қалғиб келган одам унинг оёқлари остига ўзимни кўришдан, яна бир марта алданиб ор қилдим, - нега энди шундай қилишим керак экан? - деб ўйладим асабий. - Нима гуноҳ қилибманки, бунга ўкинсам? Беҳиштда яралган, олло изн бермаган неъматини тановул қилган бўлсам экан... - Рухи-жонимда аланга олган ўтга бир челақ муздай сувни секиб юборгандек, босим билан уни ўчиргандек, шунга яраша зият қилиб эшикка томон юзландим ва уни қалғитиш ниятида ҳаёлимнинг бир четида ҳали ўчиб битмаган ёзувдай бўлиб кўринган сўзларни такрор айтдим: - Чунки у бой берилган!

Ҳар қанча толиққан бўлсам-да, унинг бир зум жуда шошиб қолганлигини, ўзи соме бўлган ҳолатдан қикиб кетиши бағоят оғир кечганлигини, ҳатто менинг мунофиқлигимдан дили озор чекканлигини - ҳамма-ҳаммасини жуда аниқ ҳис этдим.

- Кимки астойдил интилса, ниятига у албатта, етади!

Мен қулиб юбордим, бировнинг ниятини кўнглинг сезиб, шунинг устидан қулиш эмас эди бу, ҳаётнинг пасту баландини кўрган ва муайян тўхтамага келган киши сифатида, бунинг барчаси сиз ўйлаганчалик осон эмас, демокчи ҳам бўлдим, бироқ шунинг кераги йўқ деб ўйладим ва футбол бахонасида худонинг берган кун телевидение бот-бот намоийш этаётган "Адедас торшн" ширкатининг тарғиботи, фавқулодда сирли тарзда уқтириладиган, ҳозир унинг оғзидан чиққан сўзлар тилимга кўчди: - Кимки астойдил интилса ниятига у албатта, етади! - дедим наъша қилиб. - Бу жуда чиройли сўз, - дея изох бердим кейин: - Ҳатто шундай таъсирчан оҳангда айтиладики, беихтиёр бир ниятнинг этагидан тутиб, шунга берилиб кетгинг келади. Лекин "Адедас торшн" маҳсулотни ташвиқот қилар экан, ниятнинг қандайлиги ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайди. Зеро, бу уларнинг вазифасига қирмайди ҳам. Инсоннинг нияти эса, баскетбол тўпини тўрға ташлашдангина иборат эмас.

Бирдан бирчаси бачкана ва шубҳали туюла бошлади - аллақандай шарпалар гўё мени қуршаб олгану тинимсиз эрмак қилаётгандек, кулишайтгандек, қил ҳам сирмас эди юрагимга, безовта, эшикка қараб йўналдим, халигина хаёлимдан кечган ўйлар ҳам, дунёвий қарашлар, ҳаттоки у ҳам тамомила аҳамиятини йўқотган, тагин ўз ғамимга ўзим кўмилиб қолган, юрагимни зада қилган ғурбат ва исқанжадан тезроқ ситилиб чиқиб кетишинигина истар эдим, халос. Менга тинчлик керак, қолган барчаси - "Адедас торшн" ҳам, ниятга қандай интилиш кераклигини ҳам, бахсу мувоқабат ҳам сарик қақага арзимас эди. На уйга боргинг, на таниш чехраларни кўрганг келадди. Кани энди, юракка тўкилган шу хилқатдан юлдуздай ситилиб чиқиб кетсанг!

Мен кўчага чиқиб, хиёбонга қайрилдим, ҳаво дим бўла бошлаган ва бу ҳам кўнгила ёқмас, таъбингни хит қилиб, юракни сикар эди.

Аллаким билагимдан юлқигандай бўлди. Шох-шаббага иддао қилган каби жеркиниб ўтдим-да, гарчи ҳавоси кўрғошиндай куйиб, янада димикиб ётган бўлса-да, хиёбоннинг хилват ва кўлага янада қуюқ ичкарисига кириб бордим, қандайдир нохуш бир хид ўтириб қолган, кўз илғамас човути билан у нафасингни бўғар, айни пайтда бутун вужудингда галаён кўзгар эди. Билақларим қичий бошлади, қачонлардир айнан шу хид мени ёқмасга гирифторман эгган, кўнглим шуни сезар, фақат кўланса ниманинг хиди - шуни билишни истар, қачон аввал уни туйганман, эслаёлмай қийналар эдим. Хийла санқигач, ахийри, бир оёғи чўкиб кетган омонатгина оғоч курсига ўтириб қолдим, силлам қуриган, балчиқниқдан ҳам оғир, қуйган ҳаво сизиб келиб, нафасимни бўғар, юрагим гумуриб вужудимда ёқмас кўзгар эди, - бирок кетгим келмас, гўё шу кўланса қаёқдан таралаётганлигини англасам, сиру синоат ойдинлашадигандек, - Э, худо! - дедим мен ожиз қолганида ҳатто даҳрий ҳам ихтиёрииз суратда ёд этувчи Илоҳга тавалло қилиб. - Не кўргулик бўлди бу? Нима гуноҳ қилган эдимки?..

...Ва шунда мен қуюқ туман салтанатига киришдан аввал унинг тартибсиз тўзғиб сузаётган бўлтак-бўлақларига рўбарў келгандек дафъатан фавқулодда таассурот даракчиларини илғай бошладим: таниш адир. Нида товланиб ётган танқлар. Курол-яроғини тозалаётган ҳамқисмлар... Бўғилиблар кетдим ва гўё қудуқнинг ичидагини аниқроқ кўришни истаган қимсадай ўнгиллиб, беихтиёр бўйнимни олдига чўздим.

Феруза, гарчи мен эслашни истамасам-да, қисматимга бевосита даҳшдор - юзингдаги сугал ва ё қора кўтир янглиғ итқитиб ташлаш мумкин бўлмаган дарди ҳарина - кечмиш, кечмишнинг эслаш ҳам нохуш ва малолли бир амоғи эди бу. Бу шунинг учун ҳам нохуш, шунинг учун ҳам кўнгила маломат солар эдики, илк дафъа ўшанда ғайришуурий қудрат таъсирида ақл бовар қилмас даражада аянчли кўйга тушган, илк дафъа ўшанда бу дунёнинг ғайр кучлари қолдида ўзимнинг ҳеч вақо эмаслигимни идрок этган, хўрлик ва ҳақирликнинг даҳшадати ситами руҳи-жоними ерларчин қилиб ташлаган эди.

Кимдир булун учар ликопча келиб қошига тушгани, келгиндилар макр ила жоду этгани ва ўзга сайёрага олиб учгани, аввал турган жойига тагин келтириб қўйиб кетгани ҳусусида даъво қилаётган бўлса бордир. Кимдир шу нақлга маҳлиё бўлса эҳтимол. Бирок ғайришуурий бу ҳодиса замирида инсонни, бир маҳаллар ҳақ таолони рад этган, наинки рад этган, ҳатто оллоликни даъво қилган Инсонни топтаб ташлашдан, аслида унинг ҳеч қим эмас эканлигини тасдиқлашдан бўлак маъно йўқ аслида...

...Ўшанда...  
...олийгоҳнинг давлат имтиҳонларидан халос бўлгач, автобусларга босиб - ҳарбий ўқувни ўташ учун - бизни Қобус тоғининг шу хилват этагига олиб келишган эди. Бир ён - тоғ, бир ён - қимсасиз дала; ҳаёт зерикарли, маъносиз. Тоғ ҳамла қилаётган илонга ўхшар, вазоҳати жуда хунук эди.

Ўша кун бало ўзи айлангирди мени. Ҳеч қачон бу маҳал уйқум ўчмаган, теварак-атрофда курсдошлар тошқотиб ётар, фалак соқин, оламнинг нафаси ичига тушиб кетгандек эди гўё. Юрагим увишиб кетди, вужудимни қандайдир ваҳм чулбаб олди. Гарчи кўрқинч ичра ётган бўлсам-да, гарчи ўзим шуни истамасам-да, беихтиёр ўрнимдан турдим, қийиниб ён-бағир сари кета бошладим. Хаёлим жойида эмас, дилим бежо, бир бало айлангирётган эди гўё. Бу фикр, табиийки, орадан шунча йиллар ўтгач тугилди менда. Ўшанда эса, кўнглим шу ёққа торган, гўё азиз китмиш шу тоғ ён-бағрида ўртаниб ётбди. Унинг оғзига сув томизадиган жоначир йўқ, унинг сўнгги тилагини ижобат этувчи йўқ; юрагим орзикар эди. Оёқостида тўшалиб ётган, тарок термаган соқдан-да баттар ўт-ўлан эса, оёғиндан олгани олган. Аллаким улдан фонусни кўтариб тоғдан ошаётгандек секин-аста атроф ёришар, арчазор оғушидан аллақандай зорли бир овоз таралаётгандек туюлар эди. Хаёлимни ўғирлаган, оҳанграбодек қомига торган мана шу овоз

эканлигини ҳам, мана, ҳозир идрок этиб турибман. Ўшанда эса, турган жойимда тошдайин қотиб, бутун вужудим қулоққа айланганча овоз келаётган тарафга юзландим: ён-бағир юксак-юксакларгача яшилланиб ётар, ҳали қучга қирмаган қуёшнинг заиф шуъласи арча баргларига мезондай иланиб қолар эди. Шу мезонлар, шу шох-шабба орасидан жарга қулаб бораётган кишиникига монанд бир афшон таралар, қулаб бораётган менинг исмиمنى тутиб, ҳа, ҳа, айнан менинг исмиمنى тутиб мендан имдод тилар эди.

Сенинг оху зоринг, сенинг муножотинг, жонни ўртагуччи сенинг овозинг эди бу, Феруза!

Аваллига ҳазин ва серилтижо тус олди у, сўнг хасратга тўлиб ўн саккиз оламни тутиб кетди.

Ортиқ сабуру тоқат қолмади менда.

Нафасим бўғимга тикилганча жоникиб ўмтила бошладим. Арчанинг нинадек барглари қўлларимни тилар, юлқир, интилганим сари мени чалишар, юришга сира имкон беришмас эди.

Тўрт томонга ўзини уриб, сен сари йўл излар эдим, Феруза. Негаки сенинг нолаи оҳинг даҳшатли мусибат даракчисини янглиғ тўрт тарафдан бирдек таралар эди, баногоҳ шуни мени идрок этдим, жоду ё макр бу, деган ўйда бадғумон туриб қолдим, шунда сернола унлар секин-аста олислаша ва тина бошлади. Кўрқинч, хавотир босди мени, шусиз ҳам адоий тамом бўлган эдим, силлам қуриб майсалар устига мук тушдим ва юз тубан қуладим. Жисму жоними сирқиратган чарқок жонимга қўшилиб қўлу оёғимдан сидирлиб чиқиб кетгандек бўлди...

Хамкурслар бир неча кун ахтаришгач, ниҳоят, шу ердан мени топишган. Соғайиб шифохонадан чикқач, эшитдимки, ўшанда мен майсалар устида булк этмай, ўлиқдай чўзилиб ётган эканман, минг йил ситам чеккан одамдай юзларим буришиб, чаккаларимга ажин тушган, хаёлим жойида эмас...

Инсоний ожизлик туфайли ўзгалар қошида ўсал бўлиб қолганим алам қилар, гарчи беғараз одамгарчилик қилишган бўлса-да, шуни англасам-да, нотавонлигимга шохид бўлганлардан ўзимни олиб қочар, уларнинг қорасини кўрдим дегунча дилимни нафрат чўлғаб олар эди - ўзимнинг, умуман, одамнинг бу қадар беҳоллиги, унинг истаган мақомга, хоҳлаган кўйига солиши мумкин бўлган Қудратнинг мавжудлиги чидаб бўлмас даражада ҳақирлик кўзгар эди кўнгилда...

Ҳозир шу кечинма ҳамон хотирага илашиб, унинг бир кунжида муким ашаб келгани, шу тобда эса, бу қадар равшан кўриниш бергани, рости, ўзимни ҳам хайрон қолдирди.

Ўша кўргуликнинг бунчалар дилтирлик кўзгайдиган жойи ҳам йўқ аслида, ахир, ёдингдадир. Ойдинқўлда мол боқиб ўтган жажжитой фаслимиз сенинг бошингга ҳам шундай кун тушган-ку, Феруза.

Бобомнинг нақл этишича, замонларнинг замонида Ҳазрати Ҳизр асосини судраганча машриқдан мағрибга сари ўтган. Унинг асоси қолдирган изда Катта Ком бино бўлган. Ком Ойдин кўлнинг этагидан беомон шиддат билан айқириб оқиб ўтар, вақти-вақти билан у консирар, шундай пайтлар қадимда жонлик сўйиб қон чикарилган, кишилар ичкиликка берилиб, нафса хирс қўйиб, оқибат, бу удумлар унутилгач, консираса Катта Ком овоз бериб қимнидир қақирар, қомига тортар эди уни.

- Ферузаю-юв! Феруза-а-а!

Кўрқинч балойи жон тош қотиб қолганман: сенинг, ҳа, ҳа, сенинг онангнинг йўқлови эди бу. Шунда сен ялт этиб овоз келган тарафга юзландинг.

- Феруза-а-а!

Бу ёлвориб ақл бовар қилмас даражада нолон эдики, ўзингни кўярга жой топа олмай қолдинг сен. Сигирингни ҳам ташлаб, гарчи қайт, дея худонинг зорини қилсам-да, Комга сари югура бошладинг. Жоним ҳалқумимга тикилганча изингдан етиб борганман, сени қучиб, сенга чирмашиб олганман, бирок қани энди қучим етса экан. Ай хайлаб сувчилар етиб келишмаганида агар...

Кейинчалик сенинг айтишингча, ўшанда Комнинг лабида, чўкиб бораётган аллозда оинг кўзинга кўринган ва имлаб, зор қақшаб сени қақира бошлаган. Уйингга олиб боришгач, ўз кўзинг билан оингни кўргачина ҳовуринг босилган ва аллақандай исқанжадан халос бўлиб ўкраб йиғлаб юборгансан.

Мен-чи, мен? Бошимга не бало ёғилганини ҳамон билмайман ўзим, Феруза.

Орадан шунча йил ўтгач, тагин ўша хислар, ўша хотирот руҳи жонимни банд этди, шунинг баробарида, мислсиз бир чарқок зил-замбил бўлиб бошимдан босиб тушди ва мажолсиз, кўзларимни юмди-да, ўша - юз тубан йикилгач, хаёлим жойида бўлмаган, неки рўй берган бўлса, сирлигича қолган дамларни хотирада тиклашга, нени хис этганман - қайта бошдан шуни эслашга тутиндим. Кўргуликнинг тагига етишни ҳар қанча истамай, кўнглим сезиб турар, охири беҳайр, беҳосият ўмтилиш эди бу.



Дафъатан мени хайратга солган шу бўлдики, агар сен ишонсанг, Феруза, йиллар ортида туриб энди ўша - ўт-ўлан устида юз тубан, узола тушиб ётган йилгитни кузатувчига айланган эдим. Ва шунда арчазор оғушидан ситилиб чиқиб келаётган безовта нолаи оҳингни яна бир бор эшитдим, оёғимнинг учига довуру жимирлашиб кетди, ишонсанг, у оғир ингранди, сўнг тирсагига таяниб, беҳол, бошини кўтарди.

Энди сенинг овозинг юракни қон қилар даражада ғамбода бўлиб, қонига тортар даражада илтижо билан тарала бошлаган эди.

Секин-аста у оёққа турди ва қарахт алпозда овоз келаётган тарафга қараб кета бошлади. Бундай бўлиб чиқишини сираям кутмаган эдим, шунинг учун ҳам тириклайин у дунёга бориб қолган ва фавкулотда кулфат, етти ухлаб туш кўрмаган ваҳшатлар ҳар қадамида кутиб ётган ғофилнинг жоначири каби юрак ҳовучлаб уни кузата бошладим. Чинор янгли тарвақайлаб кетган арчалар шу қадр қалин эдикки, икки одим нарини кўриб бўлмас, сизиб келаётган намхуш ҳаво, сувнинг шовуллаши шу яқин атрофда шаршара борлигини аниқлар эди.

Баногоҳ у тик жарлик устидан чиқиб қолди, шунда мен босинқираётган, тушида жарга учган бечорадайин сесканиб, жон ҳолатда оёқ тирагулик жой ахтардим, шунда пича хушёр тортиб, хиёбонда, курсида ўтирганлигимни, неки туюлган бўлса кечмишга дахлдор, кечмиш ҳам бир ҳодиса хоҳиш-иродага бўйсунмаслигини идрок этдим, уни ҳаёдан кечиришгина мумкин эди, ҳоло.

Юракка тўлғувчи танглик, таассуротнинг нохушлиги сил қилиб юборган, оёғимнинг учига довуру шилимшиқ, ёқимсиз тер қоплаган эди.

Тагин имдод тилаган овоз қуллоққа чалинди, энди у этак тарафдан таралар, умиди узилган нотавоннинг муножотидек ҳазин, шикаста эди.

У жарлик ёқалаб нишабдан куйига эна бошлади. Ниҳоят, арчалар сийрақлаша-сийрақлаша бирдан янглик бошланди. Шундагина менга ўша арчалар ҳам қандайдир сунъий, ясамадек бўлиб туюлди, зеро, манзаранинг ўзи ғайриоддий ва аянчли, кўнгила саросима солғувчи эди: қирдаги майсалар қовжираб ётар, бетон ариқчада сув эмас, зардоб оқар эди гўё. Ундан димоғни ёргулдек бир қўланса анқир эди. Энг дахшатлиси, даъватманд овоз ҳам бирдан ўчган, тўрт тарафидан кўркинчи сукунат ёпирилиб келар, қандайдир ғаниминг мақр ила сени домига илтиргандек, ҳозир ўзи арчалар панасида туриб сени кузатаётгандек, кўкрагини нишонга олаётгандек бўлиб туюлар эди. Ҳалиям кеч эмас, ҳалиям изимга қайтсам бўлади, - деб ўйладим, бироқ ўша ёқда жуда муҳим сир синаёт яшириндек, шуни кўрмасам, нима эканлигини билмасам, бир умр армон бўлиб қоладигандек дилгир кайфият туюдим. Менга туюлдики, оғир бир кулфатга дучор бўлмайман, кўнглим сезиб турар эди шуни, не кори-ҳол рўй бермасин, ҳали яшайман, ортиқча таҳлика ҳаётимга ҳавф солмаётир, фақат нимадир содир бўлади, қандайдир нохуш ҳодиса. Ундан қутулиш мумкинми? Ва шунда ичинимдан шуни сездимки, бундан ҳалос бўлишинг ҳеч бир иложи йўқ.

Баногоҳ баҳайбат илоннинг домида тургандек ҳис этдим ўзимни, беихтиёр орқага тисарилдим, шунга жаҳл қилиб гўё аллақим қўлтигимдан олди-да, итқитиб юборди, захру заққум оқаётган ариқдан ўтиб, уч-тўрт одим берига келиб тушдим, тизамга довуру тўпроққа ботиб кетдим, зеро, бу тўпроқ ҳам эмас, замин уқаланиб ётар, алақачон у қуйиб қул бўлиб кетган эди. Оёқ босишинг билан у пўриллаб теваракка сачрар, бурқсиган бадбўй эса, кўзни ёшлангириб юборар эди. Норозилик дарду дунёни қоронғи қилиб, оёққа турдим-да, тагин изимга қайтмоқ истадим, шунда қимдир мени даст кўтариб, қуйдириб қул қилгулик дўзах ҳароратида олиб уца бошлади.

Ҳар бири ораси етмиш йиллик йўл бўлиш, азоби бир-бирдан зиёда етти табақадан ўтгач, саккизинчи табақага рўбарў келдим, кўрдимки, ҳу этакда, қандайдир буталар орасида шир яланғоч қимсалар чумолидай ғимирлаб юришибди. Булутга ўхшаш ўчоқлар уларнинг боши узра келади ва шабнамдай тирқиратиб қўқимтир суюқлик пурқайди.

Ғимирлаб юрганлар эса, талвасага тушади, ўзларини тўрт тарафга уришади. Уларнинг савий-ҳаракати хурқан подани эслатар, айримлари оғзини қаппа-қаппа очиб, ўққа учган қушдек қулаб тушишар эди.

Ачқимтир қўланса димоғимга ўтириб, кўрғошин чўққандай ўпкам оғирлашганини ҳис этдим, ҳаво қуйган, ҳаво етишмас эди. Оёқостидаги халқоб ҳам сувилоннинг пўстидай қўқиш тоблаб ётар, ҳатто ундан нафасни бўғувчи аччиқ қўланса бурқсир эди. Игна қададан каби кўзларим ачишиб, икки чаккам сирқирай бошлади. Лоҳас тортиб руҳим жуда оғирлашди. Шундагина чарақлаб турган қуёш ҳам алланечук нотабий, қуёш эмас, балки ҳавони ёқиб, олов аралаш тинкани қуритувчи офат сачратаётган балои азим бўлиб кўринди менга. Бугун вужудимни шилимшиқ тер босди, ёқа тугмачаларимни ечиб юбордим, қани энди ҳаво етишса, қани энди чидасанг, шу зичлиқни юрагинг кўтарса. - Қандай жин қалди мени, ё тавба! Нима азоб бу? Кетиш керак. Ҳозироқ кетиш керак! - Ҳаёлимга келган фикр шу бўлди. Кейин

билмайман - судралиб токи бу ерга етиб келгунимча қанча вақт ўтган, агар янглишмасам, гарчи қуёш ҳамон аввалги жойида иланиб турган бўлса-да, алақачон мойи тугаган чирокдайн ўлимтик қизғиш шуъла таратаётган эди, ҳоло. Ҳаво ҳамон қайларандир келаётган қуюндининг ачқимтир исига қорнишиб ётар, бироқ нисбатан тоза, хиёл салқин тушган эди. - Қайси гўрдан шу балога ғирифтор бўлдим? - дея надомат кечдим пича ўзимга келгач, сўнг тирсақларимга таяниб хиёл ўғанимни кўтардим. Кўз олдимни чўлаб ётган туман секин-аста тарқалиб, бир-бирига чаплашиб ётган сарғиш нимарса булутлар янглиғ шамойил қасб эта бошлади. Ва мен кўрдимки, қоп-қора, шиланмиқ балчиқ ичида бир бола ўтирибди, у шир яланғоч. Аввалига у ирқит қўли билан юзларини ишқалади, ё раб, бу не кўргуликки, унинг майриқ қафти жуда хунуқ бўлиб, бош бармоғи йўқ, балки шунинг ўрнида икки тарафга тарвақайлаган саккизта панжа бор эди, итдан-да баттар уқувсизлик билан у қўлларини силқир, тайинсиз - ўзидан-ўзи ирғишлаб қийқирай, тиртиқ лаблари орасидан бўғиқ бир овоз билан бирага тупук сачрар, сулақайи кўксига оқар эди; курак тишлари бесўнақай тарзда туртиб чиққан десанг, ҳақчадек айри қўшалок бурни рапидадай юзларини иккига айириб ташлаган, нақ икки чеккасидаги кўзлари эса, тамомила маъносиз боқарди.

Унинг ёнида турган ўсмирнинг билакларини тук боса бошлаган, чап кўкраги эса, бўй ётган қизикига ўхшаб туртиб чиққан, оёқларида ярашиқсиз учта бармоқ бор эди. Икки орада эса, афтидан эгизаклар ўтирар, боши ўмизи бир, нақ белига довуру тани тутшиб кетган, фақат оёқлари икки жуфт, уларнинг бири ҳадеб балчиқни чалпиллатар, иккинчиси эса, ўжарлик билан бурнини чўқалар эди.

Бирдан кўнглим айнади, зардоб аралаш қандайдир туюр келиб бўғзимга қалалди ва титраб-қақшаб ўқчий бошладим...

Кўзимни очиб, ақл бовар қилмайдиган даражада озода, ҳавоси денгиз бўйиникидай ёқимли, чарогон хонада кўрдим ўзимни ва энди аввал кўрган-кечирганларим олачалоқ туш каби тўйила бошлади, бошим сирқираб оғир, бўйин тарафим қизиб кетган эди; остимда, устимда оқ-оппоқ чойшаб, оқ холли девор жавонни эслатар, унга атлақандай бежирим усқуналар ўрнатилган, стол устида ҳам қатор шундай масломалар тизилиб турар, улар япон ойнаи жаҳонларидан ҳам бежирим, кўримли, агар сен ишонсанг, умрим бино бўлиб, бунчалар расо хонани, бу қадр хушбичим жиҳозларни сира-сира кўрмаганман. Туш эмас эди бу, шунинг учун ҳам, наҳот ўзга сайёраликлар сеҳрлаб олиб кетишган бўлса, деб ўйладим, ёт бир салтанатга тушиб қолганлигимни кўнглим сезар, фақат муҳокама юритишга зиғирча сабру тоқат йўқ эди; беҳол кўзларимни юмдим. Қайдандир соат зангига жуда-жуда ўхшаш садо таралди, фақат у бир-бирига ишқаланган темир овозидек шу қадр чийиллаб чиқдики, асабимни чийириб юборди. Кўзимга тушиб турган ёруғ бирдан хира тортиди. Чироклар ўчди, демаски, кеч бўлган, демаски, соат занги шуни аниқлаб таралган эди.

Уйқум ўчгач, бир муддат ҳатто тит тегмаган оқиш шифтга ҳеч қўника олмай, уйқузигина тикилиб ётдим. Кеча кўрган, ҳатто босинқирашдан баттар бўлиб тўйилаётган манзаралар - биз яшаб турган моддий оламнинг қайсидир бурчагида шундай жараён кечаётганигини ақлга сифидири маҳол эди - бугунга келиб тасаввуримда хира торта бошлаган, шу тобда фавкулотда замонавий қасалхонада ётибман дея ўзингни овутигинг келар, ҳатто шунга ишониб ҳам мумкин эди. Гарчи ўзим истамасам-да, - нега унда ҳамшира кўринмайди? - деган савол ҳаёлимдан кечди. Ва азбаройи зикланиб кетгач, туриб ўтирмоқчи бўлдим. Жаҳд билан ўғанимни кўтаргани ўмтилдим-у, бироқ қимир эса олмадим, кўз илғамас атлақандай куч тўшакка миҳлаб турар, қимир этишга имкон бермас эди, шундагина билакларимда, оёқларимда, ҳаттоки манғлайимда ҳам бўлак бир нимарса таъсири мавжудлигини сезиб қолдим, аслида ҳам шундай: усқуналар билан туташ интичка симларнинг боғичи билакларимни сикиб турар эди.

Бирдан бўшашиб кетдим, беҳол, кўзларимни юмиб ўйга толдим: - Наҳот бу - ўша - "Азозил салтанати"? Азир, мен ўқиган фантастик асар эди-ку? Ҳа, шундай, Станислав Лемнинг, йўқ, йўқ, бўлак бир муаллифининг шох асари эди у. Яқиндагина мутолаа қилган, ҳатто номи ҳам аниқ ёдимда эди: "Азозил салтанати". Туркиёлик адиб эди шекилли? Э-э, ҳа-а, топдим, олмониялик... айтмоқчи, аслида бунинг нима аҳамияти бор? Аммо ўша романда ифода этилган ҳодисаларнинг айнан ўзингисини қуёш бу? Ҳатто манзаралар ҳам ўхшаш. Ҳа, дарвоқе, у асарда тасвирланишча, воқеалар ўзга сайёрада кечади. - Тагин мени хушимдан айириб, учар ликопчада бу ерга олиб келишган бўлмасин? - деган ўйга бордим, лекин аслида нотавон қимсаннинг ўзини қалғитишга уринишдан бўлак ҳеч вақо эмас эди бу, зеро, ҳеч маҳал бунчалар ожиз қолмаган, негаки, тоғдан ошиб тушиб, бош чаноғи суврати солинган тасвирни-таъкиқ аломатини кўрган, шунда-да изимга қайтмай арчазор оралаб янгликка чиққан, оёғим остидаги тўпроқ қуйиб, қул бўлиб ётганлигини билди туриб, тагин илғари силжиган, майиб-мажруҳлар, юрагини беэдириб юборган қуйинди ҳидиям аниқ ёдимда, ўз оёғим билан шу салтанатга келиб қолганлигимни сира инкор этиб бўлмас эди.

Менга шундай бўлиб туйилган бўлса-чи? - деб ўйладим иттифоко, дилга ҳайрат солгувчи шу эдики, Феруза, агар сен ишонсанг, мана, ҳозир ҳам, гарчи орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, ўша таъқиқ аломати кўзимга аниқ кўриниб турибди, арчазорда гўё шунча рўбарў келганман, ҳадеб шундай тассурот туғилади менда, гўё калла суяги устига у кўрга ҳасаддай қилиб қўйилган?!

Қачон, қаерда кўрганман уни? Билмайман, эслай олмайман сира? Ва яна менга туюладики, майсалар устига кулаб тушгач, кайтиб ўзимга келмаганман, аслида руҳим учиб, бўлак сайёраларга келиб қолган, холос. - Ўзга сайёралардан чиндан тоғ бағридан олиб кетган бўлишлари ҳеч гап эмас-ку, ахир? Улар, табиийки, аввалдан пухта чизилган мўлжал бўйича иш юритишади, яъни менинг шууримга шундай таассуротлар сингдиришган ва мен ўзимни шундай жойларда - арчазор оралаб жар бўйида юргандек сезган бўлишим ҳам мумкин-ку? Бу караш бир мунча асосли эди, қайсидир рўзномада ёзишларича, кечаси ташқарига чиққан аёл баногоҳ ўзга сайёралар илкига тушиб қолган, келгиндилар уни олиб қочишган, ҳадемай аёл ўзини барра майсалар солланиб ётган адирда кўрган, шунда унга айтишарки: - Бу бизнинг салтанат эканлигига, чиндан ўзга сайёралик эканлигимизга ишонч ҳосил қилгандирсан?

Аёл айтган: - У дунёю бу дунё ишонмайман бунга!

Табиийки, ўзга сайёраларнинг жаҳли чиққан ва уни олиб тагин изларига қайтишган, қайтатуриб шўхроғи аёлнинг лозимига ўт қўйиб юборган...

Булар барчаси, рост бўлса агар, кўз юмиб-очгунча содир бўлган. Ҳадеганда аёли келавермаган, тўраси безовта бўлган, қаёқда қолди бу?, деб ҳовлига чиққан, не кўз билан кўрсинки аёли томда ўтирипти, кўкрагига довр шир ялонғоч, ажабки, лозими куйиб битган, бироқ тани куймаган...

Жабрдийда узлуксиз фалакка ишора қилган, бироқ овози чиқмаган...

На ростлигига ишонсан ва на ёлғон дея оласан буни.

Фалаж бўлган каби қимир эта олмай ётар эканман, дафъатан очикмаганимни, сўнг мана шу исканжага нисбатан дилимда на исён ва на норозилик туймаганимни идрок этиб, рости, ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Гира-шира хонанинг чап бурчагида, афтидан, кимдир диққат билан мени кузатар, чамаси, унинг назари тошдай оғир эди. Сезгиларим алдамас, миямнинг қайсидир хужайралари узлуксиз ишлар, шунга ишоним қомил, назорат этувчи таъсирга улар итоат этмаётган эди. Бошимни буриб, сирли бурчакка қараш, назорат этувчини кўриш майлини туйдим, лекин худди шу пайт оёқуида турган ойни жаҳонда рангин нурлар учқунлади, сўнг бирдан у тиниб, катта тезлик билан яқинлашиб келаётган юлдузсимон сайёра намоен бўлди, аввал билан тортиб ётган нуқталар равшан тортишди ва мовий тус касб этишди, кейин чайқалиб ётган адоксиз денгиз кўриниш берди, бамбукка ўхшаш аломат дарахтлар, ўзини қаёққа урарини билмай изғиётган одамсифат жонзотлар, уларнинг боши узра маржон-маржон суюклик сепиб учаётган тайёра...

Вьетнамга ўхшайди, - деб ўйладим мен, - лекин шу ёшга кириб, бунақа тайёраларнинг қорасиним кўрмаганман, - Кимдир шунда бевосита шууримга таъсир этиб, уқтирдик: - Азозил салтанати бу!

- Азозил салтанати? Наҳотки? Демак, рост экан-да? Демак, шундай салтанат мавжуд экан-да? Ўша сезгилар мени ҳалокатдан сақлаб қолиш умидидами, хотирамда сақланиб қолган тасаввурни тиклашга зўр бериб уринишар эди...

## ШАҲРИЗОДАНИНГ ТЎРТИНЧИ НАҚЛИ

Шундай қилиб, Ошиқ Ғариб ўша боғда савлат тўкиб тураверсин, энди гапни бу ёқдан эшитинг: феруза унинг қўлидан сирғалиб чиққач, бир ғарибона ҳовлига, бир уй, бир дахлиздан иборат хонадоннинг супасига келиб тушибди. Бу уйда бир чолу кампир яшар экан, уларнинг Муштарий исмли ўғиллари бўлиб қўлидан бир иш келмаса-да, баланд мартабаларни ҳавас қилиб юрар экан. Муштарий қийналиб, дарсликларини қўлига олиб уйдан чиқса, бир нима кўзини қамаштирар эмиш, нима экан бу, деб қўлига олса, феруза экан.

Бу шунчаки тош эмас, унда бебаҳо ҳикмат яширин эканлигини у ферузани қўлига олган заҳотиёқ пайқади, чунки бирдан ўзи бир бошқача бўлиб кетибди. Муштарийнинг синфида Феруза исмли киз бўлиб, йигит шу сулувни ўзига соме ҳолда кўришни истар экан, ўша куни мактабга борса, ўзи ҳаёл қилганидек бўлибди: ҳамшиша мағрур юрадиган киз унинг истиқболига юғуриб чиқибди...

Муштарийнинг бирдан-бир орзуи Ферузага уйланиш экан, чунки бу санамнинг тоғаси вазир бўлиб, у орқали катта амалга эришиш мумкин экан. Ниҳоят, йиллар ўтиб, шундай бўлибди ҳам. Энди у Феруза билан пойтахтда яшай бошлабди, аспирантурага кириб номзодлик ишига қўл урибди. Аммо у ҳар қанча уринмасин, ишини силжита олмапти. Бундай ишларга Муштарийнинг сира ўқуви йўқ экан-да. Лекин вазирга

бориб, илмий ишни эплай олмаяпман, дейишга юзи бўлмапти. Бориб айтибдики, илмий раҳбарим жуда қаттиққўл. Қолаверса, ўзининг докторлик иши билан банд. Ўзингиз бир оғиз айтиб қўйсангиз...

Вазир сим қоққач, профессор, ха, дарвоқе, у пайтда раҳбари профессор эмас, ҳали оддийгина фан номзоди экан, хуллас, у Муштарийни ёнига чақирибди-да, қўлига бир диплом ишини тутказибди, шунини бош-ёнига пича қўшинг, юмалоқ ёстик қилинг, қолганини менга қўйиб беринг, депти.

Муштарийси тушмағур шунини ҳам эплай олмагач, тагин вазирга борибди, тоға, ўзингиз ҳимо бермасангиз, ишим чувалашиб қетаяпти, дебди.

Вазир сим қоққач, тагин раҳбари уни ёнига чақирибди, улугларнинг илтимосини биз ерда қолдирмаймиз, опкелинг ҳалиги ишини, ўзим юмалоқ ёстик қилиб бераман, депти.

Шундай қилибди ҳам. Муштарий илмий ишини энди ҳимоя қилмоқчи бўлиб турганида вазир жиноят устида қўлга тушиб, чарх тескари айланиб кетибди. Раҳбари энди Муштарийни кўрса ҳам кўрмаганга оладиган одат чиқарибди, "фалончининг куёвига ўхшаган дардлар..." дейдиган бўлибди.

Муштарий ўйлаб-ўйлаб охири "фалончининг куёви" деган исноддан қутулмасам бўлмайдингана ўхшайди, деган тўхтама келибди. Ферузадан ажралош билан иш битмайди, дебди у, унинг бўйида бор. Аввал болани олдириш керак. Ана ундан кейин Ферузанинг жавобини бериш керак.

Шундай қилибди ҳам, лекин бари бир йўли очилмапти. Раҳбарининг олдига борса, у Муштарийни жерқиб ташлабди: - Сен жуда ҳам муттаҳам бола экансан. Илм оламида сенга ўхшаганларга ўрин йўқ.

Муштарий ҳаммасини тушуниб кетибди.

- Домла, - дебди у, - мен Ошиқ Ғарибга ўхшаб кетингиздан сасийдиган шогирдларингиздан эмасман. Яхшилигингизни тоабад унутмайман. Тўрт хонали уйим бор. Ҳимоя қилган кунимок шунини сизга инъом этаман.

Раҳбар "ҳаёлинг жойига келди-ку, бола!" дегандек кўз остидан унга қарабди.

- Ошиқ Ғарибни ҳалиям эси қирмаптимиз?

- Ҳа. Қизил профессор бўлмоқчи бу акам, дейди.

- Ҳар қим қилса ўзига қилади.

Раҳбар бошқа ҳеч нарса демапти. Лекин шундан кейин ҳам Муштарийга жоначир муомала қилмапти у. Ахир Муштарий тушуниб етибдики, Ошиқ Ғарибни чаққан билан иш битмайди. Илмий раҳбарига гап ташийдиганлар узи ҳам етарли. Агар ҳозир бир эвини қилиб, унинг кўнглини олмаса иши қийинчилик билан кўчади. Қандай қилиб бўлмасин, илмий ишини ҳимоя қилмаса дўсту ёрларининг қошида юзи шувит бўлади.

Бисотида бор-йўғи - ферузани олиб у илмий раҳбарининг хузурига борибди.

- Сизга бир ҳаё опкелдим, - депти у, - Бу шундай қимматбаҳо, ҳам бунинг устига сеҳрли тошки, уни қўлингизда тутиб нимани ният қилсангиз, шу юзага чиқади.

Илмий раҳбари сеҳрли тошни олиб қўлига айлантириб кўрибди. Феруза унга маъқул тушибди шекилли, ҳимояни кейинги ойдан қолдирмаслиқ лозимлиги хақида гап очибди...

## ШАҲРИЗОДАНИНГ БЕШИНЧИ НАҚЛИ

Ошиқ Ғариб қизил профессор деса-да, у ҳали профессор эмас, оддийгина фан номзоди экан. Ферузани қўлга қиритган кезлари кафедрадаги нуроний профессорга тирғалиб, ярим ҳазил, ярим чин тарзида "Сиз ҳам бир узлатта чекинмадингиз, биз ҳам профессор бўлмай ўтдик-да, бу дунёдан" деб юрган экан.

Ферузани қўлга қиритган кунининг эртасига у профессорга тегириб шундай ҳазил қилган экан, оқсоқол ўйлашиб қилибди, сўнг бир вароқ қоғоз олибди-да, жаҳл билан ариза битибди, уни кафедра мудирига тутказар экан "менинг ўрнимга шу одамни профессорликка тавсия қилинг, кейин гўримга гишт қалаб юрмасин яна. Аммо... "Бобур инқилобни кўра олмаган" деган гапини йиғиштирсин", дебди.

Ҳазил-ҳазил билан оқсоқол пенсияга чиқиб кетибди, унинг ўрнига фан номзоди бўлса-да, унинг номзоди кўрсатилибди.

Шундай қилиб, у профессор ҳам бўлибди.

Профессор неники истаса, рўёбга чиқар, атрофида талай шогирдлари гирдиқапалак, фақат... Ошиқ Ғарибгагина бас кела олмас экан у. Шу боис тағдор ва маъноли қарайдиган бу шогирдининг ишини орқага ташлагани-ташлаган экан-у, бироқ ўзини кўрди дегунча ичи куйиб кетар экан.

Ошиқ Ғариб ўзидан кўра иктидорли эканлигини ич-ичидан



сезар экан. Илми зиёда эканлиги ҳам шубҳа қилмас экан, шунинг учун ҳам унга сира-сира йўл бергиси келмас экан. "Мен уни синдириб ташлайман", дер экан профессор, шу боис уни ароққа берилган. Қачон қараманг, қийшайиб юради. Тагин атрофида уч-тўрт талаба. Ахир уларнинг тарбиясини бузади-ку бу ярама", деб йиғинларда топтар, яна шунча маломатдан кейин Ошиқ Ғариб дуч келса, ўзига шпончини йўқотмай тик қарашини, профессор бўлмаган маҳали ҳам атай профессор деб аташи, энди "қизил профессор" деган қичиги... унинг жон-понини чиқариб юборар эди.

Кани энди Ошиқ Ғарибни хору зор, чалпаги чиққанини кўрса. Профессор узоқ ўйлабди, ахирги бир йўлини топибди. У келишган, қизларга ўч киши бўлганлиги учун ҳам сирдан кўпчилик ўлгудек хотинбоз деб ҳисоблар экан. У қандай йўл билан бўлмасин, Ошиқ Ғарибнинг аёлини носотга чиқариш керак, деган тўхтама келибди. Бунинг учун эса, уникига бир кириб чиқиши қифоя экан. Бу ёғини илмоқли гаплар, қочиримлар билан...

Шундай қилиб, у Ошиқ Ғарибнинг уйига бостириб кирибди-да, Шоҳсанамга суйкалган бўлибди. Гарчи кўлидан ҳеч иш келмаган бўлса-да, қайтиб кетаётган маҳали Ошиқ Ғариб уни кўриб қолибди. Профессор кейин ҳам ҳал уни кўрганида ўзини ғалати тутиб - мийғида кулиб қўйибми ёки шошиб қолгандек ҳаракат қилибми - дилидаги шубҳа гумонни баттар оширибди. Шу тариқа Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанамнинг ажралиб кетишига сабабчи бўлибди ҳам.

Профессор кибр билан юргани учун одамлар у бунчалик тубанликка боради деб ўйламас экан-да.

### ТўРТИНЧИ ФАСЛ

Мен кўзимни очганимда аллақачон тонг ёришган, қуёшнинг тафтсиз шуълалари деразага урилиб ўйнар эди.

Дилим ғаш.

Мен бу алпозда ортиқ ёта олмаслигимни ҳис этдим, секин ўрнимдан турдим-да, бориб ювиндим. Дераза ортида аллақандай куш чуғурлар эди.

Дилтанг, кийиниб кўчага чиқдим.

Бошим айланиб, тоғга қандай бориб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Остини майса қоплаган дарахтлар сокин қад ростлаб турар, атроф-жавоним кимсасиз эди. Новжувон чинор олдидан турган, қора кийган Шахризодани кўрган заҳотим юрагим увишди, ҳалос бўлдим дея умид қилгач, балолар ҳали тарк этмаганини сезиб жоним ўртаниб кетди.

Шу тобда у билан сўзлашишга ҳам тоқат йўқ эди менда. Ҳамма балога фақат шу айбдор дея билардим. Энди ортимга қайтмоқчи бўлганимда у овоз берди: - Исмсиз!

Тўхтадим.

- Сизни кутиб ўтирган эдим.

Унга сари ўтирилдим. "Мени тинч қўйинг", дейишга чоғланган заҳотим: - Жудаям бағритош одам экансиз, - деб қолди у.

- Ким айтиди сизга?

- Агар мен хоҳ шол, хоҳ у сўқир, хоҳ бир ногирон бўлсин, шунчалар интилиб яшаса, йўлларимга кўз тикса, мени кўриш унга шодлик ато этса, гарчи уни хушламасам-да, шундай қилишга тоқатим бўлмасам-да, бари бир, албатта борган, бир лаҳза бўлсин кўнглини овлаган, бахтнинг ўзи йўқ бўлган бу ғариб оламда бир зум бўлсин уни саодатманд этган бўлар эдим.

- Тушунмадим.

- Сиз эса ҳамма ёққа ўт қўйиб юбордингиз.

- Ҳа-а. Донолардан бири: мақсадга эришиш учун ҳар қандай ёвузлик ва шафқатсизлик қилиш мумкин, музаффарият хунрезликни ювиб кетади, - деган экан.

- Мен сиз билан хайрлашгани келдим, - деди у. - Кеча профессор қатта бошини кичик қилиб ҳузуримга борган экан. Агар "йўқ" демасам, менга уйланмоқчи эмиш. Мен ундан бир нарсани ўтиниб сўрадим. Йўқ, ҳиммат қилди, - У қўлини олдинга чўзди, шунда мен қафтида жилоланиб турган ферузани кўрдим. У оёқостидаги ариқчадан чап қафтида сув олди ва аллақандай афсунгар дуоларни ўқигач, "агар одам бўлсанг аслингга қайт" дея сувни ферузага сепди. Кўз юмиб очгунча бўлмади ҳарир либосларга ўранган бир санам унинг қаршисида ҳозир бўлганини кўрдим. Кейин у яна ховучларини тўлдириб сув олди, тагин қандайдир дуоларни ўқиди ва сувни новжувон дарахтга сепди: "Агар одам бўлсанг, аслингга қайт!"

Мен афсонавий китобларга тасвирланган шоҳона либосдаги шаҳзодани кўргандай бўлдим.

- Шоҳсанам!

- Ошиқ Ғариб!

Улар гўё икки томчи кўз ёшидай бир-бирига сингиб кетиши.

Шахризода ортиқ уларга эътибор бермай, дедики:

- Мен бугун бир ажиб туш кўрдим. Тушимда ерга минглаб юлдузлар тўкилди. Уларнинг ичиди иккитаси жуда равшан жилולי эди.

Келинг, энди хайрлашайлик. Одинова Базаровни қандай ўпиб видолашган бўлса... - У кулиб манглаймга қафтини босди-да, ўзининг бармоқларидан ўпган бўлди. - Хайр...

Баногоҳ у кўздан йўқолди.

Бамисоли туш эди: хиёбон кимсасиз, ҳувиллаб ётар, лекин мен ўз кўзим билан кўрганларимни ҳам инкор қила олмас эдим...

### IV

Юрагим қон силкиб, эзилиблар кетган, кўзёшига ғарқ бўлиб, бутун вужудим фарёдга айланиб бораётган эди гўё. Бесўнақай гўшт қиймалагичдан чаккиллаб томаётган қон, итсимон жониворнинг суврати солинган бежирим идиш... кўз олдимни тўсиб қўйган, ўқчир, бу балодан ҳалос бўла олмай бутун вужудим қичишар, нафасим сиқилар, устига-устак бир бало гумириб келиб юрагимга тўқилар эди. Аламимга чидай олмасдим сир, нима азоб бу? Не кўрулик бу?! Гуноҳим нима менинг? Қаршимда майишиб ётган темир столни муштлай бошладим, баногоҳ қуруқликда қолган балиқдай ҳаво етмай нафасим сиқди, тирскларимга дову терлаб, кичиша бошлади. Қашиган жойим эса, эсканлаб кетар эди. - Тамом бўлди. Тугади, - деган ўйга бордим, шу чоғ кимдир қўлтиғимдан олди-да: - Сиз куйинманг, - деди шивирлаб. - Бехуда кийнаманг ўзингизни. Булар барчаси ўткинчи! Дард қандай келган бўлса, шундай чиқиб кетади! Фақат ўзингизни қўлга олинг! - Унга итоатан пича ҳаёлимни йиғиб, зўрга ўрнимдан турдим. Кўзларимдан жовуллаб ёш оқар, ҳалиям ўзимни сира тута олмас эдим.

Ўйга келгач, баттар кўнглим ағдарилди, оғир дардга чапиниб шишиб кетган одамнинг шифо таъсирида жисму жониди йиғилиб қолган лахта чиқиб кетаётгандек эди гўё. Рухим енгил тортиб борар ва кўнглим баробарида ўша иқлим, азозилчилар, бинобарин, ўзимга нисбатан чексиз бир нафрат туяр эдим. Атрофимдаги кишилар - ҳаракат туфайли амалга эришган, шу ўрнини тўлғазиш учун ҳатто отасини ҳам нуғутан раҳбар, шу олағовурда бир нарсали бўлиб қолай деб ўзини ўтга, сувага ураётган депутат, халқ эрки йўлида курашамиз деб жонфидоларни атрофига йиққан, баландпарвоз шиорлар остида пул жамғараётган Файласуф - ҳамма-ҳаммасининг чиркин турку таровати кўнглимга урган. Уларнинг аҳоли ўша нотавонларникидан бешбаттар аянчли бўлиб кўринар, шунинг учун бўлса керак, тўдасидан ситилиб чиқиб кетган юлдуз каби улардан узалиб, тобора узоқлашиб борар эдим.

Кечага томон обдон ювиниб, жойимга ётдим. Покланган эдим, буни сезмаслик ҳеч мумкин эмас, фақат кўнгли ғаш, ноумидлик ва бугунга қадар чўзилган кунлар асорати тамомила ювилдиб кетмаган эди ҳали. Азозил таълимоти чирмовуқ каби шууримни чирмаб олган, гарчи у таъсир кучини йўқотса-да, заҳарланган тафаккур заҳа ёмаган ҳосил беришига кўз етмас, умр ҳазон бўлган, ғайринисоний улуг синиб руҳимни синдириб ташлаган эди. Яшашга яроқсиз ва ортиқча ҳис этардим ўзимни. - Улар қандай чидаб юришган экан? - деб ўйладим мен, ҳали узоқ йиллар елкама-елка кетиш мумкин бўлган ҳамкасбларни бир-бир хаёлдан ўтказиб, - эҳтимол, ҳаётнинг, демакки, одамзоднинг аслида бўлган-тургани шудир? Ахир, Нишче ҳам: "Тараққиёт" бир қарашда замонавий, аслида сохта ғоя. Бугунги овулоликнинг маънавий қадриятлари Ўйғониш давридаги ажлодлариникига нисбатан қисбала бўлмайди даражада қашшоқдир", деган эди-ку?! Умумзаковатгина тараққиётга йўл очади, шунинг воситасида Инсон мутлақ эркин яшашни мумкинлиги эҳтимол. Маломки, бунинг акси экан...

Муҳокамага ҳожат йўқ, зеро, бунга тайёр ҳам эмас эдим ҳозир.

Ҳар ким феъл-хўйидан келиб чиқиб ҳаётга мослашадиган ва яхши яшаш учун ўзига қулай усулни ўзи ўйлаб топади, - деб ўйладим мен бир муҳаррирнинг амалдан кетиши муқаррар тус олгач, жаҳон тарихида из қолдирган сиёсий арбобларнинг ишдан четлашгани ва шундан кейинги ҳаётини ўрганиб чиққани, президент Де Голл ҳақидаги китобни муғолаа қилгач, - буни қаранглар! Ҳатто президентликдан четлашган кунга ҳам жуда хушнуд, яна минг йиллар шу лавозимда ўтирадигандек тутган экан ўзини, - дея ҳаяжонлангани ёдимга тушиб. Гарчи уша муҳаррир шу кундан бошлаб оғир синовга ўзини тайёрлаган эса-да, ишдан кетгач, Де Голл бўла олмаган, ҳатто унга таассуб қилишни ҳам элламаган. Ўзи билан ўзи бўлиб, аянчли ва нотавон аҳволга тушиб қолган, одамларнинг раҳмини келтириш учун угада кийиниб кўчаларга чиққан, икки гапининг бирида: - дунёда адолат йўқ экан ўзи. Кимга мен нима ёмонлик қилувдимки... - дея чайналдиган одат чиқарган. Ҳаёлимдан шу келгач, ғарибона илжайиб қўйдим. - Тақдир. Кимдир ҳаёнат эвазига яшайди, яна кимдир... - Асорати кўнглига чўқиндидай чўқувчи бир маромдаги шу ўйлардан азбаройи ўзимни чапгитиш умидида, узалиб ўриндикда ётган рўзноамни олдим-да, шунчаки кўз югуртира бошладим. Шу тобда рўзнома варақлаш ҳам юракка сигмас, нима киларимни ўзим билмас эдим, энди уни иткитиб ташлайман деб турганимда қизил сиёҳ билан чиройли белги қўйилган жойга кўзим тушди. - Нима экан ўзи бу? - деган ўйда ўша сатрларни кўздан кечира бошладим: "У безовта, қизни соғинган, гарчи тинимсиз хатлар ёзса-да, сўнгги муддат ундан жавоб олмаган, шунинг учун ҳам ўзини қўярга жой топа олмас эди. Юқларини

қолдириб, хатто аскар кийимида ошиғич изига қайтди ва муолишдан у яшайдиган кўчага бурилган захоти кўрдикки... не кўз билан кўрсинки, шундоқ рўбарўсида у... никоҳ маросимида кийиш урф бўлган либосда... бежирим оқ кўйлак унга шунчалар ярашар деб ўйламаган эди. Кўнгил бергани гулдай очилиб кетган, юзлари аввалгилардан-да тиник, малоҳатли, қарашлари бағоят сокин эди. Аскарнинг юраги ўртаниб кетди. У бориб, суйганининг кўлларидан тутди-да, ўпкаланиб сўрадики, кейинги уч ой бадалда нечун бирон-бир хатига жавоб ёзмади? Нечун, нега ахир эғнида бундай либос? Тинчликми?

Боёқшининг юраги япроқдай титрар, бу унинг хавотирли нигоҳида акс эгиб турар эди.

- Сени бир соғинсин деб атай хат ёзмадим, - деди қиз, сўнг унинг эғнидаги либосга ҳадик ичра термулди кўриб айтдики: - Бир умр шу қулни озқиб кутганман, бир умр шуни ният қилганман: сенинг йўлингга келинлик либосида чиқишни... Шунинг учун ҳам атай...

Аскар суйганининг меҳрига тўймай, унинг чаккасига қўйилиб турган сочларини таради, кейин киприклари билан унинг ёноғини силади. Илоҳий сархушлик банд этди уни: хилват бир жойда суйганининг дийдорига тўймоқ истарди, кўчанинг нариги юзидаги ресторанга кўзи тушди ва қизни кўлидан тутиб у ёққа сурғалади.

Ресторан чиндан ҳам, сокин, хўранда деярли йўқ ҳисоб, эҳтимол шунинг учундир, кўз юмиб очгунча улар неники тилашса, официант барчасини муҳайё қилди: аччиқ-чучуқ, мева-чева, ноз-неъмат... Ошиқ-маъшиқ ўтиришига файз кирсин учун у шампан виносини очмоқчи ва илтифот кўрсатиб уларнинг фужерига қўймоқчи бўлди, шиша калпоғини бўшатган захоти у бўйин бермай кўкка учди, кўпириб тошган вино маъшуканинг ок-оппоқ либосига сахради ва унинг этакларига қўйилиб кетди.

- Вой, бу нима қилганингиз? - маъшуқа сачраб ўрндан турди. - Ахир... ахир...

- Ҳечқиси йўқ, айланай, кўзингни юмиб-очгунингча қуриб кетади.

- Ахир - доғи қолади-ку бунинг! Мен... мен...

- Атайлаб қилдими холанг, қоқиндик! Майли, агар иримчи бўлсанг, дилинг оғримасин, ўзим сенга атай яп-янгибидан, кўнглинг тусганидан олиб бераман, қизим.

Официантнинг ва на йигитнинг гапига кирмади қиз. Кўз ёшлари ювиб тушаётган юзини кўллари билан бекитганча отилиб кўчага чиқиб кетди у.

Йигит унинг изидан ошиқиб чиққанида кўча хувиллаб ётар, бу яқин-орада қизнинг қораси кўринмас эди. Шунинг учун ҳам суйганини ахтариб у тўғри қизнинг уйига кириб борди. Уни кўрган захоти қизнинг онаси титраб кетди, сўнг қалтироқ кўллари унга узатганча уввос солиб йиғлаб юборди.

- Ҳа, тинчликми? Нима гап ўзи? Қани у? - деди йигит жоникқанча. - Жуда аломат қилиқлари бор-да қизингизнинг!

- Болам бечоранинг умри қисқа экан! Шўрлик пешонамга сизмади! Уч ой бурун... - Она бечора изиллаб йиғлай бошлади: - Сениям, мениям ташлаб...

- Нима-а? - Йигит ҳангу манг бўлиб қолди. Қулоқларига ишонмас эди у. - Қўйсангиз-чи, ахир... Нималар деяпсиз ўзи? Нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи! Ахир биз ҳозиргина... - У бўлиб ўтган воқеани бир бошдан айтиб берди, бироқ на она, на ота ишонди унга. Хатто официант тасдиқлаган тақдирда ҳам...

Хайратангиз ҳодиса: шу кун шомгача бутун шаҳарга овоза бўлди, биров ажабланар, биров ёқа ушлар, ҳеч ким ишонмас эди лекин. Ҳаройиб ҳодисанинг сирлилиги барчада бирдек қизиқиш уйғотар, кишилар минг хил тахминни тўқиб-бичишар эди: эҳтимол ўлмагандир у, тирикдир. Қабрини очиб чиққандир? Фалон шаҳарда худди шундай ҳодиса рўй берган-ку!

Қабр эса, дафн маросимидан кейин не алпозда қолган бўлса, шу ҳолича турар эди. Кўпчиликнинг иродасига итотан ахирги қабр очилди. Тобут хиёл намикқан, унинг ичида эса... ҳозир узилган гулдай, ҳозиргина кўчадан келгандай у узаниб ётар эди, фақат лабларининг учидан ажиб бир табассум котиб қолган, эғнида ўша - оқ-оппоқ либос, фақат унинг этагидоғига сахраган винонинг сарғиш доғи сингишиб қолган...

Рўзнотани инқитиб юбордим, - қаёқдан ҳам унга кўзим туша қолди, ё тавба! - Баттар дилим хуфтон бўлган, бири-бирини етаклаб, бири-бирдан нохуш тафсилотлар ҳаётимга кириб келаётган эди. Ва улар мен биратўла нутишни истаган кечинмаларга қандайдир шамойил ва маъно бағишлаб, ғайришуурий ҳодисага муайян аниқлик киритган эди. Гарчи шуни истамасам-да, - Шаҳризодаям ўша қизга ўхшаш бўлиши мумкин, - деган гумонга бордим, - бунинг тағига етиш керак! Унча қийин эмас бу. Ётоқхонага бориш, шундай қиз яшайдими, йўқми, сўраб-суриштириш керак, вассалам.

- Йўк! Йўк! Йў-ўк! - Жоникиб, беихтиёр чинқириб юбордим, сўнг бошимни ёстикка бурқаб, ўқрандим: - Кераги йўк! Ҳеч нарсанинг кераги йўк! Билмайман, билишнйм истамайман. Э-э, худо! Қандай

кунларга қолдим, нима деган гап зўр бу? Ахир, на ётганда ҳаловат бор, на юрганда?! - Хийла вақт шу алпозда қимир этмай ётдим, шу кўйда тош қотиб уйкуга кетишни истар, бироқ назаримда, ҳозир ғайритабиий бир қор-қол муқаррар содир бўлади, шуни кўнглим сезар, беомон бу исканжадан ҳалос бўлишнинг, икки ўтнинг орасидан чиқиб кетишнинг иложи борлигига сира кўзим етмас эди. Аввалига биров мени жуда диққат билан қузатаётгандек бўлиб туюлди, сўнг эҳтимол шунинг оқибатида бирдан юрагим сиқилди, - булар барчаси ўшанинг иши, деб ўйладим мен ноҳайрихоҳлик билан, баноҳоқ боя аллақимнинг - сиз кўйинманг, - дея шивирлагани, - булар ҳаммаси ўткинчи! Дард қандай келган бўлса, шундай чиқиб кетади! - дея тасалли бергани, бу Шаҳризоданинг овозига қўйиб қўйгандек ўхшаши, эрталабқи фолбин ва унинг қарашлари... ёдимга тушди. - Айнан ўша! - деб юбордим беихтиёр. - Ва ёстикки бир четга итқитиб, беихтиёр ирғиб ўрнимдан туриб кетдим. - Ўша! Ҳа-а, ўша! Ҳаммасига сабабчи ўша! - Гарчи, аллақачон қоронғи тушган бўлса-да, кийиниб ётоқхонага боргудек, сир у синоатнинг тағига етгудек важоҳатда эдим, энди бу йўлдан ҳеч қандай куч қайтарма олмасди мени, бироқ тўсиндан уларни - тағин кечаги жойларда, кечаги алпозда - бир-бирларига термулган кўйи мунгайиб турган ўсмирни, қизни кўрдим-у, - ё раббий! - дея чинқирганча тағин ўтириб қолдим, - қандай кўргуликка гирифторм қилдинг, худойим! Гуноҳим нима менинг? Холи-жонимга қўядими, йўқми булар?

Асабларим четнаб кетди. Дийдам тош қотган, ортқ сабрим қолмаган эди. - Ё ҳаёт, ё момот. - Секин бошимни кўтардим.

- Тинч қўйинглари мени! - дедим ёзув бир ниятга қасдланган киши қаби асабий. - Худо хайрларингни берсин! Тинч қўйинглари! Қўлимдан келадиган неки юмуш бўлса, айтинглари, қилайин! Фақат мени тинч қўйинглари! Тинч қўйинглари! - Мен ихтиёрсиз равишда тиз чўкиб, минг тавалло билан уларга талпиндим. Талпиндим-у, тағин қотиб қолди: чиндан ҳам, улар ҳавога сингиб бораётган тугун ва ёки фаввора юзида жилва қилаётган қамалак жилоси янглиғ яқинлашганим сари ғойиб бўлишар, менинг кўз олдимда эса, чанг бамисоли ёруғликда изғиб юрган аллақандай заррачаларгина қолган эди, холос. Заҳримни ҳам, ўтинчимни ҳам, дардимни ҳам ичimgа ютиб, бир бало содир бўлишни кутаётган, қутишга мустаҳдикдек бесаранжом, секин орқага чекиндим ва яна ўша шамойиллар аввалги жойларида намоён бўлишди, адоий тамом бўлиб ўтириб қолдим мен, табиийки, қаравот оғир гичирлади, бироқ бунга улар эътибор қилишмади, яна қулоғимга гарчи охиста, деярли шивирлаб айтилса-да, аслида бору ўқлигимни писанд этмовчи, демакки, таҳқирловчи, тинчимни ўғирлаб, ғашимни кўзгоччи ўша овоз эшитилди: "Қоработирга ўчакишиб нимаям қилардинг, Исмсиз?"

Жоним бўғзимга тикилиб, дод деб юбордим.

- Эй-й, қўясанми, йўқми, ахир? Қанақа Қоработир? Қанақа Исмсиз? Нима деган гап бу ўзи? Бўлари бўлган, бўёғи синган-ку! О, худо-о!

Улар пинақларини ҳам бузишмади, мен оёқ учимда қон кўпириб тоша бошлаганини ҳис этдим, чумоли ўрмалагандек бутун вужудим жимирлаб, ахирги бориб миямга қон урилди, кўзим тиниб кетди, хийла вақт ўтиб, пича ўзимга келгач, кўрдимки, кўз олдим қоронғи, бошимни қўйи солиштирдим, рости, ҳеч вақони кўргим ҳам, кўйгим ҳам йўқ эди, бироқ ҳар лаҳза шивир-шивир ва ёки хисирданиш билан, истайсанми, йўқми, улар ўзларининг мавжудлигини, хусусан, менинг ёнимда, менга ҳамнафас эканликларини ёдга солиб туришар эди. - Эҳтимол, улар менинг товушимни эшитмас? - деб ўйладим мен, - эҳтимол, улар аслида йўқдир, менга шундай бўлиб туюлаётгандир?!

"Сени кўрарга кўзлари йўқ эди-я. Ўшанда болалар унинг оёғи остига учиб тушганингни сақичдай роса чайнашди. Эмишқи, мен сени назарга илмган эмишман, шунинг учун сен мактабни ташлаб кетган эмишсан. Нахотки шу рост бўлса?"

Феруза, мен сенинг шу гапингни аниқ эшитгач, - ахир бу менинг ҳаётимга доир тафсилот эди-ку, - дея гарантсиз қолдим. Рост-да. Ахир, шундай бўлган-ку. Хатто менинг ёнимдан аллақачон кўтарилган саъий-ҳаракатларини ҳам шунчалар аниқ-тиник айтган эдингки, беихтиёр унут кечинмалар қайта бошдан дилда тирилар эди. - Ҳа-я. Хулё эмас, бу. Қандайдир жазо шеклими? Лекин нима учун? - Нима бўлганда ҳам тақдирга тан бериб, мунгайганча аввал сенга, сўнг: - хўш, кўрайлик-чи, қани нима дер экан бу? - деган ўйда ўсмирнинг оғзига термулдим. "Шундай," - деди у, ё раббий, ахир, чиндан ҳам, шундай бўлган эди-ку?

"Худойим-эй! - дединг сен юрагинг юлиниб кетгандай, сўнг унсиз бин нуқтага тикилиб қолдинг. - Биласанми, Исмсиз, - дединг ниҳоят хиёл чиройинг очилиб. - Мени ташлаб кетгунингча сен ҳақингда унча кўп ўйламас эдим, хатто кейин ҳам истаган пайтда сени таъсир доирамга торта оламан деган ҳаёлда эдим, атрофимда қанчаси парвона, шундан маст бўлиб учиб-қўниб юрган эканман-да, институтга киргач, жаридада сенинг бир шеърингни ўқиб қолдим, жудаям ёмон таъсир қилди у менга. Шеърингни ўқиб, қимдандир қаттиқ ранжибди-да, Исмсиз, деб ўйладим, кейин сенинг ўғринча ёлвориб боқилин



хаёлимдан ўтди, шунда жуда ғалати бўлиб кетдим, сенинг бегона бўлиб кетганинг, яна кимгадир кўнгли кўйиб, юз ўгириб улгурганинг алам қилди менга, мени таҳқирлаш учун атай шундай қилгандек бўлиб туюлдинг сен, ёзганларинг тирик бир нарсадай яқинроқ келтириб харислик билан кўздан кечира бошладим, сен бу гапларни кимга қарата айтаётгирсан - сирингни илғаб олишни жуда-жуда истар эдим. Англадимки... Ҳа, сен менга маломат қилган, мендан юз ўтирган эдинг. Агар сен ишонсанг, дунёдаги энг азиз нарсасидан ажралиб қолган каби бирдан ўзимни йўқотиб қўйдим, нима қиларимни билмас эдим сира, шеърингни ўқиб, унсизгина - бевадай бўзлар, баъзан ҳатто ўзимнинг шу кўйга тушганимга ишонгим келмас, ўзингни овутиш учун эрмак топдинг-да, Феруза, деб қўяр, эҳтимол бўлак қизга атагандир бу шеърни, деб ўйлаб ўйгайсизланар, сўнг ҳадеб ўзимга уқтирар эдим: - У сендан юз ўтирган Феруза! Сени деб ахир Қоработирга ҳам ташланган эди-ку! Сени дейди, Феруз! Сени, сени ва сени! - Дилимда совуқ шубҳа гимирлаб турса-да, шу ақидага ўлиб-тирилиб бўлса-да, ўзимни ишонтиришни истар эдим. Узун кечалар ўтириб десанг сенга хатлар ёзар эдим, хатларимнинг на боши бўларди ва на охири..." "Кўйсан-чи шу гапларни, Феруз! Ахир, мен сендан ҳеч қачон хат олмаганман-ку!" "Шундай де? Кўй, эътибор берма менга. Билсанку мен жинниман ўзи! - деди қиз жилмайиб, шу навозиш, шу эркаланиш билан у ўсмирни чалғитиб, вазиятни ўзгартирмоқчи эди шекилли, лекин ўсмир вазмин кўз тикиб турганини кўриб, бирдан бўшашди, сўнг лаблари титраб кетди. - Демак... демак, сен..."

"...Астойдил севмагансан ёки жуда тез унутиб юборгансан мени, Исмсиз!" - унинг дилидан шу иштибоҳ кечди, савқитабийи йўсинда идрок этдим буни, лекин у бундай демади. Мен унинг юзлари бирдан саргайиб сўлганини, киприкларига илиниб қолган кўз ёшини кўрдим, у юрак ховучлаб турар, зўрлаб ўзини ишонтирган ақида чиппака чикшини сира ҳам истамас эди, албатта. Қиз оғир чайқалиб, хўрсинди: "Ё рабий! Дарду оҳим сенга етиб борсин деб ўша хатларни хар кеча тоат-ибодат билан тонг отгунча муножот қилиб ўқир эдим-ку! Наҳотки менинг тиловатларим!.. Йўқ, йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас ҳеч, мумкин эмас, ахир... сен..."

Безгак тутган касалдек ўсмирнинг қўлларига титроқ кирди, секин у бошини кўтариб менга юзланди, лабларидан қон қочган, ранги синиқиб кетган эди, таъна-маломат, адоват билан хўш, энди нима дейсан?, деган бир ишдао силкиб турар эди.

"Узун кечалар сенинг илтижойинг, сенинг овозинг, сенинг муножотинг келиб хона деразаларига қалдирғочдай ўзини урганга, сўнг маконидан айрилиб қолган оқкушдай чирқираб тонга довр шаҳар узра чарх урганларига ғувҳман, Феруза! Офтоб шуъласи сари кунгабоқар қанчалар талпинса, мен ҳам шунчалар талпинар эдим, бироқ..."

"Нега шунда деразани очиб юбормагансан, нега жавоб қилмагансан, ахир?!"

Ўсмирнинг кўзларида адоват учқунлари йилтиради, вақтида мен унга хиёнат қилган, чиндан ҳам кунгабоқар янглиғ Кўёшга талпинса-да, мен уни муттасил жиловлат турган, Кўёшнинг таъсир доирасидан батамом кутилиш ва унинг хилқатига мансуб туркум шодани шу тарикада паторат топтириш учун ҳам шундай қилган эдим, эҳтимол, ўч олиш, эҳтимол, ундан кўра ўзимни зиёдроқ сева бошлаганим учун шундай қилгандирман, нима бўлганда ҳам, секин-аста ўз галактикам бино бўлишига қатъий ишонар эдим, бунинг учун эса, муқаррар суратда уни парчинлаб ташлаш лозим бўлар эди. Зеро, инсон бино бўлиб, эсини таниганидан буён шу тарзда бир-бири билан олишиб келади. Бу - эъзулик ва ёвзулик ёхуд мустаҳид ва мазлум ўртасидаги кураш деб атайимизми, қатъий назор, асл моҳият ўзгармайди, бу ҳар биримизнинг юрак-юрагимизда давом этадиган очофатлик, жаҳолат; - буну у оврагини ёпишга ақли етмаган бандан ожиз - гўзал атамалар билан никоблайти, атрофидагиларни, аслида эса, ўзини алдаб яшайди. Дунёнинг бўлган-тургани шу эди. Саодатманд интилиш гоҳи-гоҳида хайрли натижага элтиши мумкин, бироқ шу натижа қўлга киритилган дамдаёқ қўлга киритганларнинг МЕНИ уни парчалаб ташлайди. Тарихдаги нисбатан ҳалол интилиш натижаси - Париж инқилоби ҳам охир-оқибат беҳудага қанчадан-қанча қонлар тўкилишига сабабчи қулфат сифатида махв бўлган.

Сен ҳам ҳусну тавожужинг ила хилқат яартган, бироқ худонинг бу инъомидан фойдаланишга ноқобил эдинг, шуни англаб етгач, дарду оҳингга қулоқ тутмадим, бу жараён сенинг ёниб қул бўлишинг билан якун топишини билмасми эдим, кундай равшан эди бу менга. Шундай бўлди ҳам. Бугун эса ҳатто ўзинг англамаган ҳолда менинг тетрамада қарор топган муҳим хилқат осойишига сен таҳдид солаётган, кўнгли майлига эрк берсам, ловуллаб ёнишим, сўнг кўздан учган юлдуз каби сўниб битишим сирми эди менга? Йўқ, Феруза, шунинг учун ҳам ўсмир хар қанча зугум қилмасин, одил суд каби устимдан хар қанча шафқатсиз ҳукм чиқармасин, унинг ҳақ, ўзимнинг ноҳақ эканлигимни хар қанча хис этмай, бари бир, худқомлигимдан, осойишим ва давомийлик тақоза этадиган ҳаракатдан ярим йўлда сира-сира воз кеча олмасдим, телбалик

бўлур эди бу. Билсанг, агар бу саъйи ҳаракат ҳалок этар эди мени. Шунга кўзим етиб турганлиги, бир ловуллаб, сўнг сўнишни истамаганлигим учун ҳам дийдам тош қотиб, шафқатсиз ҳукмга мойиллик тўйдим, нафрат ва адоват билан уларга тикилганча тадбир излай бошладим.

Шундай бўлади-ку баъзан: гўё фикрламайсан, балки фикрлар хилқатида ўша - ўзинга керакли бўлган фикрни ахтариб оғир чўкиб бораверасан, ниҳоят, у кўриниш беради ва шунда нимадир шуурингда чакнаб кетади, сенинг чатнаб турган асабинг, чарчоғинг бирдан тарқалади, ўша ғафлатдан ҳалос этгувчи йўлни ёритажак фикрни янада шакллантира бошлайсан ва сенинг хаёлингга ҳеч қутилмаган ўйлар кела бошлайдию фавқуллода қувваи хофиза соҳиби эканлигиндан ўзинг хузур топасан; ғайирона бир таскин тўйдим, ахир, неча кундан бери сира тинчлик бермаётган руҳлардан истасам шу тобда ҳалос бўлар эдим, бунинг учун эса, уларнинг парчинлаб ташлаш керак эди, ҳолос, бир сўз билан, ҳа, бир сўз билан шунча талвасага, қийноқ ва азобга нуқта қўйиш мумкин, шуни англаб етган эдим мен. Уларни махв этгувчи сўз шундоқ тилимнинг учиди турар, шунинг учун ҳам жуда хотиржам сигарет тутатдим-да, кўз остимдан наъша қилиб уларга бир-бир назар солдим, хар қанча уларни ёмон кўриб қолган бўлсам-да, ё тавба, нечундир раҳим келди, божкишлар чиндан ҳам уйга қамалиб қолган, ташқарига қиқиб кетишинг йўлини топа олмаётган, ҳадеб ўзларини деразага ураётган қалдирғочларга ўхшашар эди, дийдам бўшиб кетди ва уларнинг кўзига тик қараб ўша Сўзни айтишга журъат қолмади менга.

Бошимни солиштирганча, ўша сўзнинг таъсир кучини синаш учун, албатта, - Эҳ, сизлар, сизлар! - дедим, - наҳотки Кантнинг ҳақ эканлигини тушунаймасизлар, а?

Мен бошимни кўтардим, кўрдимки, улар сўзсиз, аввалгидай, бир-бирга термулганча туришар, афтидан, сира ажралишгиси йўқ, бир-бирининг дийдорига сира тўйишмас эди.

Портлаган атом бўлмаси каби уларни кунпоякун қилиб ташлайди деб ўйлаган Сўзим уларга зигирча ҳам таъсир этмаганини кўриб, қайтаган ўзим саросимага туша бошладим. - Наҳотки, ахир... унда бу руҳ эмас, ўсмир ҳам эмас! Баноғоҳ тадқиқот маркази, қора маска қийган худосизлар, ваҳшат салтанати хаёлимдан кечди, - шуларнинг хийласи эмасмикин бу иш? - деган гумон жонимни ўртаб юборди. Тагин ўша - зил-замбил чарчоқни тўйдим, тагин суяқлим оғирлашди. - Наҳот улар мени синаб кўришаётган бўлса? - Бирдан ўша дахшатлар юракни тилқаловчи тарзда кўз олдимдан ўта бошлади, биров жонимни суғуриб олгандек силлам қуриб, қафтларимга довр чирқираб кетди. Бу дунёда ҳамма нарсани, ҳатто худони муҳокама этиш мумкин, лекин бу салтанат... - Йўқ, йўқ, хатога йўл қўйдим! - дея чинқириб юбордим. - Ҳа, мен янглишдим, - дедим бошимни кўтариб ва чақчайганча: - Кант ҳақ, - дея кичқирдим. - Кант ҳақ! Уқдинларми, ҳей, Кант ҳақ!

Лекин бу сафар ҳам ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади, мен инграниб юбордим. - Наҳотки ҳаммаси тамомо бўлган бўлса? - мажолсиз кўзларимни юмдим, ва қайси гуноҳим учун худонинг бу ғазабига дучор бўлганлигимни англай олмай, армон ва ҳасрат билан бошимни сарак-сарак қилдим. Кўзгудик эзиб ташлаган шу лаҳзада аллақан боя ҳам улар менинг овозимни эшитмаганлигини эслатгандек бўлди.

- Ҳа-я, рост, - дедим бирдан сергак тортиб. - Ахир боя ҳам улар менинг гапимни эшитишмаганди-ку? Ҳа, эшитишгани йўқ! - дедим тилда топган тиланчидай севишиб, аллақачон ўрнимдан туриб кетган, ўзимни қўярга жой топаолмай қафтимни қафтимга ишқар эдим. - Таъсир ўтказишининг йўлини топиш керак. Фикран?.. Менда ундай қобилият йўқ. Жуда чарчадим. Қани энди мириқиб бир ухласанг! Э, худо, Кант ҳақ, Шуни уқтириш керак, ҳолос. Лекин қандай қилиб? - Шу чоғ кўрдимки, қизнинг икки кўзи менда. Унга термулганча: - Кант ҳақ! - дедим хаёлан ёлвориб: - Уқдингми? - Унинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Саросима ичра: "Йўқ!" деган маъно англатиб бош чайкади. Шундагина мен улар кўзларига тик қараб англалтилган фикрни укажақларини идрок этдим, чўқаётган одам ҳасга ёпишган каби: - Кант ҳақ! - деди янада қатъий, янада шафқатсиз оҳангда. У эса, кўзларини қовуштирганча ёлвордики, "Бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас!" Бир лаҳза, ҳа, бир лаҳза мен иккиландим, - ахир бу дунёда қандайдир хаёл, парию арвоҳлар ҳам яшайди-ку. Нима кипти бу руҳлар ҳам кезиб юришса? Эҳтимол, кўниқиб кетарман? - деб ўйладим. "Кўниқиб кетасан!.." деган беҳисоб аксу садо қулоғимга урилгандек ҳам бўлди, бироқ тагин ўша салтанат, ўша ёвуз кимсалар хаёлимда жонланди, ахир мен шу салтанат тасарруфидан холимманми? Мен билган Муштарий, мен билган Уторит шу ёвуз олчоқлар эмасми? Агар кўнгличан бўлмаганимда ризкимни яримга қила оларми эди улар? Мурувватим учун ҳайқал қўйиларми эди? Йўқ. Чекинмаслик керак, ҳаммаям шундай, ҳаммаси бечоранинг қонини сўради, фақат сўзла... - Худди шундай! - дедим мен унинг кўзларига тик қараб. - Худди шундай! Афусеки, шундай, қизалоқ!

"Бундай бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас!" - Қиз тошни

хам эритиб юборгувчи сўнгсиз бир фиғон билан илтижо қилди, унинг ҳатто ёшланган кўзлари ҳам адоксиз ўтинч билан ёлворар, имдод тилар эди.

- Кант ҳақ! Қуёш муқаррар сўнади!

Ҳаво етмаётган каби у кўкариб кетди. Рухнинг ўлимини илк дафъа шундай эди билсанг; мана, қоғоз қоралаб ўтирибман-у, гўё аллақим орқадан келиб нақ бошимга туширадигандек, ё бўғишга ва ёки пичоқ санчишга ҳозирдек, мен эса... ўзингдан қочиб қаёққа ҳам борасан, ахир, юрак ҳовучлаб дардингни ичингга ютасан; лекин начора, аслида шундай бўлган, унинг ўлими тафсилотини эса четлаб ўтиб бўлмайди: аввалига нафрат тўла кўзларида ғазаб чакнади, сўнг бўшашиб кетди ва йиқила бошлади, шу чоғ ўсмир жон ҳалқида унга ёпишди: "Феруз? Сенга нима бўлди, Феруз?" - деди у ютоқиб ва қизни кучоқлаб олди. Қиз худди жон таслим қилаётгандек бир-икки бор тигирчилди, бутун вужуди, ҳатто тирноқларигача кўкариб кетди, кейин боши осилиб қолди. "Феруз?! Феруз?!" - мен ўсмирнинг саросимали илтижоси қай йўсин йиғига қоришиб кетганлигини, сўнгра хўнграб юборганига шохид бўлдим, у аллақачон адоийн-тамом бўлган қизнинг ёноқларига қўзини суртиб йиғлар, ўқирини эса юракни қон қилиб юборар эди. - Бу фалокат мен туфайли содир бўлганлиги ҳозир унинг хаёлига келади, - деб ўйладим мен, - шунда нима қилар экан, майийтниям қўйиб менга ташланармикан? - Уриб бошимни ёришдан, бўғишдан, ўлдиришдан, ўлигимни нимга-нимга қилиб, шундаям алами тарқалмай, қуйдиришдан, қўлимни кўкка совиришдан, бу айрилиққа чидай олмай, ахир дунёга ўт қўйиб юборишдан ҳам қайтмайди у. Сўнг қўйиб кул бўлган дунё узра алам билан фиғон чекиб, тоабад чрах уриб ўтади.

"Ялмоғиз!" - қалт-қалт титраётган ўсмир адоксиз бир нафрат билан еб қўйгудек вазоҳатда менга ўқрайди, у ҳамлага шайланган қарчиғайга ўхшар эди. Мен худди шу лаҳзани кутиб турган эдим, фурсатни бой бермай дея бирдан чинқирдим: - Кант ҳақ! Тушундингми? Қуёш бари бир сўнади! Сўнади! Сўнади!

У майийтни қўлдан қўймай, ярим қадамча бери келишга улгурди, холос, бирдан кўзи косасидан чиқиб кетгандай бўлди, ўк еган аскардай бир қалқди, тишлари гижирлаб: - Ялмоғиз! - деди, - Қурит! Қовжират! Ер юзидаги чечакларни қийрат. Супуриб ташла барчасини. Мурдашўйга ўхшаб бемалол яшайсан кейин.

Шундоқ менинг кўз ўнгимда эриган пласмассадай улар бужмайиб тўқилишди ва бир-бирига қоришиб, аста-секин кўздан ўчишди.

Толғин, кўзларини юмдим ва ўзимни тўшаққа ташладим...

Агар, кечаси ишлаб ўтириб, қоғозлар орасидан шу хатлар чиқиб қолмаганида, мен уларни буткул унутган ва қайтиб, эҳтимол, ҳеч қачон эсламас эдим. Шундай бўлади-ку, ахир, олачалоқ тушлар кўрасан киши, босинқирайсан, бироқ уйкунг ўчғач, қайта ва қайта шуни эсламасанг агар, гарчи дилинг анчагача хуфтон бўлиб юрса-да, бари бир, нимагадир алахсийсану бирчасини унутиб юборасан. Қоғоз юзюдаги чиройли ёзувга кўзим тушдию бирдан ҳаммаси хотирамга тикланди, юрагимнинг гурс-гурс уриши, ишонсанг, ҳатто ўзимга эшитилар эди, тагин ўша таҳлика вужудини чулғаб олди, бу - сенинг ёзувинг эди, Феруза! Хатни тутиб турган бармоқларимга доғур совуқ тер босди.

"Бир кун келиб, сен билан шу тахлит учрашарманми деб ўйлаганмидим ҳеч, Исмсиз?"

Бундай кечалар камдан-кам бўлади, билсанг: замин худди ойнинг меҳрига қайиб олингандай. Ҳиллол ҳам тераклар учуда сиргадай қотган. Гўё фалақдан аллақандай сирли бир қўшиқ таралмоқдаю бугун мавжудот, ҳатто майсалар ҳам унга соме, унсиз уни тинглаётир.

Билмадим, шу тобда сен не ташвиш, не хаёл билан машғулсан, Исмсиз, бироқ ёш бир хонанда сен битган ғазалии ҳасратга тўлиб, шунчалар берилиб қўйлар эдики, мени қўявер, ҳатто ёнимдаги қизлар ҳам шунинг таъсирида ўйга толишган, шунинг таъсирида олам тусланар, шунинг таъсирида диллар оҳ чекар эди.

Нега гавҳар бўлмадинг сен ва ё чақмоқтош, Қўлларимга тугиб юрсам кечаю кундуз. Нега севгим айламаган сени бир гултож?! Бошгинамга қўйиб юрсам кечаю кундуз...

Дарду оҳ шунчалар товганиши мумкин деса ишонмас эдим, Исмсиз. Ҳазин оҳанларга қоришиб кетган сенинг нолаи зоринг ҳатто тошни ҳам эритган ишбу лаҳзада ич-ичимдан қанчалар эзилганлигини ҳис этсанг керак, Исмсиз. Бу сўзга аввалпайдаи бепасанд бўлишга ортик қурбим етмас, эҳтимол шунинг учундир, меҳрга зор бўлиб, ич-ичимдан юм-юм йиғлар эдим мен..."

VII

"Ўзинг биласан, Исмсиз, бир пайтлар Муштариий соядай илакишиб юрар эди менга. Кеча шу мени ахтариб институтга келибди, кечкурун қизларнинг чечаси бўлиб не маҳалга доғур бизнинг хонада ўтирди. Унинг няяти - совчи юборини учун изн сўраш. Минг марта ўтинган, лекин бу сафар ҳам ризолик ола билмаслигига кўзи етиб, алами келдимки, қизларнинг қошида мени ер билан битта қилди, ўлтур.

- Эслайсаними, Феруз, - деди у гўё гапдан гап чиқиб. - Бир пайтлар Исмсиз деган бола оёқостинда ўралишиб юрарди.

- Ҳа, - дедим мен, шунда гулдай бўлиб кетган бўлсам керак. Рост, чиндан ҳам бир пайтлар оёқостиди ўралашиб юргансан, лекин бугунги вазиятда бу ғайритабиийлик касб этган, шу ўнғайсизлик туғдирар, ҳам қизлар қошида мени осмонга олиб чиқар эди. - Нима бўпти шунга?"

- У ҳозир жуда катта шоир бўлиб кетган.

- Биламан.

- Билсанг, бизнинг ичимизда сени деб астойдил куйган шу тентак эди.

- Сен-чи, сен? - дедим жон-поним чиқиб.

- Мен оғанг катта бўлганлиги учун...

- Уша тентак ҳам етади менга.

- Анойн эмассан-ку сен қиз. Ахир уни вақтида итдай ҳайдаб солгансан. Бугун катта шоир. Атрофида сендақа мингта. Етти ухлаб тушида ҳам кўрмайди сени.

- Йўқол! Қайтиб қорангни кўрмайин сенинг.

У мени таҳқирлаб бамайлихотир қулди.

Наҳотки, шундай бўлса, Исмсиз?"

Биласаними, шунда мен не кўйга тушдим? Чақмоқ ургандай кўзим тиниб, бошим айланиб кетди десанг, яхшиям йиқилиб тушмадим. Ўпкам тўлиб зўрга ўрнимдан турдим-да, қўшни қизларнинг хонасига чикдим, ўзимни тута олмай, ўкраб йиғлаб юбордим.

Наҳотки шундай бўлса? Йўқ, йўқ, сираям ишонмайман. Йўқ, деб айт, Исмсиз. Сенга, худди ўзимга ишонгандай ёлғиз сенга ишонаман, Исмсиз, йўқ деб айт. Мени бу дунёда ёлғиз ташлаб кетма..."

VIII

"Бугун сенинг тўйинг бўлаётир, мени айтишним эп кўрмадинг ҳатто, Шундай алам қилдикки, шундай алам қилдикки..."

Кўзёшларим дарё бўлиб мана, бир ўзим уйда ўтирибман. Сенинг тўйингда айтилаётган қўшиқ юрагимни қон қилаётир, Исмсиз.

Боглаб оламан деб энди ўйлама -

Тортган бу оҳларинг чин эмас сенинг...

Ишонсанг, улар бир-бир кўз олдидан ўтишяпти, ҳозир сенинг атрофингни олиб ўтиришган чиқар? Одамзод шу экан-да ўзи, бир пайтлар сени менга яқин йўлатмаганлар бугун сенга яқин йўлашимга имкон беришмайди... Ҳаммасини тортиб олинг-а, юрагинг тош экан аммо, раҳм-шафқат нима эканлигини зигирчаём билмас экансан, Исмсиз!

Ё: шунчалар ситам кўрғазганмидим сенга?"

Йўқ, йўқ, биламан, сенда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, сени айблаган тилларим кесилсин! Қилғиликни ўзим қилдим, ўзим сенинг қадрингга ета олмадим, лекин нима қилай, Исмсиз, шундай бўлиб чиқар деб ҳеч ўйлаганмидим, ахир?"

Ҳозир бўлса, сенинг қўлингдан олган, чангларингни ўзим артиб, яраларингга жоним, малҳам қилган бўлар эдим, ҳозир бўлса, анавиларнинг пичинги, пичинги туғул ҳатто ўзлариниям писанд этмаган, изингдан бориб, ҳол-жонингга қўймай бўлса-да, ўзимизнинг мактабга бошлаб келган бўлар эдим, ҳозир бўлса...

Эҳ-х, Исмсиз, Исмсиз, нимасини айтасан, ҳеч хаёлимга келмаган ишлар бўлиб кетди-да. Мени назарга иллади деб аччиқма-аччиқ шундай қилдинг, а? Ишонсанг, у пайтлар ўзимдан бошқасини ўйламас эдим, сен кетгач, Қоработирнинг ҳатто соясидан кўрқалиган бўлиб қолдим...

Ана, кимдир сенга бахт тилаётир, мен эса, ҳалиям сенинг тўйинг бўлаётганига ишонмайман, ишонгим келмайди, Исмсиз.

Сендан бўлак яқин кишим йўқ экан, билсанг, ўйлама жудаям хор-зор бўлипти-да, деб, ишонсанг, уларнинг юраги тошга ўхшайди, шунинг учун ҳам куни кечагина, ҳатто ҳозир ҳам йўлингга кўзим тўрт бўлиб ўтирибман. Наҳот қайтиб келмайсан энди? Наҳотки туғайди...

Художон!.."

IX

"Нима қиларимни билмай, жавонда турган китобларни титкилиб чиқдим, чанг босиб кетибди, бирдан юяқагина китобча қўлимга тушиб қолди, Исмсиз, шоша-пиша уни олиб варақлай бошладим, эсингда бўлса, ўн еттига тўлганимда ўзинг инъом этгансан уни, атай, ҳа, атай бир шеъринг остига қизил қаламда чизиб ҳам қўйгансан:



Эҳ, бошқалар нечун сени севадир.  
Севмагин сен, одаммас улар ахир.  
Уларда дард ва изтироб не қилар.  
Улар фақат кишнаб юрган йилқилар...

Эҳ, Исмсиз, Исмсиз! Йўқотган нарсанг жудаям азиз бўлар экан. Кечир мени, кечир...

Китобча ичидан қовжираб қолган пуштиранг атиргул чикди, унинг гулкосалари шунчалар авайлаб китобча ичига жойланган эдики, ишонсанг, хатто заха емаган! Жуда чиройли, худди боягина узиб олингандай! Хатто хиди хонани тутиб кетгандай бўлиб туюлди менга! Ҳазимга ўхшайди-я.

О-о, Исмсиз, Исмсиз, ҳаммасини англаб турсанг-у, қўлингдан ҳеч нима келмаса, бундан қийини бўлмас экан. Умрим бўйи шундан жуда кўриб яшадим - айрилиб қолишдан! Ахйири шундай бўлдиам.

Дардимни тўкиб солай десам, қон қилган азобни қандай сўз билан айтишнани билмайман. Ишонсанг, мен жуда ёлғиз, жудаям ғариб ва нотавонман. Биламан, битиб кетган яраннинг тирналиши, қайта ундан қон силқиши сенгайм хуш эмас, сенга ҳам қийин, лекин нима қилай, айт, кимга кўнгил ёрай - сендан бўлак? Мен муштипарга йўл кўрсат - бошимни қаёққа урай?!

Биламан, менинг дийдоримниям кўргинг йўқ, эҳтимол аллақачон унутган ва жуда хотиржам яшаётган бўлсанг не ажаб, мен эса, ҳеч ўзимга кела олмайман, бир нимани йўқотиб қўйган одамдай ҳамиша безовтаман, биламан, бу ҳасрат сени хайрон қолдиради, бу хатларни жўнатган тақдиримда ҳам жавоб қилмайсан, эҳтимол очиб ҳам кўрмасан, ортиқча юмуш улар, ортиқча юк бўлиб қолади сенга, қул остида чўғ яширин эканлигини кўнглинг сезиб туради, лекин шуни билишниям истамайсан, Исмсиз. Бўлак дунёлар аллақачонок сен учун рангини ҳам, тусини ҳам, кадрини ҳам йўқотган, шуни биламан ўзим, бироқ... сенга айтар сўзим шунчалар кўпки...

Сени қийнаётган бўлсам, кечир Исмсиз, мени қойима, ғашланма мендан, илтимос!

Хозир бир ўзим - ўйга чўмиб ўтирибман, ўша кунларни ҳар кеча эслайман, Исмсиз, қани энди қайтиб келса яна, дейман, начора, гоҳо эса, қўлимга қоғозу қалам олиб, ўзимча сенга хатлар ёзаман, биласанми - қанақа, вақтида ёзилмаган бу хатлар...

Анчадан бери сендан бир нимани сўрамоқчи эдим, биласанми нима, шундай бир шеър ёзсанг, албатта, менга атаб, шундай шеър бўлсаки, ўқиб қон йиғласам!

Фақат, сендан ўтиниб сўрайман, кўрқитма мени, кўнглим сезиб турган, қачон бўлсам юзимга солишни ўзинг жуда-жуда истайдиган ўша гапингни айтмагил менга, ўтиниб сўрайман сендан, шуни айтмагин! Ахир, сенинг мавжудлигинг, олаётган ҳар бир нафасинг, айтаётган ҳар бир сўзинг, болаларингнинг қийқириб юриши, сенга дахлдор ҳар бир нарса ҳар қадамда шуни менга эслатиб турмайдими, юрагимга кўрқинч солмайдими, ахир, шунинг ўзи қамми? Шу сўзни зинҳор айтмагин Исмсиз, ёлвораман сенга, ёлвораман..."

## X

Қандайдир бўлак бир хилқатдан таралаётган илоҳий синаотга тўлиг қуйинг оҳанграбоси ҳамон мени ўз домига тортаётган эди. Бағоят у шукуҳбахш, қанотларида мени олиб учишга қодир - кўнгил шуни сезар, дилда хатто шунга рағбат тугдирар эди. Ҳақ ўспирин каби беихтиёр ўрнимдан тургим ва ишонсанг, сени ахтариб ўша хилқатга боргим ҳам келди. Феруза! Баноғоҳ шуни идрок этдимки, дилдаги ишонч уқаланиб бораётди, англадимки, бу қуй оҳанграбоси токи Сенинг остонангга қадар мени банди этиши, мени сеҳрлаши, аллалашни мумкинди, ҳоло, бироқ ундан нари ўтишга йўл йўқ, ундан нарида йигирма йил аввал мен айри тушган ва эҳтимол ундан илгари ҳам бир бутун бўлмаган, бугунги кунда эса тамомила бегона хилқат ўз қўйича яшаётдики, аслида биз манфий ва мусбат эмас, балки бир хил кутларга эга худкомлармиз, шунинг учун ҳам муқаррар суратда икки орада масофа сақланажак, бизнинг иродаминдан ташқарида бўлмаган қонуният бу. Улуғ бир мантиққа қурилган бу олам ўзининг табиий ўзанидан чиқиб кетмаслиги учун ҳам сенинг ва менинг, ҳар биримизнинг умримизда шу қадар беҳисоб мантиқсизликлар келтириб чиқарганки, инсонки бор, тузата олмайди уни, унинг олдида ожиз. Буни тушуниш мумкин,

бирок бу моддий оламда шундай бир синаот ҳам мавжуд эканки, кишини хайратга солади у - хатто сўнган Қуёш ҳам сўнг дафъа бодраси, сўнг дафъа қушга эниши ва аллақачон тиркираб кетган йўлдошларини шафқатсиз тарзда ўз қомига тортишни мумкин экан!.. Сира ҳаёлимга келмаган эди бу ахир: сокин куз кечаларининг бирда - ҳеч қутилмаганда - сенинг тушимга киришинг, наинки тушимга киришинг, балки руҳи жонимни ларзага солиб, бемаҳал ўрндан туришга мажбур этишинг, жон қадар азиз кишиларимдан бир умр ажралиб қолаётган каби ваҳму аросат исқанжасида тентирашларим, зимистон хонада бошимни қаёққа уришимни билмай икки ўт ичиде қолишим, Феруза. Қант назарда тутган - қуйиб қул бўлган Қуёш алпозиде эдим мен, йўқ, сўнганича йўқ ҳали у, фақат унинг юрагиде қайнаб тошаётган жамики оташни қандайдир ғойибона қуч ўз домига тортиб кетган эди гўё, шундан мосуво бўлганлиги учун ҳам у сўник, таъсир қучидан тамомила мосуво бўлган, қайтиб ўзига кела олмай буткул мувозанатини йўқотган, кўзёшидай тиркираб кетиши муқаррар бўлган йўлдошлари ичра гунгу лол, нотавон бир қўйда тулар эди.

Мени шу қўйга солган бу ўша - Қоработир билан бетма-бет олишиб, тирсақлари шилиниб кетган, вақтида соядай эргашиб сира изиндан қолмаган ўн саккиз яшар ўспирин эди, агар сен билсанг. Барча ўспиринлар сингари у ҳам ҳаёлпараст бўлган, у ҳам ёлғиз сенинг дардинг билан яшаган, мени шоир қилган, эҳтимол, шудир?!

Мен бўлак хилқатдан қўним топиб, ўз дардим, сўнгсиз ташвишларим билан бўлиб, унинг туйғулари, унинг ўйларини босиб-янчиб ўтган бўлсам эҳтимол, лекин унинг руҳи каби жонимни манзил тутиши бир кун келиб - орадан йигирма йил ўтгач, ноғохон жисминда бош кўтариши, бошбошқоқсиз ғалаён кўтариб сен сари талпиниши, бу руҳ мени гангитиб ташлаши ва телба қўйга солиши ётти ўқлиб, тушимга кирганмиди менинг?!

Сени эмас, ўша - ўн саккиз яшар Ферузани у астойдил соғинган, вақтида унга айтолмаган ва эҳтимол юрагиде армон бўлиб қолган ҳасрати бордир унинг, сенинг сийратингиде ўша малакни кўришни истаган бўлса, не ажаб?!

Сен эмас, йўқ, юраги тўлиб, қон йиғлашни истаётган ҳам, аслида ўша - сенинг вужудингиде ўқсиниб яшаётган ўн саккиз яшар қиздир эҳтимол?!

Лекин на чора, икки дунёда ҳам сенинг остонангни босиб ўта олмайман мен, мана шунинг ўзиёқ "Небуляр назарияси", гарчи биз кўз юмсақ-да, шундай таълимот ҳам мавжуд эканлигини билишни ҳам истамасак-да, амалда қун сайин, лаҳза сайин ўзлигини тасдиқлаб келмаётганим, Феруза?!

## XI

Стул устида ётган хатлардаги битикларнинг туси ўча бошлади. Нечундир болалар, шунингдек, аёллар ҳам, умуман, қимки ҳаётсевар бўлса, у шафқатсиз ҳақиқатдан доимо ҳадиксирайди, - деб ўйладики мен. - Қуёшнинг сўнишидан мунча ҳайқишмасе улар? Қўз-олдинда содир бўлаётган жараёни, гарчи, кўришни истамасанг-да, гарчи жон-жаҳдинг билан инкор этсанг-да, дарё ўзани бўйлаб оққани каби ҳаёт ўз йўлида давом этаверади, абдиқат қонунини ҳеч қим буза олмайдими, мадомики, шундай экан, қачондир бир кун қуёшнинг кўри битиде ва сўнади, ҳаёт маҳв бўлади шунда, бу - муқаррардир, қочиб қутулди бўлмайди! - Шу ўйлар дилимдан кечар экан, мен ўйловдимки, номадар аланга олиб кетди, деб, йўқ, ундай бўлмади, ёнмасдан қулга айланди улар ва бирдан тўзғидио ҳавога сингиб кетишди. Шундагина мен жон риштаси туташ ҳамма нарсадан бира-тўла ажралиб қолган, жудолқини зил-замбил юки ерга тикиб юбораётган кишигина туйиши мумкин бўлган мусибат дахшатини ҳис этдим. Бунчалика бормаслик керак эди, деб ўйладики, лекин мен йиллар чигиригидан ўтар эканман, қун сайин, лаҳза сайин дийдаси қотган, ҳаётнинг ўзи шу қўрғулик содир бўлишига ишонч ҳосил қилган, шунга имон келтирган. қўниккан, айни пайтда эса, қандайдир ғайритабиий қуч таъсирида ўз оламидан тамомила узилиб қолган ва ўлик салтанатда бир ўзи қун кечираётган, шунинг дахшатини юрак-юракдан ҳис этган одам - ўзим гувоҳ бўлган ва ўзим англаб етган синаотларнинг барчасидан ҳам қўз юма олмас эдим, албатта...

Тамом.



Жумагул  
СУВОНОВА



СУХУМДА  
ПУРПУЛДУНТ  
ТЕЛБАУ ЗОРУМ...

Бу оқ йўл эмас, йўқ, мен Жумагул Субҳон шеърларини ичкин тушунини учун ифодалар излаётган бир ўқувчиман. Тушунган инсон учун бу дунёда яшамак оғир. “Оғир” сўзининг маъноси нечадур, қанчадир. У кўзёшларига ботиб қолган кемами? Парчинланган юракми? Ёки руҳнинг абадийлигини англаган Онгми?

Бинафшанинг қонини ичиб  
Яшамакка ичдингми қасам?

Бир мудҳиш Сукунат ҳайқирар.  
Йўқлик қаерга йўқолди? Йўқлик ўзи нимадир?

Сен йўқсан, бу телба дунё овози  
Қулогим остида жаранглар.

Жумагулнинг шеърларини мана шундай азобли туйғулардан илғай бошладим... Қолгани сизга ҳавола...

Рауф ПАРФИ

Эй тош!..  
Кўркмадингми, йиғламадингми,  
Шоду хандон бормисан бу дам?!..  
Бинафшанинг қонини тўкиб,  
Яшамокка ичдингми қасам?!..  
Эй гул!..  
Ҳимматингми, марҳаматингми,  
Доғи заҳмат тоғидан ошган?!..  
Меҳр сўраб яна бордингми,  
Илдизингни қуритган тошдан?!..  
\* \* \*

Бу тун кўкрагида ингради висол,  
Дилни озурдажон фарах тиглади.  
Бутун идрокини ҳаққа топшириб,  
Эшик орқасида бир қиз йиғлади.

Этин атиргуллар кетди киймалаб,  
Кушлар таътиб кетди қонин таъмини.  
Игналарни санчиб бармоқларига,  
Тун ямай бошлади бахтнинг камини.

ДАРДГА...

Кет!..  
Менинг қалбимни қутирган итдай,  
Бурда-бурда қилиб тортаётган дард.  
Лаб ялаб ин қилма, вужуд кулбаси,

Юрак эшигини оғзин тимдалаб.  
Кет...  
Бемакон бўлсанг ҳам, беном бўлсанг ҳам,  
Кунларим ўкириб кетаётганда,  
Шу лаҳза, шу фурсат, мен нотинч дилни,  
Сен менинг охларим титаётганда.  
Ё мен кетай бундан,  
Йўлларим тўсиб,  
Оғам сўзи бўлиб олдим ўрама.  
Бир нокас қаршимда тургандай пусиб,  
Отам кўзи бўлиб менга қарама.  
Ер менга кўксидан совуқ жой бермай,  
Ё осмон бағрини улгурмай йикиб.  
Ватанини ташлаб кетаётгандай,  
Вужуд кулбасидан кетайин чиқиб.  
Саҳроми куйдирган, тошми куйдирган,  
Менинг тўрт ёнимда тўзғийди фарёд.  
Қизин суюб қарши туради отам,  
Эрка тутқин бўлиб, яшолмадим шод.  
Кет!..  
Ё кўй мени, о... кўйиб юборгин,  
Бу ҳижрат йўллари товоним тилмай.  
Мен кетай, сен қолгин, бу кўҳна дунё...  
Оёғи остига келиб йиқилмай.

ЖАСОРАТ

Бир чечак мунғайиб туради,  
Бир чечак бағримга бойланар.  
Мен нур ийлаб қўйган жой,  
Чиройли чорбоғга айланар.  
Бир чаман тебра нур муаттар,  
Суви ҳам тоши ҳам мафтункор,  
Мен тутқун, мен банди осийга  
Чаман-чўл, дунё-ю замин тор.  
Тун йиғлар, кўз ёши қуримай,  
Бошини кундага қуяди.  
Тақдирнинг тили қон қиличи,  
Билмам қай мушфиқни сўяди.  
Бир мудҳиш сукунат ҳайқирар:  
“Бу боғни қора қон этаман!”  
Бир гунча жилмаяр: “...Бу ердан,  
Мен сизни ўғирлаб кетаман!”



ДАРВЕШ

Вужудимга томар ғайбона заҳар,  
Дилимда илондек тўлғонади сўз.



Бу ёруғ дунёни ютказиб қўйган,  
Бир дарвеш боради, ҳақ дўст... ҳақ дўст...

Бир япроқ бўлмадим сусамбил юрда,  
Суманлар юзимни силаб ўтмади.  
Менинг изларимга тукилган сувдан,  
Тиконлар гуллади, тошлар гуллади.

Титроқ қўлларимга тутиб бодани,  
Қисматга қасдма-қасд ича олмадим.  
Кечдим бор ҳаётнинг лаззатларидан,  
Сендан кечдим дедим, кеча олмадим.

Муҳаббатнинг сарғиш рангини суюб,  
Айтинг, яна нега ёш тўкади кўз?...  
Дунё ўтиб борар, қўлида асо,  
Ҳақ, дўст... Ҳақ, дўст... Ҳақ, дўст...

### МАШРАБ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Қисмати қаттиқ кишини толеи ҳам кам келур,  
Бўлса бир ишрати фош кўргали минг олам келур,  
Гар ҳакам қилса ўйин бошига мушкул дам келур,  
Ҳар кишини дарди бўлса сийнасинин нам келур,  
Кимки мунда шодлиғ истар орқасидин ғам келур.

Бир шифо сунса худо толеи барҳақ очилур,  
Кўк аро тушса кўзум арш йўли илҳақ очилур,  
Сўрсангиз дардим маним Мажнун чўли ваҳ очилур,  
Сийнадин дафтарни очсам етти дўза очилур,  
Нолишимдан кўрқаман: мажлисга номаҳрам келур.

Неча мол ўлса таъриф, неча юз минг хил нархи бор,  
Ҳар муродингни қара ўз маъза-ю, ўз тахли бор,  
Ҳар кишига тангрининг ўзгача ҳар хил чархи бор,  
Одаминининг асли бирдир бир-биридан фарқи бор,  
Неча қарн ўтгандин сўнг дунёга бир одам келур.

Кўз ёшим ўлди селоб, ювди Самарқандим эшит,  
Зулмат ўлди кундузим, захр ўлди қандим эшит,  
Ишқ айвонига келан мардуми ишқ пандим эшит,  
Йиғламоқ осон эмас рўзи жигарбандим эшит,  
Мулки дил садпора бўлғоқ дидасидин нам келур.

Демагил бул кўхна дун не сабабли ултонга ғарк,  
Ишқ аро неча сипоҳ, шоҳ эрмасмуди шонга ғарк,  
Ошуғин бисмил этиб, дунё бўлурми қонга ғарк,  
Олимлар илмига мағрур, жоҳиллар исёнга ғарк,  
Қас не билсун рўзи маҳшар кимнинг тоши кам келур.

Сен ўзингни тоғ тутиб ўзгани бир хас этмагил,  
Ҳаққа етгил ҳақ дея ноҳақ баридан тутмагил,  
Ишқ аро Дилпоранинг майли оҳига етмагил,  
Гар бошинг аршга етушса сен ўзингдан кетмагил,  
Ҳар дарахтнинг меваси кўп бўлса: боши ҳам келур.

\*\*\*

Мен сени соғиндим...  
Мен сенга ташна.  
Рухимда тирилдинг,  
Телбаи - зорим.  
Мен гунгман,  
Мен лолман,  
Йиқилдим,  
Мана!..  
Кечир энди мени  
парвардигорим!..



### ЧОРШАМЪ

## ТЎҚСОН ИККИ БОРИ ЎЗБЕК

Тор кўнгуллик беклар, манман  
деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир,  
тенглик қилинг.

ТУРДИ (ФАРОҒИЙ)

Ҳа, шоир куйингача бор. Тарихимизга назар ташласак, бир миллат, халққа мансуб хону беклар, шоҳу амирлар тарқоқлиги, ўзаро ички низолари оқибатида юртимиз заифлашиб, узоқ вақт ўзгалар қўлида қолиб келди. Фақат мустақилликка эришиши туфайли муқаддас қадриятларни қайта тиклаш имкониятлари пайдо бўла бошлади. Ҳақли савол тугилади:

- Ҳўи, биз ўзлигимизни - ўзбеклигимизни қай даражада биламиз? Унинг пайдо бўлиши тарихи, босиб ўтган йўллари, шаклланиши жараёндан бохабармизми? Ўзимизни "ўзбекман" деб айтган билан унинг қайси уруғ ёки бўлагига мансублигимизни исботлаб бера оламизми? Шажарамиз-чи? У, ҳеч бўлмаса етти авлодимиздан бери сақланяптими? Айни пайтда давом эттиряпмизми?

Ўзини том маънода соғлам авлодга мансуб санайдиган инсон буларни билмаслиги мумкин эмас. Билган тақдирда бошқаларга, хусусан ёшларга ўргатмаслик ҳам кечирилмас хатодир. Шу каби мулоҳазаларга бориб таҳририятимиз янги йилдан бошлаб хайрли ишни ниёт қилди. У ҳам бўлса, халқимиз келиб чиқиши уруғлари ҳақида туркум мақолалар бериб боришидир. Шу аснода халқимиз тарихи, тили, маданияти, феъл-атвори, яшаш тарзи каби хусусиятларни англаб етишимиз мумкин бўлади. Албатта, бу мавзуга қўл уришда гапни ўзбек уруғлари ҳақида умумий маълумот беришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

ТАХРИРИЯТ

Адабиётларда келтирилишича, ўзбек миллатини ташкил этувчи ҳар хил этник гуруҳларни 3 та катта қисмга бўлиб кўрсатиш мумкин:

- 1 - турк ўзбеклар;
- 2 - қипчоқ ўзбеклар;
- 3 - ўғиз ўзбеклар.

(Х. Дониёров, "Ўзбек халқининг шажара ва шевалари", Тошкент, "Фан" нашриёти, 1968 й., 96-бет)

Турк ўзбеклар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврлардан бери яшаб келган ва ўзларини XVI асрга қадар туркийлар деб атаган ўзбеклардир. Улар асосан қарлуқ, чигил, тукси, яғмо, ябғу, ёбоку, тангут, арғу каби уруғ ва қабилаларнинг бирлашуви натижасида ташкил топганлар. Улар тилимизнинг қарлуқ-чигил лаҳжасида сўзлашганлар.

Қипчоқ ўзбекларнинг ҳозирги Ўзбекистон ерларига кела бошлашлари ҳам жуда қадим замонлардан бошланган бўлиб, XVI асрда улар турк ўзбекларга катта таркиб бўлиб қўшилганлар. Тилимизнинг қипчоқ ўзбеклари минг, юз, қирк, қипчоқ, найман, қонгли, қиёт, қўнғирот, манғит, уйшин, кенеғас, жалойир, мисит, дўрмон, қутчи, буркут, баҳрин каби уруғ ва қабилалар орасида ташкил топган.

Ўғиз ўзбеклар эса кўпроқ ўзбек уруғларининг туркманлар ва озарбайжонлар билан аралашуви натижасида пайдо бўлган. Тилимизнинг ўғиз лаҳжаси уларга хосдир.

Юқорида санаб ўтилган мисолларга қўшимча тарзда шуни айтиш керакки, шу кунга қадар халқ оғзидан ёзиб олинган уруғ ва қабилалар, уларнинг ҳар хил катта-кичик бўлакларга бўлишинидан ҳосил бўлган номлар 300 дан ошиб кетади. Агар бўлинишлар аниқланса, уларнинг ҳозирги ҳолатини ифодаловчи жадвални, келиб чиқиши ва таракқиёти, ўзаро муносабати ва қўшилишини ифодаловчи диаграмма жадвални тузиб чиқиш мумкин бўлар эди. Лекин улар ҳозирга қадар деярли ўрганилмаган. Олимлар, мутахассислар олдида қанчалик масъулиятли вазифалар тургани ўз-ўзидан маълум.

Асли уруғ пайдо бўлиш шартини В.Бартольд урхун ёзувлари ва мусулмон манбаларига кўра қуйидагича ифодалайди: мустақил уруғ бўлиш учун эркаклар сони энг камида 700 кишидан иборат бўлмоғи керак. (Т.Султонов, “Кочевые племена приаралья в XV-XVII вв”, Изд. “Наука”, Москва, 1982 г. стр.22). Шу асосда тарихий манбаларга назар ташласак, ўзбек уруғлари ҳақидаги фикримиз бирмунча ойдинлашади. М. Кошғарий. “Девону луғотит турк” асарида ёзади: “Турклар аслида 20 қабиладир. Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор”. (М. Кошғарий, “Девону луғотит турк”, I-том, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960 й., 64-бет). Шунга ўхшаш фикрлар “Жомеъ-ат таворих”, “Равзат-ус сафо”, “Зафарнома”, “Бобурнома”, “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима”, “Тарихи Абулхайрхон”, “Шайбонийнома”, “Абдулланом”, “Тарихи салотини манғития” каби асарларда янада чуқурроқ, далиллар асосида ўз аксини топган. Албатта, уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил

фикр юритиш имконига эга эмасмиз. Аммо мавзуимизга доир маълумотларга назар соладиган бўлсак, ўзбек уруғлари уларда турлича кўрсатилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда 22 та, Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”сида 19 та, Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-таворихи”да (XIV аср) 60 дан ортик. XIX асрдаги тадқиқотларда ҳам бу сонлар турлича:

А. Вамбериди 32 та, Н. Ханиковда 97 та, Д.Логофетда 102 та. Шу мавзунинг ўрганган В.Бартольд, В. Радлов, Н. Аристов, К.Нажимов, Б. Аҳмедов, К. Шониёзов, Ғози Олим ва бошқаларда ҳам турли рақамларни учратамиз. Табиий, уларнинг қайси бири тўғри деган савол туғилади.

Жавобни эса ўзбек оғзаки ижоди ва ёзма манбаларидан топиш мумкин. Халқ оғзаки ижодининг айрим намуналарида 92 бовли (боғли) ўзбек уруғи ҳақида ривоятлар сақланган. Тарихда эса Абдуллахоннинг XVI асрда Ҳинд подшоҳи Акбаршоҳ билан ёзишмаларида 92 ўзбек уруғи тилга олиниб ўтилади. (И. Низомиддинов. “XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари”, Тошкент, “Фан”, 1966 й., 76-бет). В. Бартольд бир қизик ҳодисани баён этади: 1756 йил биринчи манғит хони Маҳуммад Раҳимхоннинг Бухоро тахтига чиқиши маросимида 32 ўзбек уруғи тилга олинади. Орадан сал вақт ўтиб, яъни 1781 йил эса Бухоро хони рус агенти Бекчуринга 92 ўзбек уруғи ҳақида сўзлайди. Бошқа манбаларда ҳам XVI асрдан бошлаб ўзбек уруғлари сонини 92 та дейиш ва рўйхатлар келтириш кўп учрайди. Бу ҳолни қуйида эълон қилинаётган жадвалда ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир қўлёзмадаги рўйхатда уруғлар асл нусхада турлича тартибда берилган. Биз журналхонлар қиёслаб кўришлари учун маъқул келар деган ниятда алфавит бўйича жойлаштириб чиқдик.

№ "Мажмуъ-ат таворих" (XVI аср)	"Насабнома" (XVI-XVII аср)	"Тухфат-ат таворихи хоний" (XIX аср)	Шарқшунослик институтидаги 4330 рақамли қўлёзма	"Қитмир" китоби (Ғаллаорол нусхаси, XIX аср)	А. Хорошхин рўйхати
1. авғон	адай	азок	арлат	арлат	абдал
2. алчин	арлот	айуржи	арғун	бадай	абу
3. араб	арғин	алчин	ағар	барлос	акансолди (арқонсолди)
4. арлат	ағир (оғиран)	араб	бадай	бийича	амон
5. атмар	барин	арлай	барлос	буйрак	ардури (хардури)
6. арғун	барлос	арнамар	баған	бургун	арзук
7. бадай	баташ	арғин	бахрин	бурқит	арлот
8. байавут	боёвут	бабу	бостан	бўйихауз	асака
9. баташ	бузан	баёт	баёзут	дўрмон	баллос
10. бурат	бузак	бажакар	буйрак	етти бош	баташ
11. бурлан	бурлок	банаш	буйтай	жалайир	бахрин
12. буркут	буркут	бағлан	буркут	жалойир	буркут
13. держат	буслок	бахрин	бусе	жоми	бовдалоқ
14. дўрмон	бўзай	будай	дужар	жуночи	буёт
15. ёбу	бўжажи	буйурук	дўрмон	илоч	бўри (бури)
16. жалаут	буйрак	буйут	ёбу	каташ (кабаш)	дурман
17. жалжут	гулеген	булатхоб	ёжқар	кегиз (чиз)	жалайир
18. жалойир	гулун	бурле	жалойир	келейги(қилайги)	(тушиб қолган)



19.	жаҳл кес	дўрмон	бурлат	жийит	кенегаз	жаржут
20.	жийит	ёбу (ёқабу)	буркут	жулжут	кермин	жағатай
21.	жубурган	жалойир	дўрмон	жуйут	кихрут	жиёт
22.	жуйут	жилкаш	жалжаут	жулажи	киргий (қирғий)	жовсар
23.	жунолаки	жит	жалойир	журат	кирдор	жуйрат
24.	журат	жуйрат	жийит	кенегаз	коли (ҳоли)	жуячи
25.	илажи	жуют	жилжут	кераит	кубир	илачи
26.	йўрға	жўрға	жинбой	киёт	манғит	итчи (этчи)
27.	кеит	кенегаз	жубалажи	килежи	машорис	кенегаз
28.	кераит	керайит	жубурған	кирай	минг	кибот
29.	кердари	килечи	жуйрасут	кужи	минит (михит)	кийикчи
30.	килекес	кирдери	илажи	кур	митан	киловчи
31.	килежи	кудей	керади	курлаут	найман	кугурли
32.	кимат	кўрлаут	кераит	манғит	олчин	лақай
33.	кирай	мажор	киёт	масит	пачкурт(бешкурт)	манғит
34.	мамасит	манғит	килежи	маҳди	риндон	минг
35.	мангут	меркат	кинегес	меркит	самарчик	мисит
36.	меркит	мечет	кирай	минг	сандир	мўйтон
37.	минг	минг	курлаут	митан	сарой	найман
38.	найман	мумун	мажар	найман	суврин	нитагаи (нетагай)
39.	нужун	мўйтан	манғит	никўз	суктиян	нўғай
40.	онгут	мўғул	масит	ойрат	сулдир (сулдиз)	овчи
41.	рамадон	найман	меркиф	олчин	тангит (гангит)	олчин
42.	сарой	нукус	минг	онгут	татар	орғин
43.	сахтион	олчин	митан	пўлотчи	текуй	пўлотчи
44.	суран	оймавут	найман	рамадон	топман	рамадон
45.	табин	ойрат	онгажит	сарой	туппаллас	савдон
46.	таме	рамадон	онгут	сахтиан	туркман	саёд
47.	тангут	салжовут	рамадон	симиричик	турлок	сайдли
48.	тарғил	сарой	санвадан	сулдуз	тучат	сарой
49.	татар	сулдуз	сарой	табин	увган	татар
50.	тилов	татар	сақтиан	там	увузи	тежанли
51.	тоин	тилов	сирмиричик	таме	уйрак	тилов
52.	тубали	тобин	сулдуз	тангут	уйрувчи	тобин
53.	турк	томо	суран	тарғил	уйшун	тома
54.	туркман	тумай	табин	татар	уйгур	туёкли
55.	турмаут	тургавут	таме	тувадак	уклан (ўқлан)	турбут
56.	турғат	туркман	тангут	туркман	уруб	турган
57.	убрат	тўқсаба	тарғил	тушлуб	фарход	турдос
58.	уйшун	уйружи	татар	уймаут	хабрин	турк
59.	уйгур	уйсун	тилав	уйшун	хитой	туркман
60.	фахир	улажи	тубай	уйғур	чалчут	турлос
61.	хафиз	унгажит	туркман	хафиз	чибит	уйрот
62.	хитой	унғут	турған	хитой	чилки	уйшун
63.	чақмоқ	упалачи	уйшун	чақмоқ	чиғатой	утеген (ўтаган)
64.	чимбой	чемарчин	ур-авар	чилкас	чолик	уғлон (ўқлон)
65.	шимиржик	чичоқ	уйғур	чинбой	чубиргон (чўбиргон)	хит
66.	ширин	чурчут	хафиз	ширин	чублач	чақмоқ
67.	жужаат	чўран	хитой	шубурған	чуют	юз
68.	юз	ширин	чақмоқ	шуран	ширин	яман
69.	ўғлон	юз	чилкес	юз	юз	ўнг
70.	ўйшаут	юғур	ширин	ўғлон	ябу	ўтарчи
71.	ўйражи	ўзже булужи	юз	ўз	ялансоз (ялангоз)	ўткан
72.	ўрюз	ўнг	ўглен	ўнг	ўн	ўткут
73.	ўтарчи	ўтарчи	ўймаут	ўнгажит	ўнг жайт	қавчун
74.	ўғлон	ўғлон	ўйрасут	ўрмоқ	ўрай	қалмоқ
75.	қабаше	қалмоқ	ўнг	ўтаржи	ўроқли	қанғли

76.	қавчин	қанғит	ўғлон	ўғлон	ўрсун (ургун)	қарлуқ
77.	қалмоқ	қанғли	қалмоқ	қаливай	ўғлон	қатагон
78.	қангли	қарлоп	қангли	қалмоқ	қалмоқ	қаҳат
79.	қари	қатай (хитой)	қарақалфат	қангли	қангли	қиёт
80.	қаҳат	қатагон	қари	қара	қарай (керай)	қизили
81.	қибчок	қачат	қатагон	қари	қарапчи	қипчок
82.	қиёт	қиёт	қаҳат	қарлуқ	қатагон	қирайит
83.	қирлик	қипчок	қибчок	қатагон	қиёт	қирқ
84.	қирқ	қирқ	қиёт	қаҳат	қипчок	қирқин
85.	қирғиз	қирғиз	қирқ	қибчок	қирқ	қирғиз
86.	қирғин	қишлик	қирғиз	қиёт	қирғиз	қишлик
87.	қишлик	қовчин	қирқин	қирлик	қирқин	қозоқ
88.	қужалиқ	қорлуқ	қишлик	қирқ	қозоқ	қорақалпоқ
89.	қужи	қуралаш	қужалиқ	қирғиз	қувдоқ	қорахон
90.	қулажи	қўжалиқ	қуйчи	қишлик	қутлин	қўнғирот
91.	қуралаш	қўйсун	қуралас	қўнғирот	қўнғирот	ғараб (араб)
92.	қўнғирот	қўнғирот	қўнғурот	ғариб	қўшчи	хайбат

### ЖАДВАЛГА ҚИСҚАЧА ИЗОХ:

1. “Мажмуъ-ат таворих” асари XVI асрда Фарғона водийсида Мулла Сайфиддин Ахсикентий ва унинг ўғли Нур (ёки Наврўз) томонидан битилган. Унда XIV аср охири ва XVI аср бошидаги воқеалар Косон шайхлари ҳаёти орқали кўрсатилади. “Таворихи Моғолия” ва “Таворихи зубдат ал-Башар” кўлёмаларига асосланиб муаллифлар туркий қабилаларнинг келиб чиқиши тарихи ва 92 ўзбек уруғи ҳақида маълумот берадилар.

Асарнинг Москва, Санкт-Петербург, Бишкек ва бошқа жойларда сақланаётган 6 та нусхаси маълум. Биздаги рўйхат бир мунча муқаммал саналган Москва нусхасидан (Т. Султонов асаридан) олинди.

2. “Насабнома” (шажара) 92 ўзбек уруғининг рўйхати берилган кўлёмалар сарасига киради. Унинг Жомбой, Ургут, Булунгур, Каркез (Ғаллаорол), Боёвут каби кўплаб нусхалари мавжуд. Уларда айрим тафовутлар бўлишига қарамай ушбу мавзуга оид қимматли манбалар саналади. Биз танлаган нусха энг қадимгилардан биридир.

3. “Тухфат-ат таворихи хоний” асари қўқонлик Аваз Муҳаммад деган савдогар киши томонидан битилган. Унда Қўқон хонлигининг XVI асрдан XIX асргача бўлган тарихи, турк-мўғул элатлари, савдосотик, бозор муносабатига оид қизиқарли маълумотлар қатори 92 ўзбек уруғи рўйхати келтирилган (Т. Султонов асаридан).

4. “Шарқшунослик институтида 4330-рақам” асарида 92 ўзбек уруғи рўйхати келтирилган. Унинг асосида “Тухфат-ат таворихи хоний” асаридаги рўйхат ва “Насабнома” асаридаги рўйхатдан фойдаланилган. Унда 92 ўзбек уруғи рўйхати келтирилган. Унинг асосида “Тухфат-ат таворихи хоний” асаридаги рўйхат ва “Насабнома” асаридаги рўйхатдан фойдаланилган.

5. “Қитмир” (айрим адабиётларда “Қитмир”) китобидаги бу рўйхат 1963 йил Ғаллаоролда топилган бўлиб, у “Тўксон икки бов ўзбек уруғининг баёни” сарлавҳаси остида берилган. (Ушбу рўйхат Х. Дониёров томонидан 1968 йил “Гулистон” журналининг II-сонидан эълон қилинган).

6. А.П.Хорошхин ўзбек халқининг уруғ ва қабилалари 92 га бўлиниши, шундай бўлиниш ҳақида манбалар борлиги тўғрисида рус олимлари ичида биринчилардан бўлиб аниқ маълумот берган кишидир. Унинг халқ оғзидан ёзиб олган (Т. Султонов китобида келтирилган) ва “Қитмир” китоби бўйича тузган рўйхатлари бор. Биздаги рўйхат Х. Дониёров китобида берилган нусхадан олинди.

Мана азизлар, қисқача бўлса-да, уруғларимиз ҳақида маълумот беришга уриндик. Ахир бутун бир миллат ўз-ўзидан эмас, балки булоқлар оқиб, қўшилишидан хайқириб оқувчи дарё пайдо бўлганидек аслимиз, қонимиз қайлардан йўлга чиққанини билдирадиган уруғлар билан ўз устунларига эгадир. Эли, уруғини билган қалб эса миллат ҳақида тасаввури янада теган, муқаммал бўлғуси!







Хуан РУЛЬФО,  
Мексика

### Ҳикоялар

Менинг отам яхши одам эди.

У дунё путуридан кетган, ҳамма нарса хароб ва ташландик куйга тушган замонда умргузаронлик қилиб ўтди. Отам яшаган замонда эртанинг таралдудини кўриб бўлмасди, чунки бугун ҳали ўтмаган, навбатдаги кун эса, омонатдек туюлар эди. Ҳаво ҳам рутубатли эди, ҳаммаёқ зимистон, ҳеч нарса кўзга чалинмас, қуёш нур сочаётгани, шамол қаёқдан эсаяпти - жанубданми ёки шамолдан - тушуниб бўлмасди.

Дунёда ҳамма нарса хароб ва аянчли куйга тушган эди. Аммо менинг отам яхши одам эди ва у ҳаётга ишонар эди.

Отамни тонг-азонда ўлдиришди, аммо унинг ўзи ҳеч нарсани англамай туриб, жонини топширди: ўзидан нима учун жой талаб қилишяпти ва бу хунхўрлик бошига қаердан келди? Отамни ўлдиришди ва унинг бу ҳаётдан насибаси батамом узил-ди. Фақат у бошқалар тасаввурида ҳамон яшаяпти, дунё ҳам ўзини биров босиб олди ва покланди: энди ёмғир қандай ёғаётга-нига ҳам бемалол тики-лиш мумкин. Одамлар шаррос қуяётган ёмғир-дан кўз узишмас ва уларнинг қалбида аста-секин умид уйғониб келар эди.

Менинг отам - қоп-қоронғида, жаҳаннам зулматида, нурсиз

зимистон қўйнида жон таслим қилди. Уни, одатда, майитларни қандай ясантиришса, шундай кийинтиришди ва у гўё ҳаётда оддий одам бўлгандек, амал-тақал қилиб дафн этишди. Сўнг бизга айтишдики, сизнинг отангиз қазо қилди, у ҳар қандай оғриқ ҳам тин оладиган, гўдақлар дунёга келадиган ва ўлимга маҳкум этилганлар қатл қилинадиган айна тонги лаҳзада жон таслим қилди. Бу лаънати паллада ҳали одамлар чала-ярим уйқуда ётишарди, улар кўраётган туш мантиқсиз, аммо сабрли, илохий, шунингдек, зарурий эди.

- Сизнинг отангиз бандаликни бажо келтирди. Мен тушимда буғу боласини қўлларимда тутиб турганмишман. Мудраётган, қанотсиз қуш каби ожизгина, ухлаётган кимсанинг кўксиде бир зайилда ураётган юракдек илиққина буғу боласини.

- Сизнинг отангизни ҳаётнинг кучоғидан юлқиб олишди.

Ўша, айна тонг палласи шунчалик қайғули ва мудҳиш эдики, олам буткул рангсиз тусга кирган эди. Ва ҳамма нарса бегона тортган эди. Мен йиғлашим, ҳеч қурса, кўксимдан бир катрагина раҳм-шафқат ҳиссини сиқиб чиқаришим лозимлигини ҳис этдим. Мен ҳўнграб йиғлашга уриндим, уйқу қарахтлиги гирдобига чўккан юрагимни буровга солдим, у азобни сезсин дея изтироб болғаси билан урдим. Мен фақат бир нарсани

- йиғлашни истар эдим. Менинг айна дамдаги изтиробларим сохта бўлиб туюлмаслиги керак эди. - Буғу боласи аллақачон ўлиб қолди. Сен қўлларингда фақат унинг жасадини тутиб турибсан.

- Менга туш кўришга имкон беринглар. Бошқа ҳаммаси ёлғон. Мен ухлаётган паллада ҳеч ким қазо қилиши мумкин эмас.

- Соат тонги уч бўлди, биз отангнинг жасадини олиб келдик. Уни шу оқшом ўлдиришди.

- Сен кимни айтаяпсан? Менинг отамними? У ўлиши мумкин эмас. Унга нисбатан ёвузлик қилишга ҳеч кимнинг ҳади сиғмайди. Йўқса, ер юзини қасос ўти қоплаб олади ва дунё ҳалокатга юз тутлади. Одамларнинг қўллари қуриб қолади ва улар учун ҳаёт ўзининг лаззатини буткул йўқотади. Отам бизга ҳаёт берди, биз унинг шарофати билан ёруғ кунни кўриб турибмиз. У асло ўлиши мумкин эмас.

- Уни ўлдириб кетишди.

- Қачон, қай паллада?

Мен ҳеч нарсани ҳис этмай қўйгандим, фақат дунё чамаси, алланималарни англаб турганга ўхшар эди.

- Тунда. Энди ўрнингдан тур-да, у билан видолашиб қол.

- Сен мени алдаяпсан.

- Дафн маросими бугун кундузи ўтказилади.

- Ҳеч қандай дафн маросими бўлмайди. Менинг отам ўлгани йўқ. У ҳали биздан ҳам узоқ умр кўради. У бизга ўхшамайди, у ҳаётда қашшоқлик ва муҳтожлик нима эканини ҳеч қачон билмаган.

- Шундай қилиб сен у билан видолашишни истамайсанми? Тезроқ ўрнингдан тур-да, ҳаётлик пайтида отангни яхши кўрганлар ёки у билан шунчаки таниш бўлганлар етиб келмай туриб, видолашиб қол.

- Отам ўлгани йўқ. Сен мени ёмон кўрасан. Сен менинг уйқумни атай бузгансан, чунки юрагинг ғаразли ўйларга тўла. Мени ўз ҳолимга қўй, туш кўрмоқчиман.

- Майли, ўз билганингдан қолма, фақат шуни ёдингда туг: дафн маросими куннинг иккинчи ярмида бўлади.

- Чирокни ўчир! Чирокни ўчиргин-да, бу ердан чиқиб кет. Агар отам ростдан ҳам, қазо қилган бўлса, сен нега қуляпсан? Кет! Менинг бугучам ором олаяпти. Унинг уйқусини бузма! Сенинг кимлигингни яхши биламан. Тунлари фақат иблисларгина изғиб юради ва ухлаётганларни кўрқитади. Отам ўлгани йўқ, сен ёлғон гапираяпсан. Гапларинг бари ёлғон - бор-йўғи шу! Йўқол!

Ва менинг кўзларимдан ёш қондек қуйилиб келди. Узоқдан онамнинг фарёдини эшитгач, кўзёшларим сув каби тирқираб оқа бошлади.

## МЕНИНГ ОТАМ

Мен яқинда бандаликни бажо келтирдим. Кеча. Биз учун “кеча” дегани ўн йил илгариги замонни англатади. Менинг назаримда ҳам, бор-йўғи бир лаҳзагина вақт ўтганга ўхшаб туюлади. Аслида, ўлимнинг маъно-моҳияти замон ва маконда зиғирча бўлса-да, ўзгармайди. Ўлим - бу ўз номи билан ўлим, унда ҳеч қандай ички зиддият мавжуд эмас ва у “ҳеч нима” ҳамда “нима учун” каби тушунчаларга қарши қўйилмайди. Ўлим сарҳадида мавжуд ва номавжудликка асло ўрин йўқ. Ёруғ оламда менинг шарофатим ила неки яралган бўлса, бу вужудимнинг бир шаклдан иккинчи шаклга эврилишидир, холос. Менинг танимни очқўзларча еган, суякларимни кемирган, бўм-бўш тортган кўзкосаларимга ўрмалаб кирган, оғиз бўшлиғимда ғиж-ғиж қайнаб тошганча тишларимни ғажиган курт-кумурсқалар аллақачон очликдан қирлиб кетди, аммо улар ўзларидан насл қолдиришга улгуришди ва бу янги насл ҳам менинг бижғиб ётган танимда қайта ва қайта - токи чексизлик қадар насл қолдириб ўтади. Фақат ўлимгина ўзидан насл қолдирмайди. Мен тупроқ остида - ўлимимдан кейин дафн этишган ва абадий ташлаб кетишган жойда ётибман.

Мен ҳеч нарсани ҳис этмайман. Фақат у-бу нарсаларни хотирлашим мумкин. Хотирлашга уринганимда ҳам фақат нохуш воқеалар ёдимга тушади. Ҳаётимдаги ёқимли хотиралар руҳим билан бирга осмонга учиб кетди, бир қисми эса, кўзёшларимга қоришиб ерга оқиб тушди.

Мен сизга битта маслаҳат бермоқчиман: сиз қачонки қазо паллангиз етганини сезиб қолсангиз, иложи борича йиғлашга ҳаракат қилинг. Танингиздан ҳечқурса, бир томчи кўзёш сизиб чиқсин. Агар билсангиз, мана шу кўзёш руҳингиз жисму жуссангизни тарк этиши учун йўл очиб беради. Айтмоқчиманки, қабрга кирмай туриб руҳингиз танингизни тарк этгани маъқул, йўқса, фақат одамзот боласининг гарданига тушадиган, сира тоқат қилиб бўлмайдиган мудҳиш азоб-уқубатга гирфтор бўлиб қолишингиз мумкин. Мен яқинда мана шундай руҳини ўз вақтида эркинликка чиқишига йўл қўймаган битта марҳум билан танишиб қолдим. Унинг айтишича, ўзини ҳали жони чиқмай туриб, дафн этиб юборишган экан. У қабрда ётган куйи жон таслим қилишга мажбур бўлган, жисму жуссасини нафрат, ёвузлик ва қаҳр-ғазаб чўлгаб олган, кўзлари қонталаш тусга кирган ва охир-оқибат, қон уни даҳшатли алфозда

кўр қилиб ташлаган. Ва у зулмат қаърида - қабрда руҳи билан яккама-якка қолган.

- Мен ўзимни худди дўзахга тушиб қолгандек ҳис этдим, - деган эди у кейинчалик. - Дўзах ичига - ҳали ҳаёт пайтимиз одамлар ваҳм билан гапирадиган ўша оташ-олов қўйнига кириб борарканман, мени бирдан ўлим талвасаси босди. Мен танимдаги ҳар бир туккача қандай жизганаги чиқиб қуяётганини сезиб турардим. Суякларим ҳам батамом ёниб битди-ю, аммо сира ўлим талвасасидан халос бўла олмадим. Мен жисму жуссам аллақачон кукунга айланиб қолганини аниқ-равшан сезар, аммо ўзимни ҳамон тирик - яшаётгандек туярдим. Ичимда алланима қаттиқ оғриқ берди ва у шитоб билан зўрайиб, бир зумда кукунга айланган танимни ўраб-чирмаб олди. Охир-оқибат эса, мен худди шундай ҳузур-ҳаловатни анчадан буён ич-ичимдан орзиқиб кутаётгандек, силлам қуриб, йиқилиб тушдим. Аммо одамнинг руҳи қачонки жаннат ёки дўзахга тушгандагина тинч тортиши мумкин, у танада тунқинликда яшаркан, ҳузур-ҳаловат нима эканлигини билмайди. Унинг инсон танида яшаши айни аросатнинг ўзгинасидир. Мен токи кўзларимдан тирқираб ёш қуйилиб келганга қадар дўзах азобини бошимдан кечирдим. Мен ўшанда нега бунчалик селу-селоб бўлиб йиғла-ганимни

ўзим ҳам тузук-қурук бил-масдим. Ким билади, эҳтимол, оғриқ таъсирига чидаёлмай йиғлагандирман, аммо рости гап, ўша лаҳзада ҳеч қандай оғриқни сезмай қўйгандим. Эҳтимол, ўлим талвасасига тушган ҳолатимни яққол

ҳис эта туриб, йиғлагандирман. Фақат шуни аниқ билардимки, мен ҳузур-ҳаловатга мушарраф бўлгандим. Руҳим - мен унинг таъсирида қанча изтироб чекдим - вужудимни тарк этиб кетди. Дунё менга илтифот кўрсатди.

Мана, менга ўша кимса нималарни айтиб берганди.

Ва яна битта маслаҳат: сиз бандаликни бажо келтирганингизда ортингиздан ҳеч ким йиғлаб қолмагани маъқул. Бу ҳам марҳумларнинг нафратини кўзитади. Тирикларга ҳеч нима эмас, ўлганга қийин, марҳумлар абадий азоб чекишади, чунки ўлим абадийдир.

*Ўрис тилидан*

*Шодиқул ҲАМРОЕВ  
таржимаси*

## ЎЛИМДАН СЎНГ





Нусратулло  
ЖУМАХЎЖА

## БИР СУРУД БОР ЭКАНКИМ... ОГАХИЙДА

Ўзбек халқининг энг қадимги ва ажойиб шеърӣй шаклларидан бири мустазоддир. Адабиётимиз тарихида мустазод яратмаган шоир камдан-кам топилади. Мустазод ўзига хос мураккаб, аммо жозибатор шаклга эга. Шунинг учун ҳам у ғазал, мухаммас, рубоийчалик кўп яратилган эмас. Мустазод ёзиш шоирдан жуда катта тайёргарлик ва маҳоратни талаб этган.

Лирик шеърятимизнинг улуғ назарийтчиси ва амалиётчиси Алишер Навоӣй мустазодни шундай таърифлаган: "Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳажажи мусаммани ахбори макфуфи максуф вазнида анга байт боғлаб битиб, анинг мисрасидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағомотиға келтирурлар эрмиш ва ани "мустазод" дерлар эрмиш, андоқким (мустазод):

*Эй, ҳуснига зарроти жаҳон ичра тажалли,  
Мафъулу-мафойилу-мафойилу-фаулун  
мазҳар санга ашё  
мафъулу - фаулун  
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,  
олам санга мавло".*

Таъриф ва келтирилган мисолдан маълум бўладики, мустазоднинг ҳар мисрасига мустазод битилган вазнинг икки рукнига тенг келадиган ярим мисра кўшилади. Навоӣй мустазодни "қўшиқ" деб атаганида ҳам катта ҳикмат бор. Мустазод вазни оҳанги қўшиқнинг тайёр куйидир. Мумтоз адабиётимиздаги бирорта бошқа жанр мустазодчалик муסיкий оҳангдор эмас. Мустазод ўзининг ошикона мазмуни билан ҳам қўшиққа мосдир.

Мустазод жанри улуғ Алишер Навоӣйгача ва ундан кейин ҳам ривожланиб, сайқал топиб келди. Мустазодни, айниқса, шакл жиҳатидан тақомиллаштиришда Огаҳийнинг хизмати катта. Огаҳий ўз мустазодида асосий мисрага қўшилиб келадиган ярим мисрани жуфтлаштирди:

*Эй ёр, санго ушбу жаҳон боги аро гул  
бир ошиқи хайрон,  
дийдоринга шайдо.  
Бир шефтадур кокули мушкинингга сунбул,  
ҳам ҳоли паришон,  
ҳам бошида савдо.*

Огаҳий кашфиёти натижасида, узун мисраларни тўлдириб, ҳулосалаб, алоҳида оҳангдорлик касб этиб турадиган ортима қўшмисралар профессор Е. Э. Бертельс таъбири билан айтганда, "ўзига хос нақарот" даражасига кўтарилди.

Огаҳий мустазоди соф ошикона руҳдаги асардир. Унинг бор-бутун мазмуни ошиқнинг маъшукани васф этиши, унга дил изҳорини ифодалашига бағишланган. Лекин бу сўфиёна руҳда бўлиб, унда илоҳий маъшуқа - Оллоҳ жамоли, висоли мадҳ этилади. Шоир илоҳий маъшукани инсонийлаштиради ва уни одамзотга хос сифатлар билан таърифлайди. Тасаввуф фалсафасига кўра, дунёдаги жамики гузаллик Оллоҳ ҳусни жамолининг акси сифатида яратилган. Шунинг учун ҳар бир мавжудот ўзлигига, аслиятига интилади, унга ошиқ, шайдо, интик, интизор бўлиб умр кечиради. Шундан келиб чиқиб, Огаҳий мустазоднинг биринчи мисрасида жаҳон боғининг гули Ҳақ дийдорига шайдо, ошиқи хайрон сифатида жилваланди. Иккинчи мисрада қора тусли кокул - сунбулга шакл жиҳатидан ўхшатилади. Паришон сунбул ишқ шайдолигидан маст ҳолатда. Унинг бошига ишқ савдоси тушган. Бунда "савдо" сўзининг қора маъноси ҳам бор. Демак, сунбулнинг сочга ранг-тус жиҳатидан ҳам монандлиги тасвирга асос қилиб олинган.

Кейинги байтларда илоҳий таъят таърифи давом этади:

*Ҳам сарв қадинг жилвасини кўргали кумри  
ҳар дам чекибон оҳ,  
билкулл борур ўздин,  
Ҳам гул юзинга маҳви жамол ўлғали булбул  
тун-кун чекар афгон  
тинмай даме асло.*

Маҳбубнинг сарвдек қомаи жилвасини бир бора кўриш учун кумри ҳар дам оҳ чекиб, бутунлай ҳушидан кетади. Унинг гулюз жамоли шавкига ғарк бўлиб булбул кечаю кундуз тинимсиз фиғон чекади.

Мустазод мазмуни лирик қаҳрамоннинг изҳори ва илтижоси билан бойиб боради:

*То тушти фиқоқингга манинг гамзада кўнглум,  
ҳар лаҳза ёнодур  
юз дард ўти ичра,  
Эмди анго торторга даме сабру таҳаммал  
йўқ, меҳнати ҳижрон,  
раҳм айла, нигоро.*

Лирик қаҳрамоннинг ғамдан зада бўлган кўнгли айрилиқ азобида ҳар лаҳзада юз дард оловлари ичра ёнади. Интизорлик торта-торта ошиқнинг бирор лаҳзачалик сабру бардоши қолмайди. Ошиқ ўз аҳволидангина шикоят қилмайди, балки маъшуканинг раҳм-шафқатисиз ва эрка феъли бутун ислом элини яксон этганидан фарёд чекади:

*Фарёдки, ислом элини қатл қилурга  
мастона суруб от,  
андоқ қилич урдинг  
Ким, етти дами тийгинг ила қатлга билкулл  
мажмуъи мусулмон,  
эй кофири тарсо!*

Ушбу байт мазмуни хийла мураккаб. Унда мусулмонларга қиргин келтирувчи кофир бир инсон ҳақида гап кетаётгани йўқ. Байтнинг маъноси Навоӣйнинг: "Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғақим, Ғорати дин эттали номусулмоним чиқар" байтидаги мазмунга ҳамоҳангдир. Буни англаш кўнгилда сўнгсиз даҳшат ва беадоқ хайрат уйғотади.

Илоҳий маъшуқа шу даражада қудратли эканки, бир ҳамла билан Ислом элини қатл этаркан.

*Чашми караминг нур ниғаҳи қилғуси обод  
оламни саросар,  
недур бу ситамким,  
Чекмакни, дариг, айламагунг тийги тағофул  
бўлса неча вайрон  
маъмурайи дунё.*

Эндиликда унинг қодирлик ҳислати шу даражадаки, марҳаматли қарашларининг бир фаровон нигоҳи оламини бошдан-оёқ обод этади. Эвоҳки, унинг тағофулли, бир қиё боқиши дунё мулки ободончилигини барбод этиши ҳам мумкин. Яъни ҳаммаси Яратувчининг имкониди...

Ушбу зотда меҳр-муруват ҳам, қаҳру қаҳҳорлик ҳам мужассам:

*Ҳуснингни тамошо қилибон, баҳра олурулар  
кўзим била кўнглум  
бир-биридан афзун,  
Зинҳорки, эмди ёзибон юз уза кокул,  
айлаб они пинҳон,  
манъ этма тамошо.*

Маъшуқа ҳуснини томоша қилиб, кўз ва кўнгли бир-

бирдан ортик даражада бахраман бўлишидан ошиқ бахтиёр.  
Лекин у машуқа юзи узра хижрон пардаси - кокилини ёзиб  
висолидан махрум этишидан хавотирда. Шу боисдан, юракзадалик  
билан унга илтижо қилади.

Навбатдаги байтда илохий машуқ - Тангри таборак ва  
таолонинг раззоқ, яъни ризқ улашувчилиги ҳамда маннон, яъни  
неъматбахшлик сифатлари улуғланади,

Манким, эшикнинг бандалари ожизидурман,  
шукр этмак ишимдур  
гар очу ва гар тўқ,

Лутфингга қилурман бори ҳол ичра таваккул,  
ё розиқи маннон,  
сансан анго доно.

Лирик қахрамон ожизлик ва хокисорлик изҳор этиб  
айтади: Эй Оллоҳ, мен даргоҳингдаги бандаларингнинг энг  
ожизидирман, хоҳ оч, хоҳ тўқ бўлай, менинг ишим шукр  
қилишдан иборадир. Эй бани башарга ризқ берувчи, неъматбахш  
зот, ҳар қандай ҳолатда ҳам сенинг илтифотингга умидворман  
ва сен бун и билгувчисан.

Тасаввуф адабиётида дунё гўзалликлари Тангри ўз хусну  
жамолнинг тажассуми сифатида яратган мўъжизалар сифатида  
қуйланади:

Ҳай-ҳай, не тароватлиг эрур боғи жамолингким,  
тергусидур гул  
ондин ҳамма олам,

Мундиндурур анвоёи гулу лола била мўл  
ҳам жайби гулистон,  
ҳам домани саҳро.

Шоирнинг васф этишича, яратувчи машуқа жамолининг  
боғи шу қадар тароватлики, ундан бутун олам аҳли гул теради.  
Гулистонлар бағри ҳамда саҳро этакларининг турли навлардаги  
гулу долалар билан тўлиқлиги шундандир.

Мустанзоқ ошиқнинг муножоти билан яқунланади:

Ҳажринг гами захрини ичиб Огаҳийи-зор  
ўлмакка етибдур  
комига етушмай,

Қилма нафасе ҳолини сўрмоқда тааллул,  
эй Исоий даврон,  
қилгил ани ихё.

Лирик қахрамон: - Ҳажринг гами захрини юта-юта  
Огаҳийи зор мурод-мақсадига етолмай ўлмакка яқинлашиб қолди.  
Эй, ўликни-да тирилтириш хислатига эга бўлган исосифат зот,  
ҳолимни сўрашни бир нафас ҳам пайсалга солмай, менга қайтадан  
хаёт бағишла, дея нажот сўрайди.

Хуллас, ушбу мустанзоқ илохий ишқ туйғуларини мохирлик  
билан қуйлаган Огаҳийининг гўзал бадийи обидаларидан биридир.

1975 йилда  
1975 йилда  
1975 йилда

1975 йилда

Нусратулло ЖУМАХЎЖА 1953 йилда Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида тугилган 1975 йилда ТошДўнинг филология  
факультетини тугатган. Филология фанлари номзоди. "Мунис газалиётни", "Феруз маданият ва санъат ҳомийси", "Сўздин  
бақолироқ ёдгор йўқдур", "Хувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти", "Сатрлар силсиласидаги сезр рисоалари  
муаллифи ва, X синф ўзбек адабиёти дарслиги ва мажмуасининг ҳаммуаллифларидан, Халқаро А. Ясавий мукофоти соҳиби.

## НАЗМ



Нормўмин  
ЭРКАБЕК

# ОСМОНЛАРГА СИҒМАСМАН



### ЭЙ, ЮЛДУЗ

Уртамизда милён йиллик йўл,  
Дардлашардик окшом чоғлари.  
Туйғум очиб чаман-чаман гул,  
Кезар эдим ғазал боғларни.  
Осмонларга сиғмасдан дардим,  
Қушдек парвоз айларди дамлар.  
Ҳар жисми мўъжиза дердим,  
Хушрўй бўлди дилдаги ғамлар.  
Мен дунёдан холис, юкори,  
Гоҳ сийнамга шуъла ботарди.  
Сомон йўли - юлдузлар қори, -  
Кўк пойимда синиб ётарди.

### ТЎХТА, МАЙМУН

Замбарак оғзидан олов тош чикди,  
Кесаклар остидан кесик бош чикди.  
Ўтди олма, олча, исмалок, ялпиз,  
Ўтди лола, райхон таратиб хуш ис.  
Найимдан эшилиб чикяпман, қара,  
Маймулар ғорига боқяпман, қара.  
Тўхта, маймун, жохил касга дўнмай тур,  
Рудакий кўзига ништар урмай тур.

Дарду хасратларим яна чош келди,  
Хотирамга қуллар тўткан ёш келди.  
Омочга кўшилган зот фарёд отди,

Кўк сарвари гўё кўксимда ботди.  
Лекин кетавердим олдинга томон,  
Ҳамон кўринмайди у тўкис замон.  
Тўхта, маймун, жохил касга дўнмай тур,  
Рудакий кўзига ништар урмай тур.

### СЕНИ КЎРСАМ

Сезилмай менга тошқин хаёт навоси,  
Эшитилмас одамларнинг шов-шув овози.  
Атрофимда нимаки бор чекинар, забун,  
Кўр ва соқов дунё бирдан оҳ тортар узун.  
Нимагадир ич-ичимдан келар хўрсиник,  
Нимагадир лабдан учган овозим синик.

\*\*\*

Сен йиғлайсан, дилда титрар шаксиз сўзларинг,  
Деразанинг кўзларида ола-чипор ув,  
Юрагимдан қайнаб тошиб келади бир ғув.  
Дарахларга отилган ҳар кесак, ҳар тошдан,  
Ёноқларга кўнган ҳар гард, ҳар томчи ёшдан  
Разиларсиз бир дунёни ахтараман мен.

Нормўмин ЭРКАБЕК 1964 йилда Чироқчи туманининг  
Кулчиёл қишлоғида тугилган. Низомий номидаги педагогика  
институтини тугатган. Эркин ижодкор. Шеърлари республика  
матбуотида эълон қилинган.





Мухтасар  
ТОЖИМАМАНОВА

## ЮРАКДАГИ ИЛОХИЙ ИЗЛАР

\* \* \*

Вақтнинг чиғаноғин ечмоқда гуллар...  
Ечина бошлайди анвойи дунё...  
Ана шу нафасда қолди нафасим,  
Ўзимни англадим, англамадим ё...

Вақтнинг чиғаноғин ечмоқда гуллар...  
Чиғаноқ тубинда ёввойи дунё.  
О, менинг ёввойи ҳайкириқларим,  
Сиз менинг боримми, йўғиммисиз ё...

Вақтнинг чиғаноғин ечмоқда гуллар...  
Ечина бошлайди ўзини дунё...  
Кечина бошлайди ўзини дунё...

Шу лаҳза мутлақо озоддир улар -  
Чиғаноқ гуллар...

\* \* \*

У севарди, у телба эди,  
Ёши катта, лекин гўр эди.  
Кийимлари чакмоқ, ораста,  
Сўзи сўзу, ўзи зўр эди.

Кўп ўқирдим, ақлим кўп эди,  
Еттинчи осмондан боқардим.  
Оддий мактаб қизчаси бўлиб  
Кўрсам, дарров ансам котарди.

У эса ҳеч қолмай изимдан  
Сизда битта гапим бор дерди.  
Йўлларимни тўсиб телбавор:  
“Юрагингиз чиройли” дерди.

Мана замон зайлини суриб  
Не дилларни янчилаб эди.  
Мен Тошкентга кетиб қолганда  
Унга ақл кирди, мен сездим.

Охир севдим, мен ёмон севдим,  
Етти осмон тўлғоқларида.  
Юрагимни юлиб хўп кездим,  
Бировларнинг қийноқларида.

Эҳ, юрагим чиройли эди,  
Сенинг ўша паноҳларингда...

## МЕЪРОЖ

Худо ва халқ...  
Ҳозир ва ҳарвақт.  
“Сўна” романидан

Худо ва халқ...  
Каттам қилган каромат.  
Бувимнинг титраган қўлида райхон.  
Синглим Муқаддаснинг онамни эмиб  
Шодон қийқириғи тўлган кенг айвон.

Худо ва халқ...  
Менинг остонам ўпиб,  
Тошкентгача бошлаб келган Эҳтиром.  
Телбавор кўксимга ўзини кўмиб,  
Дунёни бошига кўтарган Осмон.

Худо ва халқ...  
Сенинг бирлигинг ҳақдур.  
Ҳақ эмас,  
тупроғи қотмаган эрлар,  
Ҳақ эмас,  
Дунёни куйдирган санам.  
Ноз айласа, “Ё оллоҳ” деб ҳайкирмаса,  
Кўксида ўт ёниб ажодди шерлар.

Худо ва халқ...  
Сендан кетганлар ноҳақ.  
Укам Элмуроднинг эртаси ҳақдур.  
Отамдан мушарраф бўлган Имоним  
Ҳали дарвозадан ҳатлаган йўқдур.

Сени севаман деб айтганлар ноҳақ,  
Муҳаррам кунларга жонини бериб,  
Қора тупроғингни суйганлар ҳақдур.  
Худо ва халқ...  
Сенинг бирлигинг ҳақдур -  
Икки дунёмизни бергувчи Меърож!...

\* \* \*

Шивирламанг...  
Ой энтикади,  
Майсаларга тўкилгай ҳислар.

Шивирламанг...  
Чўчиб кетади  
Юракдаги илоҳий излар...  
Шивир этманг,  
Бунча тез кетманг.  
Кочиб етган онингиз -  
Менман!...  
Биламан,  
Сиз-Осмонсиз, мен-Ер.  
Лекин, лабим етганда-  
Тенгман.  
Қуфр этманг,  
Қуффорим кетманг...

\* \* \*

О, руҳим шалаббо ишқинг майига,  
Малаклар олдилар мени майлига,  
Кетдик, ўн саккиз минг олам сайлига,  
Ваҳ, канглума...

Бу осмон бир равоқ, дунё қанчалар,  
Оллоҳим қўллари жонимни чалар,  
Адойи гадойинг борми бизчалар,  
Ваҳ, тангрима...

Кўксимда шивалаб кулар юлдузлар,  
Қайдадир ингранар менга ҳур қизлар,  
Хув ана осмонни кулатган кўзлар,  
Ёндима...  
Сенданам тондима,  
Ваҳ, жонима...

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА 1975 йилда Фаргона вилояти Учкўприк туманидаги Каттақўштепа қишлоғида туғилган. Ҳозир Фаргона Давлат Дорилфунунида ўқийди.

Яқинда Ф.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нарийётида “Тавоф” номли шеърлар китоби нашр қилинди. “Ёшлик” да илк бор чиқиши.



Иосиф  
БРОДСКИЙ



“ЭЛИМБАЧА СЕБИИ  
УСШИВОР...”

Иосиф БРОДСКИЙ замондошимиз, хатто “юртдош”имиз эди... (1940 йилда Ленинградда тугилган). Лекин у зўравонлик салтанатида ҳақирларча яшашни ўзига ор билди. Бутун Иттифоқда: энг одил музун - социализм, унинг жаннатий кўргони Советлар юрти, деб авж пардада дўмбира қилинаётганда, бунга кўнлар жуда қаттиқ ишонган паллада (1972 й.) шоир СССРни тарк этди ва Америка Қўшма Штатларида яшашни мақбул кўрди.

Ушанда уни тушунмай маломат қилганлар бўлди. Айрим ижодкорлар эса Бродскийнинг истеъдод чечаси шу билан сўлди, хорлик ва ватансизликда уммонда чўккан зарралардай унинг ижодидан нам-нишон қолмади, деб таассуф ва таажжуб билдирдилар. Лекин 15 йил ўтиб, И. Бродский халқаро Нобель мукофотига сазовар бўлди. XX аср Пушкини, деб доврўқ таратди. Айниқса, бу нуфузли мукофот ҳақон бўйлаб муваффақият қозониши тобора машиқат бўлиб бораётган шеърятдаги тажрибаларига раво кўрилгани ҳам ноёб ҳодисадир. Кейинги 30 йилда бирон-бир шоир бу мукофотни ололмагани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Афсуски, ҳақон шоирим деб турган буюк ижодкор ўтган йилнинг баҳорини ҳеч қутилмаганда бу фано шеързорини тарк этди...

Дарвоқе, Бродский шеърятининг сирли жозибаси, тўпори ноёблиги хусусида ҳаёл суриши мароқли. Ожизона англашимча, ҳар ҳил шеърини оқимлар ва адабий йўналишлар пойгасини хўп кўриб, кўз-кўзланган заминсиз тажрибалардан чарчаган уқувчи учун Иосифнинг шеърлари теран ва мусаффолиги билан мўъжизадай тасаввур уйғотади. Унинг энг сара шеърлари Хомернинг кенг қамровли эпосларидай чўнг бир товўчи, ишҳом ва ҳаяжон, яна билимдон моҳирлик қанотида кўнчилига маҳобат билан киради. Унда ҳам фикр, ҳам тўйгулар оҳори бор. Шу билан бирга насрга хос нигоҳ ва таҳлил ўзига хос имкониётлар багишлаб туради. Шу боис ҳам 50 дан ортиқ шеърлари кичик бир кайфият доирасини ёриб, бағридаги пўртана-ю залвори билан, санъаткорлиги ила достонлар даражасидадир.

Кисқаси, И. Бродский шеърятини тирикчилик, нафс интилишларидан олисдаги шаффофлик - шеър санъатининг қадимий қудратини эсга солиди ва бу ўлмас томирлардан қон олиб, ҳам ўзгача гўзал кашифиётлари, бор-бўйи билан асримиз шеърятининг энг юксак чўққиларидан бири сифатида намоён бўлади.

Таржимон.

ХАЁТ НАВБАҲОРИ

Тасаввурга зўр бер, эй губир, эй гур, уруш алоқлади, тинчлик шахриёр. Сен яна ойнага соласан рўзни. Шунда қаёқлардан, қайси гўрдандир зағизгон сўроқлайди, балки читтақдир, бузуб ҳамма ёқни, аврайди ўзни. Шаҳристон хароб эмас, ўрнида ҳар хас, хатто арқлари бор, ҳамиша ёз ёр, атрофида жўка, дафна жамул-жам. Ковушиб, ухлоқ-бедор, портлар зийнат гул, ой соғинча хор. Эй, Валлоҳи аъзам, сеvimли бўзам-хаётимни қайта бошламоқчиман.

Оломон отилади, вабо тинади курсилари “Б”чил тектак хонадон, Юмшатиш нишонаси ёхуд панаҳбон, дарзга шошқиласа кўз косалари. Улар ўзга даркор, ўзгага зинҳор, гумроҳ тугилишган онадан Тош кўчалар чанги - тош диллар занги - ё пирай кўпатурув посангилари. Бу - низом ҳалокати. Тақдир ғоваги, ҳиссиз изсизланган шубҳасиз. Охунд ўлган бўлса, зора бечора топиладир телба арвоҳи. Тасаввурга зўр бер, бари тўғридир, сен аҳрор дилсиз На деб валдирайсан, ўзинг билмайсан, беҳишту тамугидан даргоҳи.

Айнан шу манзара от қуяди от-отар янги хаёт субҳи содиғи, довули қутуртирган уммонда якка вулкон овлаб юрар тақдир кайиғи. Эҳ сеними Момот мағлаб ва барбод ҳис қилинган бари. Яна қалака шу он, шу паллада хаёл далада ҳар кунги тирикчилик бўлади пайдомана юмшоқ тўшак-ҳирслар мазори, сал нарида эса нафс гулзори, Чин гулдонга ёндош, хисга суҳбатдош хонтахтада қаҳва қолдиғи, буюм Қиёматнинг битта ёрлиғи, чинқириб Ҳалокатдан этади огоҳ.

Яшаш қандай маза - бемуроҳаза, хавфли ҳар тур фикр тушганда зикр, жиҳозлар қалтис турар зоти жўгилар хаёл югурдағи бу окшол-дошқол, Панелопа янглик дилшода ҳақир бошдан сўрганлари, дилдан олгани эвазига азоб қатори лак-лак... Эрта талаби-ла Жаббори халак. Тонгни йиртар хўроз овози. Хаёт навбахори сари бу йўлдан залга зилолхона оша чикасан, турт оёқли темир-чўп анжомларга ҳукм ўқийдиган нигоҳинг қози елқибоқар каби уларни хўрлаб, камалак гавронила ниқасан.

Тасаввур қил, адо умр достони. Шу алфозда алфоз - хўл гуллар-ла соз, гуриллайди тил гумида ўт, Ковуриб дарди-армон ноз этади роз сендан заҳар ичган, сендан тилаб сўт.

Барчасидан омон қолган пўла жон, балки шу дардидан сўхтаси совук. Шунинг учун ғамлар чикора, яқинлолмас ғусса жаласи. Ғавголларга қосир, ҳам эмас асир, назаридан четда ҳалойик, Шунинг учун лабларида дарвиш яласи.

Нимани оқлаурсан айбсиз айбдор? Қанча яширмагин зотларни, Омад сари йўл бор; номаълум баҳор. Хаёт ҳамон қарта, қанча чийлама, ҳамма ёқни босган ўтрик дардлару рух очлиги сари очилган ворта.



Ҳақбон нидо ишқ йўқ, топталиб кулган, сен тасаввур қил,  
Ва этгин бунёд, тўлқинлардан овлаб қари хиргойи.  
Бунда ҳар бир товуш бўлолмаса дил  
Дунёсидан чиқсин, ўзин унутсин, ажралиб жондан лойи.

Янги ҳаёт субҳи. Ибтидо куйи - чирилдоқлар нутки тўлган овлоқлар  
узра кулранг булут баайни худхуд чўзар эзгиланган баҳсини.  
Тўп анко, нишон ҳато, телба ҳаёллар - тартибсиз режаларнинг устуни  
Напормон хотиралар лахати - тупроқхона сезмас танго рақсини.  
Нав замонда ҳеч қас, демас бир нафас,  
“Тўхта”, қаёқларга ҳуда-беҳуда кетаяпсан бунча ҳалиқиб.  
Сенга етар ахир, шунчалик ялтир, фақат қаҳат сас,  
Марка елимланган, “салом” доғланган хатнинг орқасига қара-чи калқиб.

Сафид девор уйлар оққа чуйкалар,  
уларга ҳамла руё тўгнағич нигоҳ.  
Ҳадемай тескарига шудгор далалар,  
қуёш узлат сари, арш сари гуноҳ.  
Ўламса узрҳоҳлар ғариб меҳроби,  
тиз чўқар жиҳозларга, ҳисоблар шуур.  
Кассиз дарёларнинг сароб арбоби,  
бетайин, бемаънода мўъжизали сур.

Янги ҳаёт абрлари хўброқ офтобдан.  
Ёмғир сўнгсиз шиғалайди, ўз-ўзга зоҳир.  
Сен перронда ёмғирпўш-ла тушган маҳтобдан,  
бахтга қарши поездни ҳам кутмайсан ахир.  
Тақдирга тан шафакқўлда бир ночор елкан.  
Олқинди кўз латта-путта обруйидан ним.  
Шу лаҳзада бир бечора: “сен қим?”, сўраркан  
Улисс қачон Полефем бўлган, “мен қим, мен ҳеч қим”.

### 1965 йил 1 январь

Кулбангни унутди соҳира,  
Ситора дилингни чоҳида,  
Адоксиз пулсирот роҳида  
Тинмайди боди оҳ бир замон.  
Отилдинг ғарларга хор жисминг,  
Бенумус орларга ўқ исминг  
Дардамас, кўлмақда хўб қисминг,  
Ваъдабоз кунлар-ла тирик жон.

Надур бу? Кулфатхўр? Ўр ҳасрат,  
Оханги кадрдон жўр қисмат,  
Начора яна у бита хат  
Начора эрта ҳам фикрат шу.  
Начора янграса мамот чоғ,  
Шунга ҳам ташаккур, қул бедоғ,  
Бу шундай шавқатсиз, ҳақ сеғоҳ  
Бир лаҳза, бир умр хикмат шу.

Димиккан шифтларга бир қара,  
Ҳилолни ўртадан аррала,  
Ўз феълинг ўзинга кўз яра  
Бу ҳаёт шом, абас.  
Энди кеч, бори ҳеч мўъжиза,  
Кўкинда ичганинг ойғўжа  
Ва бирдан англайсан гўл мўғжа  
Сен сабий, сен бир ҳас.

### КАТТАКОН ЖОН ДОН МАНЗУМАСИ

Жон Дон ухлаб, ухлайди ҳар ёқ -  
Девор, сурат, пол, курси, тўшак,  
токча, жавон, жамадон, чирок,  
гилам, парда, лўқидон, илмак.  
Идиш-оёқ, тоғора, шағам,  
нон, нафс пичоқ, истакон, кўзгу,  
биллур, чинни, соат, чойшаб ҳам  
эшик, зина-ҳаммаси мизғир.  
Қарокларда, овлоқларда тун,  
бўғзида нутқ қоғоз, хонтахта,  
қискич рисксиз, оташқурак жим,  
ўз жойида қотган ҳар нарса.  
Камзул, шиппак, пайпоқларда шаб,

ойналарга таппа босар лаб.  
Арвоҳ-қозик, жому чорпоя,  
туфли супургига ҳамсоя.  
Ухлайди ром, қор деразада,  
очик супра қўшни томлари.  
Бутун даҳа аза-базада,  
қийналмасдан чиққан жонлари.  
Ухлоқ бари. - Тоқу дарбоза,  
тошу туника, чамбарак гулзор.  
Ғилдирақлар бермас овоза,  
шалдирамас занжирлар зинҳор.  
Музлоқ дастак, зулфин, тортқичлар,  
фақатгина гуруллайди қор-  
уйғотмоқчи, бўлар очмоқчи,  
субҳ олисда яхлаб қолган дор.  
Ухлар қалъа, қамоқхоналар.  
Пештахта осик тарози.  
Ертўлада хуруллар пишак,  
Занжири-ла ётибди този.  
Дастғир, қасдғир, хурракчи Лондон.  
Порт-ла елкан, зилол қор билан.  
Ёпиниб туш ер ила осмон,  
шафакларга туташган, кулган.  
Жон Дон ухлар, ул ила уммон,  
беҳуш соҳил - кумуш оқбиллак.  
Кучоклашиб ороллар мудрар,  
гулшанлари-қарағай, терак.  
Ухлар тоғлар, сой нишаби, йўл,  
тўнғиб бўри, тулки, қуён, мор.  
Айиқ ини оғзида қор мўл,  
Қушлар сассиз - узилган қилтор.  
Шакилламас қарға, бойўғли,  
шовкинларнинг синган суяги.  
Сукунатнинг ўрлайди буги  
тирикчилик - гуноҳ кунжаги.  
Гўрларида ўликлар беғам,  
тўшагида тириклар шаррак,  
қотиб, ботиб, танҳо ва ё жам  
ётишади таптортмас, хуррак.  
Тоғу дарё, ўрмону саҳро  
йиртқичлари, жониворлари.  
Тун кўкидан фақат келар қор,  
қарахтларга сочқилаб зарни!  
Малаклар ухлар, дашти фано ёт,  
Тушларида, Тубан, Муаззам.  
Тентирамас бу он бирон зот,  
Ухлоқ беҳишт, ухлоқ Жаҳаннам.  
Ухлар ҳокон, юртга тушлар хон,  
тепаларда ёнбошлаб черик.  
Рақиб ёнда ухлайди Шайтон,  
Далаларда қор уруғ экик.  
Ёнида сури Исрофил ухлайди,  
Отлар ухлар - тушлари бўрон!  
Парилар бари бир тўп гулхайри,  
Павел черкови пойида уммон.  
Жон Дон ухлоқ, тош қотган шеърлар  
бари санъат - дағалу нафис!  
Гуноҳ, қусур, севинч, ғам бирга,  
ювош-жангари уйқу олдида тиз.  
Ҳар бир ғазал дилбоз, дилафроз  
ёнидагига ёру биродар.  
Дардлашулар тилсиз, беовоз,  
Фирдавс эшиги олисдаги жар.  
Мисралар мудрар, ямлар алаҳлар,  
ўнгу терсада хуррак шуъласи.  
Шеър булоғи қайнамас, яхлар,  
Жону жаҳон ётар сўллаиб.  
Яхши-ёмон дунёлар бир жон,  
Мусибатлар тараша сабил.  
Кенгликларда қора доғ ниҳон,  
Хатоларнинг кўзларида нил.  
Миқ этмай ухлар китоб гузари.  
Муз хирқаси сўз дарёлари.  
Алаҳлайди тилла кишанлар,  
Ухлар баҳслар-Ҳақ ғавғолари.  
Ухлайди бари - хур, иблис, Обло

мулозими, боласи, ошна.  
 Қор урар фақат, йўқ ўзга садо,  
 Жим-жит зимистон хунига ташна.  
 Бирок хув-хув! Изгирин қаърида  
 сиктар кимдир, шивирлар кимдир,  
 хўрсиниғи фидо қахратон жарига,  
 борлиқни айлаб дийдаси дуойнир.  
 Зулматларда йиғлаган кимдир  
 инжа, кескир овози сўнгсиз,  
 жуда ёлғиз, ҳолсиз инграйдир  
 қор кўрган ой, тонг қовушган тун.  
 “Малагим сенми, унда бағри қон,  
 қор остида жавзого интиқ.  
 Ишқим менинг тунда шамсли он,  
 ҳайқирган сенми?” Ҳеч ким этмас мик.  
 “Ва ё сизлар, маҳзуна ҳурлар,  
 Хотирам чарбоғида тараб куй.  
 Ғофил руҳим қакшатган бирдан”  
 Азам узра тадориги тўй.  
 “Бу шабҳасиз сенинг довшинг,  
 Қаҳри саҳни хуноба Павел.  
 Гулдиракда камалак қовуши,  
 хўнграётган сенми?” Жим -бетил.  
 “Ниғоҳида жумла-жаҳон жам,  
 Бир каломга сиғарми ҳаддим.  
 Меҳридан-да талотўп олам,  
 Гунглик аро бу сенми Раббим?”  
 Сукут, сукут. “Балки ал-вакил  
 Сан Гаврила “ғат-ғат”лаб сурнай.  
 Бир кўз очиб неларни кўрдим,  
 Пойгага шай батанг оҳанг, ҳай!  
 Аҳли ғофил кучоклоқ-ухлоқ,  
 Алаמידан кўк аҳли кўпган.  
 Шунда сенми киш қурасида  
 йиғлаб-йиғлаб сурнагин ўпган.”

“Жон Дон бу ман, санинг кўнглингман.  
 Кўк тоқида танҳо, жафокаш.  
 Падар қонин ичган ўғилман,  
 Кошифига дарди арракаш.  
 Сен булар-ла аршга борарсан  
 даҳшатлару гуноҳ оралаб  
 Аклинг кўриб, кўнглинг ёрарсан -  
 хумо кўкда тангри ёрлақаб.  
 Олдинда пеш қуруқлик, уммон.  
 Гуриллайди Дўзах гулхани.  
 Жимирлайди чароғон Равза.-  
 Ғаму ғарот таътиб кўргани.  
 Айш-ороминг-Ҳаётга қара,  
 Қакшатгичи келар юзма-юз.  
 Зулмат кўрда охириги чора  
 Ҳақ васлига соладирсан из.  
 Ҳеч қўйбирмас сени бу зоввор  
 Минг минори тиргаги олам.  
 Ўлим олди қизиса бозор  
 Ҳечдир Махшар, жазои Ҳақ ҳам.  
 Бу иклимда ўзгармас ҳаво,  
 Бари ҳазин парпираган туш.  
 Ойна узра қулса Раббано,  
 бир бурждаги лаҳзада беҳуш.  
 Адирлардир бағрин тилмаган омоҳ  
 Йиллар кўрмаган келмаган ойлар.  
 Фақат дарахтзорда ўчмайди сироч,  
 Майсазорда ёмғир кишнаган тойча.  
 Унда илк ёғочхўр қайдаки чўбир,  
 Номард тўдалари солмас кўпқари.  
 Тўсиндан парлаган нур, портлаган шуур,  
 Йирок-йирокларда ғуссанинг марди.  
 Тиниқ юрт бўтана, жони бевужуд,  
 Вазмин ниғоҳларнинг тояди изи.  
 Бунда шундай ёруғ, оҳида йўқ дуд  
 Бийрон чилдирукнинг бемажол сўзи.  
 Бирдан у англайди, олисда ёди.  
 Ўрмондаги отдай қайрилар кескин.  
 Бу чоғ жилов, чана, кечанинг боди,

Инжилона орзу боласи эзгин.  
 Шунда мен йиғлайман, сиктайман йўл йўқ.  
 Қайтишда шу харсангда ўқилар ҳукм.  
 Кўрса ҳам ўлик азал кўкрагимга ўқ,  
 Танам қутқармас сол, унда чўкигум.  
 Ха, ха, худди шундай бекарам шуёлам,  
 Кўлмак замин ўчган ёддан батамом.  
 Ғусса беҳудага юрса изингда  
 Ҳижрон чоғирига туланади жом.  
 Ҳамон йиғларқанман салтанатингда  
 оҳ, тун, тинглайман хун савдои қарор.  
 Тўрт тарафда парвоз этади нина,  
 Қор тикади куйлак, ҳажр - харидор.  
 Сиктаётган менмас - бу сенсан жўра  
 Жавонлари ихрар лиқ-лиқ идиш-ла.  
 Туш авжида қулбанг, қор чертади тор,  
 Шамол ҳарир раққос овлоқ далада.”

Қушлардай у ухлайди ўз юрагида,  
 Умр гузарони шаффоф мусика.  
 Азал-абад кечган ҳаёт бешубҳа,  
 Будутлар аро тилсим айни дақиқа.  
 Алиф қалби мусаф қушлар мисоли,  
 Ҳолбуки айблардан ҳоли фақат Ёр.  
 Митти ошиёнлар қалби уволи,  
 Итликларга чўкмас хаёллари нор.  
 Қушлар янглиқ уйғонар эрта,  
 Қор кўрпада ҳозир ётар ўралиб.  
 Жон ва тан орасида халослаб, йўрта  
 Ямоқчи қор учун амал турланиб.  
 Ухлаётир бари, аён сарҳади  
 Ашулла гунғиллайди сўзсиз гудраниб.  
 Асл ишқ нима ўзи, оқиннинг дарди.  
 Руҳоний вужудида иймон гувранур.  
 Барибир тирикчилик дунёси сийка.  
 Кимнинг ғилдираги ботди булоққа?  
 Кимлар гуноҳ сели остида жикқа,  
 Ким бизга ҳаёт бериб борар ўлмоққа.  
 Йиртиқ-сиртиқ газмол, кимга оз бу ҳол,  
 Йиртмоқ истар яна кетиб-келади.  
 Истак ўша-ўша, манзар турфа ҳол,  
 Чевар зулумотни тикмоқ бўлади.  
 Жон Дон ухла, ухла, ўзни қийнама,  
 хафақонлик осик чакмонинг далва.  
 Будутларда юлдуз тикил-тикилма,  
 Йиллаб сигинганинг дунёи ғалва.

\*\*\*

Қайтаясан, ким йўлингта зор?  
 Киндик қонинг томган юртга боқ.  
 Бирон дўстга на-да ҳақдинг бор,  
 Юрагининг эшигини қоқ.

Аллақайдан топиб тотли май,  
 Олисларга тўймай хаёл сур.  
 Гуноҳ, савоб-бари пайдар-пай  
 Ўзингдан кўр, Ўзига шукур.

Қандай ҳузур, йўқдир ҳукмдор,  
 Йўқдир биров билан ишинг ҳам,  
 Ўлимгача севги устивор,  
 Топилмайди бурчдор кишинг ҳам.

Бунча роҳат, бу зулмат аро  
 Ҳеч ким сенга кўрсатмайди йўл.  
 Жон ҳузур дунёда танҳо  
 Ғало-ғовур вокзалларда бўл.

Талпинасан қадрдон юртга,  
 Сўнгсиз сурур, беаёв асрор,  
 Ва ўзингни кўрасан ўтда,  
 Эврилишлар адоғи баҳор.

*Рус тилидан Вафо ФАЙЗУЛЛО таржималари.*





Бахтиёр Тўраев 1963 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Маннон уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтини битирган. Ҳозир Ҳамза номли академик драма театрида бош рассом бўлиб хизмат қилади.


Яқин орада кейинги йиллардаги ижодидан намуналар - шахсий кўргазмасини очиш тараддудиди юрибди. Истеъдодли мусаввирнинг асарлар альбоми ҳам муҳлислар қўлига тегиш арафасида.

Бахтиёр бахтиёр. У борлиқдан шунчаки нусха кўчирмайди. Унинг камалак тасвирларига дунёни ўзига хос англашга уриниш тасаввурлари буюк беради, тасаввурларида эса тасвирлар сўкмоги, хаяжон рангида нур-ларга ошно даласи балқийди. Шу бондан ҳам энг реалистик асарларида ҳам таҳайюл кучли, энг мажозий чизмасида ҳам мураккаб ҳаётнинг аниқ бир бўлага рўй кўрсатади.

Унинг портретлари нимаси билан бошқаларникидан фарқ қилади? У портретга ўз тасаввуридан устухон ясаб,

моддий бир нарса қўшади. Бу ўша портретнинг ички дунёсини очишга хизмат қилади. Бу оддий суратдан фарқ қилиб, томошабинни ҳам кизиктириб қўяди. Унинг "Она", деган портрети бор. Ундаги волида сиймоси ҳаётдагидан анча ўйчан, ҳатто ғамгин. Бу - бирон-бир кайфиятнинг акси, деб ўйлаш мумкин. Аммо сиймода ғалати кўкрак қафасини эслатадиган ҳалтинчаклар - тортилган. Бу нимаси бўлди? Рассом бу билан она фарзандларнинг кўкрак қафаси, энг муҳим ва энг нозик аъзоларнинг ҳимоячиси, демоқчи. Онанинг киефасидаги хоргинлик эса рассомнинг онанинг фарзандларга билдиравермайди дардларини чуқур англаб юзага чиқара олганидир. Бу билан Бахтиёрнинг "Она"си волида образи талқинини очишда янги топилма эканлиги билан ҳам кўнглини хайратга солади.

Унинг аксарият портретлари ўзи шунақа. Бир детали билан инсоннинг ички оламини очади. Масалан, аёлнинг бошқа бир даврдаги, бошқа бир киррасини очган "Келинчак" портретига тушган нигоҳ уйлантириб қўяди. Келинчак узокларга нигоҳини тикиб турибди, ўша олисларнинг бир четида тизимчалари узилиб бораётган сирга, гўзал такинчоклар. Бу сароб, гўзаллик, унга интилган сари табиат аёлга инъом қилган латофатга дарз кетади дейилаётгандек. Лекин "Келинчак"нинг нигоҳи ўша саробларда... Уни кимдир аёлнинг моҳирлик билан муҳрланган гўзаллигига махлиёланиб караса, кимдир унинг нигоҳи ва олисларда банд-бандидан ситилиб кетаётган такинчоклар - икки рамзининг баҳсу-интилишларини фалсафий мушоҳадалаш учун кўради... Булардан олдинроқ яратилган Бахтиёрнинг яна бир сурати бор. "Бешик олиб кетаётган момо". Буни ҳам ҳамма ҳар хил кўради ва тушунади. Биров, бешикни у набирасига олиб кетапти, деб ўйласа, кимдир кампирининг ўлгиси йўк, деган



хаёл кўчасига киради. Аммо тасвирдаги момо ва бешик разм бўлсачи. Момо мозий, бешик баҳор - келажак ўтови. Ўзи адои тамом бўлган бўлса-да, бу момо келажак сари Ватани олиб бораётибди...

\*\*\*

Аммо суҳабатимиз Бахтиёр Тўраев билан кўпроқ саҳна жанридаги рассомлиги ҳақида кетди.

- Мен сизнинг портрет суратларингизни кўриб театрға келиб қолганлигингизни тасодиф бўлса керак деб ўйлагандим. Лекин сиз ишлаган "Абулфайзхон", "Қатогон", "Ёрқиной"даги саҳна безакларини кўриб фикрим ўзгариб борди. Театр рассом учун эҳтиёж ва имконият майдони экан-ку деб ўйлаб қолдим. Шундай бўлса-да саҳна безакларини ишлаш аввалдан бегилаб берилган воқеага бўйсунган ҳолда эскизлар қилиш рассомнинг озод илҳомига кишан

солмайдим, унинг табиат кўйида ёки турфа кишилар орасида ўзига хос асарлар яратишга ҳалакит бермайдим?

- Ким билади дейсиз. Сиз тасаввур қилган зиддият ва боғлиқликлардан ўн чандон ортиғи рассом ва театр ўртасида бор. Даставвал театр ва рассомчилик ўкув юртидан қайтиб, Каттақўрғон театрига бориб қолишим тасодифга ўхшайди. Аммо бунда ҳам қисматнинг саҳна ва тасвирлар билан икки учи боғланган инъомларини кўраман. Айнан ўша бошим шишиб қолган, кўнглим эса орзуларга лим-лим чоғларимда саҳна мени чизгиларимдан чинакам ҳайратлантириб, янги илҳомлар бағишлаган.

Институтга кирганимдан кейин эса Георгий Робертович Бримнинг театрга ўзгача муносабати, севгиси мени энди... театрга бошқача жалб қилди, алоҳида меҳр уйғотди. Бунда қандайдир тасвирларнинг иккинчи ҳаёти бошланишини англаб қолдим.

Мен чизганларим жонланишини, ҳаракатга келишини орзу қилиб келаман. Бу имконият эса театрда бор.

Бу томондан театр фақат рассомнинг имконият булоғи кўз очишига ёрдам беради. Агар иқтисодий томонини кўзлаб келганимда алақачон театрдан кетиб қолган бўлардим...

Театр катта бир оламнинг кўзгуси. Мен эса шу оламнинг мўъжаз тархини чизаман. Унда олам ва инсон умрининг қайсидир лаҳзалари ҳаёт касб этади. Уйналади. Бу ўйинлар жуда гўзал бўлса-да, ўткинчи, ҳайриятки ўзига хос, муваффақиятли саҳна безаклари кейин ҳам оний бир лаҳзанинг мангулиги сифатида яшайверади. Бу менга яна бир житҳатдан янги саҳна асарига мос тасвир яратаётганимда ишимга иштиёқ ва ишқ билан ёндошишимга куч беради.

- Айтингчи, Бахтиёр театр рассоми унинг режиссёри ва актёрларини ёхуд актёр ва режиссёри рассомни қандай кўришни истайди. Сизнингча, қандай кўриши керак? Улар бир-бирларига ким?

- Санъат билим даргоҳлари ҳам актёр ва режиссёрни чегаралаб тайёрлайди. Бир қолипда фикрлайдиган бўлиб чиқишади улар. Эхтиомол ўша қолип бўлмаганлиги сабабли бизда бир вақтлар бутун бир санъаткорлар истеъдоди юзага чиққанди. Кейинги пайтда бу эркинлик доираси кисқариб кетди. Шу боис ҳам профессионал актёрлар кўп бўлгани билан, ярқ этиб кўзга ташланадиганлари кам. Томошабин фақат асарни кўриш учун эмас, истеъодлар мўъжизасининг гувоҳи бўлиш учун театрға келадилар, ахир.

**- Менимча актёрлар профессионаллашган сари, билим ва кўникма тўплагани сайин қолипга тушиб қолишига одамнинг ишонгиси келмайди.**

- Ҳали мен гапимни тугалламадим. Мен режиссёр яхши драматургни тайёр асарни сахнага қўйишидан олдин драмадан бўлак жанрдаги асарлардан ҳам излаши керак деб биламан. Биздаги аксарият режиссёрлар эса буни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Небахтки, Баҳодир Йўлдошевга ўхшаган бу доирани ёриб, ижод қилаётган режиссёрларимиз ҳам бор. Илғор Ёшлар ҳам Баҳодир акага эргашиб чинакам миллий ўзбек театрнинг остонасида турибди. Энди ҳамма томондан ҳам ўзбеккона театрнинг юрағида гулхан ўрлатиш замони келди.

Хатто мусаввир бўлсамда, менинг ўзим ҳам яхши асар, драматургни излайман. Мен сахна учун майдон тузарканман, ҳар бир ролни ўйнаб чиқаман ва бу ролларимни режиссёрга ҳам беришга қизганаман. Саҳнани бегона қилгим келмайди. Хатто Эркин Хушвақтнинг бир асарини ўзим сахнага қўймоқчи бўлиб юрибман. Бу завқ билан мусаввир ҳайратланарли режиссёрга эврилиши ҳам мумкин-да.

Энди, актёр ўзига хос сахна безагини кўриб ўйнаш истаги кучайса, унинг илҳомига, асар дунёсига киришга бизнинг ишимиз туртки берса, бундай рассомлар актёр ва режиссёрларнинг ҳамшираги орузси.

Ўз навбатида улар ҳам мен яратган безакни чуқур хис қилишларини, унга ҳамоҳанг сахнага ёруғлик каби жилваланишларини истаيمان. Кўпинча эса бунинг ўрнига сахнадаги бўладиган сохта ё бир чизикдаги жилпанлашлардан кўнглим огрийди.

**- Бу ҳам ўша изланмаслик, фикрламаслик фожиаси. Бу бирхилликлар айниқса катта тўйларимизда кўзга ташланади. Мана буюк бобомиз А. Темурнинг улуғ таваллуди муносабати билан ҳам унинг чинакам, халқ қалбига қад тиклаши керак сиймосини яратиш ҳамма жойда ҳам авж олди. Истак ажойиб. Эшитишимча, Сиз ҳам қардошларимиз қозоқларнинг Чимкент театрида, Сурхондарё вилоят театрида буюк саркардага бағишланган спектаклларга рассомлик қилибсиз. Мана энди Ҳамза театрида бу ишни зимангизга олибсиз. Тасанно. Аммо бир шубҳа ҳам кўнглимнинг бир четини келтираётганини айтишим керак. Мен кўрганам каттакичик театр сахналарида Темур сиймосини яратишдаги бир хиллик, шошма-шошарлик “туҳфабозлик” тасаввуримни хиралиштирди. Ахир бундай маймунбозликнинг яна инкубаторчиликнинг кимга, маънавиятимиз кўркамлашига қандай фойдаси бор. Бу ҳам миллатимиз кўрки бўлган улуғ сиймоларимиз номига**

**номуносиб, ҳ а м томошабини алдашдан бошқа нарса эмас.**

- Бу санъатни ўлдирадиган, унинг маърифий кудратини ерпарчин этадиган хавфни мен ҳам хис қилганим боис бир йилда Темур ҳақи-даги уч асарда сахнани уч хил қилиб тузадим. Улар бир-бирини т а к р о рламайди. Кейин бу мен



учун ҳам улуғ бобомизни ўзимча кашф қилиш бўлди. Қозок сахнасидаги қардошлар Темурни ўзгача танишлари учун солинган йўл, деб ишлаганман.

Сурхондарё вилоятидаги бўлса, жуда кўп театрларда бачкана улуглатишга уринаётган шахс - оламий сирга, жумбоққа асосланиб қурилди. Ҳақиқатдан ҳам биз инсонни тўла маънода ким, қандай яралиши, нималарга қодирлигини биламизми? Бундан Темур шахси ҳам холи эмас. Кўп театрларда эса буни кўрсатишнинг ўрнига улуғ бобомизнинг бир хил, бачкана улуглашга зўр берганларидан кишининг энсаси қолади.

**- Ҳамма имконият ва эҳтиёжлари ўзига қайтган ўзбек миллий театри Сизнингча, нима қилса ўзини топади ва томошабини янада кўпроқ ўзига жалб қилади?**

- Аввало ҳар бир театр ўз анъана, миллати руҳиятига мос ҳолда шаклланган. Европа тетрига эътибор билан қараган бўлсангиз, сахнадаги ҳаракат воқеанинг очилишига ҳам, шахсни руҳий кечинмалари портлашига ҳам асосий роль ўйнайди. Фожа ҳам, комедия ҳам ана шу хатти-ҳаракатларда қурилган, шу кимир-кимирда ҳаммаси ўз эътиборини тортади. Аммо япон театрида бутунлай бошқа бир манзарани кузатиш мумкин. Энди ҳаракат эмас, аллақандай нигоҳ ҳамма нарсани бошқариб, ишорат ва кўз қарашлар тили билан нимаки содир бўлиши керак бўлса, шу кўрсатилади.


Ўйлаб кўрсам, бизда ҳам шундай ўзига хос миллат руҳига яқин, ҳам кимнинг кимлигини сахнада мана-ман деб кўрсатадиган йўл бор экан. Бизда театрни мутойиба, гап-сўз ўйини асосида қурса бўлар экан. Бу йўл табиий ва топиламалиги билан томошабинга завқ ва ҳайрат улаша олади. Шу маънода сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон”ида жуда чўнг миллий театримизнинг ўзини кашф қилишга тайёр уфқлари кўринади.

**- Бу асарни биз сахнада қандай кўрамиз?**

- Бу орзу мени ҳам кўп ўйлантирди. Ниҳоят, назаримда ўз излаганимни топдим. Бу Темур тиклаган буюк салтанат эмасми?! Бу салтанатга рамз сифатида ул тиклаган тарихий обидалар хизмат қилади. Шу боис ҳам драма осмонўпар, ўз гўзаллиги ва салобати билан жаҳонни ҳайратга солган гумбазлар остида ўтади. Бу салтанат, унинг мангуликка дахлдор маънавият салтанатидир. Чунки уни ҳамиша ёруғ юз билан жаҳонга ифтихор қилиш мумкин ва керак!..

Менинг Бахтиёр Тўраев билан гурунгим узоқ давом этди. Аммо...

Азизлар, биз гурунгни шу ерда узганимиз маъкул кўринади. Чунки мен саволга тутганим сари мусаввир ўз ранглари саволлари сари кириб борарди. Ҳамма бу рангларида ўзича гурунг қилгиси келади. Мусаввир эса чорраҳада. Биз ҳозирча фақат унинг театрға тугашган бир йўли сари бордик. Сийри яратишдаги изланишларини .... кўришга уридик...







**ҲАМРО БОНУ**

*ТУЛАТТИРИДАН Ж.М. АЖОЖ  
АЖИЛ АРИН*

\*\*\*

Ўтмишимдан гуноҳ қидирманг, жоним,  
Бейб яратганининг ўзи, биласиз.  
Тоза сўқмоқларни соғиниб кетди,  
Гуноҳлар юртини янчиб ўтган қиз.

Нур фарзанд кўрарди қуёш меҳридан,  
Нурзодлар яшарди дунёда ғолиб,  
Бандаси гуноҳга банди бўлмаси  
Моҳтоб чикмас эди зулматни ёриб.

Юлдузларнинг ғамгин боқишларида  
Армонлар бўлмасди, мунглар бўлмасди.  
Гуноҳзор бўлмаси эди бу олам  
Офтобнинг хажрида гуллар сўлмасди.

Жоним, гул атридан макон ахтаринг!  
Шу атрлар аро қолган яккаш из.  
Бунда Яратгандан мадад тилайди.  
Гуноҳлар бағрини янчаётган қиз...

\*\*\*

Бу улкан Қайғумас, Ҳасрат ҳам эмас  
Чарчаган вужуднинг ҳорғин нафаси.  
Осмонни кучмоққа чоғланган Рухни  
Бир дам тутиб қолди, ҳаёт кафаси.

Тунлар тўлғонади вужуд ичра жон  
Тунлар инграйверар ожиза юрак.  
Рухни азоблайди куринмас қопқон  
Осонмас, қафасдан бош олиб кетмак.

Осонмас, руҳингни қайнагувчи ғам,  
Суюқлигинг бўлса кечмоқ осонмас.  
Бўзингга фарёд тикилгани дам  
Шабнамнинг умрига қилурсан ҳавас...

Сўнг ҳаммаси ўтар, ҳарсиллаган Вақт  
Бағрига босганча овутоқ бўлар...  
Кўника бошлайди қафасдаги рух  
Яна олам аро сокинлик тўлар.

Бу қайғумас дейсан, ҳасрат ҳам эмас  
Чарчаган вужуднинг ҳорғин нафаси.  
Барибир, нимадир сира етишмас  
Азоблайверади ҳаёт кафаси.

Бунга кўникмоқлик қийин, Азизам.

\*\*\*

Жонни аллалайди эҳсон нурлари,  
Рухни тортиқ этдим, олам шоҳига.  
Одамнинг пойига сочиб меҳримни,  
Юпанч изляпман кўнгил доғига.

Теграмда ишқ дардин англаган зот йўқ,  
Ҳасаднинг қовоғи уюлаверар.  
Муножот айлайди ошиқи зорлар  
Дилга Нури эҳсон қуюлаверар...

Бошимни қўяман дунё ғамига,  
Йўлимни тўсади ёмғирлар бўзлаб.  
Охир қарвон бўлдим, кетяпман мана,  
Ҳеч ким тополмаган манзилни кўзлаб.

Қадимий йўлардан, кўхна йўллардан  
Пирлардан куч олиб, ишқдан шижоат.  
Кўркмайин ҳар не ғам, ҳар не дўллардан  
Юракда бир умид, дилда ибодат.

Ў, висол нашъаси ҳали кўп йирок  
Рангини чўлларга сочади, юзлаб.  
Қарвонман, кетяпман қадимий йўлдан  
Ҳеч ким етолмаган манзилни кўзлаб...



**Сунатулла  
АДБУРАСИЛОВ**

**МУШТАРАК ЁНДОШУВЛАР**

Халқ бадий амалий санъати борасидаги билимларни чуқур эгаллаш - маънавиятимиз, маданиятимизнинг узвий бўлагидир. Айниқса ёшларнинг юксак дидли бўлиб шаклланишида бу ҳол алоҳида аҳамиятга молик.


Халқ амалий санъатини илмий жиҳатдан таҳлил қилган мутахассислар ҳам усталар ва шоғирдлар ижодида ўзига хос муштараклик мавжудлигини эътироф этишади. Санъатга ихлосманд ёшларни аждодларимиз ижод усулларига яқинлаштиришда эса турли ривоятлару кундалик турмушимиздаги буюмларнинг ҳам ўз муносиб ўрни бор, албатта.

Тасвирий санъат бўйича яратилаётган янги дастурларда ҳам ёшларни халқ амалий санъати билан кенгрок таништиришга ҳаракат қилинаётгани кишини қувонтиради. Бундай дастурлар орқали ўтилган тасвирий санъат дарслари, шубҳасиз, ёшларга ўзлари яшаб турган жойлари тўғрисида чуқур билим олишларига имкон яратиб бериш билан бир қаторда халқ амалий санъатини чуқуррок тушунишларига йўл очиб беради. Умуман, ёшларга ижод қилиши ва мавзуну мустақил танлашлари учун имкониятлар яратилмоқда. Замонавий таълим тизимида бундай жараён муҳим аҳамият касб этади. Халқ усталари анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб боришига ҳам алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Мисол учун мусаввира Ҳамро Раҳимова оқ тўсли лойдан халқ афсоналари, эртақлари ва ривоятлари асосида жуда чиройли, ўз ишланиш услубига эга асарлар яратиб келмоқда. Турли хил хайвонлар, шоҳи буралиб ёки тарвақайлаб кетган қўйлар, қулоқлари қатта, кўзлари бесўнақай афсонавий хайвонлар қиёфаларида ажиб рамзлар яширинган. Бундай эртақлар ва ривоятлар асосида яратилган ўйинчоқларни кўриб, ҳар бир хайвон ёки қиёфанинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунчага эга бўламиз. Ёшлар эса ҳар бир шаклни жуда нозик ва



чукур хис қила олиш кўникмасига эга бўла борадилар. Тасвирий санъатни идрок этиш жараёнида ёшлар миллий хунарлар билан чукур танишиб бориш ҳамда халқ амалий санъатини янада кенгрок англаб этиш имкониятига эга бўладилар.

Умуман, ихлосманд ёшлар тасвирий ва амалий санъатга чуқуррок кириб боришлари, билим ва кўникмалар ҳосил қилишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Устоз мусаввирлар миллий халқ оғзаки ижоди ёки ҳаётий воқеалар асосида соҳани тушунтириб борсалар, машғулотлар жараёни янада жонлироқ кечарди.



Албатта, мактаблар, билим юртлари, коллежлар, техникумлар, олий ўқув юртидаги тасвирий ва амалий санъат машғулоти, тўгарак ишларнинг слайдалар, рангли лавҳалар, мусиқа, ашула, эртақ, афсона, ривоят ва халқ хунардчилиги шакллари билан бойитилгани мақсадга мувофиқ. Айтайлик, халқ усталари тошлардан ҳайкаллар ясаган, уста қўллари тошларни нозик хис қилган. Асарларда инсоний хусусиятлар ифода этишга тиришилган. Шунинг учун одамларнинг хислати ва хусусиятларини айтиб бериш мумкин. Агарда ёшларга



ҳам ўзларининг яқин кишиларини тасвирлаш вазифаси топширилса, улар кўтаринки руҳда бу ишга киришадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг амалий ва тасвирий санъат анъаналарини ўзлаштириб бориш жараёни илмий изланишлар учун муҳим мавзу бўлиб хизмат қилади. Келажагимиз бўлган ёшларга атроф-муҳит, яшаб турган дунёни гўзаллигини англашларига имкон қадар кўмаклашиш, улардан завқланишга ўргатиш осон эмас, албатта. Аммо бу зарурат ҳамдир. Зеро маънавий бутунлиги инсон, айниқса ёшлар камолотининг уйғунлигини талаб этади. Ёшларимизни халқ амалий санъатига меҳр билан тарбиялаш эса бу соҳанинг авлоддан авлодга ўтиб боришидаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Халқ бадий амалий санъатини сеувчи, уни асраб-авайлаб, кўз қорачиғидай сақлай билувчи авлодни тарбиялаш эса ҳаммамизнинг вазифамиз бўлмоғи жоиз.

## ХОЗИРГИ ЁШЛАР

Улаш НУРМАНОВ

### ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР КЕРАК...МИ?



Келажақ авлод тақдирини билан жиддий шуғулланувчи, қизиқувчи ва бутун қалб кўри билан жон қойитган ҳолда фидойилик кўрсатувчи кишилар, шукрки, кўп. Бугун ёшлар таълим тарбияси, тақдирини, келажағи ҳақида ватанпарварлик ҳисси жўш уриб турган ҳар бир инсон қайғураяпти. Маънавият, маданият ва маърифат ҳақида кенг мушоҳада юритилаяпти, мулоҳазага чорловчи фикрлар билдириляпти, мақолалар ёритилмоқда. Мактаб ўқувчилари учун янги дарсликлар жорий этиляпти, қўлланма-ю дастурлар битилаяпти. Муҳими, келажақ сари қомил ишонч билан дадил қадам ташланапти.

Олимларимиз, халқ таълими тизимининг заҳматқашлари маъзур тутишинлар-у, оддий фуқаро сифатида мен ўз хусусий фикрларимни баён этишга жазм этдим. Аввало, "Ўқув дастурини замон талаби даражасидан келиб чиқиб, бирмунча бойитиш зарур эмасмикин?" - деган савол кишини ўйлашга мажбур этади.

Ҳўш, қандай дарс соатлари жорий этилиши мақсадга мувофиқ? Назаримда, улар қуйидагилардан иборат бўлади:

#### I. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ДАРСЛИГИ.

Бу йўналиш бўйича махсус дарс ўтишининг аҳамияти бисёр. Биринчидан, ёшларимиз ўқувчилик давриданок маънавият ҳақида тушунчага эга бўладилар. Аждодлар маънавий-маданий олами, тарихда тутган ўрни ва дунё микёсидаги аҳамиятидан хабардор бўладилар. Иккинчидан, Она-Ватанга бўлган меҳри, миллий урф-одатларга эътибори ошади. Учинчидан, бу йўналишдаги тил ва сўз бойлиги ошади. Муомала маданиятини эгаллашади.

#### II. ИСТИҚЛОЛ ВА МИЛЛИЙ МАФҚУРА ДАРСЛИГИ.

Нафақат мактаб ўқувчилари, балки олий даргоҳлар талабалари, ҳатто кенг зиёлиларимиз қатлами ҳам мустақиллик мафқураси, миллий мафқура ҳақида старли тасаввурга эга эмаслар. Ортимиздан эргашадиган авлодлар онгига эса бу жиҳатларни сингдиришимиз зарур. Бунинг натижасида биринчидан, истиқлол аҳамиятини юракдан хис қила оладиган, янгича фикрлайдиган, озод юрт учун, эл учун фидокорона меҳнат қиладиган забардаст авлод вояга етишишига кенг йўл очилади.

Иккинчидан, йигит-қизлар тафаккури мактаб остонасидаёқ янгича йўналишда суғорилади. Яъни мустақилликка қандай эришилганлиги, дастлабки пайтларда дуч келинган муаммолар, қийинчиликлар ва оғир вазиятларни енгиллашга кўрсатилган матонат, жасорат намуналари ёшлар онгига сингдирилади. Халқимиз узок йиллар қутган мустақиллик неъматини аҳамияти ва давлатимизни энг ривожланган давлатлар сафига олиб чиқиш йўллари, бу жаҳада ёшлар олдида турган вазифалар англашилади.

Учинчидан, ёшларни ўқитадиган ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам мустақил давлатчилик сиёсатини тўла англаб етадилар ва илмий-амалий изланишда бўладилар. Янгиликларни қунт ва матонат билан ўрганиб, мағзини чакқан ҳолда ўқувчилар онгига сингдириш йўллари излайдилар. Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ислохотларнинг ва миллий мафқуранинг аҳамиятини туб моҳияти билан таҳлили равишда тушуниришади.

Шунингдек, мактабларда ўтиладиган "Одобнома" дарсларида Қуръони Каримдан кўпроқ сабоқ беришни ташкил этиш ҳам зарур, деб ўйлайман. Бир ўйлаб кўрайлик, нега "Инжил"ни нафақат насроний, балки бошқа динга мансуб кишилар онгига сингдиришга ҳаракат қилинапти? Нега, эндигина ўсиб келаётган ёшларни "Инжил"ни ўқишга кўпроқ жалб қилишга уринилапти?..

Тафаккур доирамиз кенгайиб боргани, янги уфқлар томон талпинганимиз сари маънавият ва маданият оламида ҳам ютуқларга эришаверамиз. Юксак маънавият ва маданият ўчоғи бўлган Туронзаминда, яратувчан аждодларимиз яшаган шу тупроқда авлодлар ҳали мисли қўрилмаган ютуқларга эришади. Бу улғу юрт фарзандларининг қодир қучига, сирли сандиқ эшигини очишига тарих гувоҳ.

Янгича фикрлай оладиган кишиларни тарбиялаш, янги ҳаёт қуриш ва ҳақиқий келажақ учун курашиш жараёнида ҳар дақиқа ғанимат. Демак, ҳеч иккиланмасдан таълим жараёнларига янгиликларни жорий этиш лозим. Иккиланиш ва гумонсираш бўлажақ, амалга оширилажақ катта ишларнинг йўлини боғлайди, холос.

Улаш НУРМАНОВ - 1962 йили Нурота туманида туғилган ТошДУ журналистика қуллиётини битирган. Навоий вилоят "Дўстлик байроғи" газетасида ишлабди.





АТИРГУЛ

бандига банди тушган сув. Етилган тупрокдай кўпчиган кўкрак. Махлиё исмли маккора сулув. Жимгина уларни кузатмак керак.

Атиргул бандига банди тушган сув. Сувнинг сувлигига банди атиргул. Атиргул косаси-мусофирхона, мусофирхонада қулвачча бор - қул.

Ё ПИРИМ

киройи хуснингни кўрдим. Девона бўлдим у ортиндан юрдим. Оқ қоғоз устида ястанган эдинг, тонг каби яланғоч ясанган эдинг.

Парилар юзимга туфлаб кетдилар. Бошимни кундага қўйди малика. Сўнгра сени коратошга қулфладиларда, мени кўтардилар халифаликка.

Мен энди халифа эмасдим, эвоҳ, мен энди кўзи кўр авом ҳам эмас, мен энди... муридман, муридман эй, кас!

СЕНДАН ЙИРОК

жуда чеккада алаҳсираб ухлайди Қуёш. Қоп-қоронгу ҳорғин кечада секин-аста ёрилади тош.

Намлик қочар кўзингдан Нигор, танҳо ўзинг қолдинг, бу кеча гулдонингда сув ичади гул, нафратингни кўзгатади ул.

Сендан йирок жуда чеккада жимир-жимир турар юлдузинг, қоп-қоронгу ҳорғин кечада фириб берар, қарасанг кўзинг.

Намлик чопар кўзингга Нигор, танҳо кўрдинг бунда мени ҳам. Гулдонингда сув ичмайди гул, нафратингни кўзгатамайди ҳам.

БИЛАРДИМ

бу Сўзнинг таъкибдалигин. Мен уни мулоим сўзларга қўшиб қўйдим. Уни ишонтирган эдим, ваъда бергандим. Бечорам қийнади, тураверди чўғдай қизариб.

Ўзини илмли атаган зотлар кўзларини куйдирди бу Сўз. Ва яна таъкибга учради. Тўрт томонинг қибла, демадилар.

МИНГ ЙИЛ

илгариги қулбада яшаётган, минг йил илгариги қилични кайраётган, минг йил илгариги сўзларни уйғотган шоир.

Шоирнинг қулбаси темир йўлнинг шундоққина ёқасида, наст ва баланд дўнгликларнинг орасида. Лой девори жилва қилар (кўринишлар пайдо қилар, кўрқинч ила кўзларимни шайдо қилар).

Бу қулбада бошчаноклар бетартибдир, сочилгандир. Том бузилиб, фалакка йўл очилгандир. Ҳар бурчакда синик, чирик суяқлар бор ва яна бир нимқоронғулик. Кўринмаслар таъкиб этар, жуда кайғулик.

Бу қулбада шоир ва жимлик яшамокда кўзлари намлик.

БУ БАҲОР

яна сен чикардинг япрок, ёмғир юзларингни юва бошлади. Бу баҳор яна сен гуллаб ҳам кўйдинг, шивирлаб мевалар туга бошладинг.

Эзиб юбордику ахир бу ёмғир, сен эса бепарво қулаяпсанми? Бу баҳор сенгамас, ёмғир, қуёш ҳам ўзингча менга деб ўйлаяпсанми?

Уч ой алданасан, уч ой ишонмайсан, уч ой сарғаясан, ўзингни йўқотиб қўясан уч ой.

Яна ёмғир сени уйғотиб кўяр, яланғоч танангни силайди шамол. Яна энтикасан қуёшни кўриб, яна очиласан солланиб ял-ял.

Яна дўст бўлади менга изтироб, яна мен у билан ичаман кайғу.

Яна ёлбораман мен сенга қараб, ҳатто йнғласам ҳам ишонмайсан-ку.

Қадимдан шундайдир, баҳор келмас эмас, келаверади. Инонгил азизам, бу баҳор сени ари билан кўшиб қўяверади.

Аридан ҳомила бўлган дарахтим, бу баҳор яна мен гапирдим

Фурқат  
МЕЛИ

## МЕН КИММАН, ОНАЖОН?..



кўпрок. Шамол кучоғида нозландинг, бахтим бу баҳор яна сен чиқариб япрок.

КИТОБЛАР

китоблар, китоблар...

Қизил тил чиқариб, китоблар қонатиб ялайди юзимни. Китоблар тугайди, сўгин-да оловга ташлайман ўзимни.

Шундан сўнг у келса, ёнимга рози дил айтгани эланиб, мен кутиб оламан барибир, қип-қизил оловга беланиб.

ҲАР КЕЧ

уйга қайтаман ҳориб, қуёш тутар қонли гулдаста. Олай дейман, кўлим етмайди. Қонли гулдаста - шафак.

ОСМОН ТИНИҚ ЭДИ

болалигимда, болалигим каби тиниқ эди у.

Юлдузлар тинмайин учарди. Учар эди ҳисларим каби тинмайин.

Болалигим қувноқ юрт эди. Қувноқ юрт эди-ку болалигим...

ЧИЗИҚЛАР ТОРТАМАН

сенга бағишлаб, қора ва қип-қизил лолалар каби. Қаршимдан чиқади кўкка ирғишлаб, сен босган майсалар болалар каби.

Бир зум тўхтамайман, сени излайман. Дарбадар юраман бул қаро ерда. Бирок юрак оғрир, сен деб бўзлайман, маконинг қаерда, васлинг қаерда?

Чизиклар тортаман, айқашиб кетди. Чизиклар устидан юролмай қолдим. Бир туйғу мени-да шодумон этди, осмонга бокдим у хаёлга толдим.

Бепоён ва сўнгсиз қора ўлкада бир юлдуз саргардон кезиб юради. Худди қабристондай, бир тор йўлкада бир одам гуллардан узиб юради.

Кўп ўтмай йўқликка сингиб кетди у. Ўйладим, сенгами бориб етди у. Бепоён ва сўнгсиз қора ўлкада...

ЁШЛИГИМ

тўфонда қолди. Шамоллар сочимни ўйнаманг, ўйинга тоқатим қолмади.

Юлдузлар барг каби титрайди, қоронгу кечада дилдираб, узатсам кўлларим етмайди, кўзимни тикаман мўлтираб.

ЙЎЛДАМАН

кетяпман, йнғлайман. Юзимга урилар совуқ ел. Йўлдаман, кетяпман, йнғлайман, юлдузлар санокли, санокли.

Атрофим саҳроми, онажон? Кўзимнинг олдида бир уммон. Бўғзимдан тутайди бир илон, мен кимман, онажон, мен кимман?!

\* \* \*

*Сўзинг сеҳри, овознинг оҳанги минг йиллардан буён дунёни махлиё этади. Сеҳрга сеҳр, оҳанга оҳанг қўйиши дунё ва дил ҳақида фикрий ва ҳиссий ифодани уйғунлаштириш - табиатнинг оддий ҳодисаси каби - шоир табиатининг оддий воқеаси, ҳақиқатидир.*

*Сиз ўқишга чоғланган сатрлардаги маром, бу маромнинг бузилиши ва яна асли ва аксига қайтиши мароми - Фурқат Мелининг кўнглидаги ҳақиқат. Унинг "Билардим", "Минг йил", "Китоблар" ҳамда "Ҳар кеч", "Осмон тиниқ эди" сингари сочмаларидан ҳар хил табиатли кечинмаларни ўз қалб осмонда товлантиришида шоирнинг ёруғ эртасига далолат бор.*

Салим АШУР



Қаҳрамон  
ҚУРОНБОВ



## ЮТУҚ ҲАҚИМИЗНИКИ, КАМЧИЛИК-ЧИ?..

Катта тарихий жараёни бошдан кечирмоқдамиз. Юртимиз тарихида бугунгидек ўзгаришлар бўлмаган ҳисоб. Давр тезкор. Кунлар шиддат билан ўтмоқда. Шу кунги жиндек ютуғимиз - буюк келажагимизнинг, маълум маънода, пойдеворидир. Худо кўрсатмасинку-я, зиғирдек хато - эртага жуда қимматга тушиши ҳам бор гап. Демак, Истиклол гарданимизга тарихий масъулиятни юклаганки, кимлигимиздан қатъий назар, барчамиз келажак олдида бирдек жавобгарлигимиз бор. Шу нуқтаи назардан, азбаройи яхшилик илинжида, ютуқларни эътироф, камчиликни рўй-рост айтиш - азиз маслакдошларни ранжитмас...

Маълумки, бундан салкам бир йил аввал Президент Ислоҳ Каримов Фармони билан Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" жамғармаси ташкил этилганди. Тан олиш керак, "Қамолот" тузилганга қадар ёшлар масаласи, уларнинг муаммолари ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Мутасадди ташкилотларнинг ҳаракатлари эса ҳар доим ҳам қутилган натижаларни беравермасди. Сабабки, бу вақтга келиб, маблағ масаласи етакчи ўринга чиқиб бўлганди. Оқибатда, гоҳлар, режа ва тақлиф-мулоҳазалар қоғозларда қолиб кетди. Бунинг натижасида, ёшларнинг руҳияти ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўсмирлар ўртасидаги жипсликка сал бўлмаса путур етаёзди... Қалаванинг учини йўқотган ёшлар ниҳоят, асаблари тобора таранглашиб бораётган катталар орақасидан ўзларини бозорга урди.

...Энди иккиланмай айтиш мумкинки, "Қамолот" жамғармасининг салкам бир йиллик фаолияти ёшларнинг Истиклол, Келажак ва Истикбол ҳақидаги тасаввурларини том маънода янгиледи. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган қатор жонли мулоқотлар, маърифий суҳбатлар, илмий-амалий конференциялар ўсмирларнинг ижтимоий, айниқса сиёсий онги шаклланишида яхшигина хизмат қилмоқда. Қамина меҳнат қилаётган мазкур жамғарма ҳузурдаги Ёшлар Муаммолар Институтини жамоаси ҳам бу борада қатор хайрли ишларни баҳоли қудрат амалга оширяптики, булар яқин орада ўзининг ижобий натижаларини кўрсатса, қилган меҳнатимизга розимиз.

Иш бор жойда, албаттаки, камчилик бўлади. Мавжуд камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида жиндек бош котирсак, фаолиятимиздаги баъзи оқсашлар фақатгина бизга боғлиқ эмаслиги ойдинлашади... Бу бу борада гап кетганда кўча тили билан айтганда қимларгадир "майдалашган"дек туюлармиз... Ҳолбуки, барча КАТТА муаммолар шунақа "майда"лардан бошланадики, таассуф, бунга ҳар доим ҳам эътибор берилмавермайди.

Юқорида қисман таъкидланганидек, "Қамолот" тузилгач, унинг кўплаб хайрли ишлари, тadbирлари натижасида ёшлар ҳаёти ижобийлик томон ўзгара бошлади, қисқа қилиб айтсак, ёшлар руҳий мувозанати мўътадиллаша борди. Табиийки, бундан қувониш керак. Лекин жиндек ютуқдан кўпроқ қувониш оқибатида келажак юмушлар ҳам ёддан чиқмаслиги лозим. Зотан, ютуқлар ўзимизники, камчиликлар ҳам...

Сир эмас, "Қамолот" жамғармаси иш бошлагач, кўпгина ташкилотлар ёшлар билан боғлиқ масалаларга иккинчи даражали юмуш деб қарай бошладилар. Мавжуд муаммони кўра-била туриб "Қамолот"нинг иши бу!" дея

зам-зама этувчилар ҳам пайдо бўлиб қолди. Эҳтимол, улар фаолият нуқтаи назардан ҳақдорлар, лекин ёшлар масаласи, таъкидлаш жоизки, ҳамма учун бирдек, биринчи масала бўлмоғи керак. Негаки, "Қамолот" ёшларни фақатгина жамғармада ишлатиш, яъни ўзи учун тайёрлаётгани йўқ.

Айни дамда тоталитар тузум шароитида шаклланиб, бугун ёшларга сабоқ бераётган фахрийлар (шу сўз тўғри ёзилдимикан?) ёшларга сабоқ бериш баҳона ўзларининг табиатини ҳам "тахрир" қилиб борсалар ёмон бўлмасди... Демокриманки, бугунги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар қандай бораётганлигини ёшлар тугул, айрим катталар ҳам тўла идрок этишяётганича йўқ. Узр-ку, онги коммунистик гоҳлар билан қотиб қолган ўрта бугундаги баъзи раҳбарчалар айрим пайтларда йўлимизга тўғаноқ бўлаётгани ҳам бор гап. Бундайларда ҳали-ҳануз ёшларга "учинчи кўз" билан қараш бор... (Ўзига-ки ишонмаган одам ўзгаларга ишонармиди?) Уларнинг бу қилигидан ёшларга нисбатан ишончсизлик ёки "ёшлар ўрнимни олиб қўяди" деган хавотирдан ўзга маъно топиш қийин. Ҳақиқатнинг юзига тик қараб айтсак, бунақа раҳбарчаларнинг жони омон бўлсинку-я, лекин аллақачонлар даври ўтиб бўлган. Мард бўлса, ўрнини ёшларга беришсин.

Кейинги беш йил ичида ёшлар кам деганда ўн ёшга ўсдилар. Бўлаётган ўзгаришларни эндиликда катталардан кўра ёшлар тез идрок эта билмоқдалар. Янгиликни катталарга нисбатан ёшлар ўзларига тез сингдира билади. Чунки, биз Озодлик, Истиклол, Ислохот деган муқаддас тушунчаларни китоблардан ўқиб билмадик, киноларда кўриб ҳулоса чиқармадик, балки буларнинг барчасига тирик гувоҳ, бевосита иштирокчимиз. Шундай экан, бугунги кунда айрим катталарнинг "Ёшларда истеъдоддан кўра иддаоси кучли" деган гапи ҳам унчалар тўғри эмас. Қолаверса, ёшларнинг "баланд" жойларга интилишини шуҳратпарастликка йўйиш ҳам ноўриндай. Менимча, ёшлардаги "шуҳратпарастлик"ни иллат деб эмас, балки орзу-умид, деб билиш керак. Чунки, ёшларнинг кўнгли ҳали моғор босганича йўқ, ҳали улар алдов, кўзбўямачилик, фитна, хиёнат, лаганбардорлик... ва ҳоказо иллатлардан анча йироқ. Ишласа халқ манфаати учун ишлайди, жигиддони учун эмас!

Ёшлар - эндигина очилиб келаётган гулга ўхшайди. У қандай очилади, хуш бўй таратадими-йўқми, эгри-бугри ўсиб қолмайдами - буёғи боғбонга боғлиқ. Бундай боғбонлик эса ҳар кимниям қўлидан келмавермас экан, ўша боғда говлаб кетганлар бундай гулларга жилла курса, соя ташламаганда эди, Сизу биз кутаётган гулзорлар жуда тез бунёд бўларди...

### МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Қаҳрамон ҚУРОНБОВ 1970 йили Хоразм вилоятида туғилган. 1992 йили ТошДУнинг математика факультетини битирди. Ёшлар ташкилотларида суяғи қотган йигитлардан. Айни паллада Ўзбекистон Ёшларининг "Қамолот" жамғармаси ҳузурдаги Ёшлар Муаммолари Институтининг биринчи проректори лавозимида ишлайди. Уйланган. Бир ўғил ва бир қизнинг отаси.





## ДАҚОЙИҚ УЛ-АХБОР

Баъзилар ривоят қилибдурларки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг осий умматларини фаришталар дўзах тарафиға тортиб боратурғон вақтларида ҳаммалари “Во Муҳаммадо” деб йиғлашиб борурлар. Вақтики, дўзахга яқин бориб Молики дўзахни кўрсалар, анинг ҳайбатидин кўрқуб Муҳаммад алайҳиссаломнинг номи шарифларини фаромуш қилурлар. Бас, Молики дўзах булардин “Сизлар кимсизлар?” деб савол қилурлар. Булар Муҳаммад алайҳиссаломнинг номи шарифларини фаромуш қилғон сабабларидин ночор “Бизлар Куръон нозил бўлғон жамоалардиндурмиз ва дунёда рўза тутқондурмиз” деб жавоб берурлар. Бас, Молики дўзах айтурки: “Куръон ҳеч кимга нозил бўлғон эмас, магар Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлғондур. Сизлар ҳам ул кишининг умматларидинсизларму?” Бас, булар Муҳаммад алайҳиссаломнинг номи шарифларини эшитиб, сайҳа тортиб йиғлашиб айтурларки: “Орий, бизлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларидурмиз”. Молики дўзах айтурки: “Эй осийлар, сизларга Куръон нозил бўлғон бўлса, ул Куръонда гуноҳдин манъ қилғон оят йўқ эрдиму? Нечук гунаҳкор бўлдинглар?” Андин сўнгра булар жаҳаннамнинг ёнида туруб, дўзахнинг ўтига ва забонияларга қараб йиғлашиб айтурларки: “Эй Молик, бизларга бир соат ижозат бергил, токи ўз аҳволларимизга йиғлашайлук?” Молики дўзах ижозат берур. Андин сўнгра булар чунон йиғлашурларки, ҳатто кўзларида ёшлари тамом бўлуб, ёш ўрнига кон чиқар. Бас, Молики дўзах айтур: “Эй осийлар, сизларнинг бу йиғламоқларингиздин ҳеч фойда йўқдур. Агар дунёда Худойи таолодин кўрқуб йиғласангизлар эрди, кўзларингизнинг ёши бул вақтда сизларни дўзахдин манъ қилур эрди”. Валлоху аълам.

ЎТТУЗ ЕТТИНЧИ БОБ  
ЗАБОНИАЛАРНИНГ БАЁНИ

Мансур ибн Аммор розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, пайгамбар алайҳиссалом айдилар: “Молики дўзахнинг оёғи ва қўлларининг адади жами аҳли дўзахнинг ададиға баробардур. Ҳар бир қўл ва ҳар бир оёғлари бирла бир кишини ушлаб, гарданиға так солиб қўлини занжир била боғлаб азоб қилурлар. Бас, агар Молики дўзах дўзах ўтиға назар қилсалар, ул кишининг қаҳрларидин кўрқуб ўтлар бирлари бирларини ютарлар”. Яна айдиларки: “БИСМИЛЛАХнинг ҳарфи ўн тўққуз ҳарфдур ва дўзахнинг забониялари ҳам ўн тўққуз ададурлар. Бас, ҳар кимки сидқидил бирла ихлос қилиб БИСМИЛЛАХИР-РОҲМАНИР-РОҲИМ деса анинг ҳурматидин ул банда дўзахнинг ўтидин омон бўлур”.

Хабарда келибдурки, бир куни ҳазрат Азроил алайҳиссалом Искандарияда бир кишининг кўзиға кўрунуб келдилар. Ул киши айди: “Эй меҳмон, сиз ким бўлурсиз?” Азроил алайҳиссалом айдилар: “Ман Азроилдурман”. Бас, ул киши бу сўзни эшитиб тамом аъзоси ларзага кирди. Азроил алайҳиссалом сўрдиларки: “Эй азиз, нима учун аъзоларинг ларзага кирди?” Бас, ул киши айди: “Ё Азроил, дўзахнинг азобидин кўрқуб ларзага кирди”. Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом айдилар: “Эй биродар, санго дўзахдин ҳалос топмоқ учун бир тумор ёзиб берсам хотиринг жам бўлурму?” Бул киши айди: “Орий”. Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом бир қоғозга БИСМИЛЛАХИР-РОҲМАНИР-РОҲИМни ёзиб бериб айдиларки: “Ушбу туморнинг хосиятидин дўзахдин омон бўлурсан. Ҳар кимки, дунёда

сидқидил бирла БИСМИЛЛАХИР-РОҲМАНИР-РОҲИМ деса ва ё ихлос бирла тумор қилиб такса, андоғ банданин баданиға дўзах ўти ҳаром бўлур”.

Забонияларнинг номларини забония демоқнинг сабаби шулки, забониянинг маъниси қўб юкни кўтарадурғон ва қўб иш қиладурғон демоқдур. Булар ҳам қўллари бирла кандоғ иш қилур бўлсалар, оёғлари бирла ҳам ўшал ишни қилурлар. Чунончи, бир қўллари бирла ўн минг кишини ушларлар ва яна бир қўллари бирла ҳам ўн минг кишини ушларлар. Ҳар икки оёғлари бирла ҳам шунча кишини ушларлар. Бас, бирлари қирқ минг кишини ушлаб азоб бермоқға қувватлари кифоя қилур. Аларнинг бирлари Молики дўзахдур, яъни дўзахнинг подшоҳидур. Қолғон ўн саккиз ададлари азоб фаришталариға раисдурларки, ҳар бирларининг ҳукуматларида беадад ва беҳисоб фаришталар бордур. Аларнинг номларини Хозин дерларки, кўзлари яшиндек ва тишлари ҳўкузнинг шоҳидекдур. Лаблари то оёғлариғача тушур ва оғзиларидин ўтнинг шуъласи чиқиб турар. Икки қафтларининг миёнаси бир йиллик йўлдур. Худойи таоло аларнинг дилларида ҳеч раҳм ва меҳрибонлиғ яратган эмас. Алар агарда дўзахда қирқ йил юрсалар ҳам ўт таъсир қилмас. Чунки, фаришталарни Худойи таоло нурдин яротқондур. Нурнинг қуввати ўтдин голиброкдур.

Бас, вақтики, Муҳаммад алайҳиссаломнинг осий умматлари жаҳаннамга яқин борғонларида Молики дўзах забонияларга қараб “Бул осийларни дўзахга тортинглар! “деб амр қилур. Забониялар келиб буларни дўзахга тортиб олиб кирарлар. Булар ҳаммалари ЛА ИЛАХА ИЛЛАЛЛОХУ МУҲАММАДУР-РАСУЛЛОХ деб йиғлашурлар. Андин сўнгра дўзахнинг ўти булардин қочур. Бас, Молики дўзах айтурки “Эй ўт қочмагил ва буларни қуйдургил”. Ўт айтурки: “Ё Молики дўзах, ман буларни кандоғ қуйдурарманки, ҳаммалари калимаи шаҳодат айтиб турубдурлар”. Молики дўзах айтур: “Орий, шундоғдур. Лекин, ҳозир қуйдурмоқға Худойи таоло амр қилғондурки, анинг амри калимаи шаҳодатнинг ҳурматидин зарурроқдур”. Андин сўнгра дўзахнинг ўти келиб алардин баъзиларини қадамлариғача, баъзиларини тиззалариғача, баъзиларини тиллариғача ва баъзиларини ҳалқумлариғача қуйдуриб чиқар. Вақтики, ҳалқумлариғача чиқса, Молики дўзах айтур: “Эй ўт, буларнинг юзларини қуйдурмагил, чунки булар дунёда юзлари бирлан Худойи таолога қўб сажда қилғондурлар. Дилларини ҳам қуйдурмагил, чунки булар дунёда рўза тутуб, ташналик бирла қўб озурда бўлғондурлар”. Андин сўнгра буларнинг юзлари ва диллари боқий қолиб, ўзга аъзолари Худойи таолонинг хоҳлағон вақтиғача азобда бўлур. Валлоху аъламу биссабов.

ЎТТУЗ САККИЗИНЧИ БОБ  
АҲЛИ ДЎЗАХЛАРНИНГ, АЛАРНИНГ ТАОМ ВА  
ШАРОБЛАРИНИНГ БАЁНИ

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурлар: “Аҳли дўзахнинг юзлари қаро, кўзлари хира кўк, ақллари зоил, бошлари гўё бир тоғдек қатта, баданлари сополдек қаттиг, кўзлари гўё бир тўда туфроғдек, сочлари тўқайдаги қамишдек бўлур. Аларнинг терилари етмиш қабат бўлур. Ҳар қабатининг миёнасида дўзахнинг ўтидин етмиш табақа ўт бўлур. Қоринлари йилон ва чаёнлар бирла тўла бўлурки, ул йилон ва чаёнларнинг овозлари гўё эшакнинг ва даррандаларнинг овозларидек эшитилур. Алар занжирлар

ва гуллар бирла боғланурлар. Баданларини фаришталар дўзахнинг анбури бирла узуб олурлар ва гурзи бирла урлар ва дўзахга тортулар. Бул тариқада азобдин халос топмок учун ўлумни орзу қилиб ўлумни тополмаслар ва қайтиб дунёга келмокга ҳаётни тополмаслар”.

Пайгамбар алайҳиссалом яна айтибдурларки, аҳли дўзахлар дўзахда туруб “Худоё, бизларни фаришталар занжир ва гуллар бирла тортдилар. Дўзахнинг ўти бизларни ўраб олиб каттиг азоб берди. Бизларнинг ҳолларимиз хароб бўлди” деб нидо қилурлар. Лекин, аларнинг арзу додларини Худойи таоло ҳеч тингламас ва агар сабр қилсалар сўнгидин шодлик тополмаслар. Занжирга боғланиб, дўзахнинг Сижжийн деган зиндонидо доимо фарёд қилиб, йиғлашиб ётурларки, харгиз андин чиқмаслар. Азобларининг дарозлигининг, маконларининг танглигининг нолиш қилурлар. Баданларидин зардоб оқар. Авратлари очуқ ва бараҳна бўлур. Ранглари туфроғдек губорнок бўлурки, алар Ҳаммалари кофирлардур.

Аммо муъмин гунаҳкорлар учун Худойи таоло жаҳаннамнинг ичида бир тоғ яратқондурки, баландлиги бир минг йиллик йўлдур Бас, алар ҳам дўзахда туруб “Худоё, бизларнинг бадбахтлигимиз галаба қилиб гумроҳ бўлдимиз. Эмди азобларимизни ўзинг енгил қилгил” деб илтижо қилурлар. Андин сўнгра Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй бандалар, ушбу тоғнинг устига чиқинлар, токи дўзах ўтидин узоғ бўлурсизлар”.

Бас, гунаҳкорлар ҳаммалари ул тоғнинг устига бир минг йил йўл юруб чиқарлар. Андин сўнгра тоғ Худойи таолонинг амри бирла аларни отиб ташлар ва алар жаҳаннамнинг тагига йиқилиб тушарлар.

Пайгамбар алайҳиссалом яна айтибдурларки, аҳли дўзахлар ўтнинг иссиғига тоқат қилолмай, Худойи таолодин ёмгурни сўрарлар, дарҳол бир қаро булут пайдо бўлур. Бас, булар ҳаммалари андин умидвор бўлур турарлар. Ул булут аларнинг устига олиб тош ёғдурарки, ул тошлар ҳаммаси дўзахнинг тошларидур. Андин сўнгра яна бир минг йилгача Худойи таолодин ёмгур сўраб турарлар. Андин сўнгра яна бир булут пайдо бўлур ва ул булутни ёмгур булути деб умидвор бўлурлар. Ногоҳ андин йилон ва чаён ёғилурки, хар бири гўё теваинг гарданидек бўлур. Ҳаммаси келиб аларни чакиб захар солурки, анинг алами бир минг йилгача баданларидин кетмас. Қавли Аллоҳ таолоки, **ЗИДНАХУМ АЗОБАН ФАВҚОЛ-АЗОБИ БИМА КАНУ ЙУФСИЛМН**<sup>11</sup> нинг тафсири ҳам шул мазмунга далолат қилур.

Пайгамбар алайҳиссалом яна айтибдурларки, аҳли дўзахлар етмиш минг йилгача фарёд қилиб арз айтурлар. Лекин, молики дўзах буларнинг арзларини тингламас. Андин сўнгра айтурларки: “Ё Молики дўзах, бизларга бир коса тасним (жаннатда бир булоқ бордурки, анинг суви ниҳоятда ширин ва совуқдур. Оти таснимдур) сувидин ичургилки, дўзах иссиғидин ташналигимиз голиб бўлди ва дилларимиз кабоб бўлди. Устухонларимиз кул бўлди. Бас, Молики дўзах аларга жаҳим (дўзахнинг олтинчи табақасининг номидур. Анда бир булоқ бордурки, доим захар қайнаб чиқиб турар)нинг сувидин берурларки, ул сув захар бўлар вақти аҳли дўзахлар ани ичмок учун қўлларига олсалар, ул захарнинг косада туруб қилгон таъсирига панжалари тўқулур тушар. Ани ичмок учун оғзиларига яқин олиб борсалар анинг таъсирига юзларининг териси ва кўзлари эзилиб тушар. Агар андин бир қатрани ичларига ютсалар, анинг таъсирининг ичкалари ва жигарлари пора-пора бўлур. Агар таом деб фарёд қилсалар, фаришталар заққум олиб келиб берурлар. Бас, агар андин андак есалар, қоринларида бор нимарсаларни ва мияларини қайнатур. Оғзиларидин ўтнинг шуъласи чиқиб турар ва ичкалари орка тарафларидин тушуб, ерга сургалиб юрар. Қийр (дўзахда бир чиркин нимарса бўлурки, ниҳоят даражада башбўй захар бўлур) дин либос киярларки, ани киймок учун баданларига солгон вақтларида анинг захридин гўштлари эзилиб оқиб тушар. Бас, бул жамоа мунофиқ ва кофирлардур.

Аммо, муъмин гунаҳкорларнинг кўзлари кўр бўлурки, ҳеч нимарсани кўрмаслар. Тиллари гунг бўлурки, ҳеч сўз

сўзламаслар. Қулоқлари қар бўлурки, ҳеч сўз эшитмаслар. Хар кишининг қорни очса таом емокни хоҳлар. Аммо аҳли дўзахларнинг қоринлари оч бўлса, таомни хоҳламаслар. Чунки, дўзахнинг таоми захардур. Хар мурда мумкин бўлса яна тирилмокни хоҳлар, аммо аҳли дўзахлар ўлмокни хоҳларлар. Чунки, дўзахнинг азобиға тоқат қилолмай, ўлуб халос тополмокни орзу қилурлар. Лекин, ўлум тополмаслар.

## **ЎТГУЗ ТЎҚҚУЗУНЧИ БОБ ДЎЗАХДА БАНДАЛАРНИНГ ҚИЛҒОН ГУНОҲЛАРИГА МУНОСИБ КЎРАДУРГОН АЗОБЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ БАЁНИ**

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурлар: “Манинг умматларим дўзахда ҳаром гўшт бирла семиз бўлурлар. Лекин дин тўғрисида оруғ бўлурлар. Яъни, дини исломда лозим бўлгон ибодатларнинг савобидин маҳрум ва гуноҳидин мамнун бўлурлар. Либос бирла ўралгон бўлурлар, лекин тоатдин бараҳна бўлурлар. Яъни савобдин холи ва маҳрум бўлурлар. Дунёда илм ҳосил қилурлар, лекин илмларига амал қилмаслар. Дунёда зоҳир фойдаларини билурлар, лекин, охиратда кўрадургон ҳолларини билмаслар. Дунёда бозорға бориб қайси тариқа молни хоҳласалар, неча тадбир бирла ани ҳаром қилиб олурлар. Охиратда Дўзахнинг қайси табақасига кирмокларини ва қайси эшиқдин кирмокларини билмаслар. Алар ҳаммалари муъминлик сабабларидин иншалаллоҳ дўзахдин нажот топарлар, лекин олтмиш минг йилгача дўзахнинг азобини тортуларлар”.

Хабарда келибдурки, Мусо алайҳиссалом Худойи таоло бирла роз айтушганларида Худойи таоло айди: “Ё Мусо, дунёда бир ишга аҳд қилиб, аҳдини бузган кишилар ва омонатга хиёнат қилгон кишиларни фаришталар шайтонлар бирла қўшуб, занжир ва гуллар бирла боғлаб дўзахга тортулар ва жаҳаннамга олиб келиб ташларлар. Бас, ул вақтда аларнинг ҳамма аъзолари пора-пора бўлур, гўштлари жаҳаннамнинг бир гўшасига, тамурлари бир гўшасига, ҳоказо хар бир поралари хар бир гўшасига тушар. Бас, ул вақтда вой аларнинг ҳолларигаки, фаришталар ҳаммаларини жам қилиб заққум дарахтининг устига кўярлар. Аларнинг орка тараф авратларидин дўзахнинг ўти қирар ва анинг шуъласи оғзиларидин, мурунларидин, кўзлари ва қулоғларидин чиқар. Анинг иссиғидин миялари қайнаб мурунларидин оқиб турар. Алар кўз учган фурсатнинг миқдорича роҳат тополмаслар. Бу аҳдини бузуб омонатга хиёнат қилгонларнинг азобларидин кофирлар ҳам паноҳ тиларлар. Аммо бул аҳдни бузган ва омонатга хиёнат қилгонлар бенамозларнинг азобларидин паноҳ тиларлар. Бенамозлар зинокорларнинг, зинокорлар ижорахўрларнинг азобларидин паноҳ тиларларки, бу жамоаларнинг ҳаммалари то қирқ йилгача дўзахда азоб тортуларлар”.

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурлар: “Агар дунёнинг ҳамма дарёлари сиёҳ бўлса ва ҳамма дарахтлари қалам бўлса ва ҳамма инсу жинлар жам бўлур киёмат йилларининг ҳуқубларини битсалар, ҳамма дарёлар ва дарахтлар, ҳамма инсу жинлар тамом бўлурлар, аммо ҳуқубларнинг ададини тамом қилолмаслар. Андин сўнгра Худойи таоло яна бул дарё ва дарахт ва инсу жинларга етмиш минг ҳисса дарё ва дарахт ва инсу жин яратиб, аларни ҳам Ҳуқубларнинг ададини билмокга амр қилса, алар ҳаммалари тамом бўларлар, аммо ҳуқубларнинг ададини тамом қилолмаслар”. Бу мазмунга қавли Аллоҳ таолоки, **ЛА БИСИЙНА ФЙЙХА АҲҚОВА**<sup>12</sup>нинг тафсири баён қилдилар. Андин сўнгра айдиларки: “Эй саҳобалар, Ҳуқубнинг маънисини билурсизларму?” Саҳобалар айдилар: “Ё расулulloҳ, ҳуқубнинг маънисини билмасмиз, анинг маънисини нимадур?” Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: “Киёматнинг хар қирқ минг йилининг номини бир ҳуқуб дерлар”. Бас, саҳобалар айдилар: “Ё расулulloҳ, киёматнинг бир йили неча ой бўлур?” Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: “Бир йили қирқ минг ой бўлур”. Саҳобалар сўрдилар: “Хар бир ойи неча



кун бўлур?" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Қирк минг кун бўлур". Саҳобалар айдилар: "Ҳар бир куни неча соат бўлур?" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Қирк минг соат бўлур". Саҳобалар айдилар: "Ҳар бир соати неча муддат бўлур?" Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Ҳар бир соати дунёнинг бир йилига баробардур".

Ҳазрат Абу Хурайра розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Тонгла киёматда дўзахдин бир йилон чиқарки, номи Хурайшдур. Дўзахда бола очурки, болаларининг суратлари чаён суратида бўлур. Анинг боши еттинчи табақа осмоннинг устида ва думи еттинчи қабат ернинг остида бўлур. Ҳар йилда қирк мартаба нидо қилурки: "Шаробхўрлар, бенамозлар, закот бермаганлар ва ижорахўрлар қайдадурлар?! Масжидда ўлтуруб дунёнинг сўзидин сўзлаганлар қайдадурлар?!" Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом ҳозир бўлуб айтурларки: "Эй Хурайш, нима талаб бирла дўзахдин чиқдинг?" Хурайш

айтур: "Беш нафар одамни талаб қилиб чиқдимки, бири - бенамоздур. Иккинчиси - закот бермаганлар. Учунчиси - шаробхўрлар. Тўртунчиси - ижорахўрлар. Бешинчиси - масжидда ўлтуруб дунё сўзидин сўзлаганлардурки, алар манинг таомимдур. Ман гизога аларни ерман. Андин сўнгра бул беш нафар одамни жам қилиб, ҳаммаларини оғзиға олиб яна дўзахга қириб кетар".

### ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

111. Кофир бўлган ва (одамларни) Оллоҳ йўлидан тўсган кимсаларга бузгунчилик қилганлари сабабли азоб устига азобни

зиёда қилурмиз. (16 - 88).

112. Улар у жойда узоқ замонлар (яъни абадуд-абад) қолгучидирлар (78 - 23).

### НАЗМ

Илҳом АҲРОР

## ЙИҒЛАМА, ҲЕЧ ҚАЧОН ЙИҒЛАМА, ГУЛИМ...



### ХУЛОСА

Кўйнингга кириб олганча  
баҳор билан гап талашди ел.  
бундан сенинг сочинг оқарди, олча?!

Бош - савдолар ўчирган бир ун,  
Курулсизга ташланмас ёв ҳам  
қалпоғим йўқ, ахир, изғирин.

Асаб бузиладиган муҳит - зулумот.  
Шундан ишга боришдан олдин,  
куёшга бир қараб оламан?!

Яна, яна ўша хулоса:  
балиқлар тинч бўлармиш  
мушук сичконни еса?!

Машинани нима қиламан, ахир  
кўча болалари қув-у  
хайдагани кўйишмайди, барибир.

Қаридим - тўшакка йиқилдим:  
ҳолингизга ачиниб ўтирибман, чумолилар  
ахир, сиздан ўтиб нима иш қилдим?!

Яна кўз олдинда тугади йўлим, -  
кўнглимдаги гулга салқини ураб,  
йиғлама, ҳеч қачон йиғлама, гулим?!

\*\*\*

Ўғлим Элдорга  
Ҳаммаси жонимда - ёнар ўтдайман, -  
Ҳимоясиз қолай ортга қайтмайман?  
Алпомишдек кучинг бўлганида ҳам,  
Ғанимларим кимлар, сенга айтмайман?!

\*\*\*

Емиши хайратдир бунда дийдорнинг  
Вакт ўйнатар вақтни ноғорасида.  
Ким билар, ўзгарган номини орнинг  
Ким оҳанг чиқарар тоғорасида.  
Елка - ҳар кибрли бошга чегара,  
Ҳурмат эса кенглик, азиз ўриндош.  
Кўнгил сўраб борса, дема бечора,  
Тиланчи эмас у - сенга қариндош?!

\*\*\*

Шаън қанори тўла ҳақорат, губор,  
Ажаб, шу ҳолида истар эътибор.  
Унинг суҳбатида кўриб оқилни,  
Ҳайрон қолдим, кимнинг кимда гапи бор?!

### ТАБИИЙ МАСХАРА

Топишганча элга нотаниш юзлар,  
Фақат бир-бирига кўзларин тиккай.  
Шу маълум оломон ичра кезади  
Бурни артилмаган битта болакай.  
Турли киёфага боқади маъсум:  
Кийинишлар бир хил, бу қандай тартиб?  
Уларга қасдама қасд, уларга қарши,  
Бола мишиғини олмайди артиб!

\*\*\*

Сой ёкалаб келардим, кишлоғим  
сув тилида қайт, деди...

Илҳом АҲРОР 1960 йилда Бухоро вилояти,  
Шофиркон туманининг Маҳаллиболо қишлоғида  
туғилган. Шеърлари 1981 йилдан буён республика  
матбуотида чап этиб келинади. "ТАДОРИК" шеърлар  
китобининг муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси.

Ҳозир шоир Республика радиосида катта  
муҳаррир вазифасида хизмат қилади.



Саҳобиддин ХЎЖАНОВ

## ХАЁТ ҚАДАР УЗУН ЙЎЛ...

(47 та ҳўкизни яриб улдирган инсон)

Ёдингизда бўлса, журнaлимизнинг ўтган йил 4-сонидa эълон қилинган "Қомил инсонлик йўлидa" мақоласидa Сиз шaрк якқaқурашининг дунё миқёсидa оммалaшиб келaётган "Киокушинкa Каратэ До" тури хaмдa уни Ўзбекистондa ривожлaнтириш учун астойдил хaрaкaт қилaётган Ўқтaм Муродов билaн тaнишгaн эдингиз.

Қўп сонли мухлисларимизнинг илтимосигa кўрa, журнaлимизнинг келгуСИ сонидaн бошлaб ушбу спорт тури, унинг асосчиси ҳaқидa маълумотлар бериш хaмдa сиртқи машғулотлар дaрсларини ўтишни режaлaштириб қўйдик.

Дaрвоқе, сенсей Ў. Муродов ўз шогирдлари билaн феврал ойиндa Техрондa ўтaётган Хaлқaро турнирдa иштирок этмоқдa. Биз ушбу мусобaқa ҳaқидa хaм "Ёшлик" сaҳифaларида бaтaфсил маълумот бериш ниятимиз бор.



Халим САЙИД.

Изтироб билан ёзилган мақола ёхуд миллатпарвар  
Бехбудий ва миссионер Остроумов баҳси

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ.

Орзу дайрида

Минҳожиддин МИРЗО.

Қайғу гули.

Муҳаммад ИСМОИЛ.

Ҳамонки самода юлдузлар ёнар...

Музаффар АХМАД.

Сарагул.





Нишонбой ХУСАНОВ,  
филология фанлари номзоди

## “...ОДАМ ЎҒЛИ БЎЛ”

XV аср туркий ёдномаларида “Куръони карим”дан ўрин олган йигирма беш пайгамбар учраса-да, ушбу мақолада илк элчи ҳисобланмиш Одам Ато борасида мулоҳаза юритамиз.

Одам қадимий яҳудийча Адам (қизил тупрок) сўзидан олинганлиги илмий адабиётларда эътироф этилган. Тарихий ёдномаларда эса бу сўз ўзига хос талқинда учрайди. Куръоннинг “ХИЖР” сураси 26-оятда “Одамни асли қора ботқоқдан бўлиб қурилган лойдан яратганмиз” дейилса, “Қисаси Рабъузий”да Одам турли рангдаги тупроқлар қўшилмасидан яратилганлигига ишора қилинади. Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да ёзилишича, “Шунинг учун Одам дейилганки, муборак жисмлари ер юзаси (адимий замин)дан олиб яратилган. Шу сабабли унга Одам деб исми қўйишди. Баъзилар фикрича, Одам алайҳис-саломнинг покиза бандалари бугдой ранг бўлган. Шунинг учун Одам деганлар. Бошқа бировларнинг айтишича, сув билан тупрок аралашмасига Одам дейилган”.

Абулғозий Баҳодирнинг “Шажараи турк” асарида “Лафзи одам араб тили турур. Ернинг киртишини одим дер. Азроил тупрокни ернинг ичидан олмади, тақи киртишидан олиб эрди, анинг учун Одам тедилар”, дейилади.

Одам сўзининг диний ва илмий адабиётлардаги, турли дўғатлардаги изоҳининг қиссий таҳлили шунини кўрсатадики, бу сўз XV аср ёдномаларида қуйидаги маъноларни билдириб келган: 1. Одам Ато. 2. Инсон, одам. 3. Қора лойдан яратилган. 4. Тупроқдан яратилган. 5. Қизил тупрок. 6. Бугдой ранг. 7. Ернинг устки қисми (пўсти) - адим.

XV аср ёдномаларида Одам услубий восита сифатида турли бадий санъатларни бажариб келади. Навоийнинг “Хайратул аброр” достонидан биринчи пайгамбар - Одам Ато ва сўнгги пайгамбар Муҳаммад таърифида шундай сатрлар мавжуд:

*Бўлди санга Одам сабқатнома  
Аввал ўғил, сўнгра гар ўлса ато.  
Наслида ҳар қим анга пайванд ўлуб,  
Барчаси фарзандинга фарзанд ўлуб.  
Қимки шунга давъийи ҳужжат етар,  
“Қунту набийян” анга ҳужжат етар.  
Ўзга далил истаса таъби сақим,  
Басдур Одам “алиф” “долу” “мим”.  
Барчаси Аҳмадда топиб иззу шон,  
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.  
“ХО”и муҳаббат санга ўқдир насиб.  
Қим сени ҳақ, дейди ўзига ҳабиб.*

Шоир инсоният Одам Атодан тарқалганини таърифлар экан, икки далил келтиради. Биринчиси, тангрининг “Қунту набийян” деган сўзи бўлиб, у “пайгамбарлар яратилган” деган маънони англатади.

Иккинчи далил шуки, Одам арабча “алиф”, “дол”, “мим” ҳарфларидан иборат бўлса, охириги пайгамбар Муҳаммад яъни Аҳмад ҳам шу ҳарфларни “атоси” Одамдан олган. Аҳмаддаги “хо” ҳарфи эса муҳаббатни англатади, яъни оллоҳ Муҳаммадни ҳабиби ҳисоблайди.

Навоийнинг маҳорати шундаки Одам ва Аҳмад исмларининг таърифида бир қатор бадий санъатлардан моҳирона фойдаланган: “алиф”, “дол”, “мим” ҳарфлари орқали Одамни ясаб истихрождан, “Қунту набийян”ни келтириб тамсилдан, ҳабиб ва муҳаббатни келтириб иштиқоқдан фойдаланган.

Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома” асарида эса Одам ва Муҳаммад исмлари таносуб ва раддул ажиз ал ас садр санъатларини ҳосил қилган:

*Жаҳону жони оламдур Муҳаммад,  
Бани Одам ҳам Одамдур Муҳаммад.*

Лутфий маъшуқасини таърифлаб ёзади:

*Шукр учун юз сажда қилгай кўзлари, ҳам ёругай,  
Кўрса гар Одам сенигдек нозанин фарзандини*

Шоир Куръондаги “Усжуду ли Аадама” яъни, “Одамга сажда қилинг” иборасидан ижодий фойдаланиб, ҳаттоки Одам Ато ҳам сендай гўзални кўрса юз марта сажда қилади деган фикрни ифодалаган ва тамсил санъатини маҳорат билан қўллаган.

Одам ёдномаларида пайгамбар исми сифатидан ўнлаб бадий санъатларни юзага келтирган ва мазмунни тўлиқроқ ифодалашга хизмат қилган.

Ёдномаларда турли воқеалар, қаҳрамонлар ҳақида маълумотлар тасвирланиб тўсатдан Одам сўзи ишлатилади. Жумладан Навоий Лайлини таърифлаб ёзади:

*Юз равзом ҳулддин нишона,  
Хол анда фиреб этарга дона  
Ул донана сайд ўлуб бир одам,  
Бу донана барча аҳли олам.*

“Лайлининг юзи жаннат боғларидан нишона, юзидаги хол эса алқовчи бир донадир. Жаннатдаги бу донана бир одам асир бўлган бўлса, Лайлининг холига бутун олам асир”, деб тушуниш хато бўлмаса-да, Навоийнинг “бир одами” нисбатан ноаниқ бўлиб қолган. Шоирнинг маҳорати шундаки, одам Атонинг жаннатдаги бир хатосига (сайд) ишора қилган, яъни Одам Ато ва Ҳаввога жаннатда ҳамма нарсадан эса ҳам бугдойни емаслик буюрилади. Аммо Иблис “тиши кўнгли юмшоқ бўлур” деб Ҳаввога сўзлади: “Ҳеч билурмисан, бу бугдой йиғочиндан сизни тангри нечун йиғди”. Ҳавво айди: “билмасман”. Иблис айди: “Анинг учун йиғдиким, ул йиғочдин эса ужомоҳда мангу қолур, ўлум кўрмас, тақи ужомоҳ мулкиндин арзилмас теб”. Ҳаввонинг ул сўзга кўнгли майл бўлди, кўбди. Ул манким йиғочинга теғди. Бир бутуқ сижди, Одам келтурди айди: “Бу бутуғ тотлиғ эрмиш, ман едим бош қилмади, егил”, деди. Одам ул соатда аҳдни унутди. Ул увукни оғзимга солди, чайнади, бўғзига тикилишда ул аҳдни анғди. Ичкару киргаш измади, ташқарума чиқару билмади. Қирмасун деб илки бирла бўғзин тутти. Ул увун бўғзинда юмғоқ қолди. Ул сабабдин эранлар бўғзинда ул юмғоқ бор, тишларда йўқ”.

Кўриниб турибдики, бир одам - Одам Ато бўлиб, ул донана эса бугдой донаси экан. Демак, бир донана бугдой Одам Атони сайд этиб жаннатдан қувилишига сабаб бўлса, Лайлининг холи бутун оламни асир қилади.

Одам ёдномаларда пайгамбар исми ва инсон маъносида баробар қўлланилган. Ҳофиз Хоразмийнинг қуйидаги байти бунинг ёрқин далилидир:

*Агар шоҳи замон бўлмоқ истасанг Одам ўғли бўл,  
Мажмуъи жаҳоннинг ичра барҳақ шоҳ Одамдур.*

Бу байтда Одам икки маънода (комил инсон, Одам Ато) келиб, ийҳомни ҳосил қилган.



Акбарали МАМАСОЛИЕВ чизган расм